

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРКИНОВ Б.Б.
ЭРГАШХЎЖАЕВА Ш. ДЖ.

ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

МОНОГРАФИЯ

Тошкент-2016

УЎК: 336.763.217

КБК 65292

М-23

Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Д. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий – услубий асослари. – Т: “Fan va texnologiyalar” 2016, 211 бет.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгаши қарори билан чоп этишга тавсия қилинган.

Тақризчилар: Суюнов Д.Х. – и.ф.д., профессор
Маҳкамова М.А. – и.ф.д., профессор

Маъсул мухаррир: Беркинов Б.Б. – и.ф.д., профессор

Монографияда мулк ҳуқуқи алмашиши ва корхоналар бизнес - жараёнларида иқтисодиёт субъектларининг ўзаро трансакция муносабатларини амалга оширишда юзага келадиган трансакция харажатларини таҳлил қилиш ва уларни бошқаришнинг назарий, илмий-услубий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Шунингдек, монографияда трансакция харажатларини бошқариш концепцияси, уларни камайтириш тамойиллари ҳамда меъзонлари тақлиф қилинган.

Монография илмий ходимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, малака ошириш тузилмалари тингловчилари, талабалар, давлат бошқарув ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларига мўлжалланган.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилаётган Ф-1-68 рақамли фундаментал илмий лойиҳа натижалари асосида ёзилган ва чоп этилган.

**© “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2016
Кириш**

Ўзбекистонда машхур 5 тамоил асосида босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислохотлар жараёнида мамлакатда хусусий мулкчилик устувор бўлган кўп укладли иқтисодиёт шаклланди ва у барқарор ривожланиш босқичига ўтди. Шу билан бир вақтда улар фаолият юритишини белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормаларни ўз ичига олувчи институционал муҳит ва бозор механизмлари яратилди. Ана шу бозор механизмларини самарали ишлаши институционал муҳитнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ ҳисобланади. Иқтисодий ўсишнинг институционал омиллари ривожланиши трансакция муносабатлари (мулк ҳуқуқи алмашинувидаги шартнома муносабатлари) ҳамда унда юзага келадиган трансакция ҳаражатларини ҳисобга олиш ва уни ишлаб чиқариш жараёнига таъсирини баҳолашни талаб этади.

Тадбиркорлик субъектлари самарали ишлаши кўп жиҳатдан трансакция ҳаражатларининг вужудга келиш шартлари ва улар ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан такомиллашиб борувчи институционал муҳитда трансакция ҳаражатларининг шаклланиши, уларни камайтириш ва оптималлаштириш миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлаш учун объектив заруриятдир. Шуларни инобатга олганда, трансакция муносабатлари ҳамда уларни амалга оширишда юзага келадиган ҳаражатларни бошқариш, таҳлил қилиш ва тартибга солишнинг назарий ва илмий-методологик асосларини ўрганиш мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири – тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш ва давлат томонидан уни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди”¹. Бугунги кунда республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 56,7 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу соҳада жами саноат маҳсулотининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда².

Ана шу рақамларда кўриниб турибдики, кичик бизнес иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

² Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

катта роль ўйнамоқда. Шу билан бир вақтда кичик бизнес корхоналарини иқтисодиётимиз ривожига ролини янада ошириш, бозор муносабатларида юзага келадиган тадбиркорлар томонидан қилинадиган трансакция харажатларини камайтириш ҳам киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, трансакциялар ва трансакция харажатлари барча шаклдаги иқтисодий ҳамкорликда мавжуд. Аммо улар моҳияти, турлари ва намоён бўлиш қонуниятлари ҳақида билимлар етишмаслиги тадбиркорлар томонидан ўз ишини очишга ва уни юритишга сарфланадиган трансакция харажатларини камайтириш ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишни бирмунча кечиктирмоқда.

Шу билан бир вақтда тадбиркорлар ўз маҳсулотларини экспорт қилиши ёки ички бозорда сотиши билан боғлиқ ахборотни қидириш (битим ёки шартномани тузишдан олдин ахборотни йиғиш); музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш (ноаниқ тузилган, нотўғри расмийлаштирилган битим туфайли юзага келган ҳолатлар); стандартлаш (ўлчаш, сертификат олиш, ўз ўлчовини юритиш, хавфсизлик чора-тадбирларини амалга ошириш, хатолар туфайли йўқотишлар); мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялаш (хўжалик суди, сертификатлаш органларини сақлаб туриш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун зарур бўлган чикимлар, уларни қониқарсиз ҳимоялаш туфайли йўқотишлар); битим шартини бузувчи ва бу билан зарар етказувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга катта маблағлар сарфлаши кузатилмоқда.

Ушбу муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича қўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимлари тадқиқот ишлари олиб борган. Улар тадқиқотларида трансакция харажатлари моҳиятининг назарий жиҳатлари ҳамда уларни иқтисодиёт, айрим йирик тармоқлар ҳамда корхона миқёсида камайтиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган. Шу билан бир вақтда трансакция ва трансакция харажатларини ҳисобга олиш услубияти, бошқариш ва захираларни аниқлаш ва бошқа шу каби жиҳатлар ҳам ўрганилган. Шунга қарамасдан трансакция муносабатлари ҳақида тадбиркорларга маълум бир тушунчага эга бўлиш имкониятини берувчи манба деярли йўқ.

Шуларни ҳисобга олиб ушбу илмий монографияда трансакциялар ва трансакция харажатлари тушунчаларининг мазмун – моҳияти, унинг келиб чиқиш сабаблари, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарини шу жумладан кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш учун ҳукумат томонидан турли хил тадбиркорлик харажатларини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора – тадбирлар натижалари ҳақида таҳлилий маълумотлар ўрин олган ва ушбу соҳада трансакция харажатларини пасайтириш йўллари асослан берилган.

Шулар билан бирга монографияда республикамизда трансакция ва трансформация харажатларини тадбиркорлик субъектлари ва иқтисодиёт тармоқларида мулкчилик ҳуқуқларини алмашинуви жараёнида, айниқса хизмат кўрсатиш шартномаларини (трансакциялар) тузиш ва уни бажаришда келиб чиқадиган харажатларни пасайтириш муаммолари таҳлил қилинган ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб корхоналарда

трансакция харажатларини босқичма-босқич камайтириб боришнинг услубий жиҳатлари ҳамда йўналишлари таклиф этилган.

Маълумки, Ўзбекистонда мулк ҳуқуқлари алмашишининг хусусийлаштириш йўналишида ҳозирги кунда янги босқичи бошланди. Бу босқич Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 28 апрелда қабул қилган “Иқтисодиётда хусусий мулк улуши ва аҳамиятини ошириш чоралари тўғрисида”ги Қарори билан боғлиқдир. Президент қарорига кўра акциядорлик жамиятларидаги давлат улушлари ҳамда бошқа давлат активларини инвесторларга, биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотиш ва шу орқали хусусий мулкни янада ривожлантиришга кенг йўл очиш кўзда тутилган. Ушбу жараён иқтисодиёт субъектлари билан ички ва ташқи инвесторлар ўртасида трансакция муносабатларининг янада фаоллашувига олиб келади.

Шуларни ҳисобга олиб монографияда давлат активларини хусусий мулкга сотиш жараёнида иқтисодий агентлар ўртасида тузилган трансакция (шартнома)ларининг таркиби ва уларни камайтириш йўллари таклиф қилинган. Шу билан бир вақтда монографияда Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларидаги трансформация харажатлари таркиби таҳлил қилинган ва баҳоланган.

Ушбу монография трансакция харажатлари тўғрисидаги назарий ҳамда усулбуй билимлар доирасини кенгайтиради ва республикада мулк муносабатларини кенгайтиришга ҳамда хусусий мулкдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Монография материалларидан “Иқтисодий назария”, “Институционал иқтисодиёт” ва “Макроиқтисодиёт” фанларини ўқитишда фойдаланилиши мумкин.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилаётган фундаментал тадқиқотлар давлат дастури доирасида бажарилган илмий ишлар натижалари ҳисобланади ва бу республикада хусусий мулкчиликни барқарор ривожлантиришга маълум ҳисса қўшади.

1-боб. ТРАНСАКЦИЯЛАР ВА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ЁНДАШУВЛАР

1.1. Трансакция тушунчасининг моҳияти ва унинг турлари

Инглиз тилидаги “transaction” (трансакция) сўзини икки таркибий қисмга ажратиш мумкин. Бу ерда “trans” (транс), ўзбек тилида “ўзаро” сўзини билдиради, “action” (акция) эса – “ҳаракат” деганидир. Булардан келиб чиқадики, “трансакция” сўзи “ўзаро ҳаракат” деган маънони билдиради.

Демак, “трансакция” сўзининг луғавий маъноси – бу иқтисодиёт субъектларининг ҳар қандай ўзаро ҳаракатини ёки ўзаро муносабатини англатади, қайсики бунда ҳеч бўлмаганда битта ҳамкор иштирок этиши зарур. Шундай қилиб трансакция иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорлик – биргаликда ҳаракат орқали фаровонликни ошириш имкониятларини акс эттирувчи муносабатдир.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, “трансакция” тушунчасига муаллифлар ёндашувига ҳамда тадқиқот объектига қараб турлича таърифлар берилган.

Трансакция – бу товарларни ўзаро алмашиш эмас, балки жамият томонидан яратилган мулкчилик ҳуқуқлари ва эркинликлардан ўзгалар фойдасига воз кечиш ва уларни ўзлаштириш ҳисобланади. Ушбу тушунчани илмий муомалага биринчи марта Жорж Коммонс [86] киритган. Юқорида келтирилган трансакция таърифидан шу нарса келиб чиқадики, трансакциянинг маъноси қандайдир нарсаларни бевосита алмашишни амалга оширишдан эмас, балки қандайдир активларга бўлган муайян ҳуқуқларнинг бир субъектдан бошқасига ўтишини англатади.

Трансакция – бу иқтисодий жараён ҳисобланади, ушбу жараёнда унда иштирок этувчи томонлар муайян иқтисодий мақомга (мулкдор, фойдаланувчи мақоми ва ҳ.к.) эга бўлишади ёки бошқалар ундан воз кечади.

Бозор муносабатлари шаклланиши иқтисодиётда трансакция категориясининг моҳияти И.П.Булеев ва О.В.Шепеленко [49] илмий ишида чуқур таҳлил қилинган. Уларнинг таъкидлашича, айрим муаллифлар трансакцияни мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш юзасидан шартнома деб тушунишади. Ушбу муаллифлар трансакцияни кенгрок тарзда кўриб чиқишни таклиф этишган. Уларнинг фикрига кўра, трансакциялар маркетинг, менежмент, логистика жараёнларини белгилаб беради ва битимлар, шартномалар, контрактларни ўз ичига олади.

Украиналик тадқиқотчи В.В.Дементьев [48] трансакцияларни агентларнинг сиёсий ва иқтисодий тенг эмаслиги жиҳатидан қараб, бунда бир агент бошқасига таъсир кўрсатиши ва уни муайян ҳаракатларни бажаришга мажбур қилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Россиялик тадқиқотчи С.В.Крикавский [56] трансакцияларнинг маркетинг ва логистика, ишлаб чиқариш, молиядаги ҳаракатини ҳисобга олишни таклиф этади. Ўз тадқиқотларида О.В.Тарасенко [69] корхонани ташкил этишнинг турли вариантларида (якка тартибда эгалик қилиш, ширкат, корпорация, молиявий компания, нотижорат ташкилот) трансакция

харажатларини белгилаб берувчи омиллардаги эҳтимолий фарқларни таҳлил қилган. Шунингдек, О.В.Тарасенко давлат бошқаруви даражасида трансакция ва унга қилинадиган харажатларнинг шаклланиши масалаларини ҳам кўриб чиққан. Ушбу муаллиф таҳлиллар натижасида «тартибга солувчи органлар истеъмолчи-ишлаб чиқарувчилар фойдасига фаолият кўрсатишга мойил эмас, бунинг ўрнига улар қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи ҳоқимиятга тегишли бўлган бошқарув тузилмалари олдида жавобгарликка эга. Бунда ушбу органлар ўз юқори ташкилотлари олдида ахборотни олиш ва унга ишлов беришда қиёсий устунликка эгалар» деган хулосага келган.

Трансакция тушунчаси моҳиятини кенгрок, давлат мулки объектларини хусусийлаштириш чоғида уларга нисбатан мулкчилик ҳуқуқларини бошқаларга (нодавлат шахсларга) ўтиши жараёни нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин. Одатда хусусийлаштирилаётган давлат мулкига нисбатан мулкчилик ҳуқуқини бошқаларга бериш жараёнида иштирок этувчи иккита шахс мавжуд бўлади. Биринчиси, бу Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг ўзи ёки унинг ҳудудий бошқармаси (давлат мулкининг тасарруф этувчиси сифатида) ва хусусий инвестор (объектни нақд маблағлар эвазига ёки инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олиш ҳисобига сотиб олишга тайёр бўлган шахс). Биринчи шахсда давлат активи ёки мулкый мажмуа мавжуд бўлиб, у уни сотишни режалаштирган. Инвесторда эса маълум миқдорда пул маблағи мавжуд бўлиб, у ушбу активларни сотиб олишни истади. Классик иқтисодий назарияга мувофиқ бу ерда бир ҳаракатнинг ўзида Давлат мулки қўмитасининг сотилаётган активларга нисбатан ва давлат активларини сотишга рози бўлган пулга (шу жумладан инвестиция мажбуриятларига) нисбатан муносабати кўриб чиқилади. Сўнгра, ушбу назария асосида хусусий инвесторнинг пулга нисбатан ва ўзидаги мавжуд пулни давлат активлари учун беришга рози бўлган активларга нисбатан муносабатини кўриб чиқади. Коммонсинг трансакцияга берган таърифи моҳиятидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, бунда “давлат активлари” ва “инвесторнинг маблағлари” предметлари ўзгармайди ва юқорида тилга олинган шахслар ўртасидаги эмас, балки ушбу шахслар (Давлат мулки қўмитаси ва хусусий инвестор)нинг давлат активлари ва маблағларига бўлган муайян мулкчилик шакллари ўртасидаги мувозанатга эришилади. Шунинг учун бу ерда, Давлат мулки қўмитаси – давлат активи билан хусусий инвестор – пул ўртасидаги муносабатлар эмас, балки юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқиш лозим.

Неоклассик мактаб вакили Е. Беём-Баверк [38] фикрига кўра, мулк эгасини (бизнинг мисолда Давлат мулки қўмитаси) ва хусусий инвесторни бир биридан тўлиқ ажратилган ҳолда кўриб чиқиш мумкинлигини таклиф этади. Инвестор маблағларга эга бўлиб ва уларни қандайдир давлат активига қўяётиб, дастлаб актив эгасини қидиради, фаолиятини таҳлил қилади ва маъқул бўлса харид қилади, лекин бунда, масалан, корхонанинг собиқ бош директорига эътибор қаратмайди. У фақат давлат активига товар сифатида

карайди ва у билан қандайдир муносабатларга киришмайди. Фикримизча, ушбу ҳолатларда Коммонс фикри асослироқ ҳисобланади.

Иқтисодиётдаги бошқа бир ҳаётий вазиятга, яъни унда томонлар ишлаб чиқариш ускунасини акциялар билан алмашадиган (қайсиким, бир шахс муайян миқдордаги акцияларга, ишлаб чиқариш ускунасини алмаштирадиган) ҳолатга мурожаат этайлик. Бундай битимлар амалда тез-тез учраб туради. Албатта, ишлаб чиқариш ускунасини сотувчини акцияларнинг ўзи қизиқтирмайди. У ушбу акцияларни чиқарган корхона ҳақида ҳамма нарсани билиши керак. Шунинг учун у авваламбор мазкур корхона ҳақида ахборот тўплашига, сўнгра эса, агар акциялар ўрнига жиҳоз етказиб берилса, у ушбу корхонани самарали назорат қила олиш-олмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал этишига тўғри келади. Яъни ишлаб чиқариш ускунасининг сотувчиси ўзининг акциялар билан эмас, балки контрагент билан ўзаро муносабатларини кўриб чиқади. Бу ҳолат ҳар қандай узок муддатли бошқа етказиб беришларга ҳам тааллуқли.

Янада соддароқ мисолни кўриш мумкин: масалан, бирор объектни сотиб олиш. Объект анча қиммат туриши мумкин ва, албатта, харид қилиш чоғида нафақат объект, балки сотувчининг ўзи ҳам ўрганилади. Объектнинг фаолият кўрсатиши, қиймати ва бошқа масалалар кўриб чиқилади. Кўплаб “агарда” деган ҳолат пайдо бўлиши мумкин. Ушбу “агарда” деган савол институционал иқтисодиёт, трансакциялар назарияси ёндашуви негизида кўриб чиқиладиган масалалар доирасига киради. Юқорида трансакция тушунчасига таъриф берган Коммонснинг фикрига кўра, ушбу ўзаро муносабатлар қандай қурилганлиги, яъни у қандай тартибга солиниши баҳоланиши керак. Мулкчилик ҳуқуқлари ва уларни бошқаларга ўтиши топширилиши механизми таҳлил қилиниши лозим. Айнан мулкчилик ҳуқуқларини алмаштириш, мулкчилик ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш механизмлари, Коммонс [86] нинг фикрига кўра, иқтисодий таҳлилнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Трансакциянинг фақатгина таклиф этилган таърифи, тушунчалар тизими доирасида хўжалик фаолиятининг турли шакллари таҳлил қилиш имконини беради. Бу билан ушбу изоҳланган таърифлар – муқобил ва (ёки) ўзаро бир-бирини тўлдирувчи иқтисодий тизимларни таҳлил қилиш нуктаи назаридан умумий унсур ҳисобланади.

Трансакциянинг таърифи ва унинг изоҳлари трансакция турларини кўриб чиқиш ва турли хилдаги трансакцияларнинг биргаликда мавжуд бўлиши, уларнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш жараёни нима билан шартланганлигини аниқлашга имкон беради.

Трансакцияларни турларга ажратишнинг аҳамияти шундан иборатки, у иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги алмашувларга воситачилик қилувчи муқобил вариантларни қиёсий таҳлил қилиш имконини беради. Муқобил вариантлар – бу иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги чекланган неъматлар борасидаги ўзаро ҳамкорликка воситачилик қилувчи қоидаларнинг тизими

ёпиқ (бўлинмас, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи) тўпламлар йиғиндиси ҳисобланади.

Трансакцияларни таснифлаш вариантларидан бири Ж. Коммонс [86] томонидан таклиф этилган. У трансакцияларнинг учта хилини ажратди, яъни савдо, бошқариш ва мукаммаллаштириш трансакцияси.

1) Савдо битими трансакцияси – мулккий ҳуқуқ ва эркинликларни тасарруфидан чиқариш ва ўзлаштириш жараёнини амалга оширишга хизмат қилади ва унинг амал қилиши учун иқтисодий манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда икки томоннинг розилиги керак бўлади.

2) Бошқарув трансакцияси – бунда асосий тушунча одамлар орасида бўладиган бошқарув муносабатлари бўлиб, ушбу ҳолатда қарор қабул қилиш ҳуқуқи фақат бир томонда бўлади.

3) Мукаммаллаштириш трансакцияси – бунда томонлар ҳуқуқларининг номутаносиблиги кузатилади, бироқ бошқарувчи томон ўрнида ҳуқуқлар таснифини амалга оширувчи жамоа бошқарув органи иштирок этади. Бундай трансакциялар орқали иқтисодий агентлар орасида бойлик қайта тақсимланади.

Савдо битими трансакциясида мулкчилик ва эркинлик ҳуқуқларини амалда қўлга киритиш ва улардан воз кечишни амалга ошириш учун тарафларнинг улардан ҳар бирининг иқтисодий манфаатига асосланган икки томонлама розилиги зарур. Савдо битими трансакцияси – унда тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ўхшашлиги шартларига амал қилиш мумкин бўлган ягона шакл.

Бундай савдо битими трансакциясига ёлланма ходим ва иш берувчи (ёки улар иттифоқлари)нинг меҳнат бозоридаги ҳаракатлари, қонун чиқарувчиларнинг сиёсий бозоридаги хатти-ҳаракатлари, кредитор ва қарздорнинг вақтинчалик бўш турган пул маблағлари бозоридаги ҳаракатлари мисол бўла олади. Тарафлардан ҳар бири алмашувда иштирок этиш тўғрисида мустақил тарзда яқуний қарор қабул қилади. Шу нуқтаи назардан савдо трансакцияси ҳуқуқий жиҳатдан тенг, лекин музокаравий кучда тенг бўлиши шарт бўлмаган, тарафлар ўртасида амалга оширилади.

Бироқ, ҳар қандай ҳолатда савдо битими трансакциясининг моҳияти алмашувчи тарафлар ўртасидаги ихтиёрий келишув асосида мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашишдан иборат, бу ушбу иқтисодиёт субъектлари ҳуқуқий муносабатларининг ўхшашлиги оқибатидир.

Бошқарув трансакциясида инсонлар ўртасидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқи фақат бир тарафга тегишли бўлганда ўзаро ҳамкорликни назарда тутувчи бошқариш-бўйсунуш муносабати энг асосий ҳисобланади. Трансакцияларнинг ушбу тури корхонанинг ички муносабатларида, бюрократик ташкилотларда, шунингдек, кенг маънода – ички поғона муносабатларида мавжуд. Бошқарув трансакцияси шунинг учун мавжуд бўладики, қарор қабул қилиш ҳуқуқи, ундан кутилаётган фойда бозордаги иш ҳақининг бозор ставкасига мос келадиган фойдадан юқори бўлиши лозим бўлган даромадга алмаштирилади. Шу муносабат билан ишчи кучини ёллаш

бўйича шартномалар, алоҳида ҳуқуқ сифатида эркинликни ажратиш зарурлигини белгилаб берган ҳолда бошқа ихтиёрий шартномалардан тубдан фарқ қилади.

Бошлиқ билан ходимнинг расмий қоидаларга мувофиқ ўзаро ҳамкорлиги бошқарув трансакциясига оддий мисоллар бўлади. Бошқарув трансакциясида хатти-ҳаракат ноўхшаш (асимметрик) хусусиятга эга, чунки тарафларнинг ҳуқуқий ҳолати ва, ўз навбатида, ҳуқуқий муносабатлар ҳам бир хил эмас. Савдо битими трансакциясининг объектлари алмашиладиган неъматларга бўлган ҳуқуқлар бўлса, ҳуқуқий муносабатлар тарафларидан бирининг хатти-ҳаракати бошқарув трансакциясининг объекти ҳисобланади.

Агар трансакция ўз тушунчасига мос келса, бошлиқ бу билан бевосита ўз истагини ифода этган ҳолда буйруқлар беради, ишчилар ёки ходимлар эса, бу уларнинг манфаатларига мос келиш-келмаслигидан қатъий назар ушбу буйруқларни бажаради. Буйруқ – бу ишчилар ва ходимлар қўллаши мумкин бўлган йўл қўйиладиган ҳаракатлар тўпламини бир томонлама чеклаш.

Мазкур ҳолатда буйруқлар ўртасидаги фарқлар катта аҳамиятга эга эмас. Танлаш муаммоси атамаларида бу шуни англатадики, муқобил вариантларни баҳолаш тартиботи уларни танлаб олиш сифатида фақат бир муқобил вариантни қулай тарзда қолдирувчи бошқариладиган чекловлар учун сиқиб чиқарилади. Ҳеч бўлмаганда соф бошқарув трансакциясининг энг содда варианты шу тарзда намоён этилиши мумкин. Ўз навбатида, чекловлар самарадорлиги хатти-ҳаракатни санкциялашнинг нафақат рағбатлар ва жарималар таркибини, балки уларнинг интенсивлигини ҳам белгилаб берувчи мавжуд тизимининг таъсирчанлиги билан шартланган. Ноаниқлик инсоннинг ҳаракатини мутлақ аниқ таснифлаш, шунингдек унинг учун фикрлаш тартиботларини амалга ошириш мақсадида уларни моделлаштириш, яъни уни тўлиқ “дастурлаш” имконини бермайди. Ва шу нуқтаи назардан реал трансакция — бу соф хилдаги трансакция унсурларининг комбинацияси бўлади.

Мукаммаллаштириш трансакциясида тарафлар ҳуқуқий ҳолатининг асимметриклиги сақланиб қолади, лекин бошқарувчи тарафнинг ўрнини, одатда, ҳуқуқларни таснифлаш функциясини бажарувчи жамоавий орган эгаллайди. Хусусан, директорлар кенгаши томонидан компания бюджетининг тузилиши ва вакиллик ҳокимияти органи томонидан тасдиқланиши, арбитраж судининг ҳаракатланувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган низо бўйича қарорлари рационаллаштириш трансакциялари ҳисобланади. Бир тараф (директорлар кенгаши, суд) иккинчи тараф (бўлинмалар раҳбарлари, даъвогар ва жавобгар)нинг ҳуқуқларини белгилаб беради.

Шу билан бирга, бу ерда бир тарафнинг иккинчи тарафга ташқи томондан музокараларни эслатувчи мурожаатлари бўлиши мумкин: неъматни ўзлаштириш мумкинлигини ёки ундан воз кечиш зарурлигини исботлаш учун етарлича асосларни тақдим этиш даркор. Бироқ, фақат бир тараф якуний қарорни қабул қилиш мутлақ (расмий жиҳатдан) ҳуқуқига эга. Мукаммаллаштирувчи субъект мукаммаллашувчининг ҳаракатларини

белгилаб бериш имкониятига эга бўлиши умуман шарт эмас (худди бошқарув трансакциясида бўлгани каби).

Бошқарув трансакциясидан фарқли равишда эркинлик ҳуқуқларининг амалга оширилишида бойликнинг тегишли улушига талабгорлар фаол роль ўйнайди. Савдо битими трансакциясидан фарқли ўлароқ музокаралар далилларни олға суриш, арзнома бериш, оғзаки ифода этиш билан амалга оширилади. Шундай қилиб, бошқарув ва мукаммаллаштириш трансакцияларида томонлардан ҳар бирининг ҳаракатлар тартиби қўлга киритиладиган натижанинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Бир ҳаракатнинг ўзи, иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга қараб турли трансакциялар воситасида амалга оширилиши мумкин. Масалан, агар тижорат банклари томонидан ундириладиган фоизнинг даражасига нисбатан чекловлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда кредитни бериш ва олиш – иккала тарафдан ҳам кўпроқ савдо трансакцияси ҳисобланади. Боз устига, агар талаб томонидан ҳам, таклиф томонидан ҳам кўп сонли иқтисодиёт субъектлари ҳаракат қиладиган бўлса, у ҳолда натижада ҳосил бўладиган нарх уларнинг ҳар бири томонидан қандайдир ташқи нарса сифатида қабул қилинади.

Агарда давлат фоизнинг энг юқори даражасини ўрнатса ва у самарали бўлиб чиқса, банкнинг пулли даромадаги йўқотишлари қарорлар қабул қилишдаги ўз истагини қарор топтириш, яъни бошқарув трансакциясидан фойдаланиш ёки у ёхуд бу тоифадаги қарздорнинг ҳуқуқларини белгилаб берувчи қоидаларни ўзи белгилаш имконияти билан қопланиши мумкин. Шундай қилиб, мукаммаллаштириш (ёки бошқарув) трансакциясининг унсурларини бир қарашда савдо трансакцияси ҳисобланган трансакцияга «мустаҳкамлаш» юз беради.

Трансакция харажатларининг мавжуд бўлиши трансакцияларнинг у ёки бу турини вақт ва муҳит шароитига мос равишда янада самарали бўлишига ёрдам беради. Шунинг учун мазкур операциялар тартибга солувчи қонун-қоидаларга боғлиқ ҳолда трансакцияларнинг турли хилларига боғлиқ бўлади.

Трансакциялар оддий (масалан, бозордан бирор нарсани сотиб олиш) ёки мураккаб (мисол учун, автоматлаштириш тизимини ташқи маслаҳатчилар ёрдамида жорий қилиш) бўлиши мумкин. Мураккаб ва масъулиятли келишувлар ҳар доим шартномалар орқали расмийлаштирилади.

Трансакцияларнинг юқорида кўриб чиқилган турлари «трансакция» ва «неъматлар билан алмашиш» тушунчалари ўртасидаги фарқни ажратиш имконини беради. Хўжалик жараёнлари кечадиган реал вақт ва макондан тахмин, ушбу иккита тушунча ўртасидаги фарқни ажратиш учун калит ҳисобланади. Бундай шароитда соф алмашув бир лаҳзада амалга оширилади.

Умуман олганда, фақат савдо битими трансакцияси неъматлар билан алмашишга ўхшайди. Агар уларни нафақат вақтга кўра, балки такрор тикланувчанлик хусусияти бўйича ҳам ажратадиган бўлсак, ушбу трансакция ҳамда неъматлар билан алмашиш ўртасидаги фарқ янада яққоллашади. Агар савдо трансакцияси – бу бир ҳуқуқларни бошқа ҳуқуқлардан воз кечиш орқали

ўзлаштириш бўлса, алмашув жисмоний ифодаланган битимни, яъни аҳамияти уларга бўлган ҳуқуқларнинг кадр-қиммати билан ифодаланадиган неъматларнинг қўлдан-қўлга ўтишини назарда тутди. Фьючерс битимлар (фақат келгусида товарни харид қилиш ёки сотиш ҳуқуқи сотиладиган ва сотиб олинадиган палладаги алмашувдан фарқли ўлароқ) трансакцияга энг яққол мисол бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, харид қилиш ва сотиш учун бевосита мулкчилик ҳуқуқларининг объектлари эмас, балки товарларга бўлган мулкчилик ҳуқуқлари таклиф этилади. Ўз навбатида, неъматнинг нархи нафақат унинг жисмоний тавсифларига асосланган қийматини, балки воз кечилаётган ва ўзлаштирилаётган ҳуқуқлар тўплами билан боғлиқ қийматини ҳам акс эттиради. Савдо битими трансакцияси ва неъматлар билан алмашишни чегаралашга нисбатан шакллантирилган ёндашув «оддий» товар (неъмат) ҳамда уни харид қилиш ёки сотишнинг муайян шартномавий шаклидан таркиб топган жуфтлик сифатида таърифланадиган товар тушунчаси билан боғлиқ.

Умуман олганда, барча турдаги трансакциялар қуйидаги икки қисмдан иборат бўлади.


Битимлар тузиш. Бу босқичда харидор сотувчини топиши, нархлар ҳақида маълумотлар йиғиши, сифатни баҳолаши, сотувчини танлаши ва у билан битим тузиши керак бўлади. Сотувчи бозорда жой сотиб олиши, маҳсулот сифати назоратини олиб бориши ва узлуксиз равишда нархлар ҳақида ахборот йиғиши лозим бўлади.

Олди-сотди шартномасини амалга ошириш. Бу босқичда харидор товар ҳақини тўлайди, уни ўз ихтиёрига ўтказди ва товар сифатини қайта баҳолайди.

Ҳар бир трансакция 4 гуруҳдаги маълумотларни ўз ичига олади:

1. Битим иштирокчилари;
2. Трансакцияда ишлатилган ресурслар ва кутилаётган натижалар;
3. Иштирокчиларнинг ресурс ва натижаларга нисбатан ҳуқуқлари;
4. Томонлар мажбуриятлари.

Тузилган шартномалар доирасида трансакция муносабатларини амалга ошириш катта харажатлар билан боғлиқ бўлади (1.1 – расм). Улар икки гуруҳ харажатларига бўлинади – трансакция ҳамда трансформация харажатлари. Ушбу харажатлар моҳияти турлари ва таркиби тадқиқотнинг кейинги қисмида батафсил кўриб чиқилади.



1.1 – расм. Трансакция муносабатлари ва улар билан боғлиқ харажатлар турлари

Манба: муаллифлар ишланмаси

Таъкидлаш жоизки, трансформация харажатлари ҳам трансакция харажатлари каби иқтисодий тизимнинг барча поғоналарида юзага келади. Айниқса, трансакция харажатлари бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг тузилмаларини ҳамда янги институционал муҳитни яратишда нисбатан катта ҳажмларда бўлади.

Шу билан бир вақтда улар ўткинчи (бир маротабалик) харажатлар эмас, бундай харажатлар кўлами давлатнинг макро даражадаги институционал ислохотлар сиёсати ҳамда мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар ривожини билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Шу боис трансформация жараёнлари билан боғлиқ бўлган давлат ҳамда корхоналар миқёсидаги харажат турлари ва таснифларига алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида қараш лозимдир.

1.2. Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга Коуз-Уильямсон ёндашуви

Иқтисодиёт субъектлари фаолияти жараёнида мулкчилик ҳуқуқининг алмашилиши, бошқа шахслар томонидан мулкка нисбатан ғайриқонуний (эгоистик) хатти-ҳаракатлар содир этилган шароитларда уни ҳимоя қилиш, шунингдек иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аввал фаолият юритиб турган институтлар ва нормаларни янгилари билан алмаштириш зарурати юзага келади.

Бундай вазиятларда иқтисодиёт субъектлари ўзаро трансакция муносабатларини амалга оширишга киришади ва бу трансакция харажатларини келтириб чиқаради. Юқорида кўрсатилганидек (1.2-расм) ушбу харажатлар трансакция турларига мос таркибга эга бўлади.

Трансакциялар моҳияти ва турларининг таҳлили шуни кўрсатадики, трансакция харажатларини иқтисодий категория сифатида мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш жараёнидаги харажатлар, деб таърифлаш мумкин. Шу билан бир вақтда трансакция харажатлари моҳиятини ва унинг корхона фаолиятидаги ўрнини аниқ билиш учун аввал корхона умумий харажатлари таркибини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.


Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолиятнинг асосий мақсади фойда олишдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш, унга эришиш ишлаб чиқариш харажатларининг миқдори ва корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотга бўлган талаб билан аниқланади. Умуман олганда, харажатлар – бу белгиланган давр мобайнида бирор бир мақсадга эришиш йўлида сарф этиладиган ресурслар (асосан, пул кўринишидаги) ҳажмидир. Шундан келиб чиққанда, корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларини, шу жумладан трансакция харажатларини гуруҳларга ажратиш мумкин (1.2-расм).

1.2-расмда корхона харажатлари таркибида трансакция харажатларининг ўрни кўрсатилган. Унга кўра, умумий харажатлар ишлаб чиқариш, муомала ва ўзаро ҳамкорлик харажатлари каби таркибий қисмлардан иборат. Трансакция харажатлари корхонанинг ўзаро ҳамкорлик харажатларининг бир қисми ҳисобланади. Трансакция харажатлари музокаралар олиб бориш, ахборотни қидириш, маҳсулотнинг топширилишини назорат қилиш ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Шунингдек, трансакция харажатлари логистик харажатлар билан ҳам ўзаро боғлиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги харажатлардан ташкил топади: бевосита моддий материал харажатлари; бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари; ишлаб чиқаришга тааллуқли устама харажатлар.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажат турлари ноишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Унинг таркибига:

- трансакция харажатлари;
- бошқарув харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;
- муомала харажатлари ва бошқалар киреди.



1.2-расм. Корхона чиқимларининг умумий таркибида трансакция харажатларининг ўрни

Манба: муаллифлар томонидан ишланган

Бозор иқтисодиёти шароитида трансакция харажатлари янги иқтисодий категория сифатида шаклланди. Трансакция муносабатларининг ва унга боғлиқ бўлган харажатлар доимо мавжуд бўлиб келган. Бугунги кунга келиб кўпгина корхоналарда уларни аниқлаш, ўлчаш ва тартибга солишга ҳаракат қилинмоқда. Унинг учун иқтисодий назария ва унга асосланган таҳлилий усуллар ва бошқарув қарорлари керак бўлади. Айти пайтда трансакция харажатлари тушунчаси моҳиятини тўғри англаш ушбу вазифаларни самарали ҳал этишда асосий йўл бўлади.

Трансакция харажатлари назарияси иқтисодиёт фанларининг янги бир йўналиши бўлган янги институционал назариянинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу тушунчанинг келиб чиқиши биринчи навбатда иқтисодчилар Р. Коуз [55] ва О. Уилямсон [71] номлари билан боғлиқ.

Институционал назария доирасида турли тадқиқотчилар трансакция харажатлари моҳияти ва трансакция харажатларини юзага келиш муаммоларига катта эътибор қаратганлар. Трансакция харажатлари тушунчаси кўп йиллардан бери мавжуд бўлишига қарамасдан унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Ҳар бир муаллиф уни турлича изоҳлашга ҳаракат қилаган. Уларнинг моҳиятини тавсифловчи илмий қарашлар қуйидаги 1.1-жадвалда келтирилган.

Институционал назария асосчиларидан бири О.Уильямсон трансакция харажатларига қуйидагича таъриф берган [70]: трансакция харажатлари – бу «бошқарувнинг муқобил тузилмалари учун хос бўлган топшириқларнинг бажарилишини режалаштириш, мослаштириш ва мониторингини юритиш учун қиёсий харажатлар».

Трансакция харажатлари, ҳар қандай харажатлар сингари камайтирилиши керак. О.Уильямсоннинг таъкидлашича, илгари капиталистик тизимнинг бозор институтлари трансакция харажатларининг миқдорига эътибор қаратишмаган. Бироқ, ҳозирги вақтда ушбу харажатлар анча катта миқдорни ташкил қилади ва «трансакцион концепция шуни таъкидлайдики, мазкур институтлар фаолият кўрсатишининг асосий мақсади ва натижаси трансакция харажатларини камайтиришдан иборат» [70].

Трансакция харажатлари назарияси таҳлилининг таянч тушунчалари иқтисодий ҳамкорлик, шартнома ва битимлар ҳамда трансакция муносабатлари ҳисобланади. Трансакция харажатлари тушунчаси кенг тушунча бўлиб, юридик ҳақ – ҳуқуқларнинг товарлар сингари алмашинувига, ҳужжатларнинг батафсил расмийлаштирилиши ёки томонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги билан кифояланадиган қисқа ва узоқ муддатли шартнома битимларига нисбатан ишлатилади. Бундай боғлиқликлар билан юзага келадиган сарф-харажат ва йўқотишлар трансакция харажатлари номини олган.

Трансакция харажатлари тушунчасини қўллаган ҳолда дастлабки тадқиқотлар Р.Коуз [55] томонидан фирмалар фаолиятини таҳлил қилиш учун ўтказилган. Бунга XX асрнинг 60-йилларида саноати ривожланган етакчи мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашуви сабаб бўлган. Ягона хўжалик тизимини яратишга интилиш, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, мулкнинг янги турлари, масалан, интеллектуал мулкнинг пайдо бўлиши, мулк ҳуқуқларининг алоҳида ваколатларга бўлиниб кетиши – буларнинг барчаси трансакция харажатларининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди.

Трансакция харажатлари назарияси доирасида ўтказиладиган тадқиқотларни микро ва макродаражаларга бўлиш мумкин. Микродаражада гап жараёнларни корхона (фирма), алоҳида иқтисодий субъектлар даражасида таҳлил қилиш ҳақида, макродаражада эса умуман иқтисодий тизимни таҳлил қилиш ҳақида боради.

1.1-жадвал

Институционал иқтисодий соҳаси тадқиқотларида «трансакция харажатлари» тушунчаси моҳиятига берилган муаллифлик таърифлари

Муаллиф	Тушунчанинг моҳияти
О. Уильямсон [70,71]	Трансакция харажатлари – бошқарувнинг муқобил тузилмалари учун хос бўлган топшириқларнинг бажарилишини режалаштириш, мослаштириш ва мониторингини юритиш учун қиёсий харажатлар.
Р. Коуз [55]	Бозор трансакциясини амалга ошириш учун ким билан битим тузиш мақсадга мувофиқлигини белгилаб олиш, битим тузиладиган шахсларни битим шартларидан хабардор қилиш, дастлабки музокараларни ўтказиш, контрактни тайёрлаш, контракт шартларининг бажарилишига ишонч ҳосил қилиш учун маълумотлар йиғиш зарур.
Д. Норт [64]	Трансакция харажатлари-ҳуқуқларни таъминлаш ва уларнинг сақланишига мажбур қилиш харажатларини алмашиш объектининг фойдали хусусиятларини баҳолаш харажатларидан иборат.
К. Эрроу [82]	Трансакция харажатлари деганда одатда (ҳамма вақт ҳам эмас) иқтисодий тизимдан фойдаланиш харажатлари тушунилади.
К. Далман [87]	Трансакция харажатлари – ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш харажатлари, музокараларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш харажатлари, контрактнинг бажарилишини назорат қилиш ва юридик ҳимоялаш харажатлари.
Х. Демсец [88]	Трансакция харажатлари – мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш харажатлари; акцияларни пулга тезда алмаштиришни амалга ошириш учун Нью-Йорк фонд биржасидан фойдаланиш харажатлари (таъриф таҳлил объектга нисбатан берилган)
Капелюшников Р. [52]	Улар таркибида инсонларнинг ўзаро ҳамкорлигига урғу беради, бу трансформация харажатларини табиат билан ўзаро ҳамкорлик қилиш харажатларига таққослаш учун асос беради.
Шаститко А. Е. [77]	Трансакция харажатлари – бу трансакцияларни амалга ошириш учун сарфланадиган ресурслар қиймати.
Сарайкин А.В. [67]	Трансакция харажатлари – иқтисодий агент ташкилотни ташкил этишда, гиперрақобат шароитида синергетик ривожланишга йўналтирилган трансакцияларни амалга оширишда ва мониторинг қилишда кўрадиган, яширинча ва

	пулсиз (рухий) хусусиятга эга бўлиши мумкин бўлган харажатлар.
Олейник А. М. [65]	Трансакция харажатлари – тўлиқсиз контракция харажатлари.
Коммонс Дж. [85]	Трансакция – бу товарлар билан алмашиш эмас, балки жамият томонидан яратилган эркинлик ва мулкчилик ҳуқуқларидан воз кечиш ва уларни ўзлаштиришдир.

Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

Ушбу таҳлил қилиш белгисига мувофиқ трансакция харажатлари назариясида иккита ёндашув мавжудлигини изоҳлаш мумкин: биринчиси, Коуз – Уильямсоннинг трансакцион ёндашуви (барқарор фаолият юритувчи институтларни таҳлил қилиш учун) ва иккинчиси Нортнинг трансформацион ёндашуви (институционал ўзгаришларни таҳлил қилиш учун).

Бундай ёндашувлар ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда трансформацион жараёнларнинг институционал жиҳатларини тадқиқ этиш имконини беради. Хусусан, биринчи ёндашувни давлат ва хусусий мулкчилик тузилмаларининг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш, норасмий институтларнинг шаклланиш жараёнларини, жамият ва иқтисодиётнинг криминаллашувини изоҳлаш учун, иккинчи ёндашувни эса буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиёти тизимига ўтишнинг институционал сабабларини, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда ислохотлар жараёнларининг бориши ва натижаларини таҳлил қилиш учун қўллаш мумкин.

Трансакция харажатларини иқтисодий таҳлилга киритиш, Р.Коузнинг фикрига кўра, бозорга қарама-қарши бўлган фирма каби ўзини-ўзи онгли равишда назорат қилиш имконига эга бўлган “оролчалари”нинг мавжуд эканлигини тушунтириш учун зарур бўлган.

Р.Коуз “Фирма табиати”, деб номланган мақоласида (1937) трансакция харажатларини “нархлар механизмидан фойдаланиш харажатлари”, “очик бозорда алмашув трансакцияларини амалга ошириш харажатлари” ёки “бозор харажатлари” сифатида белгилаган. Кейинчалик “Ижтимоий харажатлар муаммоси” мақоласида (1960) Р.Коуз “бозор трансакция харажатлари” иборасидан фойдаланган. Уларнинг моҳиятини у қуйидагича ифодалаган: “бозор трансакциясини амалга ошириш учун ким билан битим тузиш маъқуллигини аниқлаб олиш, ким билан ва қандай шартларда битим тузишни истаётганлиги ҳақида барчага маълум қилиш зарур, дастлабки музокараларни ўтказиш, шартномани тайёрлаш, шартнома шартларининг бажарилишига ишонч ҳосил қилиш учун маълумотларни тўплаш ва ҳоказолар” [55].

Трансакция харажатларининг энг аниқ таърифларини америкалик иқтисодчилар Дуглас Норт [64] ва Кеннет Эрроу [82] таклиф этади. Д. Норт трансакция харажатларини “алмашув объектининг фойдали хусусиятларини баҳолаш, ҳуқуқларни чегаралаш ва уларга амал қилиш учун мажбурлаш харажатларидан таркиб топган харажатлар” [64] сифатида талқин этади.

Трансакция харажатларини таърифлаш учун Ж.Уоллис ва Д.Норт [95] куйидаги мезондан фойдаланади: истеъмолчи нуқтаи назаридан – бу қиймати истеъмолчи томонидан сотувчига тўланадиган нархга кирмайдиган унинг барча чиқимлари, сотувчи нуқтаи назаридан эса – бу унинг, агар у товарни ўзига ўзи сотганида қилмаслиги мумкин бўлган барча чиқимлари.

Масалан, уйни харид қилишда хариддорнинг трансакция харажатлари адвокатни ёллаш, уйларни кўздан кечириш учун сарфланган вақт, нархлар тўғрисида ахборот тўплаш, битимни юридик расмийлаштиришда бож тўлаш ва ҳоказолар билан белгиланади. Сотувчи учун бундай харажатлар реклама харажатлари, кўчмас мулкни сотиш бўйича агентни ёллаш, уйни кўрсатиш учун вақт сарфлаш ва ҳоказолардан иборат бўлади. Бунда олди-сотди далолатномаси харидор томонидан ҳам, сотувчи томонидан ҳам иккиламчи битимларни келтириб чиқариши мумкин: масалан, юристни ёллаш ёки кўчмас мулкни сотиш бўйича агентни ёллаш. Шунинг учун трансакция харажатларининг таркибида муаллифлар бозорни алоҳида ажратишади. Бозорда аниқ қиймат баҳосига эга бўлган ушбу қисмни улар “трансакция хизматлари” деб номлашади.

Ж.Уоллис ва Д.Нортнинг сўзларига кўра, трансакцион секторнинг кенгайиши [95] “биринчи даражали муҳим таркибий силжиш” бўлди. Гап шундаки, бир битимга ҳисобланганда трансакция харажатларининг пасайиши меҳнат ихтисослашуви ва тақсимотининг янада чуқурлашувига йўл очиб беради.

Ж.Уоллис ва Д.Норт АҚШ иқтисодиётида трансакцион сектор салмоғи ошишининг асосида ётувчи учта омилни ажратди: “Бизнинг фикримизча, трансакцион сектор учта асосий сабабга кўра ўсди: меҳнат ихтисослашуви ва тақсимотининг чуқурлашуви; саноатда ва транспортда фирмалар ўлчамининг ортиши билан кузатиладиган техник тараққиёт; ҳукумат билан хусусий сектор ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда ҳукумат ролининг кучайиши” [95].

Бозорнинг кенгайиши ва шаҳарсозлик жараёнининг кучайишига қараб, шартномаларни таснифлаш ва ҳуқуқий ҳимоялашнинг роли ортди. Бир-бирини яхши биладиган тарафлар ўртасидаги шахсий алмашув ўрнига битим шартларининг батафсил белгиланишини ва ҳуқуқий ҳимоялашнинг сертармоқ механизмларини талаб қилган шахссиз алмашув келди. Кўплаб мамлакатларда трансакция харажатлари улушининг пасайиши XIX-аср ўрталарида темир йўл тармоғининг ривожланиши муносабати билан бошланди, бу ҳол аҳолини шаҳарсозлик ва бозорларни кенгайтиришлари учун асос яратди.

Товарлар хилма-хиллиги ва шахсий шартномалар камайиши оқибатлари шунда ўз ифодасини топдики, иқтисодий агентлар бозор ахборотини қидириб топиш ва унга ишлов бериш учун харажатларни оширишига олиб келади.

Капитал сиғимли технологиялардан фойдаланиш фақат ишлаб чиқариш кўламлари анча кенг бўлган ҳолларда ўзини оқлайди, бу хомашё ва материалларнинг узлуксиз келиб туришини ва сотувнинг йўлга қўйилган тизимини талаб қилади. Харажатларнинг қисқариши ва ташиш тезлигининг ошиши йирик ташкилотларга ўтиш имконини берди. Шу сабабли

трансакцияларнинг катта оқими нафақат бозор орқали, балки бевосита фирмалар ичида ҳам амалга оширила бошлади.

Ҳозирги вақтда трансакция харажатлари аксарият кўпчилик олимлар томонидан интеграл тарзда, тизимнинг фаолият кўрсатиш харажатлари сифатида тушунилади. Трансакция харажатлари — бу тўлиқсиз ахборот шароитида индивидлар ўз ҳуқуқлари билан алмашган ёки уларни ўша шароитларда тасдиқлайдиган вақтда юзага келадиган харажатлардир. Инсонлар мулк ҳуқуқлари билан алмашаётганда шартнома муносабатларига киришишадилар. Ўз мулк ҳуқуқларини тасдиқлаётганида эса ҳеч қанақа шартнома муносабатларига киришмайдилар (у уларда мавжуд), лекин улар уни учинчи шахсларнинг ҳуружидан ҳимоя қилишади. Инсонлар ўзларининг мулк ҳуқуқлари учинчи тараф томонидан камситилишидан қўрқишади, шунинг учун ресурсларни ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилишга сарфлайдилар (масалан, девор солади, қўриқчи сақлаб туради ва ҳ.к.).

Трансакция харажатларини, у қандай шаклларда амалга оширилмасин, иқтисодий ўзаро ҳамкорлик харажатлари сифатида белгилаш мумкин. Трансакция харажатлари қарорлар қабул қилиш, режаларни ишлаб чиқиш ва фаолиятни ташкил этиш, ишбилармонлик муносабатларига икки ёки ундан ортиқ иштирокчи киришган ҳолларда фаолиятнинг мазмуни ва шароитлари тўғрисида музокаралар олиб бориш харажатларини; режаларни ўзгартириш, бу ҳол ўзгарган шароитлар туфайли талаб этилган ҳолларда битим шартларини қайта кўриб чиқиш ва низоли масалаларни ҳал этиш харажатларини; иштирокчилар эришилган келишувларга амал қилишларини таъминлаш харажатларини қамраб олади. Трансакция харажатлари, шунингдек, биргаликда қабул қилинган қарорлар, ишлаб чиқилган режалар, тузиладиган шартномалар ва ташкил этилган тузилмаларнинг самарасизлиги; ўзгарган шароитларга самарасиз муносабат билдириш; келишувларни самарасиз ҳимоялаш оқибатида юзага келадиган ҳар қандай йўқотишларни ҳам ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, харажатларнинг ушбу тури бевосита иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган, лекин мазкур жараённинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминловчи ҳар қандай зарур харажатларни ўз ичига олади.

Юқоридаги фикрларни инобатга олганда иқтисодиёт субъектлари ўзаро ҳаракатлари (трансакциялар) жараёнида юзага келадиган трансакция харажатларини учта гуруҳга ажратиш мумкин, яъни битим тузишгача амалга ошириладиган, битим тузилгандан кейин ва бошқа асосларга кўра юзага келувчи харажатлар. Ушбу гуруҳга кирувчи трансакция харажатлари моҳиятига қараб бир қанча гуруҳларга бўлинади (1.2 – жадвал).

1.2-жадвал

Трансакция харажатларининг турлари ва таснифи

Харажатлар гуруҳи	Трансакция харажатларининг тури ва унинг моҳияти	
Битимгача амалга ошириладиган харажатлар	Ахборотни излаш харажатлари	Улар имкониятли шерик, бозордаги вазият ҳақидаги ахборотлар кидириб топиш харажатларини, шунингдек қўлга киритиладиган тўлиқсиз ва номукамал ахборот билан боғлиқ йўқотишларни ўз ичига олади. Ресурслар сарфидан ташқари бунга ходимларнинг вақт сарфлари ҳам киради
	Музокаралар олиб бориш харажатлари	Алмашув шартлари, битим шаклини танлаш ҳақида музокаралар олиб бориш харажатларини ўз ичига олади. Бундай хилдаги харажатларни тежашнинг асосий воситаси – стандарт (намунавий) шартномалардан фойдаланиш
	Ўлчаш харажатлари	Битим нарсаси бўлган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчашлар, унга зарур бўлган харажатларга тааллуқли. Улар ўлчашнинг сифати ва аниқлигига нисбатан қўйиладиган талабларнинг ўсишига қараб ортади. Ўлчаш харажатларининг тежалишига инсоният томонидан ўлчаш стандартларининг жорий этилиши ҳисобига эришилди. Бироқ, ўз навбатида, халқаро стандартлаштириш ва сертификатлаш талаблари салбий таъсирга ҳам эга, чунки бунинг натижасида трансакция харажатлари ўсди
	Шартнома тузиш харажатлари	Битимни юридик ёки хуфёна (норасмий) расмийлаштириш, битимнинг юридик томонини доимий равишда қўллаб-қувватлаш харажатларини акс эттиради
Битимдан кейин амалга ошириладиган харажатлар	Мониторинг ва оппортунистик ҳаракатларда ҳимоя қилиш харажатлари	Улар битим шартларига риоя этилишини назорат қилиш ва ушбу шартларни бажаришдан бўйин товлашнинг олдини олиш харажатларига тааллуқли
	Мулкчилик ҳуқуқларини тасинфлаш ва ҳимоя қилиш харажатлари	Улар судлар, арбитражни сақлаб туриш харажатларини; шартномани бажариш жараёнида бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун зарур бўлган вақт ва ресурслар сарфларини, шунингдек, мулкчилик ҳуқуқларининг яхши таснифланмаган ва ишончсиз ҳимоялашдан кўрилган йўқотишларни ўз ичига олади
	Учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари	Улар учинчи шахслар (давлат, уюшган жиноятчилик ва ҳ.к.)нинг битим натижасида олинadиган тўлиқ самаранинг бир қисмига эътирозларидан ҳимоялаш харажатларини ўз ичига олади
Бошқа асосларга кўра харажатлар	Самарали ва реал трансакция харажатлари	
	Яққол ва номуайян трансакция харажатлари	
	Умумий ва ўртача трансакция харажатлари	
	Расмийлаштирилган қоидалар ва норасмий нормаларга амал қилиш ва уларни ўзгартириш харажатлари	
Ташқи ва ички трансакция харажатлари		

Манба: таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ишланган.

Битимгача бўлган трансакция харажатларига нафақат маълум пул маблағларини балким, томонлар ўртасидаги олиб бориладиган музокаралар учун сарфланадиган вақт ҳам киради.

Кўрсатилган гуруҳлар бўйича трансакция харажатлари таркиби (сони) келишув (битим)лар турларига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Бунда томонларнинг шартнома шартларини бажариш ёки ундан чекланиш ҳаракатлари асосий роль ўйнайди. Шу боис трансакция муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос (катъий) механизмларини яратиш талаб этилади.

Трансакция харажатлари турлари ёки шартномаларни бажариш ҳолатларини ўзгариши, уларни кўпайишига олиб келиши мумкин. Улар турли сабабларга боғлиқдир.

Бу савол ҳозир ҳаммани қизиқтиради, аммо унга қисқа қилиб жавоб бериб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, ахборотнинг харажат талаблиги трансакция харажатларини тушуниш учун йўл очиб беради. Субъектларга ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол жараёнида талаб этиладиган ҳар қандай ахборот муайян саъй-ҳаракатлар эвазига қўлга киритилади. Тегишли ахборотни қидириш харажатлари асосан, вақт билан ўлчанади.

Субъектларнинг ахборот шаффофлиги етишмаслиги, яъни ҳаддан ташқари “ёпиқлиги” харажатлар кўпайишининг яна бир манбаи ҳисобланади. Замонавий иқтисодиётда инсонларнинг ноқонуний хатти – ҳаракатга мойиллигини, яъни маккорлик мотивлари ахборотнинг яширилишида, унинг атайин бузиб кўрсатилишида, алдашда, товламачилик ва ҳоказо ҳолатларда намоён бўлмоқда. Бундай ҳолатда шерикларнинг ҳақиқий мақсадини пайқаш мушкул.

Олам шундай қурилганки, унда ахборот нотекис тақсимланган, яъни деярли барча ҳолатларда «ахборот асимметрияси» мавжуд ва шу боис ҳамкор фойдаланаётган барча маълумотларни осонлик билан қўлга киритиб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳар қандай субъектнинг таҳлилий имкониятлари чекланган. Иқтисодиёт субъекти барча маълумотларни бир зумда таҳлил қилиш ва ўз манфаатлари йўлида оптимал қарор қабул қилиш имкониятига эга эмас. Ҳатто агар тўла-тўқис ахборот кимдир томонидан махсус танлаб олиниб, керакли пайтда тақдим этилган бўлса ҳам уни қайта ишлаш лозим (1.3-расм). Ушбу ҳолатларда ахборот етишмаслиги иқтисодий низоларни келиб чиқиши билан изоҳланади ва бу ҳолатлар трансакция харажатларини ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, субъектлар ўз ресурслари ва вақтининг бир қисмини зарур ахборотни қидириб топиш, уни таҳлил қилиш, музокаралар олиб бориш, шерикни ишонтириш, ўз нуқтаи назарини изоҳлаш ва мурасага эришиш, хавфсизлик ва низоларни бартараф этиш учун сарфлашларига тўғри келади.



1.3 -расм. Иқтисодий тизимда низоларнинг келиб чиқиш сабаблари
 Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган.

Аммо иқтисодий адабиётларда “трансакция харажатлари” ибораси мустақкам ўрин эгаллаган. Бунда трансакция харажатларига берилган қуйидаги таъриф кенг тарқалди: “трансакция харажатлари – ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш харажатлари, музокаралар олиб бориш ва қарорлар қабул қилиш, шартноманинг бажарилишини назорат қилиш ва юридик ҳимоялаш харажатлари”.

Илмий манбаларда берилган таърифларга мувофиқ трансакция харажатларини қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

- 1) ахборотни излаш харажатлари (нархлар, мавжуд товарлар, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар тўғрисида ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш учун сарфланган вақт);
- 2) музокаралар олиб бориш харажатлари;
- 3) алмашувга кирган товар ва хизматларнинг миқдори ва сифатини ўлчаш харажатлари;
- 4) тафсирлаш ва мулкый ҳуқуқларни ҳимоялаш харажатлари;
- 5) оппортунистик хатти-ҳаракатдан ҳимоялаш харажатлари, бунда битим шартларини бузувчи ёки бир томонлама фойда олишга йўналтирилган нотўғри хатти-ҳаракат тушунилади.

Трансакция харажатларининг бундай таснифланиши уларни миқдорий баҳолаш масаласига нисбатан микро ва макроиқтисодий даражада ёндашиш

имконини беради. Масалан, квартирадан фойдаланиш ҳуқуқининг мулкдор томонидан ижарачига топширилишини назарда тутувчи квартирани ижарага олиш бўйича битим тузишда ижарачининг трансакция харажатлари кўйидаги шаклларга эга бўлади (1.3-жадвал).

Шундай қилиб, уй-жойни ижарага олишда юзага келадиган трансакция харажатларини миқдорий баҳолашга ё воситачилик фирмаларининг даромадларини таҳлил қилиш, ёки ўртача соатлик иш ҳақига кўпайтирилган бевосита пул харажатлари ва вақт сарфларини қўшиш ёрдамида эришиш мумкин.

1.3-жадвал

Квартира ижараси бўйича трансакция харажатлари

Харажат мазмуни	Харажат шакли
Ижарага топшириладиган квартиралар, уй-жой бозоридаги нархлар ҳақидаги ахборотни излаб топиш харажатлари: махсус нашрларни харид қилиш ва эълонлар бўйича қўнғироқлар ёки риэлторлик фирмасига мурожаат этиш	Пул шаклидаги харажатлар ва вақт сарфлари
Танланган квартиралар мулкдорлари билан ижаранинг алоҳида шартлари ҳақида мулоқотлар олиб бориш харажатлари	Воситачи сарфлари ва вақт сарфлари
Танланган квартираларни бориб кўриш жараёнида уй-жой сифатини баҳолаш харажатлари	Воситачи зиммасига юклатиш мумкин бўлган вақт сарфлари ва транспорт харажатлари
Ижара шартномасини юридик расмийлаштириш, уни нотариал тасдиқлаш харажатлари	Пул шаклидаги харажатлар
Мулкдорнинг ижара шартларини ўзгартириш (ижара тўловини ошириш) бўйича оппортунизмнинг олдини олиш харажатлари	Вақт ва асаб сарфлари
Мулкдор ижарачига квартирани сақлаб туриш юзасидан эътироз билдирган ва / ёки шартномани муддатидан олдин бузишни хоҳлаган тақдирда шартнома амал қилиши муддатига берилган фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш харажатлари	Вақт сарфлари ва судга мурожаат этиш билан боғлиқ пул шаклидаги харажатлар

Манба: муаллифлар ишланмаси

Трансакция харажатларининг кўпгина турлари бевосита кузатилмайди ва шунинг учун бу тоифадаги харажатлар ҳажми статистик жиҳатдан қийин ўлчанади.

Инсонлар ҳамма вақт, ҳеч қандай харажатларни қилмасдан, натижада ишлаб чиқариш қиймати ошиши учун ҳуқуқларни қўлга киритиш, бўлиш ва ўрин алмаштириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Бу “ноль даражали трансакция харажатлари” деб юритилади ва бу ҳуқуқий чегараларга боғлиқ ҳисобланади.

Ноль даражали трансакция харажатларида ишлаб чиқарувчи шартномага пировард натижада ишлаб чиқариш қийматини ошириш учун зарур бўлган барча нарсани киритади. Агар трансакция харажатлари мавжуд

бўлмаса, фирманинг фаолият юритиши учун ҳеч қандай иқтисодий асос бўлмайди.

Баъзи юқори трансакция харажатларига эга бўлган аниқ ҳолатда шартномаларнинг кўпчилиги тузилмайди ва амалга оширилмайди. Чунки уларни ижро этишдан келадиган фойда харажатларга нисбатан анча кам бўлади. Шу тариқа, трансакция харажатлари амалга ошириладиган трансакциялар сонига таъсир кўрсатади (трансакция – шартнома шаклидаги битим). Шуларни инобатга олганда корхоналар нисбий устунлигини ошириш учун трансакция харажатларини тежаш имкониятларини излаш зарурдир.

Микродаражада турли хусусий ташкилий тузилмаларда харажатларни таҳлил этишда қуйидаги тамойиллар қўлланилиши лозим:

1. Трансакция (битим-шартнома) – таҳлилнинг асосий бирлиги.
2. Ҳар қандай муаммони, бевосита ёки билвосита шартномавий муаммо, деб қараб, уни трансакция харажатларини камайтириш нуқтаи назаридан ўрганиш фойдалидир.
3. Трансакция харажатларини тежашга турли трансакцияларни уларни бошқариш тузилмаларига табақалаштирилган тарзда бириктириш йўли билан эришилади.
4. Ташкилий тузилмани танлаш муқобил вариантларни қиёсий институционал баҳолаш асосида кечади.

Микродаражада трансакция харажатлари корхонада ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланади. Бунда қуйидаги харажатлар, яъни шартнома лойиҳасини тузиш, музокаралар юритиш ва келишув кафолатларини таъминлашда юзага келадиган харажатлар, шунингдек, шартномани самарасиз мослаштириш, унга тузатиш киритиш билан боғлиқ бўлган, шартномани амалга ошириш бўйича танланган йўлдан қайтиш, шартномадаги хатолар ва кутилмаган ташқи низолар натижасида юзага келадиган харажатларни фарқлаш лозим.

Шуни инобатга олган ҳолда, иқтисодиётда институтларни шакллантиришда, улар фаолиятини самарадорлигини оширишда трансакция харажатлари асосий роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан [72] О.Уильямсоннинг қуйидаги хулосаси диққатга сазовор: “моддий ва хомашёларга кам харажатлар билан кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган жамият эмас, балки маҳсулотни ишлаб чиқаришда трансакция харажатлари улуши паст бўлган жамият ютуққа эришади”.

1.3. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга Норт ёндашуви

Микродаражада трансакция харажатларини таҳлил қилишга нисбатан Коуз – Уильямсон ёндашуви трансакцион ёндашув, деб юритилса, макродаражада Норт ёндашуви трансформацион ёндашув, деб юритилади [64].

Таҳлилларга кўра, дастлаб трансформация харажатларини ўрганиш ишлаб чиқариш назарияси доирасида олиб борилган ва харажатларнинг ушбу тури кўпинча ишлаб чиқариш харажатлари – материални жисмоний ўзгартириш, натижада муайян қийматга эга маҳсулот олинадиган жараёнидаги харажатларга тенглаштирилган. Ушбу харажатларга нафақат материалга ишлов бериш харажатлари, балки ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилган. Шундай қилиб, бундай талқин этишда трансформация харажатлари тушунчаси кенг маъно касб этади, чунки ушбу ишлаб чиқариш харажатларига уларни фақатгина шартли равишда ишлаб чиқариш харажатлари, деб аташ мумкин бўлган трансформация харажатлари ҳам киради.

Мазкур ҳолатда трансформация харажатлари муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш билан эмас, балки институционал тизимни ўзгартириш билан боғлиқ. Шундай қилиб, трансформация харажатларига қуйидаги умумий таърифни бериш мумкин: трансформация харажатлари эски институтларни тугатиш, иқтисодий тизимда янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан боғлиқ харажатлардир. Булар таркибига нафақат юқорида санаб ўтилган харажат турлари, балки янги институтлар, шу жумладан янги тадбиркорликни ташкил этиш ва бу фаолиятни юритиш билан боғлиқ харажатларни ҳам киритиш мумкин.

Трансформацион ёндашувга мувофиқ жамиятдаги эски расмий ва норасмий қоидаларнинг тугатилиши ва янгиларининг белгиланишига олиб келувчи ўзгаришлар трансформация харажатлари ошишига сабаб бўлади.

Республикамизда амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ўзгартириш, янги қонунчилик тизимини барпо этиш, бозор тизимларини шакллантириш ва шу каби бошқа институтларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар шулар жумласига киради.

Трансформация ва трансакция харажатлари ўртасида фарқ мавжуд бўлишига қарамай, ушбу харажатлар ўзаро узвий боғланган. Т.Эггертссон томонидан ифодаланган қуйидаги фикр унинг моҳиятини очиб беради [85]: агар трансакция харажатлари катта бўлмаса, у ҳолда иқтисодиёт ундаги мавжуд сиёсий ва бошқа институтлар тўпламидан қатъи назар ҳамма вақт оптимал йўналиш бўйича ривожланади. Яъни институционал тизим фаолиятининг трансакция харажатлари катта бўлмаганда ҳар қандай ўзгаришларга юқори трансформация харажатларининг таҳдиди тўсқинлик қилади, техник тараққиёт ва (жисмоний ва инсон) капитални жамғариш эса автоматик тарзда иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, институционал тизимни ўзгартириш нафақат трансформация харажатларининг ўсиши, балки илгариги тизимда мавжуд бўлмаган бир қатор трансакция харажатларининг пайдо бўлишига ҳам олиб келади.

Юқорида айтилган фикрлар кўп жиҳатдан самарасиз институтларнинг узок вақт мавжуд бўлиши ва иқтисодий ташкилот турғун шаклларининг фаолият юритишини ҳам изоҳлайди.

Ўзгаришларга тўсқинлик қилувчи асосий кучлар Д.Норт [87] томонидан ҳам кўриб чиқилган. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) давлат – агар бу ғазна даромадлари билан харажатлари ўрасидаги фарқни камайтиришга ёрдам берса;
- 2) ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи нуфузли гуруҳлар;
- 3) жамиятнинг унинг аввалги ривожланиш йўналишига боғлиқлигини белгилаб берувчи институционал матрица.

Ўз навбатида, юқори трансформация харажатлари, юзага келган институционал тизимнинг самарадорлигидан қатъи назар, унинг ўзига хос барқарорлаштирувчиси ҳисобланади.

Янада самарали институционал қоидаларнинг жорий этилиши ва институтларнинг ташкил этилиши катта миқдордаги трансформация харажатлари билан боғлиқ, бироқ янги институтлардан (трансакция харажатларини тежашдан) келадиган самара анча катта бўлиши мумкин.

Ислохотларга сарфланган маблағлар оддий инвестицияларга нисбатан катта хатарлар билан боғлиқ бўлишига қарамай, янги институтларнинг кўпроқ самарадорлигини кутиш, шунингдек, бошқа мамлакатлар тажрибаси институтларни импорт қилувчи ислохотчиларни ҳаракатга келтиради.

Бундай ўзгаришларни юқори даражадаги трансформация харажатларига эга ўтиш иқтисодиётида ҳам кузатиш мумкин. Ўтиш иқтисодиётида трансформация харажатларига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Ресурсларни инвестициялашнинг анъанавий соҳаларидан янги институтларни барпо этишга йўналтириш. Эски хўжалик механизмини тугатиш, нархни шакллантириш ва солиқ солишнинг янги усулларига ўтиш, хусусийлаштириш механизмларини яратиш, молия ва банк тизимини тубдан ўзгартириш – ресурсларни инвестициялашнинг анъанавий соҳаларидан четлаштириш билан боғлиқ.

2. Қайта ташкил қилиш харажатлари. Унинг икки жиҳатини фарқлаш лозим. Биринчидан, ислохотлар жараёнида эски тизимнинг бузилиши янги тизимнинг самарадорлиги намоён бўлгунга қадар юз беради. Бозорни эгаллаб олиш бўйича қатъий курашда иштирок этувчи кўп сонли иқтисодиёт субъектларининг фақатгина бир қисми ўз лойиҳаларини амалга оширади, натижада – жамият йўқотишларга дуч келади. Иккинчидан, мувозанатга томон ҳаракатланиш жараёнида турли субъектлар, шу жумладан давлатнинг ҳаракатлари ҳам уйғунлашмаганлиги. Ушбу жиҳат ислохотчилар томонидан етарлича баҳоланмаган ва бу ҳанузгача етарлича ўрганилмаган.

3. Ўтиш рентасини қайта тақсимлаш харажатлари. Буйруқбозлик тизимида жамиятдаги мавжуд ресурсларнинг қатъий тартибга солиниши алоҳида гуруҳлар учун имтиёзларнинг пайдо бўлишига олиб келди, бу рента даромади билан бир хил бўлади. Улгуржи ва чакана нархлар, шунингдек, ички ва жаҳон нархлари ўртасидаги фарқлар ҳисобидан олинган рентанинг катта

қисми давлатга келиб тушиб, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида қайта тақсимланди, уларнинг кичик қисми эса амалдорлар ва хуфиёна бозор субъектлари томонига ўтди. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ушбу хилдаги рента даромадлари ва суиистеъмол қилиш имкониятларининг йўқолишига олиб келиши лозим.

Трансформация харажатларининг турларини таҳлил қилиш ўтиш иқтисодиётига бўлган мамлакатларда уларнинг ўсиш механизмини тушунтириш имконини беради: институтларнинг дастлабки сифати қанча ёмон бўлса, уларни такомиллаштириш учун шунча кўп инвестициялар йўналтирилади; тизим мувозанатдан қанча йироқ бўлса, ўтиш жараёни шунча узоқ давом этади ва тугатиш йўқотишлари шунчалик кўп бўлади; мувозанатдан йироқлик ўтиш рентасини қайта тақсимлаш кўламларининг катталигини, демак у учун курашиш натижасида йўқотишлар катта бўлишини англатади. Таъкидлаш лозимки, ислохотлар харажатлари ва фойдаси аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида нотенг тақсимланади, бу кўп жиҳатдан турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ трансформациялар динамикасида ўз аксини топади.

Ҳозирги вақтда ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳамда ривожланаётган мамлакатларда юз бераётган кенг кўламли институционал ўзгаришлар муносабати билан катта ҳажмдаги трансформация харажатлари муаммоси ғоят кескин турибди. Бу ўринда трансформация харажатларини қандай қилиб қисқартириш мумкин ва уларни қисқартириб бўладими деган савол туғилади.

Институционал муҳитни сунъий равишда ўзгартиришда (мавжуд институтларни ўзгартиришда ёки мутлақо янги институтларни импорт қилишда) кўп жиҳатдан уларда бундай институтлар жамият эволюцияси жараёнида шаклланган ва муваффақиятли фаолият юритаётган мамлакатлар тажрибасини пухта ўрганиш трансформация харажатларининг қисқаришига кўмаклашиши мумкин.

Афсуски, трансформация харажатлари муаммосига олим ва иқтисодчилар фақат сўнгги йилларда эътибор қарата бошладилар ва, трансформация харажатлари ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг иқтисодиёт фанида энг зарур ва муҳим унсур ҳисобланишига қарамай, улар кам ўрганилган омил бўлиб қолмоқда.

Шу билан бир қаторда янги институтларни ташкил этишнинг баъзи усуллари фойдасига ҳал этиш нафақат уларнинг фаолият юритиш самарадорлиги турлича эканлиги туфайли, балки инсонлар ўртача чамаланган баҳони чиқаришда кўрсаткичларни турлича ўлчаш усулларида фойдаланиши сабабли ҳам фарқ қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан трансакция ҳамда трансформация харажатларини ўлчаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Чунки трансакция харажатлари кўпинча ушбу таркибий қисмнинг ўлчаб бўлмаслиги билан тавсифланади. Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган мутахассислар фикрига кўра, иқтисодий таҳлилга трансакция харажатларининг киритилиши деярли барча ҳодисаларни

трансакция харажатларини камайтириш йўли билан эришилган самарадорлик нуқтаи назаридан изоҳлаш имконини берган бўлар эди. Трансакция харажатларини ўлчаш имконини берувчи усулларнинг ишлаб чиқилиши ушбу соҳада эришилган самарали қадам бўлди.

Таҳлилларга кўра, ўлчаш муаммосини шартномалар тузишнинг турли усулларидаги трансакция харажатларини таққослаш йўли билан ҳал этиш мумкин. Бошқарувнинг муқобил аниқ (мавжуд) тузилмаларини таққослашни кўпинча мураккаб математик аппаратни қўлламай ёки чегара қийматларни ҳисоблаб чиқмай амалга ошириш мумкин. Иккита қийматнинг ўзаро мос келмаганлигини кўрсатиб бериш учун ушбу қийматларнинг чегара қийматлари тенглигига эришиладиган шароитларни аниқлашдаги каби нозик ва мураккаб усуллар талаб этилмайди.

Айрим иқтисодчилар ҳар бир муайян ҳолатда харажатларни аниқ тафсирлашни таклиф этади, масалан, бир ҳолатда – бу хусусий тадбиркорликни ташкил этиш харажатлари (тадбиркорлик шаклини рўйхатдан ўтказиш, лицензия олиш ва ҳ.к.), иккинчи ҳолатда мулкый ҳуқуқларнинг ҳаракатини таъминловчи харажатлар, учинчи ҳолатда шартномаларни тузиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ харажатлар, тўртинчи ҳолатда корхонада қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Трансакцион ёндашувни қўллашдаги ўзига хос мураккабликлар шундан иборатки, айрим трансакция харажатлари ушбу турдаги харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келган трансакцияларнинг мавжуд эмаслиги туфайли тафсирланиши ва ҳисоблаб чиқилиши мумкин эмас. Бундай харажатларнинг ушбу турлари “виртуал харажатлар”, деб номланади.

2 боб. Трансакция харажатларини ўзгариб туриши муаммоси ва уларни камайтириш концептуал асослари

2.1. Ахборот етишмаслиги ва шаффоф эмаслиги – харажатлар кўпайишининг манбаи

Янги билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш шароитида корхона ресурс тарихида фойдаланадиган ахборотлар оқими доимо ошиб боради. Танқис ресурс сифатида фойдаланиладиган ахборот сифимининг ошиши объектив равишда бозорни ўрганиш, у ҳақдаги ахборотларни тўплаш, таҳлил этиш, сақлаш ва янгилаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, яъни трансакция харажатлари муттасил ортишига олиб келади.

Трансакция харажатларининг ортишидаги ахборотнинг аҳамиятини иқтисодчи олим К. Далман асослаб берган. Унинг таърифига кўра [87], “ахборот йиғиш ва қайта ишлаш, музокаралар ўтказиш ва қарор қабул қилиш, шартномалар тузиш ва уларнинг амал қилиши устидан назорат олиб бориш каби фаолиятлардаги харажатлар трансакция харажатлари ҳисобланади”. Шунингдек, “ижобий трансакция” тушунчасининг фанга киритилиши олимнинг йирик ютуқларидан бири бўлди.

Шунингдек, давлат даражасида трансакциялар миқдори хусусида О.В.Тарасенко [63] шундай фикр билдирган: “макродаражада трансакция харажатлари (ЯИМда трансакция сектори улуши)нинг ошиши, бир томондан, ихтисослашувнинг ўсиши ва меҳнат тақсимоли, иқтисодиётнинг легаллашуви туфайли, иккинчи томондан эса, тартибга солиш хизматлари бозорида давлат органларининг мавқеи ва ҳукуматнинг юқори принципиал табиати туфайли кузатилади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш, молиявий, бошқарув трансакцияси ахборотга асосланади”.

Ахборотнинг харажат талаблиги трансакция харажатларини тушуниш учун йўл очиб беради. Субъектларга ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол жараёнида талаб этиладиган ҳар қандай ахборот муайян сай-ҳаракатлар эвазига қўлга киритилади. Тегишли ахборотни қидириш харажатлари, асосан, вақт билан ўлчанади.

Ҳар қандай шартнома ёки битим шартнома тузилиши учун ахборотни тўплаш зарурлигини назарда тутати. Битим тузиш босқичида харидор сотувчини топиши, нархлар ҳақида маълумотлар йиғиши, сифатни баҳолаши, сотувчини танлаши ва у билан битим тузиши керак бўлади. Сотувчи бозорда жой сотиб олиши, маҳсулот сифати назоратини олиб бориши ва узлуксиз равишда нархлар ҳақида ахборот йиғиши лозим бўлади. Амалда ҳар қандай битим ахборотни таҳлил қилиш: бозорни (маркетинг) тадқиқ этиш, харидорни ёки сотувчини қидириб топиш, нархлар ва бозорни таҳлил қилиш билан кузатилади. Корхоналар учун ушбу харажатлар ўз хизматларини реклама қилиш харажатлари, буюртмаларни қидириб топишда воситачилар хизматларининг ҳақини тўлаш билан боғлиқ.

Умуман олганда, ахборотни излаш харажатлари имкониятли шерик ҳақидаги, бозордаги вазият ҳақидаги ахборотни қидириб топиш харажатларини, шунингдек қўлга киритиладиган тўлиқсиз ва номукамал ахборот билан боғлиқ йўқотишларни ўз ичига олади. Ресурслар сарфидан ташқари бунга ходимларнинг вақт сарфлари ҳам киради.

Бозордаги сотувчилар ва харидорлар сони, товарнинг бир хиллик даражаси, уларнинг бозорда иштирок этишининг узоқлиги, бозорнинг жуғрофий қўлами ахборот харажатларининг ҳажмини белгилаб берувчи асосий омиллар бўлади. Бунда оқилона танлаш модели ўзгармайди, лекин қўшимча шартлар киритилмайди: битим тўғрисида қўшимча ахборотни излаш харажатлари ундан олинishi кутилаётган энг юқори даромад билан тенглаштирилади.

Бозор тўғрисидаги ахборотнинг чекланганлиги трансакцияни амалга ошириш (неъматни харид қилиш)дан воз кечишга олиб келиши мумкин. Бу ҳол шу билан боғлиқки, ноаниқлик даражаси шунчалик юқори бўлиши мумкинки, инсонлар қўшимча ахборот олиш учун куч сарфлагандан кўра трансакциядан воз кечишни афзал кўришади.

Иқтисодийдаги бошқа бир ҳаётий вазиятга, яъни унда томонлар ишлаб чиқариш ускунасини акциялар билан алмашадиган (қайсиким, бир шахс муайян миқдордаги акцияларга, ишлаб чиқариш ускунасини алмаштирадиган) ҳолатга мурожаат этайлик. Бундай битимлар амалда тез-тез учраб туради. Албатта, ишлаб чиқариш ускунасини сотувчини акцияларнинг ўзи қизиқтирмайди. У ушбу акцияларни чиқарган корхона ҳақида ҳамма нарсани билиши керак. Шунинг учун у, авваламбор, мазкур корхона ҳақида ахборот тўплашига, сўнгра эса, агар акциялар ўрнига жиҳоз етказиб берилса, у ушбу корхонани самарали назорат қила олиш-олмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал этишига тўғри келади. Яъни ишлаб чиқариш ускунасининг сотувчиси ўзининг акциялар билан эмас, балки контрагент билан ўзаро муносабатларини кўриб чиқади. Бу ҳолат ҳар қандай узоқ муддатли бошқа етказиб беришларга ҳам тааллуқли.

Трансакция харажатлари барча иқтисодий фаолият турларида мавжуд, шу боис ахборот тўлиқ йиғилганда, ундан ҳар бир сотувчи ва харидор фойдаланиши мумкин. Бу эса трансакция харажатлари ўсишини чегаралайди.

Трансакция харажатларини таҳлил қилишдаги навбатдаги қадам барча трансакция харажатлари ахборот харажатларидан чиқарилиши мумкин деган тахминдан иборат. «Трансакция харажатлари алмашув тўғрисида ахборот олиш харажатлари билан боғлиқ»³. Таъкидлаш лозимки, тескари тасдиқ нотўғри: Робинзон Крузо ўз фаолиятида трансакция харажатларига эмас, балки (об-ҳаво шароитлари, турли бошоқли экинларнинг ҳосилдорлиги тўғрисида) ахборот харажатларига дуч келади (2.1-расм).

³ Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – с. 213.



2.1-расм. Ахборот харажатлари ва трансакция харажатларининг ўзаро алоқадорлиги

Мисол тариқасида битим бўйича шерикнинг эҳтимолий оппортунистик хатти-ҳаракати билан боғлиқ харажатларнинг ахборот харажатлари орқали шартланганлигини кўриб чиқамиз. Эслатиб ўтамиз, оппортунизм ахборотнинг тўлиқсизлиги ва асимметриклиги шароитида нооқилона ҳаракатнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Майли шартнома x ҳаракатнинг амалга оширилишини белгилаб берсин, лекин y тузилганидан кейин воқеаларнинг ривожланишини билган ҳолда, тарафлар улар y ҳаракатни бажариш лозимлигини ҳал этади. Бироқ x дан y га ўтиш осон бўлмаслиги мумкин. Олинган даромадларни тақсимлаш тартиби интенсив савдолар предметига айланиши муқаррар бўлиб, ўз навбатида, тарафлар оппортунизмни рағбатлантиради. Агар битимни тузишда тарафлар контрагентнинг хатти-ҳаракати ҳақида ва битимнинг эҳтимол тутилган якуни ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлишганида эди, битимнинг амалга оширилиши жараёнидаги оппортунистик хатти-ҳаракатга йўл қўйилмаган бўлар эди.

Иқтисодий таҳлилда эътиборни ахборот бозорига ва ахборот нарҳига кўчириш трансакция харажатларининг табиатини ана шундай изоҳлаш интиҳоси ҳисобланади. Иқтисодий тизимнинг динамикасини аниқлашда асосий ролни ўйновчи бозор секторига нисбатан қарашнинг ўзгаришини 2.1-жадвал ёрдамида кўрсатиш мумкин.

2.1-жадвал

Иқтисодий тизимнинг динамикасини аниқлашда асосий ролни ўйновчи бозор секторига нисбатан қарашларнинг ўзгариши

Иқтисодий назария	Таҳлилда марказий ўрин тутувчи иқтисодиёт сектори
Физиократлар назарияси	Қишлоқ хўжалиги
Эски институционализм	Меҳнат бозори
Иқтисодий динамика назарияси (Й. Шумпетер)	Тадбиркорлик хизматлари бозори
Кейнсчилик	Фонд бозори
Монетаризм	Пул бозори
Трансакция харажатлари назарияси	Ахборот бозори

Манба: Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – с 214.

Давлат мулки объектларига хорижий инвесторларни жалб қилишда муайян лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри харажатлар

жумласига кирмайдиган трансакция харажатларини пасайтириш инвестицион бозорнинг ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, инвесторнинг мулки ва шахсини ножуя таъсирдан ҳимоялаш орқали амалга оширилади. Шунинг учун буни таъминлаш мақсадида қанунчилик ва норматив ҳужжатларни тайёрлаш чоғида инвесторларнинг манфаатларини ҳисобга олиш лозим. Маҳаллий кичик инвесторлар учун ишлаб чиқариш биноларини ижарага олиш тўловларининг чекланиши муҳим аҳамият касб этади. Инвесторлар мулкани ҳимоялаш нуқтаи назаридан камомадлар ва бошқа йўқотишлар, шунингдек носоғлом рақобат орқали етказилган зарар миқдорини аниқлашнинг ягона тартиби аҳамиятга эга.

Инвестиция фаолиятини ахборот билан таъминлаш борасида давлат фаолият кўрсатиб турган ва янги ташкил этиладиган тижорат консалтинг ташкилотларига, бизнес-режаларни ишлаб чиқувчи фирмаларга, лойиҳа институтларига кўмаклашиши зарур. Инвестиция фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг муайян вазифалари қонунчилик, бозорнинг ҳолати, иқтисодиёт ва алоҳида тармоқларни ривожлантириш истиқболлари, инвестицияларни жалб қилишдан манфаатдор бўлган корхоналарнинг режалари, хусусийлаштириш жараёни, акцияларнинг сотилиши, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш тўғрисидаги ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва фаоллаштиришдан иборат.

Агар корхонанинг бошқариш тизими анъанавий бўлса, унда бу жараёндаги барча харажатларни қоплаш корхона зиммасида бўлади. Кичик корхона учун бу қимматга тушади ва кўплаб молиявий маблағ, ахборот технологиялари ва юқори тоифадаги мутахассисларни талаб этади. Шу боис бундай ҳолларда корхоналар бошқаришнинг аутсорсинг усулини қўллаган ҳолда ахборот билан боғлиқ ишларни ихтисослашган корхоналарга шартнома асосида топширади ёки аксинча, ўзи эга бўлган кам, чала ахборотга асосланиб қарорлар қабул қилади. Бундай ҳолларда йирик корхоналар ўз таркибида ахборот марказларини ташкил этишни лозим кўрадилар. Ихтисослашган бу марказлар корхоналар учун бозор ва унинг конъюктураси ҳақидаги керакли ахборотларни жамлайди. Анъанавий бошқарувдан ўтиш барча иштирокчиларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, ахборот оқимини тартиблаштириш ҳисобига трансакция харажатларини анча камайтириш имконини беради.

Шунингдек, ахборот билан боғлиқ трансакция харажатларини оптималлаштиришда замонавий иқтисодиёт категорияси ҳисобланган янги трансакция харажатларини қўллаш, яъни интернет тармоғи негизида электрон тижоратни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Электрон бозорлардаги харажатлар таркибини таҳлил қилиш учун интернет-тижоратнинг қуйидаги тўртта асосий белгисини ажратамиз⁴:

⁴ Кузьминов Я.И. и др. Курс институциональной экономики: институты, сети, трансакционные издержки, контракты [Текст]: учебник для студентов вузов / Я.И.Кузьминов, К.А.Бендукидзе, М.М. Юджевич. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2006. XL, 442, [2] с. – Библиогр.: с. 410 – 426. – 5000 экз. – ISBN 5-7598-0303-4 (в пер.). с. 265.

- трансакцияни амалга ошириш учун харидор ва сотувчининг бир вақтнинг ўзида бир жойда бўлишига заруратнинг йўқлиги;
- битимни тузиш учун талаб этиладиган ахборотни деярли бепул олиш мумкинлиги;
- ахборотнинг икки тарафлама йўналтирилганлиги (интернет-тижорат сотувчи билан харидор ўртасида икки тарафлама коммуникацияни амалга ошириш имконини беради);
- сиёсий ва жуғрофий тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги туфайли бозорларнинг глобаллашуви.

“Ахборот магистрали электрон бозорни кенгайтиради, уни боғловчи бўғин, универсал воситачига айлантиради. Бутун жаҳон бўйлаб тақсимланган серверлар (харид учун) буюртмани ва якуний битимларга (сотиш тўғрисида) таклифни амалга оширади, аслига тўғрилигини назорат қилади, пул маблағлари ўтказмаларининг хавфсизлигини таъминлайди, бир сўз билан айтганда, бозорнинг фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлайди. Харидорлар учун бозор ахбороти мўл-кўл бўлиб, битимни тузиш харажатлари эса энг кам бўлган янги капитализм дунёси яратилади”⁵.

Электрон трансакцияларда харидорларнинг ахборотни излаш харажатлари кескин камаяди. Бундан ташқари, харидорлар турган жой билан шартланган вақт сарфлари йўқолади: битим предметини баҳолаш учун улар товар мавжуд бўлган жойга бориш ва у билан танишиш учун вақт сарфлашларига ҳожат йўқ, электрон почта бўйича олинган ёки кимовиди уйининг сайтида жойлаштириган ҳужжатларни қараб чиқишнинг ўзи кифоя қилади.

Битимни тузиш ва амалга ошириш учун харидор ва сотувчи муайян жойда муайян вақтда учрашиш имкониятларини қидириб топишга ҳожат йўқ. Бунинг ҳисобига мувофиқлаштириш харажатлари ҳамда навбатларда туриш билан боғлиқ харажатлар камаяди.

Излаш харажатлари нафақат харидорларда, балки сотувчиларда ҳам пасаяди. Харидорларнинг нимани афзал кўришларини баҳолаш учун улар энди харажатли сўровларни ўтказиши, дўконларда тўпланадиган ахборотни қайта ишлаши шарт эмас. Эндиликда улар зарур маълумотларни Интернет орқали, Тармоқдаги харидлар бўйича статистикани қараб чиқиб, олишади. Айтайлик, агар харидор сайтдаги мусиқа дискларини сотиш дўконига кирса, унинг танлови тўғрисидаги ахборот дўконнинг серверида автоматик тарзда сақланиб қолади. Бу мослашувчан нарх-наво сиёсатини юритиш (муайян товар ихлосмандларига уни катта нархда сотиб олишни таклиф этиш), шунингдек аниқ мақсадга йўналтирилган реклама кампаниясини юритиш имконини беради.

Шундай қилиб, энди товар ҳақидаги ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш осон кечади. Лекин агар сотувчиларда ахборот билан муаммолар бўлмаса, харидорларда бундай муаммо бўлиши мумкин: товар ҳақидаги ахборот борган сайин ишончилигини йўқотиб бормоқда. Бунда

⁵ Гейтс Б. Дорога в будущее. – М.: Русская Редакция, 1996. – с. 186.

сотувчиларда ахборотни қайта ишлаш имконияти мавжуд, харидорларда эса у ҳоят чекланган. Тарафлар оладиган товар ҳақидаги ахборотнинг нисбатан аниқлиги унинг табиатига боғлиқ. Товар стандартлаштирилмаган бозорларда у ҳақидаги ахборот ўта асимметрик тарзда тақсимланган, харидорлар ва сотувчилар бевосита мулоқот қилиши талаб этилади. Шунинг учун электрон майдончалар бу ерда реал майдончаларни сиқиб чиқармайди. Бироқ интернет ёрдамида товар ҳақидаги ноаниқ ахборот билан курашиш мумкин. Бунда сотиб олинган товарнинг сифати ҳақидаги ўз ахборотини сайтда қолдириш, рецензия ёзиш каби усуллардан фойдаланилади.

2.2 Коуз теоремаси ва трансакция харажатларини таҳлил қилиш ва оптималлаштириш усуллари

Коузнинг ижтимоий харажатлар билан боғлиқ ишларини Дж.Стиглер умумлаштириб⁶ «Коуз теоремаси» деб атаган [93]. Коуз теоремасига кўра, агар барча томонларнинг мулкӣ ҳуқуқлари яхши аниқланган ҳамда трансакция харажатлари нолга тенг бўлса, пировард натижа (ишлаб чиқариш қийматини максималлаштирувчи) мулкчилик ҳуқуқини тақсимлашдаги ўзгаришларга боғлиқ эмас (агар даромад самараси эътиборга олинмаганда). Теоремадаги асосий мазмун Дж.Стиглер фикрига кўра [93]: Мукаммалашган рақобат бозорида хусусий ва ижтимоий харажатлар бир-бирига тенгдир.

Трансакция харажатлари нолга тенг бўлса, бу қуйидагиларни англатади:

- барча томонлар ҳамма ҳолатларни биладилар ва янгиликлар ҳам тезда маълум бўлади. Томонлар бир-бирини яхши тушунади, яъни қўшимча тушунтиришларга ҳожат қолмайди.
- барча томонлар ўртасида манфаатлар доимо келишилади. Шартлар ўзгарган тақдирда томонлар келишиши тезда юз беради. Ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракат истисно этилган.
- ҳар бир товарга ёки ресурсга уларни ўрнини босувчи кўп хилдаги товарлар ёки ресурслар мос келади.

Бундай шароитда мулк ҳуқуқларининг дастлабки тақсимланиши ишлаб чиқариш таркибига мутлақо таъсир кўрсатмайди, чунки пировардида ҳар бир ҳуқуқ ушбу ҳуқуқдан энг самарали фойдаланиш асосида у учун энг юқори нархни таклиф этишга қодир бўлган мулкдорга тегишли бўлади.

Амалий изланишлар натижаси таҳлили шуни кўрсатадики, Коуз теоремаси келишиладиган томонлар чекланган иккита ва учта бўлгандагина ўринли. Томонлар сони ошган сари трансакцион харажатлар ошиб боради ва ушбу харажатларни нолга тенглиги тўғрисида фараз ўз кучини йўқотади.

Коуз теоремаси амалий иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнайди, ундан атроф-муҳитни ифлослантиришга қарши давлат сиёсатини ва стратегиясини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкин.


Буни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатини амалга оширишда кўриш мумкин. Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати ёрдамида назорат

⁶ Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: Дело ЛТД, 1993.

қилишдан олинадиган ижтимоий чекли ютуқ назоратни амалга тадбиқ этиш учун сарфланадиган ижтимоий чекли харажат билан тенг ҳолатда (баланс) бўлишига ҳаракат қилинади.

Ижтимоий чекли ютуқ чизиғи билан ижтимоий чекли харажат чизиғи кесишган нуқта зарарли чиқиндиларни чиқаришнинг жамият учун самарали бўлган даражасини аниқлашга ёрдам беради (2.2-расм).

MSC чизиғи атроф-муҳитни ифлослантирадиган чиқиндиларнинг фоиз бўйича камайиб бориши натижасида ижтимоий чекли харажатларни ошиб боришини ифодалайди. Шунинг учун ҳам чиқиндиларни ҳар бир қўшимча фоиз камайтирилиши янада кўпроқ харажат билан боғлиқ бўлади.



2.2-расм. Чиқиндиларнинг оптимал даражасини аниқлаш

Зарарли чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқарилишини камайтиришнинг учта вариантыни кўриш мумкин:

- зарарли чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқарилишида норма ва стандартларни ўрнатилиши;
- чиқиндилар учун тўлов ўрнатиш;
- чиқиндиларни вақтинча чиқариш учун рухсатнома сотиш.

Чиқиндиларга норма ва стандартлар ўрнатиш қонун билан тартибга солинади. Бу ерда саноат чиқиндилари таркибидаги зарарли моддалар даражасига (ҳажмига) қўйиладиган миқдорий чеклов қонун билан белгилаб қўйилади. Бундай стандартлар барча ривожланган давлатларда ўрнатилган.

Масалан, автомобилларнинг бензинни ёқиши натижасида чиқадиغان газда карбонат ангидрид газининг миқдори чекланган. Чиқинди газ таркибида ушбу модданинг нормадан юқори даражада бўлса, автомобиль эгасига жарима солинади.


Стандартларни ўрнатишдан амалиётда фойдаланишнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд. Биринчидан, чиқиндиларни маълум нормагача бепул чиқариш мумкинлиги; иккинчидан, барча иқтисодий субъектлар учун бир хил стандартни белгиланиши ҳудудларда экологик ҳолатнинг ҳар хил

даражада долзарблигини эътиборга олмайди; учинчидан, стандартлар ишлаб чиқарувчиларни зарарли чиқиндиларни камайтиришга ундамайди.

Зарарли чиқиндилар учун тўлов жорий этиш. Бу усулга кўра атроф-муҳитга чиқарадиган ҳар бирлик зарарли чиқиндиси учун корхоналарга тўлов белгиланади. Ушбу усул, тажрибадан маълумки, атроф-муҳитга чиқариладиган умумий чиқинди ҳажмини камайтиришга олиб келади. Лекин бу тизимни аниқ ишлашини тўлиқ кафолатлаш қийин.

Табиий муҳитга зарар келтириш даражасини пасайтириш учун унга бўлган ҳуқуқини сотиш билан тартибга солиш мумкин. Давлат маълум соҳа бўйича зарарли чиқиндилар чиқаришнинг мумкин бўлган ҳажмини аниқлаб, уни рухсатнома (лицензия) шаклида аукцион орқали сотишни амалга ошириши мумкин.

Фараз қилайлик, давлат чиқиндиларни 2000 кг дан 1000 кг гача туширмоқчи. Бу ҳолда давлат бир килограммдан чиқинди чиқаришга рухсат берадиган 1000 та рухсатнома сотади (2.3-расм). Рухсатнома таклифи эластик бўлмаганлиги учун мувозанат ҳолат E_1 нуқтада ўрнатилади.



2.3-расм. Атроф-муҳитни ифлослашга ҳуқуқни сотилиши самараси.

E_1 нуқтада бир килограмм чиқинди чиқариш рухсатномаси нархи 500 сўм. Агар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳаракати маҳаллий жойларда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 100 та рухсатномани сотиб олиб уни сотувдан чиқарса, битта рухсатнома нархи кўтарилиб 600 сўмга тенг бўлади. Бу ушбу усулнинг эгилувчан эканлигини кўрсатади. У ёки бу имкониятли мулкдорнинг мулккий ҳуқуқларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорлик даражаси ҳақида мулоҳаза юритишда Коуз теоремаси асос бўлиб хизмат қилади.

Бошқача қилиб айтганда, мулккий ҳуқуқларнинг дастлабки тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг таркибига таъсир ўтказмайди, чунки пировардида

ҳуқуқларнинг ҳар бири ушбу ҳуқуқдан энг самарали фойдаланиш асосида у учун энг юқори нархни таклиф этишга қодир бўлган мулкдорнинг қўлида бўлади. Коуз теоремаси шартига кўра, трансакция харажатларига эътибор қаратмаган ҳолда, мулкӣ ҳуқуқларнинг муайян эгаси ҳақида эмас, балки ресурсларга бўлган мулкӣ ҳуқуқларни тақсимлашнинг муҳимлиги ҳақида хулоса чиқариш керак бўлади. Шу нуқтаи назардан, мулкни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида эгалик қилиш ҳуқуқини меҳнат жамоасими, корхона маъмурияти, Давлат мулки кўмитасими ёки банк тизимими, ким қўлга киритганлиги муҳим эмас, пировардида бу ҳуқуқни ундан ҳақиқӣ манфаатдор бўлган ва самарали мулкдор қўлга киритишидир.

Коуз теоремасини кўриб чиқиш, ҳуқуқларни мулкдорлар фойдасига энг самарали тарзда қайта тақсимлаш жараёнида ўрин тутди. Мамлакатимизда ҳуқуқларни қайта тақсимлаш жараёни деярли ҳуқуқларни дастлабки тақсимлашдан сўнг дарҳол бошланди. Яъни, давлат корхоналарини хусусийлаштирилиб, акциядорлик жамиятларига айлантилди. Бунда акциялар ё корхона маъмуриятининг, ёхуд ташқи инвесторнинг қўлига ўтди. Акциядорлик жамиятларига айлантилган йирик корхоналарнинг аксариятида маъмурият назорати амал қилди.

Яъни, мулкӣ ҳуқуқларни бирламчи тақсимлашнинг дастлабки босқичида аксарият корхоналарга эгалик қилиш ҳуқуқи меҳнат жамоасининг қўлидан маъмурият қўлига ва кам ҳолларда ташқи сармоядор қўлига ўтди.

Коуз теоремасига мувофиқ эркин алмашув натижасида эришилган ҳуқуқлар тақсимоти энг оптимал вариант (трансакция харажатлари нолга тенг) бўлиб, ўзаро ҳамкорлик иштирокчилари уни ўзгартиришдан манфаатдор эмаслар. Шу сабабли ташкилий тузилмани амалий таҳлил қилиш учун мулкчилик ҳуқуқлари назариясини қўллашга бўлган қизиқиш шу билан шартланганки, ҳақиқатда трансакция харажатлари нолга тенг эмас, демак, ҳуқуқлар тақсимоти ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ташкилот фаолиятининг ўзига хослигига қараб мулкдорлар ўртасида ҳуқуқлар тақсимотининг энг оптимал вариантини танлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқӣ шакли тўғрисидаги маълумотлар асосида шерикларни танлаш имконияти очилади.

У ёки бу ташкилий-ҳуқуқӣ шаклга хос бўлган ҳуқуқлар тақсимоти Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Юридик шахслар» деб номланувчи 4-бобида қайд этилган меъёрлар билан белгиланади. Юридик шахсларни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқӣ жиҳатлари мулк ҳуқуқининг турли иқтисодӣ субъектларга тегишли алоҳида ҳуқуқларга ажратилишига йўл қўяди. Мисол тариқасида ташкилий-ҳуқуқӣ шаклни белгиловчи ҳуқуқлар тўпламининг айрим жиҳатларини қуйидаги жадвал орқали ҳавола этамиз, унда турли ҳуқуқларнинг тегишлилиги Фуқаролик кодексининг тегишли моддасида белгиланган (2.2-жадвал).

Улушли мулк ҳуқуқи эса қуйидаги субъектлар ўртасида тақсимланади: унинг иштирокчилари, иштирокчиларнинг умумӣ йиғилиши, ижро этувчи

орган ва давлат. Қонунда қайд этилган ҳуқуқларнинг бундай тақсимланиши иқтисодий фаолиятни таъминлаш нуқтаи назаридан қанчалик оптималлигига оид саволга жавоб бериш учун ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш меъзонларидан фойдаланиш мумкин.

Коуз теоремасидан бир неча муҳим назарий ва амалий хулосалар келиб чиқади.

2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида мулкрий ҳуқуқларнинг тавсифланиши

	Шахс	Улушли мулк	Биргаликда ги мулк	Давлат
Эгалик қилиш ҳуқуқи	154,207	219	225	
Фойдаланиш ҳуқуқи	154,207	219	225	
Тасарруф этиш ҳуқуқи	154,207	218	225	179,180
Хўжалик юритиш ҳуқуқи				176
Тезкор бошқариш ҳуқуқи				178

Манба: ЎзРФК моддалари асосида тузилган.

Биринчидан, у мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий маъносини очиб беради. Коузнинг фикрига кўра, экстерналийлар (яъни хусусий ва ижтимоий харажатлар ва фойда ўртасидаги фарқлар) фақат мулкчилик ҳуқуқлари аниқ белгиланмаган, йўқолган ҳолларда пайдо бўлади. Ҳуқуқлар аниқ белгиланган ҳолларда барча экстерналийлар ташқи харажатлар ички харажатларга айланади. Ташқи таъсирлар туфайли чекланмаганлик тоифасидан ноёблик (сув, ҳаво) тоифасига ўтган ва уларга нисбатан бунгача мулкчилик ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ресурслар низоларнинг асосий моҳиятига айланиши бежизга эмас.

Иккинчидан, Коуз теоремаси бозорни “муваффақиятсизлик”да айблашдан халос этади. Экстерналийга барҳам бериш йўли мулкчилик ҳуқуқлари аниқ белгиламаган соҳаларда янги мулкчилик ҳуқуқларини яратиш орқали ўтади. Шунинг учун ташқи таъсирлар ва уларнинг салбий оқибатлари нуқсонли қонунчилик туфайли юзага келади; агар кимдир бу ерда «муваффақиятсизликка учраса», бу албатта давлат бўлади. Коуз теоремаси аслида бозор ва хусусий мулкка қарши суриладиган атроф – муҳитни барбод этишдаги стандарт айбловларни олиб ташлайди. Ундан тесқари хулоса келиб чиқади: ташқи муҳитнинг инқирозга юз тутишига хусусий мулкнинг ортиқча эмас, балки камчил ривожланиши олиб келади.

Учинчидан, Коуз теоремаси трансакция харажатларининг энг муҳим аҳамиятини аниқлайди. Улар ижобий бўлганида мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланиши бетараф омил бўлмай қолади ва ишлаб чиқариш самарадорлигига ва таркибига таъсир кўрсата бошлайди.

Тўртинчидан, Коуз теоремаси шуни кўрсатиб турибдики, ташқи таъсирларни далил келтириш – давлатнинг аралашуви учун етарлича асос бўла олмайди. Трансакция харажатлари паст бўлган ҳолларда давлатнинг

аралашуви ортиқча, ушбу харажатлар юқори бўлганда эса – у ҳамма вақт ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Чунки давлатнинг ҳаракатлари ижобий трансакция харажатлари билан боғлиқ, шунинг учун даволаш касалликнинг ўзидан ёмон бўлиши мумкин.

Умуман олганда Коуз теоремаси шартлари асосида трансакция харажатларини таҳлил қилиш амалиётда улар турларини камайтириш, таркибини оптималлаштириш ҳамда харажатлар ўзгаришлари қонуниятини чуқурроқ англашга ва шу орқали чекланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, трансакция – мулк ҳуқуқларини бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш жараёнини ўзида намоён этади. Қуйидаги модель иккала томонни самарали иқтисодий агентлар сифатида таҳлил қилиш қай тарзда амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиб беради.

Мулк ҳуқуқини ўтказиш жараёнида иккита агент – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи «товар – пул» алмашувида иштирок этади. Бунда шартномани тузиш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш ва шартномани учинчи шахслардан ҳимоялаш, товар бирликларида ўлчаниши мумкин бўлган (томонларнинг йўқотишлари сифатида) трансакция харажатларининг мавжудлигини белгилаб беради.


У ҳолда ушбу трансакцияни ишлаб чиқариш функцияси каби трансакция функция кўринишида ифода этилиши мумкин:

$$Y_c = F(Y_p), \quad (2.1)$$

бу ерда, Y_p – сотувчи томонидан етказиб бериладиган товар ҳажми;

Y_c – харидоргача етиб борган товар ҳажми.

Мазкур функция 2.4-расмда чизма шаклда намоён этилган. Трансакция харажатлари BD кесимига тенг бўлган $K = Y_p - Y_c$ катталиги билан ифода этилган.



2.4 – расм. Трансакция функцияси ва трансакция харажатлари

Таъкидлаш лозимки, трансакция функциясининг чизмаси бутунлай бурчак биссектрисасидан пастда турибди, бу ижобий трансакция харажатларининг мавжудлигидан далолат беради. Трансакция функциясининг

эгилганлигини трансакцион жараённинг охирги самараси деб айтиш мумкин. 2.4-расмдан кўриб турганимиздек, трансакция ҳажмининг ортиши билан трансакциянинг самарадорлиги чегараси пасаяди.

Энди фараз қилайлик, трансакцияни амалга оширишни махсус воситачи корхона ўз зиммасига олади. Мазкур корхона товарни сотувчидан P_p нарх бўйича харид қилади ва уни харидорга P_c нарх бўйича сотади. Бундай корхона трансакцияни амалга ошириш харажатларини ҳисобга олган ҳолда ўз фойдасини кўпайтирувчи агент сифатида кўриб чиқилиши мумкин, яъни:


$$\max R = P_c Y_c - P_p Y_p, \quad (2.2)$$

$$Y = F(Y_p), \quad (2.3)$$

У ҳолда ушбу кўпайтириш вазифасининг биринчи тартиби куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{\Delta Y_c}{\Delta Y_p} = \frac{P_p}{P_c}, \quad (2.4)$$

Мазкур вазият чизма кўринишида 2.5-расмда тасвирланган. Корхона фойдасининг кўпайишига Q нуқтада эришилади. Тахминга кўра, $\frac{\Delta Y_c}{\Delta Y_p} < 1$, қайсики, $\frac{P_p}{P_c} < 1$, тенгламада $P_p < P_c$ бўлса.



2.5 – расм. Корхона ва воситачилар ўртасидаги вазифаларни оптималлаштириш йўллари

Шундай қилиб, харидор товар учун сотувчи у учун оладиганга қараганда кўпроқ ҳақ тўлайди. Ушбу фарқ трансакция харажатларининг мавжудлиги билан белгиланади. Агар трансакция кўлаמידан пасайиб борувчи самарани назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда бундай шароитда уни ташкил этишни ўз зиммасига олувчи корхонанинг оптимал ўлчами мавжуд бўлиши лозим.

Ҳақиқатда бозорларда агентлар, одатда, битим тузилгунга қадар бирмунча харажатлар киради. Одатда энг маъқул шерикни топиш ва у билан қулай шартлар тўғрисида келишиш учун харажатлар (вақт, руҳий, пул) билан бирга шерикни қидириш саъй-ҳаракатлари зарур. Қуйидаги модель ушбу харажатлар истеъмолчининг хатти-ҳаракатларига ва унинг бозордаги танловига қай тарзда таъсир этиши мумкинлигини кўрсатади.

Нархларнинг ноаниқлиги туфайли харидорлар янада фойдали битимни қидириш харажатларини амалга оширадилар. Шунингдек, ушбу модель сотиш дўконни қидириш ва танлаш харажатлари қандай аниқланишини ҳам кўрсатиб беради.

Фараз қилайлик, аҳоли яшовчи йирик ҳудудда бир хил товар сотувчи дўконлар типлари мавжуд, $i=1, \dots, n$ хилдаги дўкон $p = i$ нархни қайд этади. Шу тариқа, биринчи дўконда нарх энг арзон ($p=1$), иккинчи дўконда эса у 2 га тенг ва ҳ.к. Истеъмолчи ҳар бир дўконнинг хилини билмайди, лекин хилларнинг тақсимланишини билади. У изчил қидиришни амалга оширади ва ҳар бир дўконга кирган тақдирда $s > 0$ миқдоридаги харажатларни қилишига тўғри келади. Бунда у қидиришни давом эттириш ёки харидни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Ҳар бир нарх даражаси эҳтимолини $v(p)$ шаклида ёзиб,

$$v(p) = \frac{[1 + 2 + \dots + (1 - p)]}{n}, \quad (2.5)$$

қуйидагини ҳосил қиламиз,

$$v(p) = \frac{p-1}{n} + \frac{p-2}{n} + \dots + \frac{1}{n} = \frac{p^2 - p}{2n} \quad (2.6).$$

Сўнгра, арифметик прогрессия йиғиндиси формуласи бўйича қуйидагига эга бўламиз:

$$v(p) = \left[\frac{(p-1)p}{2} \right] = \frac{p^2 - p}{2n} \quad (2.7).$$

Агар харидор яна бир дўконга киришга қарор қилса, таклифнинг ушбу P нархи бўйича қидиришдан кутилаётган йўқотишлар $s + p - v(p)$ га тенг. Агар қидиришдан кутилаётган йўқотишлар $s + p - v(p)$ таклиф этилган P нархдан юқори бўлса, харидор қидиришни тўхтатади. Бошқача айтганда, $s > v(p)$ шарти бажарилиши керак. Бундай ҳолатда харидор заҳира нарх стратегиясини қўллайди. Агар у $v(p) = s$ шартни қаноатлантирса, P нарх харидорнинг заҳира нархи деб номланади.

Заҳира нарх учун (2.7) тенгламани ечган ҳолда, қуйидагини топамиз

$$p = \frac{1 + \sqrt{1 + 8ns}}{2}, \quad (2.8)$$

(2.8) тенгламага мувофиқ, агар қидириш нархи ва юқори нархли дўконлар сони ошса, захира қилиш нархи ўсади.

Таъкидлаш лозимки, ҳатто агар харидор қўшимча харажатларсиз бундан аввалги дўконга қайта олган тақдирда ҳам, у буни ҳеч қачон амалга оширмайди, чунки харидорда унда нарх захира нархидан юқори бўлган дўконга қайтиш учун сабаблар мавжуд эмас.

Дўконларга ташриф буюришларнинг оптимал сонини ёки қидириш харажатларини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Агар харидор тасодифан дўкон танлаган ҳолда, ҳеч нарса сотиб олмаслиги эҳтимоли σ – га тенг бўлсин. Бу ҳол $p > \bar{p}$ бўлган ҳолда юз беради. Нархлар тенг тақсимланган тақдирда биринчи дўконда харид қилиш эҳтимоли (2.8) ни ҳисобга олган ҳолда қуйидагига тенг:

$$1 - \sigma = \frac{\bar{p}}{n} = \frac{1 + \sqrt{1 + 8ns}}{2n}, \quad (2.9)$$

Худди шу тариқа, иккинчи дўконда харид қилиш эҳтимоли $\sigma(1 - \sigma)$ га; учинчи дўконда харид қилиш эҳтимоли эса $\sigma^2(1 - \sigma)$ га тенг. Ўз навбатида, t дўконда харид қилиш эҳтимоли $\sigma^{t-1}(1 - \sigma)$ га тенг.

Харидор ташриф буюрадиган дўконларнинг оптимал сонини топиш учун, ҳар бир ташриф чоғида харид қилишнинг ташрифлар сонига кўпайтирилган эҳтимоллари йиғиндисини топиш зарур.

Шундай қилиб, ташрифларнинг кутилаётган сони

$$\mu = \sum_{t=1}^{\infty} \sigma^{t-1}(1 - \sigma)t, \quad (2.10)$$

Уни геометрик прогрессия формуласидан фойдаланган ҳолда соддалаштириш мумкин:

$$\sum_{t=0}^{\infty} \delta^t = \frac{1}{1 - \delta}, \quad (2.11)$$

$$\begin{aligned} \sum_{t=0}^{\infty} t\delta^{t-1} &= 1 + 2\delta + 3\delta^2 = (1 + \delta + \delta^2 + \dots) + (\delta + \delta^2 + \dots) + (\delta^2 + \delta^3 + \dots) + \dots = \\ &= \frac{1}{1 - \delta} + \frac{\delta}{1 - \delta} + \frac{\delta^2}{1 - \delta} + \dots = \left(\frac{1}{1 - \delta} \right) \left(\frac{1}{1 - \delta} \right) = \frac{1}{(1 - \delta)^2} \end{aligned} \quad (2.12)$$

Шу тариқа, (2.8)ни ҳисобга олган ҳолда,

$$\mu = \frac{1}{1-\sigma} = \frac{2n}{1-\sqrt{1+8ns}}, \quad (2.13).$$

Ушбу формула нархларнинг тарқоқлигини қидириш харажатларига қараб дўконларга ташрифларнинг кутилаётган сонини белгилаб беради.

Кўриб чиқилган модель қуйидагича хулосаларга келиш имконини беради: биринчидан, қидириш харажатлари нолга тенг бўлмаган ҳолларда харидорнинг қидириш бўйича амалга оширган харажатлари ҳам ижобий бўлади;

иккинчидан, бунда харидор ҳамма дўконларни айланиб чиқмайди, балки қидириш бўйича амалга оширилган энг юқори харажатлар қўшимча дўконга ташриф буюришдан эришиладиган энг юқори манфаатлар билан солиштириладиган паллага келиб тўхтайтиди;

учинчидан, нолсиз харажатлар мавжуд бўлган тақдирда, бу харидорнинг товарни харид қилишдан кўрган фойдаси (қидириш нархи нолга тенг эмас, харидор товарни эҳтимол тутилган энг паст нархда харид қилмайди) бўлади.

2.3. Корхонада трансакция харажатларини камайтириш ва оптималлаштиришнинг стратегик йўналишлари

Трансакция харажатларини камайтириш (минималлаштириш) – замонавий менежмент тизимидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Фақатгина сифат ва янги маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришни муваффақиятли ташкил этиш муаммолари ундан юқори туради. Ҳозир фаолият юритаётган корхоналарнинг аксариятида трансакция билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига қараганда олимлар таҳлилига кўра 10 ва ундан ортиқ марта юқори.

Хорижий экспертларининг фикрига кўра, фирманинг умумий чиқимларидан трансакция харажатларининг улуши улар анъанавий бозорда фаолият кўрсатганда 1,5 фоиздан 5 фоизни, янги сотиш бозорларига чиқишда эса 10-15 фоизни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда трансакция харажатларининг энг катта улуши хўжалик алоқалари субъектлари сонининг ўсиши, демак, улар томонидан амалга ошириладиган трансакциялар сонининг ошиши билан боғлиқ. Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда эса трансакция харажатларининг юқори даражаси яна шу нарса билан боғлиқки, уларда ҳанузгача давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми пухта ишлаб чиқилмаган. Ривожланаётган мамлакатларда муаммо шундан иборатки, давлатнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш харажатларининг асосий қисми иқтисодий агентнинг зиммасига тушади. Бундан ташқари, трансакция харажатларининг таркибига муайян маҳсулотни сотиш бозорларининг ўзига хос хусусиятлари катта таъсир кўрсатади.

Хорижий манбалар маълумотига кўра, АҚШ ЯММда хусусий сектор томонидан кўрсатиладиган трансакция хизматларининг улуши 1870 йилги 23 фоиздан 1970 йилда 41 фоизгача, давлат томонидан кўрсатиладиган

трансакция хизматларининг улуши 1870 йилги 3,6 фоиздан 1970 йилда 13,9 фоизгача ошган, бу умумий кўринишда 26,1 фоиздан 54,7 фоизгача ўсишни ташкил қилади. Юз йил мобайнида ушбу ўсиш қисми трансакция харажатларининг nobozor соҳадан бозор соҳасига томон силжишини акс эттиради, лекин унинг бошқа қисми эса ресурсларнинг реал инвестиция қилинишини намоён этди.

Шунинг учун ҳозирги жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда корхонанинг трансакция харажатларини қандай қилиб энг самарали тарзда назорат қилиш ва оптимал нисбатларга олиб келиш йўллари аниқлаш муҳим ҳисобланади. Биринчи галда шуни таъкидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисоби ҳам, бошқарув ҳисоби ҳам, одатда, трансакция харажатлари тушунчасини ўзида мужассам этмаган. Ушбу категория, асосан, назарий тушунча ҳисобланади. Амалиётда кўпинча бошқа тушунча – қўшимча харажатлар тушунчаси қўлланилади. Улар асосий харажатларга нисбатан ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларини таъминлаш: бошқарув ва хизмат кўрсатиш, ускуналарни сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш учун қўшимча харажатларни ўзида намоён этади. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, қўшимча харажатлар йиғиндиси ишлаб чиқариш ҳажми билан ўзаро корреляцияга эга бўлган ҳолда айни пайтда унга қатъий боғлиқ эмас (бевосита ишлаб чиқариш харажатлари билан бўлгани каби). Қўшимча харажатлар ҳақиқатда юзага келтирадиган нарса – бу трансакциялар ва улар билан боғлиқ харажатлар. Шунинг учун қўшимча харажатлар ҳажмининг ўсишини фақат трансакцияларни сони ва ўзгаришини қатъий белгилаш орқали назорат қилиш мумкин.

Трансакциялар ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш учун зарур. Бу ахборот, материаллар ва бошқа ресурслар билан алмашилиш бўлиб, у ўз ўзидан қандайдир тайёр маҳсулотлар ёки неъматларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди. Шунинг учун иқтисодчилар баъзан корхона билан бир қаторда параллел равишда “асосий ходимлар” ишлашини “қўллаб-қувватловчи” ва бир вақтнинг ўзида қўшимча харажатларни келтириб чиқарувчи «кўзга кўринмас куч» мавжудлиги ҳақида сўз юритади. «Кўзга кўринмас куч»ни муваффақиятли тарзда бошқариш учун биргина ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмини танлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Менежердан трансакцияларнинг асосий турларини билиш ва энг паст харажатлар эвазига зарур операцияларни амалга ошириш имконини берувчи оптимал «трансакция режаси»ни ишлаб чиқа олиш талаб этилади. Харажатларни бир неча усуллар билан камайтириш мумкин: ортиқча трансакциялар турларини аниқлаш ва бартараф этиш, корхонанинг ишини барқарорлаштириш, қўл меҳнатини автоматлаштириш усуллари шулар жумласидандир.

Трансакциялар сонини камайтириши. Ортиқча трансакцияларни қисқартириш – корхонанинг харажатларини оптималлаштиришнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Япония саноати тажрибаси катта қизиқиш уйғотади. Япониянинг аксарият корхоналарида “ноль даражали ишлаб чиқариш захиралари тамойили”га асосланган

концепция қабул қилиниб, муваффақиятли тарзда амалга оширилган. Унга кўра, барча зарур ашёлар ва эҳтиёт қисмлар аниқ муддатда ва фақат юқори сифатли қилиб етказиб берилиши лозим. Бу заҳираларни даврий равишда тўлдириб туриш, уларни сақлаш, фойдаланишга бериш, ҳисобга олиш, кўриқлаш кабилар билан боғлиқ трансакцияларнинг бутун бир бўлагидан воз кечиш имконини беради. Сўзсиз, ушбу иш қоидаси ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларни ҳамда улар билан боғлиқ томонларни қидириш ва узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиш харажатларини талаб қилади. Ушбу харажатлар дастлабки босқичда юқори бўлиши мумкин, лекин пировардида якуний маҳсулот таннархининг пасайиши ҳисобига улар ўзини оқлайди (япон автомобиль ишлаб чиқарувчилари айнан ушбу самарага эришишган, бу уларга Америка бозорининг каттагина қисмини эгаллаб олишига ёрдам берди).

Корхонанинг барқарорлиги. Корхонанинг ишлашини барқарорлаштириш – трансакциялар сонини ва уларнинг мураккаблигини пасайтиришнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Бу шуни англатадики, менежерлар технологик янгиликлар, таркибий ва ташкилий ўзгаришлар сонини камайтиришлари, ички тартиб-қоидаларни чексиз қайта кўриб чиқишдан воз кечишлари лозим. Сўзсиз, ҳар қандай такомиллаштириш яхши мақсадларни кўзлайди: бу ерда гап маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат сарфини камайтириш, таваккалчиликларни пасайтириш ҳақида бораяпти. Лекин доимий «қайта қуришлар» ва «технологик инқилоблар» корхонанинг трансакцион бюджетини жиддий равишда кенгайтириши мумкин.

Корхонанинг барқарорлиги менежернинг асосий мақсадларидан бири бўлмоғи керак. Ҳар сафар унинг ишида кўзга ташланган камчиликларни бартараф этишга киришмаслик керак: тўлиқ қувватда ишлаб турган механизмни узлуксиз таъмирлаш оқибатларини олдиндан айтиб бериш ўта мушкул. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳаракат энг рационал янгиликлардан кўриладиган барча манфаатларни йўққа чиқариши мумкин бўлган қўшимча харажатларнинг кескин ортиб кетишига олиб келади. Ҳар сафар тартиб-қоидага оид технологик ёки бошқа ўзгаришлар тўғрисида қарор қабул қилинганда корхона навбатдан ташқари трансакция харажатларини қоплайди. Ҳар сафар бундай қарор чиққанда миқдорий муаммодан ташқари сифат муаммоси ҳам пайдо бўлади – кўпинча ниманидир биринчи марта бажариш зарурлиги маълум бўлади. Натижада модернизация шошма-шошарликни – корхона ходимларининг энг юқори оғирликда ишлашини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳол мижозларга хизмат кўрсатишнинг ёмонлашувига ва кейинги харажатларга олиб келиши мумкин.

Шунга ўхшаш вазиятларнинг олдини олиш янгиликларни бир тўплам қилиб жорий этиш билан уйғунликда уларни пухта режалаштиришга ёрдам беради. Япония корхоналарида айнан ана шундай йўл тутишади. Барқарорлик – японлар бошқарув ғоясининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир янги тартиб-қоида ёки технология энг майда ҳолатларигача пухта ўйлаб чиқилади, янги йўриқномалар олдиндан ижрочилар ҳукмига ҳавола

этилади, шундан сўнг қанчадир вақт тренинглари учун ажратилади. Шундай қилиб, менежмент кейинги режани амалга ошириш босқичида трансакциялар сони ва ходимлар иш юкмаси ўсишининг олдини олиш мақсадида инновацияларни жорий этишнинг энг дастлабки босқичида катта миқдордаги маблағларни сарфлайди. Бунинг натижасида хорижий рақобатчилар билан солиштирилганда янгиликлар сони жуда кам (қарийб 2/3 марта) ва харажатлар таркибида кўшимча харажатлар фоизи анча паст бўлади. Ушбу тамойилларга амал қилувчи корхоналар анча рақобатбардошлироқ ҳисобланади. Бунинг негизида аниқ режалаштириш ётади.

Ахборотни тўплаш ва назорат. Трансакция харажатларини оптималлаштиришнинг энг жозибали усулларида бири назоратнинг ортиқча тартиб-қоидаларини бекор қилиш ва тўпланадиган ахборот ҳажмини қисқартиришдан иборат. Амал қилиниши лозим бўлган асосий тамойил – қайта ишлай оладиган ҳажмдан ортиқча маълумотлар тўпламига эга бўлиш. Кўпинча шундай ҳолат юз берадики, корхона барча технологик босқичларда маҳсулот сифати ҳақида жуда катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлайди. Бунда унинг сифати паст даражада қолиши мумкин. Бундай вазият шундан далолат берадики, тегишли хизматларга ахборотни таҳлил қилиш учун шунчаки вақт етишмайди – вақт асосан ахборотни йиғиш учун сарфланади. Сифат билан боғлиқ муаммолар жуда тез-тез пайдо бўлиб турадиган алоҳида нозик ҳолатларга эътибор қаратиш мазкур вазиятдан чиқиб кетишнинг оқилона йўли бўлиши мумкин. Бу асосий вазифани самаралироқ ҳал этиш ва йўл-йўлакай маълумотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш билан боғлиқ трансакция харажатларини тежаш имконини беради.

Бошқариш жараёнидаги ишларни автоматлаштириш. Автоматлаштириш – корхона ишининг ҳар қандай қисмида меҳнат сарфларини пасайтиришнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Замонавий ахборот технологиясининг ривожланиши ҳар йили ахборот оқимларини киритиш, узатиш ва уларга ишлов бериш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштиришнинг янги имкониятларини очиб беради. Электрон манбалар маълумотлардан нусха кўчириш ва уларни қайта жўнатишни тежаш имконини яратади, лазерли технологиялар (масалан, штрих-кодларни автоматик тарзда санаш) ахборотни киритиш харажатларини камайтиради. Маълумотларнинг компьютер базалари уларни сақлашда харажатларни тежайди. Ихтисослашган дастурий таъминот деярли ҳар қандай мураккабликдаги ҳисоботларни тузиш имконини беради ва ҳ.к. Умуман олганда, эндиликда турли техника ёрдамида бажариш мумкин бўлган операцияларни қўлда бажариш усули ўнлаб марта қимматга тушиши мумкин эди. Бунда тезлик ҳам, сифат ҳам таъминланмаган бўлар эди.

Корхонани компьютер техникаси базасида автоматлаштиришдан кўриладиган наф аниқ. Фақат трансакцияларни оқилона автоматлаштириш қандай тамойиллар бўйича амалга оширилиши лозим, деган саволга жавоб бериш зарур. Улардан энг асосийси бир турдаги операцияларни такомиллаштиришни истисно этишдан иборат. Корхонанинг ахборот

таркибидаги турли қисмлар ўзаро бирлашмаган ҳолларда ана шундай бўлиши мумкин. Ахборотни дастурдан дастурга қўлда “кўчириш” зарурати пайдо бўлади: ходимларнинг бир қисми электрон манбада мавжуд бўлган ахборотни киритиш ишига жалб этилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қўшимча трансакциялар ва харажатлардан ташқари бу хатолар ва ноаниқликларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, корхонанинг оқилона яратилган ахборот тузилмаси ахборотнинг бир марта киритилишини талаб қилади.

Умумий ёндашув. Корхонанинг трансакция харажатларини оқилона оптималлаштиришнинг учта асосий усули мавжуд. Биринчи, трансакцияларни уларнинг зарурлиги ва амалга оширишнинг муқобил усуллари нуктаи назаридан таҳлил қилиш. Иккинчи, корхона ишини барқарорлаштириш ва “ортиқча” киритилган янгиликларни истисно этиш. Учинчи, корхонанинг дастурий ресурсларини автоматлаштириш ва бирлаштириш. Юқорида айтилганларга яна шуни қўшимча қилиш лозимки, трансакцияларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашув чамаланган ва умумий бўлиши керак. Хусусан, харажатларни камайтиришга бўлган айрим уринишлар келтириб чиқариши мумкин бўлган тесқари самарани ҳам ҳисобга олиш лозим.

Чексиз янгиликлар (ўзгартиришлар) киритиш фаолиятининг салбий оқибатлари ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, трансакция харажатларининг ўсиши корхонани чуқур ўйлаб кўрилмаган автоматлаштирилишига олиб келиши мумкин. Яъни автоматлаштирилган тизимдан фойдаланиш харажатлари, ундан аввалги харажатлардан кескин ошиб кетиши мумкин.

Шундай хатога яна бир мисол – кераксиз трансакцияларнинг автоматлаштирилишидир. Корхоналар меҳнат сарфини қисқартириш учун қимматбаҳо дастурий таъминотга ва тегишли компьютер техникасига буюртма берган ҳолатлар ҳаммага маълум. Кейинчалик шу нарса аниқландики, дастурни ишлаб чиқиш жараёнида (вазифани қўйиш босқичида) кўплаб тартиб-қоидалар биринчи марта таҳлил қилинади ва анча соддалаштирилади. Дастур тайёр бўлганида у кутилганидек таъсирли самара бермаслиги мумкин. Трансакциялар шунчалик соддалаштириладики, автоматлаштиришга киритилган маблағлар рентабелли бўлмай қолади.

Умуман олганда, ўз корхонасининг трансакция харажатларини оптималлаштиришни истовчи менежер уларга нисбатан худди ишлаб чиқариш харажатларига бўлгани каби ёндашиши лозим. Корхона ичидаги трансакцияларни қаерда ва қандай автоматлаштириш, корхонанинг ахборот тизими қисмларини қандай қилиб оптимал тарзда бирлаштириш, қаерда узоқ муддатли режада харажатларнинг оптимал даражасига эришиш учун бўлинма ишини барқарорлаштириш кераклиги ҳақида чуқур ўйланган қарорларни қабул қилиш зарур. Ва, ниҳоят, харажатлар муаммосига бухгалтерия нуктаи назаридан эмас, балки иқтисодий нуктаи назардан ёндашишни ўрганиш лозим, яъни корхонанинг бошқарув ҳисоби тизимида харажатларни функционал таснифлаш зарур, унда харажатларнинг ҳар бир гуруҳи ортида уларнинг ҳақиқий манбаи кўриниб туради.

Трансакция харажатларини камайтириш усули. Трансакция харажатларининг мавжудлиги, албатта, уларни қисқартириш бўйича техник ва ташкилий воситаларни қидириб топишга ундайди. Трансакция харажатларини камайтиришнинг ана шундай усулларидан бири – корхонани ташкил этиш. Коузнинг сўзларига кўра, корхона, бозор йўли билан тартибга солинишининг ўта қимматлилиги туфайли пайдо бўлади. Уларнинг маъноси – нарх-наво механизмини пасайтириш ва уни маъмурий назорат тизими билан алмаштиришдан иборат. Ҳақиқатан ҳам, кўплаб трансакцияларни⁷ бозорнинг воситачилигига мурожаат этмаган ҳолда корхоналар ичида амалга ошириш арзонроққа тушади.

Маъмурий назоратнинг қайси механизмида трансакция харажатларининг тежалишига олиб келадиган даражада "бошқарув поғонаси" бозорни сиқиб чиқаради. Корхона доирасида қидириш харажатлари қисқаради, шартномаларни узлуксиз қайта тузиш зарурати йўқ бўлади, иқтисодий муносабатлар барқарорлик тусига ўтади. Бошқача айтганда, трансакция харажатларисиз бутун иқтисодиётда корхоналар ортиқча бўлган бўлар эди.

Лекин у ҳолда тескари савол пайдо бўлади. Нима учун иқтисодиёт бутунлигича ягона мислсиз йирик корхона каби ташкил этилмайди деган. Собиқ социалистик мамлакатларда юзага келган марказлаштирилган тарзда режалаштириш тизимини ушбу ғояни амалиётга жорий этишга уриниш деб ҳисоблаш мумкин. Унинг "буйруқбозлик иқтисодиёти" атамаси билан номланиши бежизга эмас. Бир қарашда, ҳаммаси тўғридек туюлади: ташкилот қанчалик йирик бўлса, трансакция харажатлари шунчалик кўп тежалади, демак, юқоридан пастгача бутун иқтисодиётни буйруқбозлик муносабатлари қамраб олган – бозор тўлиқ бартараф этилган ҳолларда трансакция харажатлари энг кам бўлади.

Бироқ, бундай хулоса бизнинг фикримизга хато ҳисобланади. Гап шундаки, ҳар қандай кўп поғонали ташкилот бозор сингари трансакция харажатларидан ҳоли эмас, бунда улар ташкилот кўламларининг ортишига қараб ўсиб боради. Муайян миқдордан ошган тақдирда кўп поғонали бошқарилувчанликни йўқота бошлайди. Ахборотни қидириш ва унга ишлов бериш харажатлари кескин ортади. Ходимларни рағбатлантирувчи омиллар ва назорат тизими ёрдамида фирманинг мақсадларига бўйсунуши борган сайин қимматга тушади. Шунинг учун бутун мамлакат иқтисодиётини бир гигант корхонага ўхшатиб ташкил этиш трансакция харажатларининг камайишига эмас, балки ортишига олиб келади.

Бундан келиб чиқадики, бозорнинг ҳам кўп поғоналик олдида, поғонанинг ҳам бозор олдида мутлақ устунликлари мавжуд эмас. Ҳар бир ҳолатда ўзининг ижобий ва салбий томонлари бор. Шунинг учун корхона у ёки бу битимни қандай ташкил қилишни – ташқи етказиб берувчига мурожаат этиш ёки ички манбани қидириб топиш масаласини ҳал этаётганда у ҳар бир вариантнинг харажатлари ва нафларини ўлчаб кўриши керак.

⁷ Малахов С. Трансакционные издержки в российской экономике // Вопросы экономики - 1997.- № 7, стр. 25.

Корхонанинг оптимал ўлчамлари тўғрисидаги масалани ҳал этишнинг йўли ана шулардан иборат. Улар бозор механизмларидан фойдаланишнинг энг юқори харажатлари маъмурий назоратдан фойдаланишнинг энг юқори харажатларига тенг бўладиган нукта билан белгиланади. Ушбу чегарагача кўп поғоналик, ундан кейин эса бозор қулай (фойдали) (албатта, муайян технологик, тармоқ ва шунга ўхшаш шароитларга қараб фирманинг оптимал ўлчами турлича бўлади) ҳисобланади.

Трансакция харажатларини пасайтириш стратегияси. Инвесторлар, мижозлар, рақиблар, стратегик ҳамкорлар ва бошқа гуруҳлар ҳақида ахборотни тизимли тўплаш трансакция харажатларини пасайтириш стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундай ахборотни қидириш ва таҳлил қилиш халқаро тажрибаси шундан далолат берадики, ушбу функцияни инкор этиш трансакция харажатларининг сезиларли даражада ўсишига, пировардида эса – корхонанинг банкрот бўлишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, трансакция харажатларини пасайтириш стратегияси ҳамма вақт ҳам бевосита битимни тайёрлаш ва тузиш харажатларини тежашга йўналтирилмаслиги керак. Ушбу харажатларнинг самарадорлигини, яъни мазкур харажатларни реал оқловчи фойданинг олинисини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Трансакция харажатларини пасайтириш стратегиясида битимларни амалга ошириш учун аввалдан самарасиз бўлган харажатларнинг олдини олиш асосий ҳисобланади.

Мавжуд ва эҳтимол тутилаётган *рақиблар* ҳам яна бир зарур ўрганиш объекти ҳисобланади. Ўз рақибини билиш ҳам худди ўз мижозини билиш каби муҳим. Худди мижоз паспортини юритиш каби, корхона рақибининг соҳасини аниқлаган ҳолда уни ҳам паспортини юритиб бориш лозим. Мазкур хужжатнинг кадр-қиммати шундан иборатки, у нафақат рақиб ҳақида ахборот беради, балки ушбу хужжат асосида корхонанинг хатти-ҳаракати стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин.

Шу каби ахборотни алоқада бўлган бошқа барча корхоналар, стратегик гуруҳлар, таъминотчилар ва воситачилар ҳақида ҳам тўплаш мумкин. Шунга ўхшаш маълумотлар банкининг мавжудлиги, уларга доимий равишда аниқлик киритиш ва долзарб ҳолатда сақлаб туриш трансакция харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, фойдасиз (манфаатсиз) шартномалар ва келишувлар тузилишининг олдини олиш, шунингдек, шубҳасиз салбий натижали музокаралар олиб борилишининг олдини олиш имконини беради.

Ривожланган бозор иқтисодиётида субъектлар ўзаро ҳамкорлигининг харажатларини пасайтирувчи омиллари катта ўрин тутаяди. Бунда етита асосий омилни ажратиш мумкин:

1) Талабларга жавоб берувчи қулай ҳуқуқий тузилма. Улар қуйидаги талаблар:

- рағбат нуктаи назаридан чуқур ўйланган ҳуқуқий тизим;
- кенг қамровлилик;
- коррупция ва бюрократлаштиришнинг паст даражаси;

- ҳуқуқий тартибни таъминлашнинг марказлаштирилган (давлат) механизми, шу жумладан низоларни ҳал этиш ва бой берилган ҳолатда шартларга риоя этишга мажбурлаш механизмининг мавжудлиги;

2) Иқтисодиёт субъектларининг қонунга итоаткорлиги, хусусан – бошқа мамлакат мулкчилик ҳуқуқларининг тан олинishi. Ушбу хусусият нафақат давлат томонидан назорат қилиш ва мажбурлаш харажатларини пасайтиради, балки томонларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати хатарини пасайтириш имконини ҳам беради;

3) Жамиятда тадбиркорликка ишончнинг юксак даражаси. Трансакция харажатлари оламида ишонч, “ишқаланиш”нинг умумий даражасини пасайтириш имконини берувчи муҳим ва ўта самарали таркибий қисм сифатида иштирок этади. Афсуски, ишончни сунъий тарзда такрор ишлаб чиқариб бўлмайди – бу узоқ давом этувчи эволюция маҳсули. Бироқ давлат қулай "ҳуқуқий майдон"нинг шаклланишига кўмаклашган ҳолда ушбу жараёни тезлаштиришга қодир;

4) Макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик. Мазкур омил иқтисодий тизимга хос бўлган ноаниқлик даражасини пасайтиради, бу узоқ муддатли режалаштиришни осонлаштиради ва инвестициялар таваккалчилигини пасайтиради;

5) Оптимал солиқ юки. Ҳаддан зиёд солиқ юки солиқлардан бўйин товлашни ва бу билан боғлиқ трансакция харажатларини келтириб чиқаради;

6) Иқтисодиёт ахборот инфратузилмасининг ривожланганлиги. Ушбу мисол ахборотни қидириш харажатларига бевосита таъсир кўрсатади;

7) Норасмий қоидалар, урф-одатлар ва анъаналар. Баъзан жамиятда жадаллашган анъаналар иқтисодиётдаги "ишқаланишни" пасайтириши мумкин.

Ўзбекистонда юқорида кўрсатиб ўтилган ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий тизими барпо этилган ва бу томонлар ҳамкорлиги самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Шу билан бир вақтда ҳар қандай поғонада ўзаро ҳамкорлик (трансакциялар) харажатларини пасайтириш билан боғлиқ имкониятлар ҳали тўлиқ амалга оширилмаган. Шуларни ҳисобга олганда, корхоналар миқёсида трансакция харажатларини оптималлаштириш бўйича таклиф этилган йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг рақобатбардошлигини оширишга имкониятлар беради.

2.4 Йирик корхона фаолиятидаги трансакция харажатлари турлари

Мамлакатда корхоналар фаолиятини ташкил этиш асосан икки йўл билан амалга оширилади. Биринчиси – давлат корхонаси бўлган объектларни (давлат активларини) хусусий мулкга сотиш орқали, иккинчиси – аҳоли маблағи, шу жумладан, кредитлар (қарз пуллар) ҳисобига ўз ихтиёри билан кичик корхона, микрофирма ёки яқка тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўли билан. Ушбу йўллар билан ташкил этиладиган корхоналар фаолият юритиши ва

ривожланиш мамлакатда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари [11,13,14,15] билан тартибга солинади ва рағбатлантирилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини юритиш учун қуйидаги йўналишларда трансакция харажатлари юзага келади:

- корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ва унинг фаолиятини юритиш учун лицензия (ёки яққа тадбиркорлик учун рухсатнома) олиш трансакция харажатлари;

- корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ларни сотиш, хом-ашё ва моддий-техника ресурсларини сотиб олиш, шу жумладан экспорт ва импорт операциялари билан боғлиқ шартнома (битим)ларни тузиш ва амалга ошириш бўйича трансакция харажатлари;

- корхоналарга инвестициялар, шу жумладан кредит маблағларини жалб этиш, молиявий ва инфратузилма объектларининг хизмат кўрсатиши билан боғлиқ шартнома (битимлар) тузиш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган трансакция харажатлари.

Йирик корхона фаолияти трансакциялари ва трансакция харажатлари турлари ва улар таркиби 2.6-расмда келтирилган.

Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ва мувофиқ равишда фаолият юритиш учун лицензия (рухсатномалар) олиш трансакция харажатлари сони ва уларга тўланадиган ҳақ, шунингдек экспорт – импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар нормалари давлат томонидан белгиланади ва қонунчиликда кўзда тутилган расмий нормалар асосида тартибга солиб борилади.

Корхона фаолиятидаги ички бозор савдоси, молиявий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи инфратузилма объектлари билан амалга ошириладиган трансакциялар ва улар билан боғлиқ шартнома тузиш харажатлари икки томон келишувига асосан белгиланади. Бунда аксарият инфратузилма муассасалари хизмат тарифларини (нархларини) ўзлари белгилайди ва бу давлат томонидан назорат қилинмайди.



муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

2.6-расм. Корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва уни юритиш билан боғлиқ трансакция харажатлари

Мамлакатимизда ҳозирги кунда корхоналар фаолият юритишига хизмат кўрсатувчи, уларни қўллаб-қувватловчи давлат ва нодавлат тузилмалари

фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий таркиби 2.7-расмда келтирилган.

Ушбу тузилмалар учта гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш ва унинг назоратини мониторинг қилиш билан боғлиқ давлат ташкилотлари киради. Улар вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимликлар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳисобланади. Ушбу тузилмалар харажатларини трансформацион харажатлар таркибига киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ ташкилотларига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар, шунингдек бошқа нодавлат ва нотижорат ташкилотлар киради ва улар харажатларининг кичик бизнес корхоналари бадаллари қисми трансакция харажатларига, қолган қисми (ўз маблағлари ҳамда давлат бюджети) трансформация харажатлари ҳисобланади.


Учинчи гуруҳга энг кўп сонли инфратузилмалар муассасалари киради ва улар хизмати учун қилинадиган харажатлар корхонанинг трансакция харажатларини ташкил этади.

Шу билан бир вақтда мамлакатимизда трансакция хизматлари бир қатор давлат ва нодавлат секторлари ташкилотлари томонидан ҳам олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги, Ўзстандарт, Олий ҳўжалик суди, Адлия вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва бошқа давлат органлари экспортга маҳсулот сотиш шартномаларини рўйхатга олиш, рухсат бериш ва бошқа назорат хизматларини олиб боради.

Трансакция хизматлари кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар қаторига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси таркибидаги турли ташкилотлар, ахборот-маслаҳат ва консалтинг марказлари, мустақил мулкни баҳоловчи, маркетинг ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар киради. Шундай қилиб, корхона трансакция харажатлари улар субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялар олиш, маҳсулот (хизмат)ларни ички ва ташқи бозорда сотиш шартномаларини бажариш ҳамда инфратузилма хизматларига сарф этиладиган маблағлардан ташкил топади. Ушбу йўналишдаги трансакция харажатлари ўзгаришини корхона фаолияти ривожланиши кўрсаткичлари орқали тавсифлаш мумкин.

Ҳозир фаолият юритаётган корхоналарнинг аксариятида трансакция билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига қараганда олимлар таҳлилига кўра 10 ва ундан ортиқ марта юқори.

Хорижий экспертларнинг фикрига кўра, фирманинг умумий чиқимларидан трансакция харажатларининг улуши улар анъанавий бозорда фаолият кўрсатганда 1,5 фоиздан 5 фоизни, янги сотиш бозорларига чиқишда эса 10-15 фоизни ташкил қилади.



Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

2.7-расм. Корхоналар фаолиятига хизматлар кўрсатувчи ва қўллаб-қувватловчи давлат ва нодавлат тузилмалар.


Ривожланган мамлакатларда трансакция харажатларининг энг катта улуши хўжалик алоқалари субъектлари сонининг ўсиши, демак, улар томонидан амалга ошириладиган трансакциялар сонининг ошиши билан боғлиқ. Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда эса трансакция харажатларининг юқори даражаси яна шу нарса билан боғлиқки, уларда ҳанузгача давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми пухта ишлаб чиқилмаган. Ривожланаётган мамлакатларда муаммо шундан иборатки, давлатнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш харажатларининг асосий қисми иқтисодий агентнинг зиммасига тушади. Бундан ташқари, трансакция харажатларининг таркибига муайян маҳсулотни сотиш бозорларининг ўзига хос хусусиятлари катта таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳозирги жаҳон молиявий – иқтисодий инқироз шароитида корхонанинг трансакция харажатларини қандай қилиб энг самарали тарзда назорат қилиш ва оптимал нисбатларга олиб келиш йўллари аниқлаш муҳим ҳисобланади. Биринчи галда шуни таъкидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисоби ҳам, бошқарув ҳисоби ҳам, одатда, трансакция харажатлари тушунчасини ўзида мужассам этмаган. Ушбу категория, асосан, назарий тушунча ҳисобланади. Амалиётда кўпинча бошқа тушунча – қўшимча харажатлар

тушунчаси қўлланилади. Улар асосий харажатларга нисбатан ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларини таъминлаш: бошқарув ва хизмат кўрсатиш, ускуналарни сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш учун қўшимча харажатларни ўзида намоён этади. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, қўшимча харажатлар йиғиндиси ишлаб чиқариш ҳажми билан ўзаро корреляцияга эга бўлган ҳолда айти пайтда унга қатъий боғлиқ эмас (бевосита ишлаб чиқариш харажатлари билан бўлгани каби). Қўшимча харажатлар ҳақиқатда юзага келтирадиган нарса – бу трансакциялар ва улар билан боғлиқ харажатлар. Шунинг учун қўшимча харажатлар ҳажмининг ўсишини фақат трансакцияларни сони ва ўзгаришини қатъий белгилаш орқали назорат қилиш мумкин.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ихтисослигига эга бўлган корхонада харажатларни камайтиришнинг асосан 3 та манбаи бор. Биринчи манба – бу мутахассис ва менежерларга таниш бўлган ишлаб чиқариш билан боғлиқ 4 та гуруҳга бўлинадиган (А, В, С, D) ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш харажатлари (2.8-расм). Иккинчи манба – бу давр харажатлари.

А	Ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақи ва тегишли солиқ ва тўловлар
В	Ишлаб чиқариш асосий воситалари эскириш ва амортизация суммаси
С	Бевосита хом-ашё харажатлари (ўз ичига хом-ашёни сотиб олиш ва етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни ҳам олади)
D	Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатлари
Е	Сотув бўлими ходимлари иш ҳақи ва тегишли солиқ ва тўловлар
F	Сотувда иштирок этадиган асосий воситалари эскириш ва амортизация суммаси
G	Сотув билан боғлиқ трансакцион харажатлар (махсулотларни етказиб бериш харажатлари, агентларга воситачилик харажатлари)
Н	Маъмурий бўлимлар ва бошқарув ходимлари иш ҳақи ва тегишли солиқ ва тўловлар
I	Маъмурият ва бошқарувда иштирок этадиган асосий воситалари эскириш ва амортизация суммаси
J	Маъмурият ва бошқарув билан боғлиқ трансакцион харажатлар (маъмурият ва бошқарув учун бошқа корхоналар томонидан етказиб бериладиган товар ва хизматлар харажатлари)



2.8-расм. Корхона соф фойдасининг шаклланиш чизмаси

Манба: [102]

Улар таркибига сотиш (Е, F, G), маъмурий ва бошқарув (Н, I, J) ҳамда бошқа операцион харажатлар киради. Молиявий фаолият харажатлари эса, учинчи манба ҳисобланади. Ушбу манбалар бўйича харажатларни камайтириш корхона соф фойдасини ошишига олиб келади ва улар ичида трансакция харажатлари катта ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, трансакция харажатлари ичида сотув билан боғлиқ ҳамда маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш иқтисодий ночор корхона учун катта молиявий аҳамиятга эга.

Ушбу фикрлар тасдиғи сифатида қуйидаги жадвалда келтирилган шартли корхона рақамларига мурожаат этиш мумкин (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона соф фойдасининг шаклланиши

Кўрсаткичлар	2013 й. (ҳисобот даврида)	Трансакция харажатларини пасайтириш	
		10%	15%
Маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатишдан ялпи тушум	1000	1000	1000
Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари	-750	-750	-750
ЯЛПИ ДАРОМАД (i)	250	250	250
Операцион фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	10	10	10
АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЯЛПИ ДАРОМАДИ	260	260	260
Давр харажатлари:			
Сотиш харажатлари	-50	-45	-42,5
Маъмурий ва бошқарув харажатлари	-75	-67,5	-63,8
Бошқа операцион харажатлар	-15	-15	-15
ОПЕРАЦИОН ДАРОМАД (ii)	120	132,5	138,7
Молиявий фаолият даромадлари/(харажатлари):			
Фоизли даромадлар	25	25	25
Фоизли харажатлар	-20	-18	-17
Валюта курси фарқлари	10	10	10
СОЛИҚ ТЎЛАНГУНГА ҚАДАР ФОЙДА	135	149,5	156,7
Фойда солиғи	-10,8	-10,8	-10,8
СОФ ФОЙДА (iii), (iv)	124,2	138,7	145,9
Корхонанинг фойдалилик кўрсаткичлари:			
ялпи даромад маржаси	0,25	0,25	0,25
операцион даромад маржаси	0,12	0,133	0,139
соф фойда маржаси	0,124	0,139	0,146

Манба: [102]

Корхонанинг 2013 йил ҳисобот йилида ялпи тушуми 1000 млн. сўм, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари 750 млн. сўм бўлганда ва

бошқа фаолият даромадлари ҳамда харажатларини ҳисобга олганда соф фойда ҳажми 124,2 млн. сўмга тенг бўлади.

Корхонада сотиш ҳамда бошқарув, агентларга воситачилик трансакция харажатлари 10 фоиздан 15 фоизгача қисқарганда давр харажатлари биринчи вариантда 12,5 млн. сўмга, иккинчи вариантда 18,7 млн. сўмга камайиши мумкин. Бу жами операцион даромадларни 120 млн. сўмдан 138,7 млн. сўмга ўсишига олиб келади. Фоизли харажатлар камайишини ҳам ҳисобга олганда корхонанинг соф фойдаси солиқ тўлангандан кейин вариантлар бўйича 124,2 млн. сўмдан 145,9 млн. сўмга ёки 17,5 фоизга кўпаяди. Трансакция харажатларининг бундай камайиши маҳсулот сотиш ва хизматлар кўрсатишдан тушган ялпи тушум ҳамда бошқа даромадлар миқдори ўзгармай қолганда, корхонанинг фойдалилик кўрсаткичлари (ялпи даромад, операцион даромад ҳамда соф фойда маржалари) ўсишига олиб келади.

Соф фойда ҳажмининг ўсиши ҳар қандай корхонада унинг эгаларига дивиденд тўлаш ва/ёки корхонанинг ривожланишига қайта инвестиция қилиш учун ишлатилиши мумкин. Инвестиция киритиш корхонанинг иқтисодий соғломлашуви, ёки банкротлик ҳолатидан чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳисобга олганда, мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга сарфланадиган ҳамда маҳсулот сифатига зарар етказмайдиган бошқа трансакция харажатларини қисқартириш ҳозирги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Бу ерда гап, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашё, ускуна ва бошқа материал қисмларни сотиб олиш, тайёр маҳсулотни ички бозорда сотиш, экспорт қилиш ҳамда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ трансакция харажатларини камайтириш ва шулар эвазига корхоналарни молиявий ҳолатини яхшилаш йўллари ҳақида бормоқда.

3-боб. КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланиши тенденциялари


Ўзбекистонда иқтисодий барқарор ривожланиш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг чуқурлаштириш йўналишларидан бири – бу хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида [23] “Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради” деб таъкидлаган эди.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Шуларни ҳисобга олиб Ўзбекистонда жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозини бошлангандан кейинги даврда бартараф этиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал қилиш, айниқса аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда 2016 йил бошига фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 207,6 мингтани ташкил этди ва бу 2000 йилга нисбатан 38,7 фоизга кўпдир. Ҳукумат томонидан жаҳон молиявий – инқирози бошлангандан кейин кичик бизнес ривожланишини рағбатлантириш бўйича қўрилган чоралар мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида мазкур соҳанинг улуши мунтазам ошиб бораётганлигини ва иқтисодиётда унинг роли сезиларли даражада мустаҳкамланаётганлигини кўрсатмоқда. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўриш мумкин.

2000 йилда мамлакат ЯИМнинг қарийб 31 фоизи кичик бизнес сектори улушига тўғри келган. Жаҳон молиявий – инқирози бошланган йилда эса бу кўрсаткич 48,2 фоизни ташкил этган. Унинг ЯИМдаги улуши 2015 йилга келиб 8,5 фоиз пунктига ошди. (3.1-расм).



3.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishdagi ulushi 2005 yildagi 10,0 foizdan 2015 yilda 38,9 foizga, kishloq xujaligi da tegishli ravishda 85,7 foizdan 98,4 foizga, savdo da 43,7 foizdan 87,0 foizga, asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi da 24,0 foizdan 36,3 foizga, eksport hajmi da esa 6,0 foizdan 26,9 foizga qadar oshdi (3.1-jadval).

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожланиши ўрта мулкдорлар синфининг пайдо бўлишига олиб келди ҳамда бу барқарор солиқ солинадиган базанинг кенгайишига ёрдам берди. Шу билан бирга, бу кishloq joylarida yangi ish joylarini ochish hamda ishlar orasida ish bilan bandlik muammosini hal etish bilan bogliq muhim ijtimoiy vazifani ham bajarishga kumaklashmoqda.

3.1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг иқтисодий тармоқларидаги улушининг ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръати, %

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2005	2008	2012	2013	2014	2015
Саноат	10,0	14,6	23,1	24,8	34,0	38,9
Қишлоқ хўжалиги	85,7	97,8	97,9	98,1	98,3	98,4
Инвестиция	24,0	24,6	35,2	33,5	34,8	36,3
Қурилиш	50,9	58,4	70,7	71,9	69,2	67,2
Чакана савдо айланмаси	43,7	48,1	45,6	46,3	86,3	87,1
Пуллик хизматлар	52,5	48,5	44,7	46,7	48,6	50,7
Бандлик	64,8	73,1	75,6	76,0	77,6	77,9
Экспорт	6,0	12,4	14,0	14,8	27,0	26,9

Импорт	33,7	35,7	38,6	40,5	45,4	44,5
--------	------	------	------	------	------	------

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

3.1-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда республикада саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, маҳсулотлар экспорти соҳаларидаги кичик корхоналарнинг улуши тез суръатлар билан ўсиб борган. Бундай ҳолат шу билан изоҳланадики, мазкур тармоқларда кичик корхоналар бозор конъюктураси билан боғлиқ ўзгаришларни ўзларида тез намоён этади, яъни истеъмолчилар талабларининг ўзгаришига мос тарзда тезкор мослашадилар.

Иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иқтисодиётдаги жами бандларнинг қариб 80 фоизи бандлиги таъминланди. Агар 2000 йилда тадбиркорлик соҳасида банд аҳолининг 49,7 фоиз фаолият юритган бўлса, 2015 йилга келиб меҳнат ресурсларининг деярли бешдан тўрт қисми банд ҳисобланади. Фақат 2015 йилда кичик бизнес соҳасида 660,0 мингта янги иш ўрни яратилди ва ҳар минг кишига тўғри келувчи фаолият юритаётган субъектлар сони 19 тани ташкил этди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётгани муҳим ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фозга, 2011 йилда 6 фоизга пасайтирилган бўлса, 2012 йилдан эса бу кўрсаткични 5 фоизга туширилди.

Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари доирасида тадбиркорлик харажатларини, хусусан трансакция харажатларини камайтиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада Президентнинг “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (ПҚ-1112) қарорига биноан 2009 йил 1 июндан бошлаб кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш тарифлари; тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қиймати ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 2 баравари миқдоригача пасайтирилди.

Шунингдек, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаши учун 140,2 минг сўм тўлаган бўлса, бу 56,1 минг сўмгача ёки 60 фоизга камайтирилди. Шу билан бир вақтда банкда ҳисоб рақами очиш учун тўлов бекор қилинди, ер участкаларини расмийлаштириш хизмати харажатлари 130 мингдан 58 минггача қисқартирилди.

Шунингдек, экологик экспертиза харажатлари 701,4 минг сўмдан 28 минг сўмгача ёки 96 фоизга қисқартирилган. Бу йўналишда энг катта қисқариш

норматив лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўйича бўлган, яъни ушбу экспертиза учун аввал 2,1 млн.сўм тўлов тўланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 28,1 минг сўмга тенг бўлган ёки қисқариш 99,7 фоизни ташкил этади.

Шу билан бир вақтда алоқа, стандартлаш, сервис ҳамда қурилиш материалларни ишлаб чиқариш компаниялари тизимларида 30тадан ортиқ монопол маҳсулот ва хизматларнинг қийматини (нархини) камайтириш юзасидан ўтган йилларда тадбиркорлар учун катта амалий кўмак бўлган чоралар амалга оширилди.

Улар жумласига интернет провайдерлар учун техник биноларни ижарага олиш нархи 20 фоизга, уларга техник хизмат кўрсатиш 10 фоизга камайтирилган. Шунингдек, стандартлаш тизимида синов ўтказиш, метеорология хизматлари, сертификат бериш, калибровка қилиш, сифат тизимини жорий этиш, сертификатлаш хизматларини кўрсатишнинг ўртача нархи 12 фоиздан 20 фоизгача пасайтирилган. Қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқариладиган темир-бетон, шифер, электрод, ғишт ва шу каби бошқа материаллар нархи 11 фоиздан 34 фоизгача камайтирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорларга рухсат бериш учун тўлов харажатларини қисқартириш билан бирга кўплаб чекловлар ва рухсатномалар амал қилиш муддатлари ҳам қайта кўриб чиқилган. Жумладан, маҳсулотларнинг гигиеник сертификатининг амал қилиш муддати 3 йил ўрнига бу чеклов муддати бекор қилинган. Фитосанитария хулосаларни бериш муддати узайтирилди, иссиқлик ва электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни бериш бир ойдан 3 кунга қисқартирилди. Рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 фоиздан 30 фоизга пасайтирилди. Шунингдек, электр энергиясидан фойдаланиш учун тузилган шартнома шартларига тадбиркорлар манфатларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди.[30]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 5 майда қабул қилинган Фармони¹ алоҳида ўринга эга.

Фармонда қуйидаги йўналишларда Дастурий чора – тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги Хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш уларни жадал ривожлантириш йўлтидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони фармони. Халқ сўзи 16.05.2016 й.

- хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, маъмурий ва жинойт қонунчилигини эркинлаштириш жараёнларини изчил давом эттириш;
- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун молиявий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини режа асосида 4 йилда бир марта бошқа ҳўжалик субъектларини 3 йилда бир марта текшириш;
- солиқ ва бошқа тўловлар бўйича биринчи марта жинойт содир этган шахсларни 30 кун ичида тўловларни амалга оширса улар устидан жинойт иши қўзғатилмайди ва жавобгарликка тортилмайди;
- тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатларини бузишда айбланган шахсларга нисбатан қонуний жазо чоралари қўриш тизими ташкил этилади;
- ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекция негизида “бир дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг ягона маркази ташкил қилинди.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустақкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим. Бундай вазифани самарали ҳал этиш ушбу соҳада кичик бизнес корхоналари билан уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларида юзага келадиган трансакция харажатларини аниқлаш ва уларни камайтириш йўллари белгилаш зарур ҳисобланади.

Ушбу ва шу каби бошқа кўрилган чора-тадбирлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида давлат томонидан амалга оширилган муҳим тадбирлар ҳисобланади. Булар тадбиркорларни молиявий-иқтисодий салоҳиятини кўтаришнинг таъсирчан йўли бўлиб, уларнинг ички ва ташқи бозорларда маҳсулотларини рақобатбардошлигини оширишга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга кўпроқ ички инвестицияларни ажратишга, ишчи ва хизматчилар даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади. Пировард натижада булар Ўзбекистон тараққиёти ва халқи фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

3.2. Кичик тадбиркорлик фаолияти трансакция харажатларини камайтириш йўллари

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич олиб борилаётган бозор ислохотлари натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида хусусий мулкчилик шаклидаги йирик ва кичик бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларнинг бошқарув тизими бозор муносабатлари тамойиллари ва талаблари асосида ўзгартирилмоқда. Улар

иктисодиётимизда салмоқли ўрин эгаллаб, ривожланиб бормоқда. Буни мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожланиши кўрсаткичларини ўзгаришидан ҳам кузатиш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, 2013 йил бошига республика бўйича 248580 та кичик бизнес корхоналари рўйхатдан ўтган. Бу 2012 йил бошланишига нисбатан 0,9 фоизга кўпдир. Рўйхатдан ўтган кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2013 йил бошида 88,3 фоизи фаолият юритган. Улардан 11,7 фоизи ёки 29174 таси 2012 йил давомида ўз фаолиятини тўхтатган. Худди шундай тенденцияларни республика вилоятлари ва бошқа минтақаларида ҳам кузатиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида трансакция харажатлари турлари, уларни шаклланиш манбалари ҳамда камайтиришнинг илмий-услубий масалалари қатор тадқиқотларда [96-98, 101, 107, 108] ўз ифодасини топган. Уларда ушбу соҳа трансакция харажатларига нафақат маблағ сарфи, балким меҳнат ва бошқа харажатлар ҳам кириши кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусан:

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди. Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 млрд. сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Ушбу чора-тадбирлар тадбиркорлар трансакция харажатларини кўпайишига олиб келиши билан бирга, кичик бизнес корхоналарида янги иш ўринларини яратиш ва даромад ҳажмини ошишига асос яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг трансакция харажатлари билан боғлиқ яна бир йўналиш, бу ташқи иқтисодий фаолият ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кичик бизнес корхоналарининг республика экспорт ҳажмидаги улуши 2015 йилда 26,9 фоизни ташкил этган, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 16,4 фоиз пунктга ошган. 2015 йилда кичик бизнес корхоналарининг экспорт ҳажми 3461,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган. Кичик бизнес корхоналарининг асосий экспортини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, электротехника саноати маҳсулотлари ҳамда халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тадбиркорга турли трансакция хизматларини кўрсатиш, айниқса уларнинг ўз ишларини очиш билан боғлиқ харажатлар ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи давлат сектори тузилмалари зиммасига тўғри келади. Шуларни инобатга олиб, мамлакатимизда тадбиркорларга рухсат бериш билан боғлиқ амалда бўлган трансакция харажатлари (тўлов миқдори) қисқартирилди.

Айни чоғда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришнинг ғоят муҳим вазифаларидан бири сифатида бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш чоралари изчил давом эттирилди. Натижада мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорликни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, интернет тармоғига кенг миқёсда ўтиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди (3.2-жадвал).

Тадбиркорларга рухсат бериш трансакция харажатларини қисқартириш билан бирга кўплаб чеклов ва рухсатномаларнинг амал қилиш муддатлари ҳам қайта кўриб чиқилган. Жумладан, янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун сарфланадиган муддат 14 кундан 4 кунга қисқартирилди.

Янги корхоналарни ташкил этиш учун талаб этиладиган дастлабки харажатлар миқдори илгари аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 27,2 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирда ушбу дастлабки харажатлар бекор қилинди. Шунингдек, қурилиш учун рухсатнома олиш тартиботлари 25 тадан 12 тага, электр таъминоти тизимига уланиш тартиботлари 9 тадан 5 тага камайтирилди. Рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 дан 30 фоизга пасайтирилди.

3.2-жадвал

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар

Чора-тадбирлар номи	Чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари	Мазкур кўрсаткичлар бўйича дунёда биринчи ўнталикка кирган давлатлар кўрсаткичлари
Янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартиботлари сонини қисқартириш	6 тадан 3 тагача	1-6 тартибот
Янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун сарфланадиган муддатни қисқартириш	14 кундан 4 кунгача	1-13 кун
Янги корхоналарни ташкил этиш учун талаб этиладиган дастлабки харажатлар миқдорини камайтириш	аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 27,2фоизидан 0фоизига тушириш	аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 0-25фоизи
Қурилиш учун рухсатнома олиш тартиботлари сонини қисқартириш	25 тадан 12 тагача	5-17 тартибот
Электр таъминоти тизимига уланиш тартиботлари сонини қисқартириш	9 тадан 5 тагача	4-5 тартибот

Манба: Набиходжаев А. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожининг асосий тенденциялари ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида кўриладиган чоралар” мавзусидаги маъруза-слайд маълумотлари. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.

Электр энергиясидан фойдаланиш учун тузилган шартнома шартларига тадбиркорлар манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритиш юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилди.

Шуни қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисобрақами очиш учун тўловлар бекор қилинди ва шу борада бошқа зарур тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди [28].

Айни пайтда шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг бугунги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари, умумий халқаро нормаларга ҳали тўлиқ жавоб бермайди. Тадбиркорларимиз қишлоқ жойларда энергия таъминотининг беқарорлигига, ишлаб чиқариш ва йўл инфратузилмасининг керакли даражада ривожланмаганига, текширувларнинг кўплигига, шунингдек, жойларда ижро интизомининг нисбатан пастлигига ҳалигача дуч келмоқда.

Шу ўринда Президентимиз И.Каримовнинг куйидаги фикрларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ “Бу ўта муҳим масалага яна ва яна бир бор эътибор қаратиб, алоҳида таъкидлашни зарур деб биламан: тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш ва бундай ҳолатларга йўл қўймасликни жиддий назоратга олишимиз шарт.

Лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни интерфаол шаклда кўрсатишга ўтишни тезроқ амалга ошириш зарур” [28].

Шу маънода айтганда, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаб, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади. Қонунга кўра, ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда “бир дарча” орқали амалга оширилади. Бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади. Тадбиркорлик субъектининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан, шу жумладан, рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатлар “бир дарча” орқали бериладиган ҳолларда ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак.

Агар ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаса ёки уни беришни рад этмаса, бажарилиши ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат

олмоқчи бўлган ҳаракатни бажариш ва муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади.

Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамоилига амал қилинишидир. Бу, шубҳасиз, юртимизда тадбиркорлик фаолиятига катта эътибор қаратилаётганининг яққол далилидир.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар натижаларини қуйидаги жадвал орқали яққолроқ кўриш мумкин (3.3-жадвал).

3.3-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши [39]

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда
	Аввал амалда бўлган		Янги киритилган		
	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	397 950	2	159 180	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	79 590	0,5	39 795	- 50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	3 183 600	10	795 900	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	1 989 750	1	79 590	- 96
Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш	10	795 900	3	238 770	- 70
Қурилиш давомида назорат-ижро сьемкалари ўтказиш	5	397 950	3	238 770	- 40
Нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	5 969 250	1	79 590	- 98,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	795 900	3	238 770	- 70

Жами тўловлар киймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	13 739 890	-	1 928 365	- 86,0
---	---	-------------------	---	------------------	---------------

* Изоҳ: энг кам иш ҳақи миқдори, тўловларни қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилингандан кейинги даврга олинган.

3.3-жадвалдан кўринадик, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни оптималлаштириш тадбирлари аҳамиятли даражада амалга оширилган. Тадбиркор ўз фаолиятини бошлаши учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтишига аввалги тўлов 5 та энг кам иш ҳақи (ЭКИХ) миқдорида бўлган. Ҳозир эса тадбиркор 2 та ЭКИХ миқдорида ҳақ тўлайди. Шу билан бирга банкда ҳисоб рақами очиш учун тўлов 79590 сўмдан 39795 сўмгача камайтирилди. Ер участкаларини расмийлаштириш хизмати харажатлари 56 фоизга ёки 130 мингдан 58 минг сўмгача қисқартирилган.

Тадбиркор томонидан қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш ёки қурилиш ишларини бажариш бўйича танловларда қатнашиш, лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказишга рухсат олиш жараёнлари учун трансакция харажатлари аввал қурилиш архитектура – режа топшириқларини ишлаб чиқиш учун 40 энг кам иш ҳақи ҳажмидан 10 энг кам иш ҳажмига қисқартирилган.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш харажати 10 энг кам иш ҳақи ҳажмидан 3 энг кам иш ҳақи гача пасайтирилган. Ушбу йўналишда энг катта қисқариш норматив лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўйича кузатилади, яъни бундай экспертиза учун аввал 75 энг кам иш ҳақи тўланган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 1 энг кам иш ҳақи га тенг ёки қисқариш 98,7 фоизни ташкил этади.

Шу билан бирга “Ўзтелеком”, “Ўзстандарт”, “Қишлоқхўжаликкимё”, “Ўзагрошсервис” ҳамда қурилиш материалларни ишлаб чиқариш тизимларида 30 тадан ортиқ монопол маҳсулот ва хизматларнинг қийматини (нархини) пасайтириш чоралари амалга оширилди. Жумладан, интернет провайдерлар учун техник биноларни ижарага олиш нархи 20 фоизга, уларга техник хизмат кўрсатиш 10 фоизга камайтирилган.

Қуйидагилар бўйича имтиёзлар берилди:

- маданий бойликларни реализация қилишда қатнашиш учун рухсатнома;
- суғурталовчиларни тугатиш учун рухсатнома;
- қимматбаҳо қоғозлар савдосини ташкил этиш қоидаларини келишиш;
- тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш учун рухсатнома;
- тадбиркорлик субъектининг муҳр ва штампларини йўқ қилиш тўғрисидаги қвитанция;
- божхона тўловлари.

Шартли чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситаларидан, ана шу имтиёзлар нима муносабат билан берилган бўлса, улардан фақат шу мақсадда ёки божхона органининг бошқа мақсадларда берган рухсати билан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш учун рухсатномалар бекор қилинди ва унинг оқибатида тадбиркорлик субъектларининг ортқча вақт сарфлашига барҳам берилган бўлса, ўз навбатида ушбу ҳужжатларни олишга сарфланадиган мабалағлари тежаладиган бўлди.

Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ноширлик фаолияти, қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолияти, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди. Бунда ушбу фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати чекланмаган деб белгиланди.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони иқтисодиётнинг ушбу тармоғини ислоҳ қилишнинг мантиқий давоми бўлди (3.4-жадвал).

Мазкур фармонга мувофиқ сув таъминоти ва канализация тармоқларига уланиш учун рухсат бериш муддати 2 кунга, тадбиркорлик субъектларини телефон тармоғига улаш умумий муддати 10 кунга, юкларни божхона расмийлаштируви муддати ва маҳсулотни келиб чиқиш сертификатини бериш муддати 3 кунга, юқори малакага эга бўлган хорижий фуқароларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш муддати 15 кунга қисқартирилди ҳамда кредит ташкилотлари томонидан фуқаролик ишлари судларига кредитлар, заёмлар ва бошқа қарздорликларни ундириш бўйича даъво аризаси киритишда давлат божи ставкаси даъво суммасининг 20 фоизидан 2 фоизига туширилди, хўжалик ишлари судларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш бўйича ариза беришда давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 20 бараваридан 3 бараваригача камайтирилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиблари анча соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларини рўйхатга олинган санадан бошлаб, уч йил мобайнида солиқ органлари томонидан режали текширишни таъқиқловчи тартиб жорий қилинди. Янги, янада мукамал, очиқ ва ошқора давлат харидлари механизми белгиланди. Бунда иқтисодиётнинг айнан ушбу тармоғига афзаллик берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳамда молия ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказилмоқда.

3.4-жадвал

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинликлар бўйича бекор қилинган ва муқобиллаштирилган чора-тадбирлар

Бекор қилинди:	Тартиботлар мақбуллаштирилди (муддатлар, қиймати):
хўжалик юритувчи субъектлар учун давлат рўйхатидан ўтгунга қадар устав жамғармасининг бир қисмини тўлаш, бунда устав жамғармасини бир йил давомида шакллантириш мажбурияти сақланиб қолинади.	сув таъминоти ва канализация тармоқларига уланиш учун рухсат бериш муддати 2 кунга қисқартирилди
банкларда ҳисоб варағини очиш учун имзо намуналарини нотариусдан тасдиқлатиш, шунингдек микрофирмалар учун имзо намуналари карточкаларида иккинчи имзо (бухгалтер имзоси)нинг бўлиши шартлиги тўғрисидаги талаб.	тадбиркорлик субъектларини телефон тармоғига улаш умумий муддати 10 кунга камайтирилди
	кредит ташкилотлари томонидан фуқаролик ишлари судларига кредитлар, заёмлар ва бошқа қарздорликларни ундириш бўйича даъво аризаси киритишда давлат божи ставкаси даъво суммасининг 20фоизидан 2фоизиги туширилди.
	юкларни божхона расмийлаштируви муддати ва маҳсулотни келиб чиқиш сертификатини бериш муддати 3 кунга туширилди
импорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилган давлатни тасдиқлаш тартиботи.	юқори малакага эга бўлган хорижий фуқароларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш муддати 15 кунга қисқартирилди
	хўжалик ишлари судларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш бўйича ариза беришда давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 20 бараваридан 3 бараваригача туширилди.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони таҳлили асосида тузилган. 2012 йил 18 июл.

Шу билан бир вақтда тадбиркорликка оид қонунларни бузилиш ҳолатлари кўпайиши ва улар сони айрим республика ҳудудларида анча катта эканлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатлар кичик бизнес субъектлари томонидан эгоистик (ғайриқонуний) хатти-ҳаракатларда ўз мулкларини ҳимоя қилишга сарфланадиган трансакция харажатларини ошишига олиб келади.

Бундан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, улар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида бериладиган даъво аризаларидан даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг:

- 20 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 2,5 фоизи миқдоридан (амалда бўлган даъво баҳосининг 5 фоизи ўрнига);

- 20 бараваридан ортиқ бўлганда – даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида (амалда бўлган даъво баҳосига қараб 10, 15 ва 20 фоиз ўрнига) давлат божи ундирилади.

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг, жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситувчи эгоистик хатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдори ўрнига) давлат божи ундирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга уй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризалари, хатга олинган мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги ва мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризалари билан мурожаат қилганда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдори ўрнига) давлат божи тўланади.

Суд қарорлари, ҳукмлари, ажримлари, судларнинг бошқа қарорларининг дубликатлари ва нусхаларини, шунингдек, томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, судлар томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун ҳужжатнинг ҳар бир бети учун энг кам иш ҳақининг 0,25 фоизи миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдори ўрнига) давлат божи ундирилади.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида хўжалик судларига бериладиган даъво аризаларидан ва хўжалик судининг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризаларидан ундириладиган барча давлат божи ставкалари (трансакция харажатлари) 2 баробар камайтирилди.

Трансакция харажатларини камайтириш ва улар таркибини оптималлаштириш тадбиркорларнинг молиявий-иқтисодий салоҳиятини оширишнинг таъсирчан йўли бўлиб, у тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга кўпроқ ички инвестицияларни ажратишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шу боис трансакция харажатларини янада пасайтириш ҳамда ушбу йўналишда қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- тадбиркорларга давлат ва нодавлат тузилмалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун трансакция харажатлари миқдори энг кам меҳнат ҳақига боғлиқ равишда белгиланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиб бориши трансакция харажатининг ҳам тез ўсишига олиб келади. Шунини ҳисобга олиб трансакция харажатларини камайтириш мезонлари ва усулларини ишлаб чиқиш лозим;

- бозор ҳақидаги турли ахборотларни қидириш билан боғлиқ трансакция харажатларини камайтириш учун тармоқлар бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб боришни кенгайтириш ва бозор тўғрисидаги маълумотларни кичик бизнес субъектларига чиқимларсиз беришни амалга ошириш механизмини жорий этиш;

- хуфёна иқтисодий фаолият кенгайтишига тўсик сифатида расмий иқтисодий фаолият билан шуғулланиш қоидаларини соддалаштириш ва улар амал қилиш муддатларини барқарорлаштириш;

- мулкый ҳуқуқни ҳимоя қилиш харажатларини табақалаштирилган тизимини жорий этиш, уларни қонунчилик асосида энг юқори чегарасини белгилаб қўйиш;

- давлат ташкилотлари (органлари) билан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик (трансакция) механизмларини мукамаллаштириш зарур.

3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши ва трансакция харажатлари таркибини такомиллаштириш йўналишлари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида улкан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Шу билан бирга кичик бизнесни ривожлантиришнинг тармоқ хусусиятлари, уларни давлат йўли билан ва нодавлат ташкилотлари томонидан қўллаб – қувватлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятига, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудий ва тармоқ таркибига етарлича баҳо берилмаган.

Шу билан бир вақтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи, рағбатлантирувчи институтлар ҳамда механизмларни такомиллаштириш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши бир неча муаммолар ечимига боғлиқ. Уларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- шартномалар тузиш ва уларни бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва трансакция харажатларини пасайтириш.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ва давлат идоралари билан мулкчилик низоларига қонуний баҳо бериш хўжалик судларининг

ваколатига киради. Шу нуқтаи назардан 2012 йилда хўжалик судларида 345,6 минг, 2013 йилда 235,2 мингта тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар кўриб чиқилган. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоялаш юзасидан 2013 йилда 23 мингта иш кўрилган ва тадбиркорлар фойдасига 322,5 млрд. сўм ундирилган¹. Ушбу далиллар мамлакатимизда тадбиркорлар мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича эътиборли чора – тадбирлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Шу билан бир вақтда таъкидлаш мумкинки, хўжалик судларига мурожаат этишлар 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 30 фоиздан кўпроққа қисқарган бўлсада, ушбу йўналишда ҳали ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд. Бундай масалалар бизнинг фикримизча, мулк ҳуқуқлари билан тадбиркор, давлат ҳамда бошқа учинчи томон ўртасида аниқ тақсимланмаганлиги туфайли юз бериши мумкин. Шунини ҳисобга олганда хусусий мулкчилик ҳуқуқларини тадбиркор билан давлат ва шартнома иштирокчилари ўртасида аниқ тақсимлаш ва умуман мулкчилик муносабатларини институционал нормаларини такомиллаштириш лозим.

Маълумки, назорат қилувчи органларга тадбиркорларнинг бизнес юритишини амалдаги қонунчиликга мослигини назорат қилиш ваколатлари берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 415-сонли қарори [17] га мувофиқ прокуратура органларига тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини назорат қилиш юзасидан қўшимча ваколатлар берилган ва хўжалик юритувчи субъектлар текширувларини мувофиқлаштириш кенгаши билан муайян турдаги текширувларни ўтказишга рухсат этилган. Шу билан бирга, назорат қилувчи органларнинг текширишни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, бозор муносабатларини амалга оширишнинг асосини шартномалар ташкил қилади. Шартномалар классик, неоклассик ва имплицитив (туғалланмаган) турларга бўлинади [39]. Ушбу ҳолатларда томонларнинг ўзаро ҳаракати билан (трансакция) сотиш ёки ёллаш шартномалари тузилади. Ушбу шартномаларни тузиш ва амалга ошириш маълум хатарларни ҳисобга олувчи ёки унга бефарқ бўлган шахслар ўртасида юзага келади. Шунини инобатга олганда тадбиркорлар ўзаро сотиш ёки ёллаш шартномалари шартлари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган институционал нормаларни ҳамда механизмларни (жавобгарлик юзасидан) янада ривожлантириш, иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш даврида долзарб ҳисобланади. Бундай ёндашув ўзаро келишмовчилик, ноқонуний ҳатти – ҳаракат ва шу каби бошқа қонунчиликка зид бўлган ҳаракатларни камайтиришга олиб келади.

¹Камилов К.Ф. Бошқарув тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш. Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари иштирокидаги ўқув семинари материаллари. – Тошкент, 29 январь – 9 февраль 2014 йил.

Шуни таъкидлаш ўринлики, шартнома шартларини бузилиши, уларни ўз вақтида бажарилмаслиги, нафақат шартлашган томонлар манфаатларига салбий таъсир этади, балким уларнинг ўз мулквий ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун сарф қилинадиган харажатларни (трансакция харажатларини) ҳам ошиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатлар кичик корхоналар молиявий аҳволини заифлашувига олиб келади.

Ҳар қандай корхонада, шу жумладан кичик бизнес корхоналарида ҳам трансакция харажатларига ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилиш (шартномалар тузиш), бозорни ўрганиш учун ахборотларни қидириш, умумлаштириш; шунингдек, ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш; шартномаларни имзолаш; шартномалар тузилгандан кейин уни бажариш учун сарфланадиган харажатлар киради. Бундай харажатлар одатда давр харажатлари таркибида сотиш, маъмурият ва бошқарув билан боғлиқ харажатлар шаклида иштирок этади. Шу билан бир вақтда тадбиркорлик субъектларининг янги техника ва технологияларни сотиб олиш ҳамда ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш учун сарфлаётган трансакция харажатлари ҳам кўпайиб бормоқда. Ушбу харажатларни камайтириш, мулк ҳуқуқлари тўғри тақсимланганда, корхонанинг рақобатбардошлиги ҳамда фойдалилик кўрсаткичлари юқори бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда тадбиркорларни бизнес ва бошқарув фаолиятини тартибга солувчи қарорларни қабул қилинишида уларнинг фикри тўлароқ ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Ана шу йўналишда ишларни жадаллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

1) мамлакатда тадбиркорликнинг ривожланишига ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий саводхонигини оширишга кўмаклашувчи нодавлат институтлар сифатида бизнес-уюшмаларнинг ролини кучайтириш;

2) мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида ишбилармонлик ҳамжамиятини давлат ва нодавлат бошқарув ташкилотлари билан конструктив мулоқотини йўлга қўйиш учун Ўзбекистон ишбилармонлик доиралари вакиллари, хорижий сармоядорлар, халқаро молиявий институтлар ва донор ҳамжамиятларни бирлаштирувчи доимий фаолият кўрсатувчи жамоат ташкилоти – бизнес-форумни ташкил этиш. Мазкур форум инвестицияларни жалб қилиш ва мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ислоҳотлар мониторингини амалга оширишнинг самарали механизмига айланиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестициялар оқимини янада фаоллаштиришни таъминлаш мумкин бўлган асосий омиллар, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

• Жорий операциялар бўйича валютанинг айирбошланишга қодирлиги. Бусиз: а) хусусий кохоналар тўлақонли ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошира олишмайди; б) рақобат ривожланмайди (хорижий товар ишлаб чиқарувчилар билан курашиш ҳисобидан).

• Янги кохоналарнинг бозорга эркин чиқиши. Бу ерда асосий тўсиқ – лицензиялаш ва кохоналарни рўйхатга олиш чоғидаги тўсиқлар.

• Ҳуқуқий тизимнинг сифати, барқарорлиги ва аниқ-равшанлиги. Ўтиш иқтисодиётлари учун айниқса ҳуқуқнинг солиқ солиш, фуқаролик Кодекси, валютани тартибга солиш, савдо муносабатлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, мулкчилик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш каби соҳалари ўта муҳим.

• Қонунлар ижроси ва давлат томонидан тартибга солишнинг сифати. Ривожланган мамлакатларда ушбу шароитлар асосан суд тизими орқали таъминланади, уларда суд тизими унчалик такомиллашмаган, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда эса бундай шароитларга фақат: а) қонун ҳужжатларини мумкин қадар соддалаштириш (амалдорлар уларни ўз фойдаси йўлида талқин этмасликлари учун) ва б) давлат органлари (айниқса текширувлар билан шуғулланувчи органлар)нинг сонини чеклаш ҳисобидан эришиш мумкин.

• Солиқ тизимининг сифати. Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, майда бизнес учун солиқ солишнинг соддалаштирилиши (патент тизимига ўтиш) яхши натижаларни беради. Бироқ, бунда корхоналарнинг легал ўсиш имконияти чекланади (корхона учун йириклашиш фойда бермайди).

Сармоядорларни жалб қилишдаги энг катта муаммолардан бири – бу минтақалар ҳақидаги ахборотнинг мавжуд эмаслиги. Мамлакат вилоятлари ҳақида ахборотга эга бўлиш даражаси жуда паст. Ҳатто, инвестиция имкониятлари тўғрисида ҳам базавий ахборот, қимматли қоғозлар бозори, кўчмас мулк бозори ҳақида кенг, янгилашиб турадиган ахборот етишмайди.

Сармоядор катта ҳажмдаги маълумотлар, шу жумладан молиявий ҳисоботлар, инвестицион меморандумлар ва ҳоказоларга эга бўлиб, ушбу маълумотлар асосида инвестиция қарорларини қабул қилади. Ҳатто, айрим Осиё ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ҳам сармоядорларни жалб қилиш учун кўпроқ имкониятларга эга, чунки улар инвестиция банклари, ахборот агентликлари, консалтинг компаниялари билан ишлашади.

Республикамизда ахборот таъминоти ва бошқа чора-тадбирларининг амалда кенгайтириши хусусий тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни жалб этишни кўпайтириш, таркибий ўзгартиришларни, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, иш билан таъминланганлик даражасини, экспорт салоҳиятини ҳамда аҳоли даромадини кўтаришга замин яратади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, юртимизда аҳолининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда кичик тадбиркорликнинг турли шакллари, хусусан хусусий тадбиркорликда касаначилик институтини кенг ривожлантириш устувор аҳамият берилмоқда. Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни

ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда” [23].

Ҳозирги вақтда касаначилик бандликнинг энг фаол ривожланаётган ностандарт шакли ҳисобланади. Меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик шаклига нисбатан ходимлар ва ёлловчилар томонидан ҳам талабнинг ўсиб бориши ушбу шакл ҳуқуқий муносабатларининг ҳар бир томонига яратаётган устунликлар билан боғлиқ.

Касаначилик меҳнатининг асосий устунлиги – унинг мослашувчанлиги, яъни у кенг ҳудудда амал қилиш имконини беради, чунки ходим жойлашган масофа ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас ва томонлар буни мақсадга мувофиқлик тамойили, шунингдек меҳнатни ташкил этиш ва унинг ёлловчи томонидан назорат қилинишини таъминлашнинг реал имкониятидан келиб чиқиб белгиланади.

Бундан ташқари, меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик шакли ёлловчига харажатларни пасайтиришнинг реал имкониятларини очиб беради. Ишлаб чиқариш ва маъмурий жойларни тежаш, коммунал тўловлар, ижара тўлови, иссиқлик ва электр таъминоти харажатларини пасайтириш имконини беради. Ёлловчи учун касаначилик шаклидаги меҳнатнинг шубҳасиз устунлиги инвестициялардан фойдаланмасдан туриб, ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтириш имкониятидан иборат (бунда ходим ёлловчи билан шартномага кўра ўз меҳнат воситаларидан фойдаланади).

Касаначилик нафақат ёлловчилар учун, балки ходимлар учун ҳам бир қатор устунликларга эга. Кўпинча уй шароитида ишлаш аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига меҳнат қилиш учун конституциявий ҳуқуқларни амалга ошириш имконини берувчи ягона восита бўлиши мумкин. Гап фуқароларнинг бандликнинг анъанавий моделини қидиришда қийинчиликларга дуч келадиган ёки бундай шаклнинг турли сабабларга кўра улар учун ноқулай бўлган тоифалари (меҳнат қилиш қобилияти паст бўлганлар, ногиронлар ва нафақахўрлар, болали аёллар) ҳақида бораяпти.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳозирги вақтда амал қилиб турган касаначилик концепцияси уни белгилашда томонларнинг эркинлигидан келиб чиқади, бу ана шундай шароитда бажариладиган ишлар субъектлари таркиби ва ишлар турларининг чегараланмаганлигида ўз ифодасини топмоқда. Бу, хусусан, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида уй меҳнати – касаначиликни ташкил этишда ўз ифодасини топмоқда [10]. Фақатгина йирик саноат корхоналари билан оилалар ўртасида ўтган 2013 йилда шартнома асосида 210 минг янги иш ўринлари яратилди [28]. Бу касаначиликни кенгайтириш имкониятининг кенглигидан далолат бериб турибди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги вақтларда анъанавий касаначиликдан ташқари “янги” касаначилик турлари ва йўналишлари пайдо бўлиб, кенгайиб бормоқда. “Янги” касаначилик турлари – бу, одатда, ахборот технологиялари соҳаси ва ундаги юқори малакали мутахассислар;

дастурчилар ва дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчилар, дизайнер, журналист, таржимон, муҳаррир, телефон диспетчери ва бошқа йўналишдаги фаолият турлари. Турли хилдаги манбаларда касаначиликнинг бундай замонавий йўналишларини таърифлаш учун турли атамалардан фойдаланилади: “масофадан туриб меҳнат қилиш”, “телеиш”, масофада туриб ишлаш, “электрон касаначилик” ва бошқа атамалар.

“Электрон касаначилик”ни энг аниқ атама деб ҳисоблаш мумкин, чунки бундай тоифадаги ходимлар меҳнати, у узоқда бажарилишидан ташқари, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишни назарда тутди. Ушбу касаначилик тури мамлакатимиз иқтисодиётида кенг қўлланилиб, ўз самарасини кўрсатишга ҳеч бир шак-шубҳа йўқ. “Электрон касаначилик” нафақат ишловчи ёки иш берувчининг жорий харажатларини, балки маълум миқдорда трансакция харажатларини ҳам камайтиришга ҳам имкон беради. Шу боис, мамлакатимизда касаначиликнинг мазкур йўналиши бўйича ҳам ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши лозим.

Шу билан бир вақтда, мамлакатимизда асосий трансакция хизматлари кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг хизматлари учун кичик корхоналар томонидан тўланадиган шартномаларни тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ трансакция харажатларини қисқартириш лозим. Бунда дастлаб, корхоналарни экспортга маҳсулотлар чиқариши ва улар бўйича шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда консалтинг-маслаҳат хизматларини кўрсатиш; давлатга тегишли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жойларининг ижараси билан боғлиқ харажатларни пасайтириш; судларда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳсулот ва хом-ашё етказиб бериш шартномаларини тузиш, улар ижросини таъминлаш ҳамда томонларнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоялаш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш йўналишларида амалий ишларни олиб борилиши самарали ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва ривожини белгиловчи институтларни янада ривожлантириш ва унга боғлиқ равишда трансакция харажатлари таркибини такомиллаштириш иқтисодий ўсишни ҳамда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

4-боб. АГРАР СОҲАДА ТРАНСАКЦИЯЛАР ВА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ТАСНИФИ

4.1. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларда трансакция харажатлари турлари

Хорижий мамлакатларда олиб борилган аграр ислохотларнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалиги корхоналари бозор муносабатлари шароитида харажатларни бошқариш тизимини яратмай туриб самарали фаолият кўрсата олмайди. Хўжалик юритиш жараёнида

ресурслардан қанчалик самарали фойдаланилса, маҳсулот (хизмат)нинг таннархи шунчалик паст, фойданинг миқдори шунчалик кўп бўлади, ва шундан келиб чиққан ҳолда ташкилотнинг рақобат шароитида барқарорлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Қишлоқ хўжалиги субъектларининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш муаммоларни ҳал этиш кўпинча харажатларни тежаш ва уларни бошқариш тизимини яратиш билан боғлиқ.

Трансакция харажатлари тушунчасини илк бор илмий айланмага киритган Нобел мукофоти совриндори Р.Коуз [64] таъкидлашича: “ҳар қандай ижтимоий ташкил этиш шакли (бозор, фирма, такшилот) ўз фаолиятини ташкил этиш ва уни ушлаб туриш учун оз бўлса ҳам харажатларни сарфлашни талаб қилади.”

Яна бир таниқли олим янги институционализм намоёндаларидан бири К. Эрроу [82] фикрича, “иқтисодиётда трансакция харажатлари ҳудди физикадаги ишқаланиш қонунига ўхшайди, яъни бозорнинг вазифаси трансакция харажатларини камайтириш, унинг бош устун томони эса – ахборотларни олиш учун харажатларни камайтириш ҳисобланади.”

Илмий манбаларда юқрида таъкидланганидек (1 бобга қаранг) трансакция харажатларининг кўплаб таърифлари мавжуд. Уларни умумлаштириб, қуйидагиларни ажратиб олишимиз мумкин:


- мулкий ҳуқуқларни алмашиш бўйича харажатлар;
- шартномаларни амалга ошириш ва ҳимоялаш бўйича харажатлар;
- меҳнат тақсимотидан олинган фойдани олиш харажатлари.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу мулк ҳуқуқлари шартнома муносабатларида яққол намоён бўлади. Шу нуқтаи назаридан аграр соҳада шартнома муносабатларида трансакция харажатларини тавсифлаш ва таркибини белгилашга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигининг энг муҳим устувор йўналишларига тўхталиб: “Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юқори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади¹”- деб таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга фермерларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ва инфратузилмалар билан бўлган муносабатларини такомиллаштириш, фермерларнинг харажатларини камайирадиган янги хўжалик механизмларини жорий этиш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

¹ И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. 16.01.2015. манба: <http://uza.uz/>

Қишлоқ хўжалик корхонасининг умумий харажатлари таркибида трансакция харажатлари ҳам ўз ўрни ва аҳамиятига эга (4.1-расм).



4.1-расм. Қишлоқ хўжалик корхоналари умумий харажатлари таркибида трансакция харажатларининг ўрни

Манба: муаллифлар ишланмаси

Маълумки, хўжалик тизимида деярли барча низолар товар ва хизмат билан алмашинувнинг номуносивлиги, шериклар ўртасида иқтисодий манфаатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги ва ҳ.к. туфайли вужудга келади. Бу низолар айниқса қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятида кескин тус олади. Хусусан, бундай ҳолатлар хўжаликлар маҳсулот етиштириш ва сотиш, ишлаб чиқариш хизматларидан фойдаланиш, бошқарув органлари билан ва бошқа турли хил ташкилотлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш соҳаларида намоён бўлмоқда. Айнан ушбу низоли ҳолатлар ва муаммолар трансакция харажатларини вужудга келтиради. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, иқтисодиётда трансакция харажатларининг улуши салмоқли кўрсаткични ташкил этади.

Россия олимларининг тадқиқотларига кўра, аграр соҳасида трансакция харажатлари улуши корхонанинг умумий харажатларининг тўртдан бир қисмини ташкил этади [32]. Шу боис маҳсулот таннархини камайтириш, корхонанинг рентабеллигини ва даромадини оширишда трансакция

харажатларининг таркибини ўрганиш, уларни камайтириш, оптималлаштириш ва бошқариш долзарб ва амалий аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда аграр соҳани ислоҳ қилиш (трансформация) харажатларини давлат ўз зиммасига олган, улар таркибига ички хўжалик бошқаруви, шунингдек хўжалик юритиш тизимларини ислоҳ қилиш харажатларин ҳам киради. Трансакция харажатлари турлари 3.1-расмда кўрсатилганидек, таркибга эга бўлиб, улар ичида мулк ҳуқуқини идора қилиш ва уни ҳимоялашга маълум харажатлар қилинади. Давлат буюртмасига асосан пахта, дон ва бошқа маҳсулотлар сотиш шартномаларини тузиш (трансакция) харажатларининг маълум қисми агросаноат мажмуига кирувчи қайта ишлаш корхоналари зиммасига тушади. Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини эркин сотиш билан боғлиқ трансакциялар учун харажатлар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари зиммасида қолади. Уларнинг турлари ва таркиби ушбу бобнинг 4.2 қисмида таҳлил қилинган.


Шуларни ҳисобга олганда қишлоқ хўжалиги корхоналарида трансакция харажатларининг пайдо бўлишига қараб уларни учта турга бўлиш мумкин: шартномани тузишдан олдин, шартнома тузиш (имзолаш) пайтидаги ва шартномани бажариш пайтидаги харажатлар (4.2-расм).


Умуман олганда иқтисодий йўналишдаги адабиёт манбаларида қуйидаги трансакция харажатлар шакллари мавжуд [77]:

1. Ахборотни қидириш харажатлари. Битим ёки шартнома тузиш олдидан аграр соҳа бозорлари ҳақида ахборотга эга бўлишни ўзида намоён этади. Харажатлар ушбу ҳолатда тўлиқ бўлмаган (харид қилинмаган) ахборот билан боғлиқ йўқотишлардан ҳосил бўлади.

2. Музокаралар олиб бориш харажатлари. Харажатларнинг мазкур тури ноаниқ тузилган, ёмон расмийлаштирилган битим туфайли юзага келади. Ушбу харажатларни тежашнинг асосий воситаси – намунавий шартномалар.

3. Ўлчаш харажатлари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва сифати тўғрисидаги ахборотларни олиш ва сертификатлаштириш ушбу харажатлар тоифасига киради. Техник ўлчаш, ўз ўлчовини юритиш, томонларнинг ҳатолардан хавфсизлиги чора-тадбирларини амалга ошириш харажатлари, ҳатолар туфайли йўқотиш харажатлари ҳам ўлчаш харажатларидир.





4.2-расм. Шартнома муносабатларида трансакция харажатлар турлари

Манба: муаллифлар ишланмаси

4. Тафсирлаш харажатлари ва мулкчилик ҳуқуқлари чиқимлари. Бу олий, хўжалик, ҳакамлик судлари, давлат органларини сақлаб туриш харажатлари билан боғлиқ чиқимлар; бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун зарур бўлган чиқимлар, уларни ёмон ҳимоялашдан йўқотишлар.

5. Оппортунистик ҳатти-ҳаракат харажатлари. О.Уильямсон [72] томонидан киритилган “оппортунистик ҳатти-ҳаракат” тушунчаси – бу битим шартини бузувчи ва бу билан зарар етказувчи ноинсоф ҳатти-ҳаракат. Бу ёлгон ҳам, алдаш ҳам бўлиши мумкин. Бундай харажатлар ўлчаш харажатларини ўзида намоён этади, лекин натижага эмас, балки жараёнга, топширилаётган маҳсулотга эмас, балки битим бўйича контрагентлар ҳатти-ҳаракатига киради.

6. Бошқариш билан боғлиқ харажатлар – бу ташкилот ичида қарор қабул қилиш билан кузатиладиган харажатлар. Буларга:

хўжалик ичида қарор қабул қилиш харажатлари;

таъсир этиш харажатлари – марказлашган тарзда қарор қабул қилиш харажатлари киради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, трансакция харажатлари давомийлигига қараб ўзгарувчан (ахборотни қидириш, музокараларни олиб бориш, ўлчаш ва назорат қилиш ҳамда оппортунистик ҳатти-ҳаракатлар харажатлари киради) ва доимий (уларга мулк хуқуқларни тақсимлаш ва бошқариш) харажатларига бўлинади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида трансакция харажатлари, шартнома муносабатларида уларнинг турлари тўғрисидаги янги билимлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ҳамда фермер хўжаликлари бошлиқлари шартнома муносабатларида вужудга келаётган трансакция (кўзга кўринмайдиган) харажатларни камайтириш бўйича чораларни кўриши ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва пировардида даромадини оширишга имкон яратиб беради.

4.2. Қишлоқ хўжалигида трансакция харажатларининг таснифлари ва уларни бошқариш муаммолари

Республикамызда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб хусусий секторни ривожлантириш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ошириш, тадбиркорлик туйғусини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга Президентимиз Ислон Каримов мамлакатимизни 2015 йилга мўлжалланган маърузасида: “Минг афсуски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали-ҳануз турли маъмурий ғов ва тўсиқлар сақланиб қолмоқда, мансабдорлар томонидан уларнинг қонуний манфаат ва ҳуқуқлари бузилаётгани билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин¹”- деб таъкидлаб ўтди. Бу муаммо қишлоқ хўжалигида ҳам кузатилмоқда. Пировардида эса трансакция харажатлари кўпаймоқда.

Қишлоқ хўжалигида трансакция харажатлари ўзига хос хусусиятларига эга. Бу ишлаб чиқариш мавсумийлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори ҳақидаги маълумотларнинг тез ўзгариб туриши, ишлаб чиқариш хизматларининг кўлами торлиги, юқори малакали маркетинг ва бошқарув кадрларнинг етишмаслиги ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Шу боис юқоридаги ёндошувларни инобатга олиб, биз қишлоқ хўжалигида уларнинг таснифини келтиришга ҳаракат қиламиз.

4.1-жадвалда қишлоқ хўжалигида трансакция харажатларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари келтирилган бўлиб, улар иқтисодий тизимда алоҳида ўрин эгаллаб туришини кўрсатиб турибди.

¹ И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. 16.01.2015. манба: <http://uza.uz/>

Қишлоқ хўжалигида трансакция харажатларнинг вужудга келишининг асосий омили, ишлаб чиқариш субъектлари томонидан ахборотлар олиш имкониятлари чегараланганлигидир. Ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотни ташкиллаштирилмаган бозорда мустақил тарзда сотилиши моддий ва меҳнат харажатларининг кўпайишига сабаб бўлади. Савдо воситачилик корхоналари қишлоқ хўжалиги корхоналаридан анча самарали ҳисобланади, чунки воситачилик корхоналари кўпроқ маълумотга эга бўлади, масалан қишлоқ хўжалиги хомашё нархлари бўйича ахборотга эга бўлади. Шу боис ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида харажатлар ва шундан келиб чиққан ҳолда йўқотишлар ҳам кўп бўлади. Бу эса унинг самарадорлигига салбий таъсир ўтказди.

4.1-жадвал.

Қишлоқ хўжалигида трансакция муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари

Тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари	Тармоқда трансакция харажатларнинг тавсифи
1. Биологик жараён, табиий муҳитига юқори даражада боғлиқлиги	Ахборотни қидириш, ноқонуний (оппортунистик) хатти-ҳаракатлар бўйича харажатларнинг юқорилиги
2. Ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ва даврийлиги	Сотувчи ва харидор ўртасида “алмашиб бўлмайдиган” вазиятнинг вужудга келиши
3. Хўжалик воситалари таркибида асосий фондларнинг юқори ҳажмлиги; ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодиётнинг бошқа соҳасига ўтиш қийинлиги	Тармоқга сармоя киритиш жозибador эмаслиги.
4. Ишлаб чиқариш даврининг узок давомийлиги бозор ўзгаришларига тез тарзда мослаштириш мойллиги йўқлиги	Сотувчи ва харидор ўртасида “алмашиб бўлмайдиган” вазиятнинг вужудга келиши
5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аксарият қисми тез бузилувчанлиги	Савдо ташкилотлари катта устунликка эга ва ўз шартларини кўйишда устувор мавқега эгалиги
6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг нисбатан тарқоқлиги	Ахборотни қидириш, ўлчаш харажатларининг юқорилиги; сотувчи ва харидор ўртасида “алмашиб бўлмайдиган” вазиятнинг вужудга келиши

Жадвал муаллифлар томонидан тузилган

Шундай қилиб, аграр соҳанинг ўзига хос хусусиятлари самарали битимларни тузиш учун шартларнинг етарли эмаслигидан далолат беради ва агросаноат мажмуи (АСМ)да трансакция харажатларини бошқариш заруратини талаб этади.

Таҳлилларга кўра қишлоқ хўжалигида трансакция харажатларининг вужудга келиши кўпинча низолар билан боғлиқ. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Донни “дала-элеватор” схемаси бўйича сотиш механизми такомиллашмаганлиги учун хўжаликлар маҳсулотни сақлаш, қуритишга ортиқча маблағлар сарфлайди, шунингдек қўшимча ташиш (транспортировка қилиш)ни амалга оширади. Шу билан бирга донни элеваторга топшириш жараёнида унинг сифатини аниқлаш билан боғлиқ низолар вужудга келмоқда.

2. Чорва молларини қайта ишлайдиган корхоналарга топшириш жараёнида уларни транспортировка қилиш ва кутиш пайтида тирик вазн йўқотилади. Хўжалик ва қайта ишловчи корхона ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик йўқ. Чунки қайта ишловчи корхона чорва молини гўштга қабул қилиш пайтида хўжаликнинг йўқотишларни қоплашдан манфаатдор эмас, улар ўртасида кооперацион алоқа ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилмаган.


3. Сутни қабул қилиш жараёнида сутни қайта ишлайдиган корхона томонидан топшириладиган сутнинг сифати (ёғлиқ даражаси) маълум сабабларга кўра пасайтирилади.

4. Жун-тер хомашёсини одатда бир томонлама - истеъмолчи томонидан баҳоланади ва сотиб олинади. Чунки фермер хўжаликлари хомашёнинг сифатини аниқлаш улубиятига эга эмас.

5. Айрим хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг, масалан, ёқилғи-мойлаш материаллари сотиш шоҳобчалари ва бошқалар шу каби корхоналар монопол бўлганлиги учун ўз маҳсулот ва хизматларига юқори нархлар қўяди, маҳсулотни истеъмолчига шартнома бўйича бериш муддатини чўзади ва шартнома шартларини тўлиқ ёки ўз вақтида бажармайди ва бошқалар.

Келтирилган ушбу низоли ҳолатлар турли хил (моддий, меҳнат, молиявий) ресурсларнинг йўқолишига ва трансакция харажаларининг вужудга келишига олиб келади.

Шу боис низолар туфайли трансакция харажатларининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, шаклланган муаммолар бўйича самарали ечимни топиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш мақсадида қуйида 4.3-расмда келтирилган схема бўйича таҳлиллар қилиш мақсадга мувофиқдир.



Манба: мауллифлар ишланмаси

4.3-расм. Қишлоқ хўжалигида корхоналарнинг ўзаро трансакция муносабатидаги низоларни таҳлил қилиш чизмаси

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги пайтгача қишлоқ хўжалиги корхоналари томондан трансакция харажатларининг миқдорини ўлчаш услугиёти мавжуд эмас. Бу эса трансакция харажатларини аниқлаш, таҳлил қилиш, режалаштириш ва уни камайтириш йўллари топишни қийинлаштиради. Аммо, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари трансакция харажатларини аниқлаш, баҳолаш ва уларни бошқариш дастагига эга бўлиши керак, бу эса алоҳида корхона фаолиятининг ҳамда бутун аграр соҳанинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Шуни инобатга олиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг трансакция харажатларни ўлчаш услугиятини ишлаб чиқиш мақсадида унинг негизини ташкил этувчи ҳамда АСМ хусусиятларини ҳисобга олувчи ва трансакция харажатларини бошқариш жараёнига тўғридан-тўғри таъсир ўтказиш имкониятларини таъминлаб берувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг трансакция харажатлар таснифини ишлаб чиқишга мақсадга мувофиқ. Қуйидаги 4.2-жадвалда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг асосий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган трансакция харажатларининг таснифи берилган.

4.2-жадвал.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги трансакция харажатларининг таснифи

Харажат тури	Харажат шакли	Харажатларнинг таркибий қисмлари
Ички трансакция харажатлари		Маҳсулотни етказиб бериш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар.

	Маҳсулотни бозорда сотиш билан боғлиқ харажатлар	Хўжалик тасарруфида бўлган мол-мулкидан фойдаланиш харажатлари Бошқалар
Ташқи трансакция харажатлари	Ташқи ташкилотларнинг маҳсулотни бозорда сотишга кўмаклашувчи хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар	Реклама
		Алоқа
		Ахборот таъминоти
		Консалтинг-маслаҳат хизматлари
		Транспорт хизматлари
		Ижара
		Воситачилик харажатлари
		Аудиторлик хизматлари
		Қайта ишлаш ва сақлаш хизматлари
		Юридик хизматлари
Бой берилган тушум шаклидаги трансакция харажатлари	Маҳсулотни сотиш пайтида сотиш муддати, нархи ва маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларининг фарқланиши натижасида вужудга келадиган харажатлар.	Нархдаги йўқотишлар: сифатни аниқлашдаги тафовутлар; фойда келтирмайдиган сотиш канали; фойда келтирмайдиган сотиш муддати.
		Сотиш жараёнида жисмоний ҳажмнинг пасайиши ҳисобига умумий тушумнинг бой берилиши.

Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган

Қишлоқ хўжалигида трансакция харажатларининг таснифи институционал иқтисодиётга бағишланган адабиётларида келтирилган умум қабул қилинган трансакция харажатлари таснифига мос келишини аниқлаш учун қуйидаги боғлиқликни келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик. Унинг натижаси 4.3-жадвалда кўрсатилган.

4.3-жадвал.

Умум қабул қилинган трансакция харажатларнинг таснифи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг харажатлар элементлари билан таққослама таҳлили

Маҳсулотни етиштириш ва сотиш соҳасидаги харажатлар қисмлари	Умум қабул қилинган трансакция харажатлар таснифи				
	Ахборотни қидириш харажатлари	Музокаралар олиб бориш харажатлари	Ўлчаш харажатлари	Тафсирлаш харажатлари ва мулкчилик ҳуқуқлари чиқимлари	Оппортунистик хатти-ҳаракат харажатлари
<i>1. Ички трансакция харажатлари</i>					
Маҳсулотни етказиб бериш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар.	+	+	+	+	+

Хўжалик тасарру- фида бўлган мол- мулкидан фойдала- ниш харажатлари		+		+	+
Бошқалар	+	+	+	+	+
<i>2. Ташқи трансакция харажатлари</i>					
Реклама	+	+			+
Алоқа	+	+			+
Ахборот таъминоти	+	+			+
Транспорт хизматлари	+	+			+
Ижара	+	+			+
Воситачилик харажатлари	+	+			+
Аудиторлик хизматлари	+	+			+
Қайта ишлаш хизматлари	+	+	+		+
Сақлаш хизматлари	+	+	+		+
Юридик хизматлари	+	+		+	+
Суғурта	+	+			+
Бошқалар	+	+	+	+	+
<i>3. Бой берилган тушум шаклидаги трансакция харажатлари</i>					
Нархдаги йўқотишлар:					
сифатни аниқлаш- даги тафовутлар			+		+
фойда келтирмай- диган сотиш канали	+	+			+
фойда келтирмай- диган сотиш муддати	+	+			+
Сотиш жараёнида жисмоний ҳажми- нинг пасайиши ҳисо- бига умумий тушум- нинг бой берилиши.	+		+		+

Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида трансакция харажатларини аниқлаш ва уларни бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Агар 4.3-жадвалда изоҳланган харажатлар камайтирилиши инобатга олинса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада оширилишига имконият яратилади.

4.3. Фермер хўжаликларида трансакция харажатларини ўлчаш ва уларнинг умумий харажатлар таркибидаги ўрнини баҳолаш

Маълумки, фермер хўжаликлари мустақил тарзда ўз фаолиятини юрита олмайди. Улар шартнома асосида турли соҳадаги корхона ва ташкилотлар

билан иқтисодий муносабатларни ўрнатади. Шуларни ҳисобга олиб, мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов¹ Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ўз маърузасида фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида фермер хўжаликларининг бозор муносабатларига мослашуви анча суст кечмоқда. Айниқса, уларни бошқарув органлари ҳамда бозор инфратузилмаси муассасалари билан ўзаро иқтисодий алоқалари тизими самарали фаолият олиб боришда фаол рол ўйнамаяпти.


Бу фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини янада ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, амалда уларнинг ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, техника ва суғориш сувига бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондириш, шунингдек улар томонидан етиштирилган маҳсулотни сотишнинг самарали механизмларини яратишни тақозо этади. Бу борадаги фаолият қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари бўлмиш фермер хўжаликлари, уларни маҳсулотларини сотиб олувчи ва ресурслар билан таъминловчи ҳамда бошқа хизматлар кўрсатувчиларнинг манфаат ва қизиқишларини ҳисобга оладиган ягона концепция доирасида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Бу, ўз навбатида, қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Жумладан, фермер хўжаликларининг минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, ёнилғи-мойлаш ва техника воситаларига бўлган ҳақиқий талабларини ўрганишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш; минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш ва кимёвий воситаларни ўз вақтида таъминлаш, механизация ишларини бажариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва хомашёсини сотиб олиш бўйича корхоналарнинг фаолиятини жадаллаштириш ва ривожлантиришга шароитлар яратиш; фермер хўжаликлари маҳсулотини харид қилиш, қайта ишлаш ва экспортга кўмаклашувчи тайёрлов-сотиш корхоналарини шакллантириш ҳамда давлат кўмаги зарур бўлган йўналишларни аниқлаш. Бунда фермер хўжаликларини маҳсулот етиштириш, ресурслар таъминоти, маҳсулотни сотиш ва қайта ишлаш жараёнлари, шунингдек ушбу жараёнлардан келиб чиқувчи иқтисодий муносабатларни, бошқача айтганда, талаб ва таклиф муносабатларини ҳамда уларни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқда фермер хўжаликлари талабларини ўрганиб чиқиб, уларга манфаат келтира оладиган ахборот базасига эга бўлган хизматларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Унинг иштирокчилари ва ўзаро алоқалари 4.4-расмда

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон. 2005. – Б.84-85.

келтирилган.



4.4–расм. Фермер хўжаликлари фаолият жараёнида алоқа қиладиган ташкилотлар тизими

Ўзбекистон фермерлар кенгашида керакли ахборот базасини яратиш ва манфаатдор ташкилотлар билан фермерларни ахборот ва таъминот алоқалари орқали боғлаш катта аҳамиятга эга. Бундай ахборот базаси фермер хўжаликларининг фаолияти учун зарур бўлган механизация ишлари хизматини амалга оширувчи субъектлар ва улар кўрсатадиган хизматларнинг баҳолари, минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотувчи субъектлар ва ресурслар нархлари, банк хизматлари бўйича маълумотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналари ҳамда уларнинг таклифлари, зооветеринария хизматларини олиш ва зотли молларни сотиб олиш имкониятлари ҳақидаги фермерлар учун энг керакли ахборотларни ўзида жамлаши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга манфаатдор ташкилотлар ташаббуси билан ярмарка ва кўргазмаларни ўтказилишини ташкиллаштирилиши ҳам муҳимдир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар

бир келишув амалга оширилганда, яъни мулкый ҳуқуқлар алмашганда кўшимча харажатлар – трансакция харажатлари вужудга келади. Шу жумладан фермер хўжалиги фаолиятида ҳам, айниқса улар турли инфратузилмалар билан алоқа қилганда ушбу турдаги харажатлар вужудга келади.

Ушбу трансакция харажатларини аниқлаш учун биз Тошкент вилояти мисолида фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кетган харажатларни таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

4.4-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, 2014 йилда Тошкент вилоятида жами 131,8 гектар ғалла экилган бўлиб, ўртача гектардан 48,8 центнер ҳосилдорлиги билан жами 642,8 минг тонна ҳосил олинди. Ғаллани сотишдан тушган даромда 331294 млн. сўмни ташкил этди. Шундан 250870 млн. сўм харажатлар улушига тўғри келган. Шунда фойда миқдори 1904 млн. сўм, рентабеллик даражаси эса 32,1 фоизни ташкил этган. Ўртача бир гектар ҳисобига 1904 минг сўм харажатлар сарфланган, 2514 минг сўм даромад олинган. Шунда 1 тонна ғалланинг ўртача сотиш нархи 515 минг сўм, таннархи эса 390 минг сўмни ташкил этган. Шунини таъкидлаш керакки, даромад миқдоридан 75 % харажатлар улушига тўғри келган.

Тошкент вилоятида бошқа деҳқончилик маҳсулотлари (картошка, сабзавот, мева, узум ва бошқалар)ни етиштириш бўйича маълумотлари шунини кўрсатиб турибдики, уларда ҳам харажатлар салмоқлидир. Хусусан Тошкент вилоятида 5671 гектарда картошка экилиб, бир гектардан 245,5 центнер, жами 139215 тонна ҳосил олинган. Картошкани етиштиришга сарфланган харажатлар 101223 млн.сўмни, сотишдан тушган даромад 140874 млн.сўмни ташкил этган. Шунда фойда миқдори 39651 млн.сўм, рентабеллик даражаси 39,2 фоизга тенг бўлган. Агар 1 гектар ер ҳисобига харажат ва даромад миқдорини таҳлил қиладиган бўлсак, картошкага ажратилган 1 гектар ерга сарфланган жами харажатлар 17849 минг сўм, жами олинган даромад эса 24841 минг сўмни ташкил этди. Бир тонна картошка 1012 минг сўм баҳога сотилган, шунда картошканинг таннархи (1 тонна маҳсулот ҳисобига) 727 минг сўмни ташкил этган. Ушбу маҳсулотни сотишдан тушган даромаддан харажатларнинг улуши 72 фоизни ташкил этган (4.5-жадвал).

Вилоятда 28304,0 минг гектар сабзавот экин майдонидан 807798 минг тонна ҳосил олинган (ўртача ҳосилдорлик вилоят бўйича 285,4 ц/га ни

4.4-жадвал.

Туманлар НОМИ	Жами экин майдони, минг га	Ҳосил- дорлик, ц/га	Ялли хосил, минг тонна	Жами харажат, млн.сўм	Жами даромад, млн.сўм	foyда, (+,-)	Рентабеллик даражаси, %	1 гектар ерга, минг сўм		1 тонна маҳсулот, минг сўм	
								жами харажат	жами даромад	ўртача сотиш бахоси	маҳсулот таннархи
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>10</i>	<i>11</i>	<i>12</i>
Оққўрғон	9,0	60,2	53,6	19547	26795	6724	40,5	2177	2984	500	365
Охангарон	13,0	42,1	34,1	13401	18254	3961	22,1	1030	1403	535	328
Бекобод	14,6	37,0	62,3	25682	32704	2079	8,1	1763	2245	525	377
Бўстонлик	3,9	33,5	24,0	8973	12007	1861	20,7	2319	3102	500	337
Бўка	15,1	56,7	61,6	25199	32627	8498	32,1	1673	2166	530	310
Зангиота	2,8	65,1	21,9	8083	10966	1525	31,8	2846	3861	501	315
Қибрай	3,1	62,7	19,7	7797	10532	2527	41,3	2523	3408	535	316
Қуйичирчиқ	13,6	57,6	79,1	29110	39562	9479	38,5	2136	2903	500	313
Паркент	3,2	29,4	9,6	4212	5156	1252	29,7	1300	1591	537	329
Пискент	9,2	59,0	61,2	22724	30593	4749	28,3	2481	3340	500	310
Ўртачирчиқ	14,0	57,0	64,5	26543	33865	8360	34,3	1900	2424	525	306
Чиноз	7,9	57,8	40,8	16330	21830	5762	35,3	2075	2774	535	316
Юқоричирчиқ	13,2	58,1	76,6	28030	38681	8380	36,4	2132	2942	505	366
Янгийўл	9,3	57,6	33,8	15239	17724	3489	20,9	1631	1897	524	310
Вилоят буйича	131,8	48,8	642,8	250870	331294	80424	32,1	1904	2514	515	390

Тошкент вилоятида ғаллани етиштириш самарадорлиги (2014 йил ҳолати)

*Манба: жадвал Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

4.5-жадвал.

Тошкент вилоятида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлиги (2014 йил ҳолати)

Т/р	Экинлар номи	Жами экин майдо- ни, минг га	Ҳосил- дорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, минг тонна	Жами харажат, млн.сўм	Жами даромад, млн.сўм	Фойда, (+,-)	Рента- беллик даража- си, %	1 тонна маҳсулот, минг сўм		1 гектар ерга, минг сўм	
									маҳсулот таннархи	ўртача сотиш баҳоси	жами харажат	жами даромад
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1.	Картошка	5671	245,5	139215	101223	140874	39651	39,2	727	1012	17849	24841
2.	Сабзавот	28304,0	285,4	807798	225773	325852	100079	44,3	279	403	7977	11513
3.	Полиз	3708,5	292,6	108497	39789	53333	13544	34,0	367	492	10729	14381
4.	Мева	11068,0	94,4	104441	76187	112227	36040	47,3	729	1075	6884	10140
5.	Узум	9487,5	98,6	93569	60073	77853	17780	29,6	642	832	6332	8206

*Манба: жадувал Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

ташкил этган. Мазкур экинни етиштириш учун жами 225773 млн.сўм сарфланган ва 325852 млн.сўм даромад, яъни 100079 млн.сўм фойда олинган. Рентабеллик даражаси эса 44,3 фоизни ташкил этган. Бир гектар ер майдонига ўртача 7977 минг сўм сарфланган ва 11513 минг сўм даромад олинган. Бир тонна маҳсулот ҳисобига сотиш баҳоси 403 минг сўм, ўртача маҳсулот таннархи 279 минг сўмга тенг бўлган. Ушбу маҳсулотни етиштиришда даромад таркибида харажатларнинг улуши 69,2 фоизни ташкил этади.

Полиз, мева ва узум маҳсулотларини етиштириш учун уларга мос равишда 39789 млн.сўм; 76187 млн.сўм; 60073 млн.сўм харажатлар сарфланган бўлиб, тегишинча 53333 млн.сўм; 112227 млн.сўм; 77853 млн.сўм даромад олинган. Шунда даромад ҳажмидан харажатларнинг улуши уларга мос равишда 74,5 %, 67,8 % ва 77,2 %ни ташкил этган.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган харажатлар бевосита ишлаб чиқаришга кетган харажатлардир. Яъни ушбу харажатларга ишчиларга иш ҳақи ажратмалари, уруғларни, минерал ўғит (калий, фосфор, азот)ларни сотиб олишга кетган харажатлар, зараркундаларга қарши курашиш ва механизация хизматларга кетган харажатлар, ёқилғи-мойлаш материалларни сотиб олиш, сув истеъмолчилари уюшмаларига хизмат учун ҳақ тўлаш, электр энергия харажатлари, ягона ер солиғи ҳамда бошқа индивидуал тарзда сарфланаётган (бухгалтерия ҳисобини юритиш, консалтинг маслаҳатлари, техникани таъмирлаш, ахборот олиш ва шунга ўхшаш) харажатлар киради.

Фермер хўжаликлари нафақат деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, балки чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади. Хусусан 2014 йилда Тошкент вилоятида 22173,6 тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлиб, унга 366687 млн.сўм харажат қилинди. Гўшт маҳсулотларини сотишдан тушган даромад 419732 млн.сўм, олинган фойда эса 53045 млн.сўмни ташкил этган. Натижада гўшт ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси 14,5 фоизга тенг бўлган. 1 тонна гўшт маҳсулотининг ўртача сотиш баҳоси 18929 минг сўм, таннархи эса 16537 минг сўмга айланди. Харажатларнинг даромад таркибидаги улуши 87,4 %ни ташкил этди (4.6-жадвал).

Вилоятда сут ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йил якунига кўра 54055 тоннага тенг бўлиб, сарфланган харажатлар ва олинган даромадлар нисбати 82,9 %га тенг бўлган. Яъни сутни ишлаб чиқаришга 56086 млн.сўм харажат қилиниб, 67588 млн.сўм даромад (шундан 11502 млн.сўм фойда) олинган. Бир тонна сут маҳсулотининг ўртача сотиш нархи 1250 минг сўм, таннархи эса 1038 минг сўмни ташкил этган.

Тухум ва жунни ишлаб чиқариш таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент вилояти бўйича 2014 йилда жами 789258 минг дона тухум олинган

Тошкент вилоятида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлиги (2014 йил ҳолати)

Т/р	Чорвачилик маҳсулотлари тури	Ишлаб чиқариш, тонна	Жами харажат, млн. сўм	Жами даромад, млн. сўм	Жами фойда, млн. сўм	Рентабел- лик даражаси, %	1 тонна маҳсулот, минг сўм	
							маҳсулот таннархи	ўртача сотиш баҳоси
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>9</i>	<i>10</i>
1.	Гўшт	22173,6	366687	419732	53045	14,5	16537	18929
2.	Сут	54055	56086	67588	11502	20,5	1038	1250
3.	Тухум ¹⁾	789258	183837	218069	34232	18,6	233	276
4.	Жун	1691,6	1045,7	1154	108	10,4	618	682

1)Тухумнинг ишлаб чиқариш ҳажми минг донада берилган.

*Манба: жадвал Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

ва 1691,6 минг тонна жун ишлаб чиқарилган. Тухумни сотишдан 218069 млн.сўм, жунни сотишдан эса 1154,0 млн.сўм даромад олинди.

Тухум олиш ва жунни ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар уларга мос равишда 183837 млн.сўм (яъни даромад таркибидан 84,3 %) ва 1045,7 млн.сўм (90,6%)ни ташкил этган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, чорвачилик маҳсулотларига деҳқончилик маҳсулотларига қараганда кўпроқ харажат сарф қилинган. Таққослайдиган бўлсак, деҳқончилик маҳсулотларига кетган харажатларнинг даромад таркибидаги улуши ўртача 72,1 %ни ташкил этган, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун харажалар ўртача даромад ҳажмидан 86,3 %ни ташкил этган. Бу шу билан изоҳланадики, чорвачилик маҳсулотлари (сут, гўшт, тухум) тез бузулувчан маҳсулотлар ҳисобланади. Шу боис чорвачилик маҳсулотлари сақлаш, ташиш (транспортировка қилиш), қайта ишлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни талаб қилади.

Сўралган аксарият фермер хўжалиги бошлиқлари қўшимча харажатлар, айниқса инфратузилма объектлари билан бўлган иқтисодий муносабатларда вужудга келаётганлигини таъкидлаган. Хусусан биз Тошкент вилояти Паркент туманидаги 11 та фермер хўжалиги бошлиқларини улар инфратузилма муассасалари билан муносабатда бўлиш чоғида ортиқча харажатларни аниқлаш мақсадида уларни сўровномадан ўтказдик (3-иловада тумanning асосий кўрсаткичлар келтирилган).

Сўровнома натижаларига кўра, туман фермер хўжалиқларининг ортиқча харажатлари муқобил машина-трактор парки (МТП) бўйича 689,0 минг сўм, сув истеъмолчилар уюшмаси (СИУ) бўйича – 418,0 минг сўм, ёнилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) шохобчаси бўйича – 583,0 минг сўм, минерал ўғитлар сотиш шохобчаси бўйича – 356,0 минг сўм, маҳсулотларни сотиш шохобчаси бўйича – 266,0 минг сўм, агрофирма бўйича – 497,0 минг сўм, транспорт хизмати шохобчаси бўйича – 389,0 минг сўм, тара ва идишни қадоклаш шохобчаси бўйича – 219,0 минг сўмни ташкил этган. Жами 11 та фермер хўжалиқлари 3712,0 минг сўм трансакция харажатларни сарф қилди (4.7-жадвал).

Қайд этиш жоизки, фермерлар қишлоқ инфратузилмалар билан муносабатда бўлганда, бориб келиш учун йўлга пул сарфлайди. Ушбу харажатлар фермер хўжалиги фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан ушбу турдаги харажатларининг умумий харажатлардаги улуши 2,5 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари фермер хўжалиқлари йирик агрофирма билан шартнома асосида қайта ишлаш учун сабзавот маҳсулотларни етказиб беради. Лекин ушбу маҳсулотларни ташиш жараёнида маълум бир қисми (5-7 %) нобуд бўлади.

4.7-жадвал.

Тошкент вилояти Паркент туманида сўралган фермер хўжаликлари томонидан қўшимча сарфланган харажатлар (минг сўм)

Инфратузилма объектлари номи Фермер хўжалиги номи	Сарфланган қўшимча харажатлар (минг сўм)	Шу жумладан инфратузилмалар кесимида:								
		Муқобил МТП	Сув истеъмолчилар уюшмаси	ЁММ шохобчаси	Минерал ўғитлар сотиш шохобчаси	Зооветеринария хизмати шохобчаси	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш шохобчаси	Агрофирма	Транспорт хизмати шохобчаси	Тара ва идишни қадоқлаш шохобчаси
1. Яхёев Убайдулла	128,0	12,0	24,0	18,0	12,0	8,0	-	26,0	16,0	12,0
2. Давидов Шахобаддин	274,0	48,0	35,0	20,0	25,0	14,0	30,0	36,0	36,0	30,0
3. Самариддинов Абдугани	293,0	38,0	51,0	24,0	26,0	14,0	32,0	48,0	36,0	24,0
4. Байказон Аброр Файз	258,0	58,0	44,0	30,0	13,0	11,0	14,0	64,0	24,0	-
5. Сардорбек Саркор	358,0	36,0	44,0	60,0	24,0	22,0	46,0	62,0	40,0	24,0
6. Бойказон тарнови	500,0	50,0	54,0	90,0	16,0	102,0	48,0	52,0	64,0	24,0
7. Мирмахамудов Миркамил	350,0	51,0	38,0	41,0	28,0	24,0	38,0	66,0	38,0	26,0
8. Орзимат Сабриддин	326,0	40,0	36,0	37,0	24,0	20,0	42,0	51,0	51,0	25,0
9. Бойқозон барака	278,0	40,0	48,0	40,0	24,0	20,0	24,0	41,0	41,0	-
10. Бойқозон Сарвар Саркор	247,0	36,0	20,0	13,0	20,0	31,0	21,0	51,0	25,0	30,0
11. Бойказон Минас файз	700,0	280,0	24,0	210,0	144,0	-	-	-	18,0	24,0
Жами	3712,0	689,0	418,0	583,0	356,0	266,0	295,0	497,0	389,0	219,0

Манба: жадвал сўровнома натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Агар бу кўрсаткични пул билан ифодаласак, бой берилган фойда 42-58 минг сўмни ташкил этади. Қолаверса, ушбу маҳсулотлар тез бузулувчан бўлганлиги боис вақт ўтиши билан уларнинг сифати ҳам бузилади. Худди шу ҳолат чорва молларни ташиш пайтида ҳам уларнинг вазни бир неча фоизга йўқолади ҳамда жисмоний ҳолат ёмонлашади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фермер хўжаликлари ўз фаолияти давомида бир қанча йўқотишларга дуч келади. Бу йўқотишлар бир кўришда унча сезиларли бўлмаса ҳам, уларни ҳаммасини ҳисобга оладиган бўлсак, салмоқли кўрсаткични ташкил этади. Масалан, сўровнома олиб борилган фермер хўжаликлари томонидан ўртача сарфланган кўшимча харажатлар миқдори 216,3 млн. сўмни ташкил этади. Туманда жами 652 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Агар барча турдаги трансакция харажатларнинг фермер хўжалиги томонидан сарф қилинган умумий харажатлардаги улушини 10 фоизга тенг деб олсак, битта фермер хўжалиги ҳисобига 21,6 млн. сўм, туман миқёсида эса 14083,2 млн. сўм кўшимча, яъни трансакция харажатлар келиб чиқади.

Табиийки, бу фермер хўжаликлари фаолиятининг молиявий ҳолатига жиддий салбий таъсир этади, хусусан, фермер хўжалиklarининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматларига ўз вақтида ёки тўлиқ ҳолда тўловларни амалга оширишга монелик қилади, натижада кредиторлик қарзлари ошиб кетади.

Ушбу ҳолатни бартарф этиш ва фермер хўжалиklarининг иқтисодий барқарорлигини янада ошириш ҳамда трансакция харажатларни камайтириш мақсадида қуйидаги йўналишдаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- фермер хўжалиklarида трансакция харажатларини ҳисобга олиб, ҳисоб ва ҳисобот ишларини такомиллаштириш;
- фермер хўжалиklarи билан таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов корхоналари ўртасидаги трансакция (шартнома) муносабатларни такомиллаштириш;
- жамғармалар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит ва якуний маблағлардан самарали фойдаланиш;
- давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarини кредитлаш тизимини ва солиққа тортиш механизминини янада такомиллаштириш;
- фермер хўжалиklarига техника воситалари ва бошқа зарурий ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш учун кредит бериш механизминини трансакция харажатларини камайтиришни ҳисобга олиб янада такомиллаштириш;
- фермер хўжалиklarининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботлар юритиш ва бошқа иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда технологик билимларини ошириб бориш;
- фермер хўжалиklarи билан тайёрлов, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги трансакция (шартнома)ларини

бажарилишига томонларнинг жавобгарлигини янада кучайтириш бўйича қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

5-бoб. МУЛК ХУҚУҚЛАРИ АЛМАШИШИ ЖАРАЁНИДА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

5.1. Мулк ҳуқуқи алмашишида трансакция харажатлари

Мулк иқтисодий категория сифатида тадқиқотчиларнинг методологик ёндашувларига қараб турли тарзда талқин этилади. Аксарият кўпчилик олимларнинг эътирофи этишларича, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги, амалда улар ўзаро ҳамкорлигининг турли шакллари белгилаб берувчи мулк ҳуқуқларини амалга ошириш борасидаги муносабатлар ҳар қандай иқтисодий тизимнинг пойдевори ҳисобланади. Ўз навбатида, таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда мулк тизимлари амал қилишининг асосларига тааллуқли ўзгаришлар, айниқса, туб ислохотлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва аниқ меъзонларга таянувчи концепцияларга асосланган, иқтисодиётда хусусий мулк устун бўлган, кўп укладли ишлаб чиқариш самарали фаолият юритмоқда.

У ёки бу жамиятда мулк тизими эволюцион йўл билан узоқ давр мобайнида шаклланади, чунки мавжуд расмий ва норасмий институтларнинг самарадорлиги унинг фаолият кўрсатиши учун ҳал қилувчи меъзон бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун давлат томонидан мулк муносабатларини тартибга солиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ушбу соҳада мавжуд муаммоларни бир лаҳзада ҳал этишга қодир эмаслар. Ўз навбатида, ҳукуматнинг узоқни кўриб, чуқур ўйланмаган қарорлари узоқ муддатли истиқболда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мулк ҳуқуқларининг йиғиндиси, аслида, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий неъматлар борасидаги муносабат сифатида бутун мулк тизими фаолият кўрсатиши самарадорлигининг даражасини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, хусусий мулк ҳуқуқи иқтисодиёт субъектлари томонидан чекланган ресурслардан энг самарали фойдаланишга ундаган ҳолда бозор механизми вужудга келиши ва ривожланишининг муҳим тарихий омилларида бири ҳисобланади.

Бугунги кунда, албатта, мулкнинг ҳуқуқий расмийлаштирилиши билан тўлдириладиган хўжалик амалиёти, давлат томонидан мулк муносабатларини тартибга солиш, унинг алоҳида шакллари эркинлаштириш, тегишли ҳаракатларга руҳсат этиш ва мулк объектлари билан трансакцияларни амалга ошириш қоидаларини белгилаш борасидаги тавсияларни эътиборга олиши лозим.

Замонавий иқтисодий назарияда янги институционал назария деб номланувчи иқтисодий таҳлил йўналиши юзага келди. Мазкур йўналишнинг энг муҳим томонларидан бири мулк ҳуқуқлари назарияси ҳисобланади. Мулк ҳуқуқлари назариясига иккита машҳур америкалик иқтисодчи - Р. Коуз [55 ва А. Алчиан [31] асос солган. Кейинчалик ушбу назарияни ишлаб чиқиш ва уни

қўллашда Барцель [84], Г.Демсец [88], Д.Норт [87], Р.Познер [90] каби янги институционал мактабнинг машҳур иқтисодчилари фаол иштирок этишган.

Мазкур йўналиш муаллифларининг мулкни талқин этишга ва ундан иқтисодий таҳлилнинг методологик ва умумназарий асоси сифатида фойдаланишга нисбатан ёндашувининг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат: биринчидан, ўз тадқиқотларида улар кўпчилик учун ноодатий бўлган “мулк” тушунчасини таҳлил қилиб, бунда “мулк ҳуқуқлари” атамасини қўллашган. Ресурснинг ўзи эмас, балки ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқлари тутами ёки улуши мулк ҳисобланади.

“Оноре рўйхати” деб номланувчи ҳуқуқларнинг тўлиқ тутами (рўйхати) (1961 йилда уни биринчи бўлиб таклиф этган инглиз олими – ҳуқуқшунос А.Оноре номи билан аталади) қуйидаги унсурлардан таркиб топган [65]:

(1) эгалик қилиш ҳуқуқи, яъни неъматларни мутлақ жисмоний назорат қилиш ҳуқуқи;

(2) фойдаланиш ҳуқуқи, яъни неъматнинг ўзи учун фойдали бўлган хусусиятларни қўллаш ҳуқуқи;

(3) бошқариш ҳуқуқи, яъни неъматлардан ким ва қандай фойдаланишини таъминлашни ҳал этиш ҳуқуқи;

(4) даромад олиш ҳуқуқи, яъни неъматлардан фойдаланишдан олинган натижаларга эгалик қилиш ҳуқуқи;

(5) суверен ҳуқуқ, яъни неъматдан ўзгалар фойдасига воз кечиш, уни истеъмол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқи;

(6) хавфсизлик ҳуқуқи, яъни неъматларни экспроприациядан ва ташқи муҳит етказадиган зарардан ҳимоялаш ҳуқуқи;

(7) неъматларни мерос қолдириш ҳуқуқи;

(8) неъматларга муддатсиз эгалик қилиш ҳуқуқи;

(9) зарарли фойдаланишни таъқиқлаш, яъни ашёдан бошқа хўжалик агентларининг мулкига зиён етказувчи усул билан фойдаланишни таъқиқлаш;

(10) ундириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи, яъни неъматни қарзни тўлаши учун олиб қўйиш имконияти;

(11) қолдиқ хусусият ҳуқуқи, яъни бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини таъминловчи тартиб-қоидалар ва институтларнинг мавжуд бўлиши ҳуқуқи.

Мулк ҳуқуқлари неъматларнинг мавжуд бўлиши муносабати билан инсонлар ўртасида юзага келадиган, жамият томонидан (давлат қонунлари, маъмурий фармойишлар, анъаналар, урф-одатлар ва ҳ.к. билан) рухсат этилган хатти-ҳаракат муносабатларидир. Ушбу муносабатлар ҳар қандай шахс бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатларида амал қилиши ёки уларга амал қилмаганлик туфайли харажатларни амалга ошириши лозим бўлган неъматлар борасидаги хатти-ҳаракат нормаларини ўзида намоён этади. Бошқача айтганда, мулк ҳуқуқлари жамиятда қабул қилинган муайян муносабат қоидалари ҳисобланади.

Институционал ёндашув нуқтаи назаридан, мулк ҳуқуқлари – бу муайян ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ва бунда юзага келадиган

ҳаражатлар ва фойдани тақсимлаш ҳуқуқи. Айнан мулк ҳуқуқлари ёки инсонлар фикрига кўра, тегишли муносабат қоидалари ҳисобланган нарсалар жамиятда талаб ва таклиф жараёнлари айнан қай тарзда амалга оширилишини белгилаб беради.

Мулк ҳуқуқлари назариясининг иккинчи ўзига хос белгиси шундан иборатки, мулк тушунчаси унда ресурсларнинг нисбатан камёблиги ёки чекланганлиги муаммосидан ажратиб чиқарилади [59]: «... қандайдир камёблик шартларисиз мулк ҳақида сўз юритишдан маъно йўқ».

Мулк ҳуқуқлари назарияси муаллифларининг фикрига кўра, бошқаларни ресурслардан эркин фойдаланишдан маҳрум этиш, ушбу ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқини таснифлашни англатади. Бошқача айтганда мулк ҳуқуқларини таснифлаш – бу алоҳида ваколатларни бир ёки бир неча иқтисодий субъектга бириктиришдир. Масалан, юқорида санаб ўтилган «Оноре рўйхати»даги 11 та ваколат бир жисмоний ёки юридик шахсга бириктирилиши шарт эмас. Давлат турли қонунчилик ҳужжатларида ва, биринчи галда, мамлакатимизда Конституция [1] да ёзилган расмий қоидалар– қонунлар кўринишига эга бўладиган мулк ҳуқуқларини таснифлашда ўта муҳим роль ўйнайди.

Мулк ҳуқуқларини таснифлашнинг мазмуни ва мақсади шундан иборатки, мулк ҳуқуқларининг уларга юқори баҳо берувчи, улардан самарали фойдаланишга қодир бўлган шахслар томонидан қўлга киритилиши учун шароитлар яратишдан иборат. “Агар муайян ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқлари сотиб олинishi ва сотилиши мумкин бўлса,– деб ёзади Р.Коуз [55], – уларни, охир-оқибат, ушбу ҳуқуқлар берадиган имкониятларни юксак кадрловчи шахс қўлга киритади. Мазкур жараёнда ҳуқуқлар қўлга киритилиши, бўлиниши ва улар рухсат этадиган фаолият энг юқори бозор нархига эга бўладиган даромад келтирадиган тарзда кетма – кетлигида бўлиши мумкин”. Шундай қилиб, мулк ҳуқуқларини таснифлаш, яъни аниқ белгилашнинг асосий мақсади, хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатини улар энг самарали қарорлар қабул қиладиган тарзда ўзгартиришдан иборат. Чунки, улар томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг барча ижобий ва салбий натижалари, пировардида, фақат мулкдорнинг бўйнига тушади. Шунинг учун мулкдор қарорлар қабул қилишда уларнинг имкон қадар тўлиқ ҳисобга олинishiдан манфаатдордир.

Буни қуйидаги мисол билан изоҳлаш мумкин. Кўпинча кичик ёки нисбатан катта бўлмаган шаҳар чегарасидан ташқарида “эгасиз” ерларга дуч келамиз. Одатда, бу аҳлатлар ташланадиган ерлар, шаҳар четдаги майда томорқалар, ўша “эгасиз” ерларда “ўзи эгаллаб олиш” тартибида солинган иморатлар ва ҳ.к. Бу борада низоли вазият қуйидагилар туфайли юзага келади: бунда ҳар бир иштирокчи мен аҳлат ташлашга ёки қандайдир сабзавотни етиштиришга ҳақлиман деб ҳисоблайди, айти пайтда бошқалар биз тоза ҳаводан нафас олишга ва шаҳар замонавийлашган кўринишга эга бўлишига ҳақлимиз деб ҳисоблашади. Аслида ушбу ҳолатларда бутун муаммо шундан

иборатки, “эгасиз” ерлар масаласида мулк ҳуқуқлари таснифланмаган, ҳуқуқлар низо иштирокчиларининг ҳеч бирига бириктирилмаган.

Мулк ҳуқуқлари қанчалик аниқ бўлса, хўжалик юритувчи субъектда унинг қарори бошқа шахсга келтирадиган фойда ёки зарарни ҳисобга олишга интилиш шунчалик кучли бўлади. Айнан шунинг учун у ёки бу давлат мулки объектларига бўлган мулк ҳуқуқларини алмашиш жараёнида улар ушбу давлат активларини юксак кадрловчи ва улардан бошқаларга қараганда самаралироқ фойдаланувчи хусусий шахс (самарали мулкдорлар) ёки тадбиркорга топширилади. Бу билан давлат мулки объектларининг самарали тақсимланиши таъминланади, чунки хусусийлаштириш жараёнида улар камроқ самара билан фойдаланишдан кўра, катта самара билан фойдаланишга, улардан кўпроқ самара олишга интилувчи шахсларга ўтади.

Иқтисодиёт фанида ушбу муаммо Р. Коуз теоремаси негизида кўриб чиқилади [77].

Инсонларнинг хўжалик фаолиятида мулкка нисбатан иккита асосий ҳуқуқий ҳолати маълум: хусусий мулк ва давлат мулки, шунингдек аралаш (шу икка мулк асосида) ҳуқуқий ҳолатлар.

Хусусий мулк ҳуқуқи шуни англатадики, алоҳида жисмоний ёки юридик шахс мулк ҳуқуқларининг бутун тутамига (Оноре рўйхати бўйича) ёки юқорида санаб ўтилган 11 та ваколатнинг фақат айримларига эга. Масалан, алоҳида жисмоний шахс юқорида санаб ўтилган ҳуқуқларнинг фақат айримларига эга бўлиши мумкин, қолганларига эса эга бўлмаслиги мумкин. Айрим ҳуқуқлар фақат муайян кетма – кетликда мавжуд бўлиши ва алоҳида олиб қаралганда, ҳеч қандай кадр-қиматга эга бўлмаслиги мумкин (масалан, еттинчи ҳуқуқ биринчи ҳуқуқсиз). Ушбу ҳуқуқларга турли жисмоний ёки юридик шахслар эга бўлишини ҳисобга олган ҳолда уларни турли кетма – кетликда белгилаб қўйиш мумкин. Шу нуқтаи назардан амалда мулк шакллариининг хилма-хиллиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Давлат мулки ҳуқуқи шуни англатадики, ҳуқуқларнинг бутун тутами ёки унинг турли кетма – кетликларига фақат давлат эга бўлади. Бунда чекланган ресурсларнинг катта қисмига бўлган барча 11 та ҳуқуқ давлат томонидан қанчалик юқори даражада амалга оширилса, хўжалик юритишнинг бундай тизими кўп поғоналик номига шунчалик юқори даражада лойиқ бўлади.

Ғарб мамлакатларининг ҳозирги хўжалик тизими мулк нуқтаи назаридан «аралаш иқтисодиёт» деб номланади. Биринчидан, уларда нарх ўзгариши ҳақидаги хабар механизми ёки ўз-ўзидан юзага келадиган тартиб, ахборот узатишни белгилаб берувчи усул ҳисобланади. Иккинчидан, камёб (чекланган) ресурсларнинг катта қисми (уларнинг энг асосийси) капитал хусусий мулкка тегишлидир. Шунинг учун «аралаш иқтисодиёт» атамаси фақатгина биз ўз-ўзидан юзага келадиган тартибни ҳам, поғонани ҳам; мутлақ хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳолатини ҳам, мутлақ давлат мулкчилигини ҳам соф кўринишда кузатмайдиган вазиятни акс эттиради. Давлат секторининг чегараларини кенгайтиришга интилиш, сўзсиз хўжалик алоқаларининг ушбу

тизимидаги мулк ҳуқуқини кўп поғоналик таркибий қисмларни кучайтиришига олиб келади. Бу давлатнинг иқтисодийдаги ролини оширади, натижада трансакция харажатларини ошиши юз беради.

Иқтисодий адабиётларда мулк ҳуқуқи алмашишида трансакция харажатларини тоифаларга ажратиш кам ўрганилган. Шуларни инобатга олганда қуйида кўчмас мулк ҳуқуқи алмашинуви билан боғлиқ трансакция харажатлари таснифини кўриб чиқиш мумкин. Ушбу харажатлар таснифлари кўчмас мулкни баҳолаш билан шуғулланувчи компания фаолияти билан боғлиқдир.

1. Ахборотни излаш харажатлари. Кўчмас мулк ҳуқуқи аламашинувида ҳар қандай ёки битим шартнома тузилиши учун ахборотни тўплаш зарурлигини назарда тутаяди. Амалда ҳар қандай битим ахборотни таҳлил қилиш: кўчмас мулк бозорини бозорини тадқиқ этиш, харидорни ёки сотувчини қидириб топиш, нархлар ва бозорни таҳлил қилиш билан кузатилади. Кўчмас мулкни баҳолаш баҳолаш хизматлари билан шуғулланувчи компаниялар учун ушбу харажатлар ўз хизматларини реклама қилиш харажатлари, буюртмаларни қидириб топишда воситачилар хизматларининг ҳақини тўлаш билан боғлиқ. Бироқ, баҳолашнинг ўзини бажаришда ахборотни излаш харажатлари, бозорларни таҳлил қилиш ва ҳ.к. ахборотни излаш харажатлари ҳисобланмайди, чунки мазкур ҳолатда ушбу харажатлар кўчмас мулкни баҳолаш компанияси учун ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киради.

2. Музокаралар олиб бориш харажатлари. Кўчмас мулк ҳуқуқи алмашинуви шартномасини тузишдан олдин музокаралар олиб борилади. Мазкур харажатлар жумласига вакиллик харажатлари, эҳтимол тутилган миқдорларга ташриф буюришдаги хизмат сафарлари харажатлари ва ҳоказолар киритилиши мумкин. Шунингдек, ушбу харажатлар таркибига шартномани расмийлаштириш – шартномаларни тайёрлаш чоғида юристлар маслаҳатлари харажатлари ҳам киради. Одатда, мазкур харажатлар шартномаларнинг намунавий шаклларида фойдаланиш орқали камайтиради.

3. Ўлчаш харажатлари. Ушбу харажатлар жумласига кўрсатилаётган хизматлар ёки сотилаётган кўчмас мулклар сифатини назорат қилиш харажатлари киради. Одатда, шартномаларни тузиш чоғида матнда шартнома предмети бўлган кўчмас мулк ёки баҳолаш хизматлари қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги кўрсатилади.

Мураккаб техникани ёки, масалан, мураккаб ва хавфли иншоотларни баҳолаш чоғида ушбу харажатлар махсус ўлчаш техникаси, сифат ва хавфсизликни назорат қилувчи юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги билан боғлиқ умумий ишлаб чиқариш харажатларининг катта қисмини ташкил қилишини ҳисобга олиш зарур. Мазкур харажатларни камайтириш, биринчи навбатда, стандартлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, лицензиялаш, сифатни сертификатлаш тизимлари ва ҳ.к. орқали амалга оширилади.

Кўчмас мулк объектларини баҳолаш фаолиятида ушбу харажатлар жумласига, биринчи галда, лицензиялаш харажатлари, шу жумладан баҳоловчиларни касбга қайта тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш харажатлари, турли буюртмачиларнинг талабига кўра аккредитациялаш харажатлари, хизматларни сертификатлаш ихтиёрий тизимларида фирмаларни сертификатлаш харажатлари, фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, ҳисоботларга тақриз ёзиш (ихтиёрий равишда ёки буюртмачининг талабига кўра) харажатлари, сертификатланган дастурий маҳсулотларни сотиб олиш харажатлар киритилиши мумкин. Шунингдек, турли норматив ва бошқа материаллар – услубий тавсиялар, маълумотномалар ва ҳоказоларни харид қилиш харажатларини ҳам мазкур харажатлар жумласига киритиш мумкин.

Ушбу харажатларнинг асосий функцияси сифатсиз хизматлар кўрсатилган ҳолларда кўрилиши мумкин бўлган йўқотишларни камайтиришдан иборат. Баҳолаш фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар учун улар барча бизнесни юритиш харажатларининг 30-40 фоизинигина ташкил қилиши мумкин.

4. Мулк ҳуқуқларини таснифлаш ва ҳимоя қилиш харажатлари. Харажатларнинг ушбу тоифаси, биринчи навбатда, кўчмас мулк ҳуқуқларини расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш учун зарур бўлган харажатлар билан шартланган. Бунга юристларни сақлаб туриш харажатлари, суд харажатлари, мулк ҳуқуқларининг рўйхатга олинишини ва ҳимоя қилинишини таъминловчи давлат ҳокимияти органларини сақлаб туриш харажатлари киритилиши мумкин.

Баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи компаниялар учун мазкур харажатлар кўпинча мулк ҳуқуқларини ёки эгаллаб турилган офис биноси учун ижара ҳуқуқларини рўйхатга олиш харажатларида, интеллектуал мулк объектлари ва товар белгисини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш харажатларида, ушбу ҳуқуқлар бузилган ҳолларда суд чиқимларида ўз ифодасини топади. Таъкидлаш лозимки, харажатларнинг мазкур тури трансакция хизматлари бозорини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири билан боғлиқ бўлиб, ушбу бозорнинг ҳажми кўп жиҳатдан баҳоловчиларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди.

5. Ғайриқонуний хатти-ҳаракат харажатлари. Кўчмас мулк шартномасида мазкур харажатларни таҳлил қилиш ва аниқлаш анча мураккаб вазифа ҳисобланади. Улар жумласига, биринчи галда, битим иштирокчиларининг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришдан озми ёки кўпми яширинча тарзда бўйин товлаши билан (лекин тўғридан-тўғри бош тортиши билан эмас) боғлиқ харажатлар киритилади. Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажармаган ҳолатдаги бўйин товлаши бундай хатти-ҳаракатга мисол бўлади. Ушбу ҳолатда бундай хатти-ҳаракатни аниқлаш кўпинча компания маъмурияти томонидан назоратнинг қимматбаҳо ва самарали тизимларининг яратилишини талаб қилади. Ҳар қандай раҳбар учун ходимлар ишининг самарадорлигини таҳлил қилиш асосий вазифалардан

бири ҳисобланади. Иккинчи томондан, ходимлар фаолиятини назорат қилиш тизимларини ташкил этиш харажатлари кам самарали бўлиши мумкин. Бошқарув аппарати ишининг вазифаларидан бири ушбу турдаги харажатларни камайтиришдан иборат.

Шунингдек, ғайриқонуний хатти-ҳаракат харажатлари жумласига товламачилик билан боғлиқ харажатлар ҳам киради. Товламачилик деганда унда бизнесни технологик ва бошқа сабабларга кўра фақат муайян омиллар мавжуд бўлган ҳолларда юритиш мумкин бўлган вазият тушунилади. Агар ушбу омиллардан бири тўсатдан умумий жараёндан чиқарилса, у ҳолда бунинг натижасида қолган иштирокчилар учун катта талофатлар юзага келиши мумкин.

Баҳолаш бизнеси нуқтаи назаридан тегишли маълумотга ва баҳолаш фаолиятини амалга ошириш лицензияси эга бўлган ягона баҳоловчи компаниядан кетишни таҳдид қилган ҳолда ўзи учун ҳақ тўлашдаги алоҳида устунликларни талаб қиладиган, бундай ҳолатда эса амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ компания баҳолаш хизматларини кўрсата олмайдиган вазият юзага келиши мумкин. Шунинг учун, одатда, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар фирмалар мулкдорларига расмийлаштирилади ёки лицензияга штатда турган бир неча ходимлар киритилади, бу, пировардида, ғайриқонуний хатти-ҳаракат харажатларини камайтириш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, кўчмас мулк билан операцияларни амалга оширишда уларни расмийлаштириш учун нафақат харидорлар, балки сотувчилар ҳам харажат қилишга мажбур.

Бундай ҳолат кўчмас мулк объектларининг айланмаси учун жиддий тўсиқ ҳисобланиб, уларга киритилган қўйилмалар самарадорлигини пасайтиради. Кўчмас мулкнинг эркин муомалада бўлишига ҳалақит берувчи тўсиқларни бартараф этиш зарур, бу ундан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Объектларга бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларини амалга оширишда трансакция харажатларининг моҳиятини кўриб чиқиш ислохотларнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамиятга эга.

Объектларга бўлган мулк, мулк шаклига мувофиқ муайян объектнинг фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқида, ундан фойдаланишдан олинadиган даромаднинг маълум қисми ўзлаштирилишида ўз ифодасини топади. Объектларга бўлган мулк бевосита мулкдорнинг ўзи томонидан фойдаланилиши ёки иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган юридик ва жисмоний субъектларга фойдаланиш, тасарруф этиш ёхуд эгалик қилиш ҳуқуқида топширилиши мумкин.

Мулкнинг хусусий ва давлат шакли фақат объектдан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъектга топшириш асосида амалга оширилиши мумкин. Мулкнинг хусусий ёки акциядорлик шакли мулкдорнинг ўзи томонидан фойдаланилиши ёки унинг бошқа субъектга фойдаланиш, тасарруф этиш ёхуд

эгаллик қилиш ҳуқуқида топширилиши амалга оширилади. Масалан, табиий бойлик объектларига нисбатан мулк муносабатлари табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни муҳофаза этиш, такрор ишлаб чиқариш ва тиклаш, объектларни ва табиий ресурслардан фойдаланишдан олинган даромадни тақсимлаш, табиий ресурсга бўлган мулкни алмашиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг бутун тизимини қамраб олади.

Хусусийлаштириш объектларига бўлган мулк ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида давлат ва жамият аъзолари умуман олганда муайян харажатларни кўради. Ушбу харажатларни иккита қисмга бўлиш лозим.

(А) Унга бўлган мулкнинг муайян шаклида объектни ўзининг қиймати билан боғлиқ харажатлар. Бу унга бўлган мулкнинг муайян шаклларида ва ҳуқуқларида объектдан фойдаланиш жараёнидаги харажатлар самарадорлиги.

– Алмашувда – бу сотилаётган объектнинг қиймати билан белгиланадиган харажатлар.

– Тақсимлашда – бу объектнинг ўзининг қиймати ва унга бўлган муайян мулкка мувофиқ тақсимланадиган, ўзлаштириладиган даромаднинг улуши.

– Истеъмол қилишда – бу унга бўлган мулкнинг муайян шакллари ва ҳуқуқлари асосида хусусийлаштирилган объект негизида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар.

(Б) Объектга бўлган мулк шакли ва ҳуқуқининг ўзгариш қиймати билан белгиланадиган харажатлар. Харажатларнинг ушбу турини объектларга бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларини амалга ошириш трансакция харажатлари жумласига киритиш зарур.

А.Московскийнинг [62] фикрига кўра, мулк муносабатларини амалга ошириш трансакцияси – бу давлат мулки объектига бўлган иқтисодий ва юридик ҳуқуқларни ўтказиш ва ундан фойдаланишдан келадиган даромадни олиш борасидаги муносабатлар ҳисобланади. Бунда трансакциялар бир даврга (вақтга), бир марталик хусусиятга эга бўлиши ёки кўп марталиб такрорланиши мумкин. У мулкдорни тўлиқ алмаштиришга ёхуд фақат объектдан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказишга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Давлат мулки объектларига бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларини амалга оширишдаги трансакция харажатлари – бу иқтисодий муносабатлар тизимида мулкдор ва фойдаланувчи учун объектни ва ундан фойдаланишдан келадиган даромадни ўзлаштириш имкониятини яратувчи харажатлар ҳисобланади. Давлат мулки объектларига бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларини амалга ошириш трансакция харажатлари – бу мулк шакллари ва ҳуқуқлари билан алмашиш ҳамда мулк шакллари ва ҳуқуқларининг бундан кейинги амал қилиши натижасида ҳозирги ва бўлажак мулкдорлар ва фойдаланувчиларнинг харажатларидир.

Объектларга бўлган мулкни амалга ошириш трансакция харажатлари мулк ҳуқуқи алмашувининг ўзи билан боғлиқ харажатлар ҳамда мулк шакллари ва ҳуқуқларининг амал қилиши жараёни билан боғлиқ харажатларга бўлинади.

Илмий адабиётларда трансакцияларни аниқлаш ва трансакция харажатларини ўлчашга нисбатан иккита асосий ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашув фақат бозор трансакцияларини ҳисобга олишга асосланган, иккинчиси, бозор ва ички корхона трансакцияларини ҳисобга олади. Трансакцияларни аниқлашга нисбатан иккинчи ёндашув тўлиқроқ ҳисобланиб, уни давлат мулки объектларига бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларини алмаштириш трансакциялари ва трансакция харажатларини аниқлашга нисбатан қўллаш зарур.

Мулк шакллари алмаштириш ва уларнинг амал қилиши трансакция харажатларида объектдан фойдаланиш ҳуқуқи (ижара шартларини бажариш) асосида фойдаланиш жараёнидаги харажатлар алоҳида ўрин тутди.

Давлат мулки объектларига бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқлари билан алмашиш жараёнида, одатда, трансакция харажатларини харидорлар ва сотувчилар амалга оширишади. Трансакция харажатларининг тақсимланишини аниқлаш учун объектларга бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларининг ўзгариш субъектларининг таснифини бериш лозим.

Ушбу таснифнинг асосий меъзони бўлиб давлат мулки объектларидан фойдаланиш борасидаги фаолиятнинг йўналишлари ҳисобланади:

А) юридик шахслар – объектлардан фойдаланиш бўйича тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъектлари. Улар акциялар пакетини ёки давлат объектини тўлиқ мулкка ёхуд фойдаланиш (ижара) ҳуқуқларида қўлга киритишлари мумкин.

Б) юридик шахслар – объектни фойдаланишга, яъни унда ишларнинг муайян ҳажмини амалга ошириш ҳуқуқида қўлга киритувчи тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъектлари.

В) жисмоний шахслар – давлат активини ёки объектни бутунлай тўлиқ мулкка ёхуд фойдаланиш (ижара) ҳуқуқларида қўлга киритишлари мумкин бўлган иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъектлар.

Трансакцияларни алмашиш жараёнларини, мулк объектларини алмашиш йўналишлари бўйича қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

– объектнинг мулкдори билан фойдаланувчиси ўртасида давлат мулки объектларига бўлган мулк ҳуқуқини алмашиш трансакцияси. Фойдаланувчи ушбу объектдан ёки табиий ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ижара тўловини тўлайди;

– давлат мулки объектига бўлган мулк билан алмашиш ва бошқа субъект томонидан объектда ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятни тиклаш ишларининг маълум мажмуи бажарилиши трансакцияси. Мазкур ҳолатда мулкдор мулкдан ўзлаштирилган даромадни объектнинг ҳолатини яхшилашга алмаштиради;

– давлат мулки объектларига бўлган мулкни ушбу капитал бошқа мулкдорларининг инвестиция капиталига алмашиш трансакцияси;

– объектга бўлган мулк ҳуқуқи эвазига кредит олиш трансакцияси.

Харидорлар ва сотувчиларда давлат мулки объектларига бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларини алмашиш жараёнининг трансакция харажатлари қуйидаги турлардан иборат:

а) алмашишга таклиф этилаётган мулк шакллари ва ҳуқуқлари бўйича харидорлар ва сотувчилар бозорларини ўрганиш трансакция харажатлари;

б) давлат мулки объектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ишларининг муайян ҳажмини бажариш ёки ижарага олиш учун харидорлар нуфузини ва уларнинг тўлов қобилиятини ўрганиш харажатлари;

в) харидорлар томонидан давлат мулки объектларини мулк шакллари ва ҳуқуқларини алмаштиришга таклиф этиш ҳажми ва шартларини, нархларни ҳамда давлат мулкининг сотувчилари томонидан нархлар, ҳажм ва шартларни ўрганиш харажатлари;

г) эълонлар ва ўз имкониятларини реклама қилиш харажатлари;

д) тендерларда, танловларда ва кимёшди савдоларида иштирок этиш харажатлари;

е) бозорлар, харидорлар, сотувчилар ҳақида ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилиш учун кадрлар тайёрлаш, тендерларда иштирок этиш, музокаралар олиб бориш, шартномалар тузиш ва ҳ.к. харажатлари;

ж) давлат мулки харидорининг молиявий-иқтисодий ва техник базасини ўрганиш харажатлари. Давлат мулки объектини ижарага топширувчи сотувчилар учун ёки мулкнинг давлат шакллариини ўзгартиришда харидорда объектларни тиклаш учун молиявий маблағлар ва техник воситаларнинг мавжудлиги муҳим ҳисобланади;

з) экспертларни жалб қилиш харажатлари;

и) музокаралар юритиш, мулкни давлат мулки объектларига алмашиш шартномаларини тузиш бўйича мутахассисларни жалб этиш харажатлари.

Тадқиқотчилар трансакция харажатлари шаклланишининг макро- ва микродаражасини ажратишади. Макродаражага трансакциялар сотилиши ва трансакция харажатларининг шаклланиши доирасида иштирок этадиган институтлар киради. Бозор шароитида давлат объектларга бўлган мулкнинг асосий субъекти сифатида объектга бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларидан қатъий назар (асосан бу табиий бойликлар капиталига тааллуқли) олиб қўйилиш, ифлослантиришга нисбатан чекловларни белгилаши, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, тиклаш ва такрор ишлаб чиқаришнинг асосий сифат ва микдорий параметрларини белгилаши шарт.

Мулкнинг самарали шакли ва ҳуқуқини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун давлат муайян бошқарув трансакцияларини амалга ошириши керак. Ушбу трансакциялар ўзининг тур таркибига эга бўлиб, уларни муайян институтларнинг шаклланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарур. Объектларга бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларини алмаштириш трансакцияларини амалга оширишнинг макродаражасида бундай институтлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- объектларнинг кадастр баҳоларини тузиш, амалиётга жорий этиш, уларга тузатишлар киритишни амалга оширувчи таркибий бўлинмаларни ўз ичига олган кадастрлар институти;
- давлат мулки объектларининг мониторинги институти;
- давлат мулкни иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъектларга фойдаланиш ҳуқуқида топшириш институти;
- давлат мулкни иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъектларга фойдаланиш ҳуқуқида сотиш институти;
- мулкнинг мавжуд шакли самарадорлигини баҳолаш ва уни алмаштириш ёки давлат мулки объектининг фойдаланувчисини алмаштириш бўйича қарорларни асослаш институти;
- давлат мулки объектларига бўлган мулк шакллари ва ҳуқуқларини алмаштиришни истовчи сотувчилар ва харидорларни боғловчи ташкилотлар институти;
- мулкни юридик реализация қилиш институти;
- мулкни ҳуқуқий ҳимоялаш институти.

Микродаражада мулкни давлат мулки объектларига алмаштириш трансакциялари иқтисодиётнинг қуйидаги субъектлари ўртасида шаклланади: давлат ва иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъект; минтақавий (маҳаллий) ўзини ўзи бошқариш органи ва иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъект; иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъектлар (корхоналар ва уй хўжаликлари).

Давлат мулки объектларига хорижий инвесторларни жалб қилишда муайян лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри харажатлар жумласига кирмайдиган трансакция харажатларини пасайтириш инвестицион бозорнинг ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, инвесторнинг мулки ва шахсини ноҳўя таъсирдан ҳимоялаш орқали амалга оширилади. Шунинг учун буни таъминлаш мақсадида қонунчилик ва норматив ҳужжатларни тайёрлаш чоғида инвесторларнинг манфаатларини ҳисобга олиш лозим. Маҳаллий кичик инвесторлар учун ишлаб чиқариш биноларини ижарага олиш тўловларининг чекланиши муҳим аҳамият касб этади. Инвесторлар мулкни ҳимоялаш нуқтаи назаридан камомадлар ва бошқа йўқотишлар, шунингдек носоғлом рақобат орқали етказилган зарар миқдорини аниқлашнинг ягона тартиби аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, трансакция харажатларининг таркиби, масалан, инвестор капитал қўйилмаларининг таркибидан фарқ қилади. Агар инвесторнинг инвестициялаш босқичигача қилган харажатлари билан инвестиция босқичидаги харажатлар нисбати тахминан 1:10 нисбатни ташкил қилса, у ҳолда инвестициягача бўлган босқич улушига трансакция харажатлари умумий ҳажмининг 70 фоизигача тўғри келади. Албатта, юқори ҳажмдаги трансакция харажатлари (биринчи галда инвестициялашгача бўлган босқичдаги) ягона “оғир жой” ҳисобланмайди, лекин, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, улар ўз салбий таъсирининг аҳамиятига кўра солиқ юки, фоиз


ставкалари даражаси, ташқи савдо қонунчилиги каби масалалар билан муваффақиятли “рақобатлашиши” мумкин.

Инвестиция фаолиятини ахборот билан таъминлаш борасида давлат фаолият кўрсатиб турган ва янги ташкил этиладиган тижорат консалтинг ташкилотларига, бизнес-режаларни ишлаб чиқувчи фирмаларга, лойиҳа институтларига кўмаклашиши зарур. Инвестиция фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг муайян вазифалари қонунчилик, бозорнинг ҳолати, иқтисодиёт ва алоҳида тармоқларни ривожлантириш истиқболлари, инвестицияларни жалб қилишдан манфаатдор бўлган корхоналарнинг режалари, хусусийлаштириш жараёни, акцияларнинг сотилиши, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш тўғрисидаги ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва фаоллаштиришдан иборат.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, трансакция харажатларини миқдорий баҳолаш муаммосини ҳал этиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги бир неча шартни бажариш зарур: биринчидан, трансакция харажатлари тушунчасига тадқиқотчининг олдида қўйилган вазифани ҳал этиш имконини берувчи аниқ таъриф бериш ва иккинчидан, эмпирик маълумотларни олиш усулини танлаш. Шуларни ҳисобга олиб ушбу бобнинг кейинги қисмларида давлат мулкни инвесторларга сотишда трансакцияларни амалга ошириш механизмлари кўриб чиқилади.

5.2. Давлат активларига бўлган мулк ҳуқуқлари алмашинуви бўйича трансакцияларни амалга ошириш механизмлари ва шакллари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, уларнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада такомиллаштириш давлат активларини хусусий мулкга сотилишига сабаб бўлди. 2015 йил бошига фуқароларнинг хусусий мулк негизида ташкил этилган ташкилот ва корхоналарининг сони 90,5 мингтани (ёки рўйхатдан ўтган нодавлат мулк шаклидаги корхоналарнинг умумий сонидан 35,2 %), акциядорлик жамиятлари сони – 0,9 мингта (0,35%), қўшма корхоналар ва хорижий фуқароларнинг ташкилотлари – 4,9 мингта (1,9 %), бошқа нодавлат мулк шаклидаги корхоналар– 160,6 мингтани (62,5%) ташкил этган (5.1-расм).



5.1-расм. Ўзбекистонда нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар сонининг тақсими

Манба: ЎзР давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Айни дамда мулк ҳуқуқлари институтини трансформация жараёнлари асосан хусусийлаштириш ва мулкга эгалик қилиш ва бошқаришга ёлланма ходимларни жалб этиш билан боғлиқ. Республикада хусусийлаштириш жараёни ривожланишининг дастлабки кунларидан бошлаб янги актив эгалари учун кафолат ва рағбатларни таъмин этувчи қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинган, алмашинув трансакциясини амалга ошириш учун бозор инфратузилмалари ва турли хил институтлар ташкил этилган, давлат активларига бўлган мулк ҳуқуқларини хусусий тадбиркорларга бериш механизм ва шакллари жорий қилинган ва улар такомиллаштирилиб келинган.

Айни пайтда давлат мулкани сотиш механизми давлат мулк объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги Тартибга мувофиқ ҳолда амалга оширилади [19].

Хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, давлат активларига бўлган мулк ҳуқуқи ва шакллари алмашинуви бўйича трансакция харажатлари мавжуд ва улар жуда катта улушни ташкил этади. Давлат активларига бўлган мулк ҳуқуқи мулк шаклига қараб муайян объект (актив)ларни муайян фойдаланиш ҳуқуқи билан ва ундан фойдаланишдан олинган даромаднинг бир қисмини ўзлаштиришда ифодаланилади.

Давлат объекти (актив)ларига бўлган мулк ҳуқуқи бевосита мулкдор ўзи ундан фойдаланиши ёки иқтисодиётнинг бошқа иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган юридик ва жисмоний субъектлар томонидан фойдаланиш ҳуқуқи билан мулкка берилиши мумкин.

Умуман иқтисодиёт ва корхона учун хусусийлаштиришнинг қуйидаги кутилаётган афзалликларини ҳамда давлат миқёсида унинг салбий таъсирини кўрсатиш мумкин (5.1-жадвал).

5.1-жадвал.

Хусусийлаштиришнинг кутилаётган афзалликлари ва салбий таъсирлари

Хусусийлаштиришнинг афзалликлари		Хусусийлаштиришнинг давлат миқёсидаги салбий таъсирлари
Иқтисодиёт учун	Корхона учун	
Самарадорлик ва рақобатбардошликнинг ўсиши	Ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши	Хусусийлаштирилаётган корхоналарни қайта тузишда ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиши натижасида ЯИМнинг қисқариши
Давлат корхоналарини сотишдан тушган даромадларнинг ўсиши	Бозор ўзгаришларига таъсирчанликнинг эластиклиги	Даромаднинг қисқа муддатли ўсиши
Янги мулкдорларнинг янада самарали хўжалик юритиш натижасида ЯИМнинг ўсиши	Янада унумли менежмент натижасида бошқарув самарадорлигининг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши	Хусусийлаштирилаётган давлат мулкнинг қийматини пасайтириш натижасида бюджетга даромадлар тушмаслик эҳтимоли мавжудлиги
Ички инвестицияларни фаоллаштириш	Инновацияларга юқори даражада мослашувчанлиги	Бандликнинг қисқа муддатли қисқариши
Солиқ солинадиган базанинг кегайиши	Қарорларни қабул қилишда катта имкониятлар	Низо даражасининг ўсиши, ишчи ва менежерлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши;

		меҳнат унумдор-лигининг қисқа муддатли пасайиши
Солиқдан тушган давлат даромадларининг ўсиши	Ишчиларни қабул қилиш ва бўшатишда чекловлар камайиши	Иқтисодий эркинлик-нинг пасайиш эҳтимоли
Тадбиркорлик, ижод ва ташаббуслар тизимини ривожлантириш бўйича мустаҳкам пойдеворни шакллантириш	Маҳаллий ва хорижий инвесторлар маблағлари-ни жалб этиш бўйича катта имкониятлар	Бошқарувда банд бўлганлар иштирокчининг камайиши
		Хусусийлаштиришдан олинган самарани тақсимлашда ижтимоий адолатлик даражасининг пасайиши

Манба: тадқиқот натижалари бўйича тузилган

Давлат объект (актив)ларига бўлган мулк муносабатлари объектлардан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, такрор ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда уларни ишлатишдан олинган даромад, уларга бўлган мулк ҳуқуқини алмаштиришда бутун иқтисодий муносабатлар тизимидан ўтади. Объект (актив)ларга бўлган мулк ҳуқуқини сотиш мақсадида муайян харажатлар пайдо бўлиши мумкин. Ушбу харажатларни иккита қисмга бўлиш зарур.

А) Ишлаб чиқариш қиймати ва объект (актив)лар ўзининг қиймати (унга бўлган муайян мулк шароитида) билан белгиланадиган харажатлар. Булар объект (актив)ларга бўлган муайян мулк шакллари ва ҳуқуқлари шароитида улардан фойдаланиш жараёнидаги харажатлардир.

Билвосита ишлаб чиқаришда – бу муайян мулк шакллари ва ҳуқуқлари шароитида улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлардир.

Алмашинувда эса бу сотилаётган объект (актив)ларнинг қиймати билан белгиланадиган харажатлардир.

Тақсимлашда – бевосита объект (актив)ларнинг қиймати ва уларга бўлган муайян мулкчиликга мувофиқ ҳолда тақсимланадиган даромаднинг улушидир.

Истеъмол қилишда – бу бевосита объект (актив)лардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлардир.

Б) Бевосита объект (актив)ларга бўлган мулк шакл ва ҳуқуқларининг ўзгариш ва фаолият кўрсатиш қиймати билан белгиланадиган харажатлар. Мазкур харажат турига объект (актив)ларга бўлган мулк шакл ва ҳуқуқларни алмашинув бўйича трансакция харажатларини келтириш мумкин.

Мулкчилик муносабатларини амалга ошириш трансакциялари – объект (актив)ларга бўлган иқтисодий ва юридик ҳуқуқларни беришга оид иқтисодий ва юридик муносабатлар, ишлатишдан даромад олиш ҳамда актив (объект)ларга бўлган мулк нуқтаи назаридан кўриб чиқилган ҳуқуқлар

“тўплами”га мувофиқ барча қолган иқтисодий ва юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлардир [4]. Трансакция бир йўла, бир марта тавсифга эга бўлиши ёки кўп марта такрорланиши мумкин. У мулдорларнинг бутунлай алмашилиши ёки фақат объект (актив)лардан фойдаланиш ҳуқуқини беришга йўналтирилиши мумкин.

Давлат объект (актив) ларига мулк ҳуқуқини беришда вужудга келаётган трансакция харажатлари – объект мулкдори учун имконият ва шароитларни яратиб берувчи ҳамда иқтисодий муносабатлар тизимида муайян нисбатларда уларни ишлатишдан даромад олишга имкон берувчи харажатлардир. Ушбу сотиш харажатлари бевосита алмашинув харажатлари билан боғлиқ ҳамда мулк шакл ва ҳуқуқларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ харажатларга бўлинади.

Илмий адабиётларда трансакция тушунчасига ва трансакция харажатларини ўлчашга бўлган иккита асосий ёндошув мавжуд. Биринчи ёндошув – фақат бозор трансакцияларига асосланган, иккинчи ёндошув эса бозор ва фирма ички трансакцияларини ҳисобга олади. Трансакцияга бўлган иккинчи ёндошув тўлиқроқ ҳисобланади ва уни хусусийлаштиришда объектларга бўлган мулк шакл ва ҳуқуқларининг алмашинув трансакцияси ва трансакция харажатлар таърифига қўллаш мумкин.

Алмашинувдаги трансакция харажатларида ва мулк шаклининг фаолият кўрсатишида алмашинув (агар улар ўрин олган бўлса) амалга оширилгандан кейин ва фойдаланиш ҳуқуқи билан объектдан фойдаланиш жараёнида (ижара шартномасини бажарилганда) объектлардан фойдаланиш чекловларини назорат қилиш билан боғлиқ харажатлар муҳим ўрин эгаллайди.

Илмий тадқиқотчилар ва амалиётчилар трансакция харажатлари шаклланишининг макро- ва микродаражасини ажратади. Барча ушбу институтлар давлат объектларига бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви бўйича амалга ошириладиган трансакцияга бевосита боғланган ҳолда кўриб чиқилади.

Давлат активларига бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви турли шаклларда амалга оширилади. Айни дамда бундай алмашинув республикада ишлаб чиқилган давлат мулкни сотувчи, яъни Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополияга қарши ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига тадбиқ этилган муайян механизмлар орқали амалга оширилади. Давлат мулки объект (актив)ларининг сотувчилари республика минтақаларида жойлашган ҳудудий органлар ҳам ҳисобланади.

Давлат мулки бўлган акциядорлик жамият (компания)лардаги акция пакетлари, маъсулияти чекланган жамиятлардаги улуши, кўчмас мулк объектлари (мулкий мажмуалар (корхоналар), бино ва иншоотлар, қурилиши тугатилмаган объектлар)га бўлган мулк ҳуқуқининг алмашинуви бўйича трансакциялар мавжуд ва уларда бевосита алмашинув амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган давлат объект (актив)ларида мулк ҳуқуқини бериш трансакциялари нодавлат юридик шахсларга ҳамда жисмоний

шахсларга объектларни сотиш орқали қуйидаги ҳолатлар бўйича амалга оширилади:

1. давлат мулкида бўлган акциялар;
2. маъсулияти чекланган жамият устав фонди (устав капитали)даги давлат улуши;
3. мулк ҳуқуқи асосида давлатга тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари (мулкый мажмуалар (корхоналар), бино ва иншоотлар, қурилиши тугатилмаган объектлар);
4. сотувчи томонидан инвестицион мажбуриятларни олиш шарти билан “нол” харид нархи бўйича давлат мулк объектлари;
5. хорижий инвесторларга давлат мол-мулкни сотиш бўйича тендер савдоларини олиб бориш бўйича Давлат комиссия қарорига кўра давлат мол-мулклари.

Давлат объект (актив)ларини хусусийлаштириш жараёнида уларга бўлган мулк ҳуқуқ ва шаклларининг алмашинуви амалга ошириш жараёнида ҳам уларнинг харидорлари, ҳам сотувчилар трансакция харажатлари сарфлайди. Давогар – нодавлат юридик ва жисмоний шахс ёки танлов, савдо, тўғридан-тўғри музокараларга (трансакцияни амалга ошириш шаклига қараб) иштирок этиш учун ўз истагини билдирган, унинг ваколатли вакили мулк ҳуқуқининг алмашинуви бўйича трансакцияни амалга ошириш бўйича битимни тузишдан олдин ўз иштироки тўғрисида эълон қилади. Сўнг даъвогар танлов, савдо, тўғридан-тўғри музокараларга (трансакцияни амалга ошириш шаклига қараб) рухсат олади ва унинг иштирокчисига айланади. Трансакция иштирокчиси иштирок этишнинг барча амалларини бажарилиб, танловдан ўтгандан кейин у тенг ҳуқуқли харидорга айланади ва сотувчи у билан акция ёки улуш ёки кўчмас мулк объекти ёки мол-мулкни олди-сотди шартномасини тузади.

Мулкчилик муносабатларини амалга оширишда алмашинув трансакцияларида сотувчи ва харидор (иштирокчи, даъвогар)ларни бирлаштирувчи ташкилотлар ҳам иштирок этади. Объект (актив)ларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви бўйича трансакциялар иштирокчиларнинг таркиби 5.2-жадвалда келтирилган.

Трансакциялар алмашинуви жараёнларида мулк объектларининг алмашинув йўналишлари бўйича уларни қуйидаги тарзда гуруҳлаштириш мумкин:

- объект мулкдори (Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари) ва харидор ўртасида объектларга бўлган мулкнинг алмашинув трансакцияси;

– объектларга бўлган мулкнинг алмашинув трансакцияси ва бошқа субъект (инвестор) томонидан унда ишлаб чиқаришни тиклаш ва ташкил этиш бўйича муайян ишлар мажмуасини бажариш.

5.2-жадвал.

Давлат объект (актив)ларига бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви бўйича трансакциялар иштирокчиларининг таркиби

Трансакция ни амалга ошириш шакли	Трансакция иштирокчилари			
	Сотувчи томонидан трансакция иштирокчилари		Харидор томонидан трансакция иштирокчилари	
	Давлат объекти (актив, улуши)ни сотувчи	Мулк ҳуқуқларнинг алмашинувида иштирок этувчи ташкilot ва субъектлар	Давлат объекти (актив, улуши)нинг харидори	Мулк ҳуқуқларининг алмашинувида иштирок этувчи ташкilot ва субъектлар
<i>1. Акциядорлик жамияти акцияларига бўлган мулкчилик ҳуқуқларининг алмашинуви амалга ошириш трансакциялари</i>				
Биржа савдолари, биржадан ташқари савдолар тизими, тўғридан- тўғри музокаралар	Давлат рақобат кўмитаси ва унинг ҳудудий органлар	Давлат органи, Хўжалик бошқарув органи	Даъвогар	Иштирокчи, даъвогарнинг ваколатли вакили
		Акциядорлик жамияти (эмитент)	Иштирокчи	Харидор, иштирокчининг воситачиси
		Баҳоловчи ташкilot	Харидор	Биржа савдоларига хизмат кўрсатувчи ташкilotлар (Фонд биржаси, Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, Мараказий депозитарий. харидорнинг депозитарий)
		Харидорнинг воситачиси		Иштирокчи, даъвогарнинг ваколатли вакили
		Давлат акциялар пакетлари биржадан ташқари савдоларининг ташкilotчиси		
		Биржа савдоларига хизмат кўрсатувчи ташкilotлар (Фонд)		

		биржаси, Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, Мараказий депозитарий, харидорнинг депозитарийси)		
		Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдолар тизими орқали савдоларнинг ташкилотчиси		
		Давлат тендер комиссияси		
2. Маъсулияти чекланган жамиятлар устав фонди (устав капитали)да давлат улушига бўлган мулкчилик ҳуқуқларининг алмашинувини амалга ошириш трансакциялари				
Ким ошди савдоси, танлов, тўғридан-тўғри музокаралар	Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари	Давлат органи, Хўжалик бошқарув органи, МЧЖ	Даъвогар	Иштирокчи, даъвогарнинг ваколатли вакили
		Маъсулияти чекланган жамият	Иштирокчи	
		Баҳоловчи ташкилот	Харидор	
		Ким ошди савдо ва танловларни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича хизматлар кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилот		
		Давлат тендер комиссияси		
3. Кўчмас мулк объектлари (мулкӣ мажмуалар (корхоналар), бино ва иншоотлар, қурилиши тугатилмаган объектлар)га бўлган мулкчилик ҳуқуқларининг алмашинувини амалга ошириш трансакциялари				
Ким ошди савдоси, танлов, тўғридан-тўғри музокаралар	Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари	Давлат органи, Хўжалик бошқарув органи	Даъвогар	Иштирокчи, даъвогарнинг ваколатли вакили
		Баланс ушлаб турувчи	Иштирокчи	
		Риэлтерлик ташкилоти	Харидор	
		Баҳоловчи ташкилот		
		Хусусийлаштириш комиссияси Унинг таркибига баланс ташувчиси,		

		молиявий орган. давлат солиқ хизмат органи, хизмат кўрсатувчи банк, жойларда давлат ҳукумат органлари, Давлат Ергеодезкадастр қўмитасининг вакиллари		
		Давлат тендер комиссияси		
4. Сотувчи томонидан инвестицион мажбуриятларни олиш шарти билан “нол” харид нархи бўйича давлат мулк объектларига бўлган мулкчилик ҳуқуқларнинг алмашинувини амалга ошириш трансакциялари				
Танлов, тўғридан-тўғри музокаралар	Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи	Баланс ушлаб турувчи	Даъвогар	Иштирокчи, даъвогарнинг ваколатли вакили
		Давлат бошқарув органи (ҳокимият)	Иштирокчи	
		Давлат тендер комиссияси	Харидор	
5. Хорижий инвесторларга давлат мол-мулкани сотиш бўйича тендер савдоларни олиб бориш бўйича Давлат комиссия қарорига кўра давлат мол-мулкларига бўлган мулкчилик ҳуқуқларининг алмашинувини амалга ошириш трансакциялари				
Танлов	Давлат рақобат қўмитаси	Идоралараро ишчи гуруҳи	Даъвогар	Иштирокчи, даъвогарнинг ваколатли вакили
		Давлат тендер комиссияси	Иштирокчи	
			Харидор	

*Тадқиқот натижалари асосий тузилган

Бу ерда актив мулкдорининг ҳуқуқлари тавсифланади, яъни инвестор ишларни олиб бориш натижасида шартнома шартларига мувофиқ ҳолда қайд этилган мажбуриятларни бажариши лозим. Акс ҳолда у “тасарруф этиш ҳуқуқисиз” деган белги билан олинган мулк ордерини бекор қилиш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олиши шарт;

- объектларга ва мазкур объектнинг бошқа мулкдорининг капиталига бўлган мулк ҳуқуқининг алмашинуви трансакцияси.

5.2-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, давлат мулки объект (актив)ларига бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви бўйича трансакцияни амалга ошириш шакллари қуйидагилар ҳисобланади: биржа ва биржадан ташқари савдолар, танлов, ким ошди савдолари ва тўғридан-тўғри музокаралар. Ушбу барча бешта шаклларда мазкур мулкнинг сотувчиси сифатида Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари иштирок этади.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ушбу акция, улуш, кўчмас мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви бўйича трансакцияларни олиб бориш шакллари ва мол-мулки бир хил эмас.

Шундай қилиб, акцияга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакцияни амалга ошириш шакллари-биржа савдолари, биржадан ташқари савдолар тизими, танлов ва тўғридан-тўғри музокаралар ҳисобланади. Демак, жамиятнинг устав фонд (устав капитали)даги улуши ким ошди савдоси, танлов, тўғридан-тўғри музокаралар орқали сотилади. Кўчмас мулк объектлари ҳам ким ошди савдоси, танлов, тўғридан-тўғри музокаралар орқали сотилади.

Сотувчи томонидан инвестицион мажбуриятларни олиш шarti билан “нол” харид нархи бўйича давлат мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакцияси танлов ва тўғридан-тўғри музокаралар орқали сотилади.

Хорижий инвесторларга давлат мол-мулкини сотиш бўйича тендер савдоларини олиб бориш бўйича Давлат комиссия қарорига кўра давлат мол-мулкларига бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви танлов орқали амалга оширилади.

Бунинг натижасида ҳар бир трансакция шакли бўйича трансакция харажатлари бир хил эмас. Объект (актив)га бўлган ҳуқуқни бериш қандайдир пул миқдори ёки инвестицион мажбуриятларни бажариш эвазига моддий мол-мулкга бўлган ҳуқуқлар тўпламини беришни кўзда туттади. Ушбу ҳуқуқлар тўпламига объект (актив) билан нима қилиши керак эканлигини аниқлаб берадиган юридик ҳуқуқлар ва ушбу объект (актив)нинг жисмоний хусусиятларига тааллуқли ҳуқуқлар киради. Пул миқдори – бу ресурсларни тасарруф этиш қобилиятидир. Бу ерда алмашинадиган объект (актив)нинг юридик ва жисмоний хусусиятларини баҳолаш учун зарур бўлган ресурслардан, битимни бажаришни таъминлаш ва унинг устидан назорат қилиш учун харажатлар ҳамда алмашинув шартларини бажариш устидан

назорат қилиш ва баҳолашнинг такомиллашмаган даражасини акс эттирувчи “ноаниқлик учун чегирмалар”дан таркиб топган.

“Ноаниқлик учун чегирмалар”нинг миқдори объект (актив) ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг номутаносиблиги каби аниқ омилларга боғлиқ ва ушбу ахборот харидорга маълум. Шунингдек, объект (актив) харидорларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборот бошқа омиллар бўйича ҳам маълум.

Харидор томонидан олинadиган фойда битимнинг нархи, шароитлари ва шартнома мажбуриятларининг ишончлилиги. яъни харидор *ex post* шартномага риоя қилиш эҳтимоллиги билан аниқланади, харидор учун объект (актив)нинг қиймати нафақат нарх ва шароитлар учун, балки сотиш жараёнидаги бошқа жиҳатларнинг вазифаси ҳам ҳисобланади. Уларнинг айримлари, масалан, объект (актив)нинг юридик ҳуқуқлари ва ҳажмларини баҳолаш қийин эмас ва бу иш билан одатда сотишдан олдин баҳоловчи ташкилотлар шуғулланади.

Анъанавий неоклассик назария тўлиқ ахборот мавжудлиги (яъни нол қийматидаги трансакция харажатлари)ни назарда тутиб нафақат ахборотнинг тўлаллиги, балки мулк ҳуқуқларининг тўлиқ ишончлилигини ҳисобга олган ҳолда бериладиган объект (актив)нинг қийматини белгилайди. Бу ҳолда сотувчи ва харидор барча жиҳатларни, яъни объект (актив)нинг жисмоний хусусийатлари ва мулк ҳуқуқларини харажатларсиз баҳолай олиши лозим.

Мулк шакллари ва ҳуқуқларининг алмашинуви трансакциялари ва трансакция харажатларида институтлар муҳим ўрин эгаллайди. Адабиётларда “институт” атамасига турли таърифларни учратиш мумкин [64]:

1. институтлар иқтисодиётда ташкилот ва индивидларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи “ўйин қоидалари” сифатида;
2. институтлар маънавий норма, эътиқод, менталитет сифатида;
3. институтлар ташкилий тузилмалар, масалан, молиявий институтлар – банклар, кредит муассасалари сифатида;
4. «институт» тушунчаси шахсга ёки муайян лавозим (масалан, президентлик институти)га нисбатан қўлланилиши мумкин;
5. ўйинлар назарияси ёндошуви институтларни ўйинда мувозанат сифатида кўриб чиқади.

Институтларнинг йиғиндиси ҳақиқатдаги ва мукамал модель ўртасидаги фарқни аниқлайди, сотувчи ва харидор сарфлаётган трансакция харажатларининг миқдори эса институционал тизимнинг моҳиятини акс эттиради.

Ҳозирги кунда трансакция харажатларини шакллантиришининг макро- ва микродаражаси ажратилади. Макродаражага трансакцияни амалга ошириш ва трансакция харажатлари шакллантириш институтлар киради. Бозор шароитида давлат, мулкнинг асосий эгаси ва тасарруф этувчиси сифатида уларни мусодара қилиш ёки қандайдир сабабларга кўра объект (актив)ларнинг йўқолишига чекловларни белгилаши шарт. Шу боис давлат ва унинг номидан иш кўрувчи муайян тузилма (Давлат рақобат кўмиаси ва унинг ҳудудий

органлари) муайян бошқарув трансакцияларини амалга оширади. Мазкур трансакциялар ўзининг тузилмасига эга ва уларни муайян институтларни шакллантириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозим. Объект (актив)ларга бўлган мулк шакли ва ҳуқуқларининг алмашинуви трансакцияларини макродаражада амалга оширишда бундай институтларга қуйидагилар киради::

- давлат мулкни хусусий мулкка сотиш институти;
- иқтисодий жиҳатдан мустақил субъект томонидан фойдаланиш ҳуқуқи асосида давлат мулкни сотиш институти;
- кадастр баҳоларини тузиш, амалиётга татбиқ этиш, тўғрилашни амалга оширувчи таркибий тузилмаларни ўз ичига олувчи кадастрлар институти;
- давлат мулкни баҳолашни амалга оширувчи таркибий тузилмаларни ўз ичига олувчи баҳолаш институти;
- амалдаги мулк шакллариининг самарадорлигини баҳолаш ва уни алмаштириш бўйича қарорларни асослаш институти;
- объект (актив)ларга бўлган шакли ва ҳуқуқларининг алмашинувини амалга оширишга истак билдирган сотувчи ва харидорларни бирлаштирадиган ташкилотлар институти;
- мулкни юридик жиҳатдан амалга ошириш институти;
- мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш институти ва х.к.

Давлат объект (актив)ларига бўлган мулк ҳуқуқи алмашинуви трансакциялари микродаражада қуйидаги иқтисодиёт субъектлари ўртасида шаклланади: давлат ва иқтисодий жиҳатдан мустақил субъект; ҳудудий бошқарув органи ва иқтисодий жиҳатдан мустақил субъект; давлат ва хўжалик бошқарув органи ва мустақил субъект; иқтисодий жиҳатдан мустақил субъектлар.

5.3. Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқи трансакцияси иштирокчилари ва уларнинг трансакция харажатлари

Қайси ҳуқуқлар ва қандай шаклда берилиши мумкинлигини белгиловчи объект (актив)ларни сотишни аниқловчи қонун ва механизмлар, томонлар танлаш бўйича қўшимча юридик шартларни қўллаш имкониятларини белгиловчи оддий ҳуқуқ меъёрлари ва мақоми – буларнинг барчаси трансакция харажатларига таъсир кўрсатади. Ушбу ҳуқуқий меъёрлар шунингдек, баҳоловчи ташкилот, биржа савдоларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (Фонд биржаси, Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, Марказий депозитарий) риэлторлик ташкилолари ва х.к. Санаб ўтилган ташкилотларнинг самарадорлиги мулк ҳуқуқлари ва механизмларига риоя қилишини таъмин этувчи тузилмага, шу жумладан капитал бозори (шу жумладан ҳам бўлинган, ҳам давлат кафолатлари ҳамда субсидиялар ва сармоя бозорининг бошқа дастаклари)га боғлиқ.

Олдинги параграфда таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир актив (объект) учун мулк ҳуқуқлари алмашинуви трансакцияларини амалга ошириш бўйича бир нечта шакллар мавжуд. Давлат мулкида бўлган акциялар учун трансакцияни

амалга ошириш шакли биржа савдолари, биржадан ташқари савдо тизимлари, танлов ва тўғридан-тўғри музокаралар ҳисобланади. Ушбу алмашинув трансакцияларини амалга ошириш шакллариининг қисқача тавсифини келитириб ўтамиз.

а) Тадқиқотимиз доирасида давлат акцияларининг биржа савдолари деб биржа савдо Қоидаларига мувофиқ ҳолда биржа томонидан ташкил этилаётган давлат акциялар савдоларини тушунамиз.

б) Биржадан ташқари савдолар – давлат акциялар савдолари бўлиб, унинг ташкилотчиси танлов ёки тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан қимматли қоғозларни биржадан ташқари савдо тизимида амалга оширилаётган қимматли қоғозлар биржадан ташқари савдо ташкилотчисига тегишли лицензияга эга сотувчи ёки юридик шахс ҳисобланади.

в) Харидорни танлов ҳужжатлари меъзонлари ва шартларига мувофиқ ҳолда иштирокчилар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаб олиш воситаси ёрдамида харидорни аниқлаш бўйича савдо танлов ҳисобланади. Танлов очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин.


г) Тўғридан-тўғри музокаралар – сотувчи офертани амалга ошириш тўғрисида эълон қилиш натижалари бўйича харидорни аниқлаш борасидаги музокаралар.

Шундай қилиб, шунини айтиб ўтиш жоизки, акцияларга бўлган мулк ҳуқуқининг алмашинуви трансакциясини амалга оширишда трансакция харажатлари уни амалга ошириш шаклларидаги фарқи туфайли турлича тавсифга эга бўлади. Сотувчи томонидан трансакция иштирокчилари (муайян мулкни сотишни амалга ошириш учун шартнома асосида жалб этилган ташкилотлар) тегишли равишда турлича бўлади. Шунингдек, акцияларга бўлган мулк ҳуқуқининг алмашинуви трансакциясини амалга оширишнинг ҳар бир босқичидаги хатти-ҳаракатлар ҳам сотувчи ҳам бунинг учун жалб этилаётган иштирокчилар учун турлича бўлади. Шунга мос равишда ҳам сотувчи ҳам акция харидорлари томонидан тақдим этилаётган ҳужжатлар трансакцияни турли шаклларда амалга оширишда бир хил бўлмайди.

Давлат акцияларини биржа ва биржадан ташқари савдоларга қўйиш сотувчи ёки унинг воситачиси томонидан хусусийлаштириш дастурлари (сотишга мўлжалланган давлат улушига эга бўлган эмитентлар рўйхати)га мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Сотувчининг воситачи сифатида шартнома асосида харидор номидан биржа савдоларида ҳамда биржадан ташқари савдо тизимида давлат акцияларини сотишда инвестицион воситачи бўлиб қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензияга эга юридик шахс хизмат қилади.

Давлат мулкидаги акцияларни босқичлар ва иштирокчилар бўйича хусусийлаштириш мисолида мулк ҳуқуқининг алмашинуви трансакциясини амалга ошириш жараёнини, шартнома муносабатлари чоғида ҳамда турли хил маълумотнома ва ҳужжатларни расмийлаштиришда муайян трансакция харажатларининг таркибини кўриб чиқамиз.

Акцияга бўлган мулк ҳуқуқини бериш мақсадида алмашинув бутун трансакцияни амалга ошириш жараёнини биз олтига босқичга бўлдик (5.2-расм).



5.2-расм. Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқлари алмашинуви трансакциясини амалга ошириш босқичлари

* Манба: тадқиқот натижалари бўйича тузилган

Муайян акциялар пакетига бўлган мулк ҳуқуқининг алмашинуви трансакциясини амалга оширишнинг ташаббускори - давлат органи ёки хўжалик бошқарув органи ёки эмитент ёки нодавлат юридик шахс ёки

жисмоний шахс (1 босқич). Эмитент сифатида устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамияти хизмат қилади. Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқининг алмашинуви билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун трансакция иштирокчилари томонидан сотувчи тақдим этаётган ҳужжатлар ва ушбу ҳужжатларни расмийлаштириш чоғида аниқланган трансакция ҳаражатлари 5.3-жадвалда келтирилган.

Биринчи босқичда ташаббускор аризадан ташқари нотариал тасдиқланган тўрта номдаги ҳужжатлар нусхасини тақдим этади. Сўнг трансакцияни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида иштирокчилар, яъни ҳам сотувчи, ҳам харидор томонидан тақдим этилаётган ҳужжатларнинг таркиби берилади.

Ташаббускор (эмитент) давлат мулкидаги акцияларга бўлган мулк ҳуқуқлари алмашинувининг трансакцияни амалга оширишнинг кейинги 2 босқичда акциядорлик жамиятининг мол-мулки ва молиявий натижалари инвентаризацияси амалга оширилади, унинг натижалари бўйича акция сотувчи (Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари) бир қатор ҳужжатлар (айрим ҳужжатлар бўйича уларнинг нусхалари) тақдим этади (5.3-жадвал). Ҳужжатлар талабларга мувофиқ келганда сотувчи сотишга мўлжалланган давлат акцияларини баҳолашни амалга ошириш учун баҳоловчи ташкилот билан шартнома тузади ва баҳолаш ишлари натижасида бошланғич нарх белгиланади. Давлат акцияларини сотувчиси буйруғига мувофиқ ҳолда савдога қўйилади.

Мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакцияларини амалга оширадиган акциялар тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга катта ўрин берилади, чунки ушбу жараён шафоф бўлиши ва сотувчи ёки унинг воситачи томонидан амалга оширилади. Ахборотни ошкор этиш нашриётда эълонни чоп қилиш ва веб-сайтда қутилаётган трансакцияларни амалга ошириш ҳажмлари бўйича маълумотларни киритиш орқали амалга оширилади. Эълон даъвогар томонидан акциядорлик жамияти акцияларига бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинув трансакцияларини амалга ошириш жараёни бошланиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиниши учун зарур бўлган ахборот массивини ўз ичига олади..

Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакцияларининг тўртта шакли бўйича тавсифи юқорида келтирилган бўлиб, улар мазкур жараённинг 4-босқичига кирган. Биржа савдоларига хизмат қилишда биржа, сотувчи (харидор)нинг воситачиси, Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, Марказий депозитарий каби ташкилот (иштирокчи)лар жалб қилинади. Мазкур иштирокчилар алмашинув трансакциясини амалга оширишда тақдим этилаётган ҳужжатлар номи 5.3-жадвалда келтирилган.

5.3-жадвал.

Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакцияларини амалга оширишнинг иштирокчилари (сотувчи

тарафдан) ва улар томонидан тақдим этилаётган ҳужжатлар (битим тузишидан олдин ва кейин)

Иштирокчи-лар	Улар томонидан тақдим этилаётган ҳужжатлар ва маълумотлар
Давлат органи, хўжалик бошқарув органи, эмитент	Ариза; Сотишга таклиф этилётган давлат акцияларини сақлаш зарурати бўйича хулоса; Эмитент тўғрисидаги асосий маълумотлар; Эмитентнинг таъсис ҳужжатларининг нусхаси.
Худудий орган	Эмитентнинг нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари нусхалари; Эмитентнинг тегишли объектга тааллуқли кадастр ҳужжатлари нусхалари; Охириги уч йилдаги молиявий ҳисобот нусхалари; Охириги уч йилда давлат улуши бўйича ҳисобланган ва тўланган (ёки тўланмаган) дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар; Ҳақиқий активларнинг жамият устав фондида давлат улушига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумот; Сотиш мумкинлиги тўғрисидаги хулоса.
Мол-мулкни инвентаризация қилиш ва молиявий мажбуриятлар натижаси бўйича эмитентлар	Инвентаризация комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси; Инвентаризация комиссияси йиғилишининг баённомалари; Инвентаризация қилиш далолатномалари; Охириги йилдаги молиявий ҳисобот нусхалари; Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни, шу жумладан муддати ўтказилган қарздорликни аниқлаш; Фотосуръат иловасига эга бўлган шакл бўйича эмитент паспорти (камида тўртта); Асосий воситалар фоторасмлари (фоторасмлар миқдори мол-мулк таркибидан келиб чиққан ҳолда белгиланади).
Баҳоловчи ташкилот	Акциялар қийматини баҳолаш бўйича ҳисобот.
	Баҳолаш бўйича ҳисоботнинг тўғрилигини экспертиза қилиш натижалари тўғрисидаги эксперт хулосаси.
Сотувчи	Давлат акциялари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш (маълумот)
	1.1. Биржа савдолари орқали трансакцияларни амалга ошириш шакли
Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси	- Битим тузишидан олдин
	Фонд биржасига: сотувчининг воситачини кўрсатган ҳолда депонентга тушган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар; Биржа савдоларига қўйиладиган давлат акциялари тўғрисидаги зарур маълумотлар.
	- Битим тузгандан кейин
	А) Марказий депозитарийга: давлат акцияларини ўтказиш учун тегишли топшириқлар. Б) сотувчининг воситачига: сотилган давлат акциялари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобот.
	1.2. Биржадан ташқари савдолар тизими орқали трансакцияларни амалга ошириш шакли
Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси	- Битим тузишидан олдин
	Биржадан ташқари савдолар тизими ташкилотчисига: иштирокчининг депонентга тушган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар;

	Биржадан ташқари савдолар тизимида сотишга қўйиладиган давлат акциялари тўғрисидаги зарур маълумотлар.
	- Битим туздан кейин
	А) Марказий депозитарийга: давлат акцияларини ўтказиш учун тегишли топшириқлар. Б) сотувчига: сотилган давлат акциялари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобот.

Манба: муаллифлар тадқиқоти натижалари бўйича тузилган

Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакция танлови ва тўғридан-тўғри музокаралар орқали амалга ошириладиган тақдирда даъвогар (нодавлат юридик шахс) ёки унинг вакили 7-8 номдаги ҳужжатлар ёки унинг нусхаларини тақдим этади.

Улар қаторида: танлов (тўғридан-тўғри музокаралар)да иштирок этиш учун ариза; давлат рўйхатидан ўтиш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; вакилнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхасини берган ҳолда танлов (тўғридан-тўғри музокаралар)да иштирок этиш учун ишончнома; банк ҳисобварағига бўнак қўйилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси; иккита нусхада конвертга солиб ёпиштирилган таклифлар.

Таклифлар қуйидагиларни ўз ичига олади: сотиб олинладиган тўловларнинг қутиладиган миқдори; уларни киритиш муддати; инвестицион мажбуриятларнинг қутиладиган миқдори; уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари; даъвогарнинг молиявий тўловга қодирлигини ва (ёки) илгари тегишли тармоқда амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни (агар мавжуд бўлса) тасдиқловчи ҳужжатлар.

Шу билан бирга харидор томонидан акциядорлик жамиятининг устав фондида 35 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этувчи давлат акцияларини харид қилиш бўйича Давлат рақобат қўмитаси ёки ҳудудий органининг дастлабки розилигини олиш лозим.

Агар сотувчи тарафидаги даъвогар сифатида жисмоний шахс ёки унинг вакили иш юритса, уларга ҳам қуйидаги номдаги ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари тақдим этилади: иштирок этиш учун ариза; танлов (тўғридан-тўғри музокаралар)да вакилнинг иштирок этаётган ҳолларда паспорт нусхаси; шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхасини тақдим этган ҳолда ишончнома; банк ҳисобварағига бўнак қўйилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси; иккита нусхада конвертга солиб ёпиштирилган таклифлар. Ушбу таклифлар қуйидагиларни ўз ичига олади: сотиб олинладиган тўловларнинг қутиладиган миқдори; уларни киритиш муддати; инвестицион мажбуриятларнинг қутиладиган миқдори; уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари; даъвогарнинг молиявий тўловга қодирлигини ва (ёки) илгари тегишли тармоқда амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни (агар мавжуд бўлса) тасдиқловчи ҳужжатлар.

Харидор ва эмитентнинг инвестицион ва (ёки) ижтимоий мажбуриятларга эга бўлган давлат акцияларини олди-сотди шартномасини туздан кейин харидор томонидан киритиладиган инвестициялардан фойдаланиш бўйича

шартномани тузиши лозим. Инвестицион мажбурият деб пуллик баҳога эга бўлган давлат акцияларни сотиб олишда харидор томонидан акциядорлик жамияти (эмитенти)га инвестицияларни киритиши бўйича қабул қилинаётган мажбуриятлар тушунилади.

Харидор томонидан инвестицион ва (ёки) ижтимоий мажбуриятларни бажариш чоғида эмитентнинг куйидаги ҳаракатлари трансакция харажатларининг камайишига кўмаклашади.

Биринчидан, эмитент томонидан харидорга объект ва у тўғридаги маълумот тақдим этилади, ушбу маълумот харидорга ўз инвестицион мажбуриятларини самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Иккинчидан, харидорнинг талабига кўра олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда инвестицион (ва ижтимоий) мажбуриятларни бажаришни тасдиқловчи тегишли бухгалтерия ҳужжатлари тақдим этилади.

Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакция харажатлари қисман бозор харажатлари ҳам ҳисобланади – булар, масалан, битимни юридик расмийлаштиришга кетган харажатлар, баҳолаш ва риэлторлик хизматларига тўловлар, мулк ҳуқуқини нотариал мустаҳкамлаш, қисман эса ахборотни тўплаш учун кетган вақт сарфини ҳам акс эттиради.

Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакциясини амалга ошириш жараёнида турли хил йиғим ва тўловларни тўлаш бўйича сотувчи ва харидорнинг, шу жумладан биржа савдоларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (биржа, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, Марказий депозитарий ва сотувчи депозитарийси), баҳолов ташкилотлари, биржадан ташқари савдо ташкилотчиси, сотувчининг воситачисининг трансакция харажатларини кўриб чиқамиз.

А) Илгари айтиб ўтилганидек, алмашинув трансакциясининг ташаббускори давлат органлари ва хўжалик бошқарув органлари, эмитентлар ҳамда нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Акциялар бўйича алмашинуви трансакциясини амалга ошириш таклиф билан мурожаат қилганда алмашинувнинг биринчи учта иштирокчилари (давлат органи ва хўжалик бошқарув органлар, эмитентлар) Давлат рақобат кўмитаси бюджетдан ташқари жамғармасига тўловни амалга оширмайди. Бироқ агар давлат акцияларини сотиш учун ариза нодавлат юридик ёки жисмоний шахсларидан келиб тушадиган бўлса, улар мазкур тўловни энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида тўлайди. Ушбу маблағ унчалик катта эмас, аммо аризани кўриб чиқиш натижасидан қатъий назар, Давлат рақобат кўмитаси бюджетдан ташқари жамғармасига тўланган тўлов аризани берган шахс (нодавлат юридик ва жисмоний шахс)га қайтарилмайди.

Б) Харидор (харидор воситачиси) давлат акцияларини харид қилганда биржа савдоси бошланишидан олдин харидор (харидор воситачиси) сотиб олишни хоҳлаётган давлат акцияларининг бошланғич нархидан камида 15 фоиз миқдоридаги пул маблағини Ҳисоб-китоб-клиринг палатасига депонент қилиши лозим. Харидор акция қийматини тўлашдан ташқари биржа савдо хизматларини амалга оширувчи ташкилотларнинг хизматларга ҳақ тўлаш

бўйича мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олади. Бу биржа сотувчисининг воситачиси, ва сотувчи депозитарийсининг комиссиян мукофоти ҳисобланади.

Бироқ харидор (харидор воситачиси) тўлаш муддатини бузганда биржа битими бекор қилинади. Бунда Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси харидор депонент қилган пул маблағлардан сотувчи фойдасига биржа битимининг 5 фоиз миқдорида жарима ундиради. Шунингдек, биржа савдо хизматларини амалга оширувчи ташкилотларнинг барча комиссиян мукофотлари ҳам ундирилади.

Биржадан ташқари савдо тизимида акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларини алмашинуви трансакцияларини амалга оширишда ҳам акциялар бўйича харидор томонидан ҳудди шундай ҳисоб-китоб ва комиссиян мукофотларни тўлаш механизми қўлланилади. Харидор битимни бажаришда биржадан ташқари савдо тизими ташкилотчиси, Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, Марказий депозитарий ва харидор депозитарийсига комиссиян мукофот тўловларни амалга оширади.

В) Танлов орқали акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларини алмашинуви трансакцияларни амалга оширишда даъвогар мажбуриятларини бажариш сифатида давлат акцияларининг бошланғич нархидан камида 15 фоиз миқдорида бўнак киритади. Бўнакнинг аниқ миқдори сотувчи томонидан белгиланади.

Танлов ташкилотчиси даъвогарнинг аризасини қабул қилмаган тақдирда у томонидан киритилган бўнак миқдори унга қайтарилади.

Агар танлов ғолиби олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортса ёки рад этса, унга давлат акцияларининг бошланғич нархидан камида 15 фоиз миқдоридаги пул маблағи қайтарилмайди.

Г) Харидор (вакил) давлат акциялари бўйича олди-сотди шартномасини тузишдан кейин тўланадиган тўловларни амалга оширади ва шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ ҳолда инвестицион ва ижтимоий мажбуриятларни бажаради. Бунда ғолиб томонидан критилган бўнак шартнома қийматига киритилади. Қолган танлов иштирокчиларига улар томонидан киритилган бўнак миқдори қайтарилади.

Д) Акцияларга бўлган мулки ҳуқуқларини бериш бўйича тўлақонли трансакцияни амалга ошириш мақсадида муайян ишни бажариш учун ташкилот (юримдик шахс)лар, масалан, давлат акциялари бўйича биржадан ташқари савдо ташкилотчилари жалб қилинади. Акция сотувчисидан ташқари мазкур савдода қимматли қоғозлар бўйича биржадан ташқари савдоларнинг ташкилотчиси сифатида тегишли лицензияга эга ва танлов орқали ёки тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли билан қимматли қоғозлар бўйича биржадан ташқари савдо тизимида давлат акциялар савдосини ташкил этувчи юримдик шахс ҳам иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакциясини амалга ошираётганда акцияни баҳолаш учун шартнома асосида баҳоловчи ташкилот жалб қилинади. Акциянинг бошланғич нархи баҳоловчи ташкилотнинг

ҳисоботида келтирилган акциялар қийматининг баҳоси ва баҳолаш бўйича ҳисоботнинг ҳаққонийлиги борасидаги экспертизани амалга ошириш натижалари тўғрисида эксперт хулосасига боғлиқ.

Табиийки, давлат акциялар бўйича биржадан ташқари савдо ташкилотчиси ва баҳоловчи ташкилот, улар ва сотувчи томонидан тузилган шартномалар асосида ишларни амалга ошириш учун уларнинг хизматига ҳақ тўлаш амалга оширилади. Ушбу субъектларсиз акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакцияларини амалга ошириш мумкин эмас.

Шундай қилиб, акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакцияларини амалга ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар кўйидаги трансакция харажати турларини аниқлашга имкин берди: ташкилий, режалаштириш, мувофиқлаштириш, мотивация ва назорат қилиш. Улар кўйидагиларни ўз ичига олади:

ахборотни қидириш бўйича трансакция харажатлари – трансакция ташаббускори (давлат органи ва хўжалик бошқарув органи, эмитент, нодавлат юридик ёки жисмоний шахс), сотувчи (Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари) ҳамда харидор (даъвогар, иштирокчи, харидор)лар бозорини ҳамда уларнинг акцияларга бўлган мулк шакли ва ҳуқуқларини алмашинуви таклифлари бўйича имкониятларини ўрганиш;

харидор томонидан акцияларни мулк шакли ва ҳуқуқларининг алмашинувига таклиф этадиган нархи, ҳажми ва шартини ўрганиш бўйича трансакция харажатлари;

сотувчининг ўз имкониятларини эълон ва реклама қилиш бўйича трансакция харажатлар;

савдо (биржа савдо, биржадан ташқари савдо)ларда ёки танлов ёки тўғридан-тўғри музокараларда харидорнинг иштирок этиш бўйича трансакция харажатлар;

биржа савдоларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (биржа, сотувчи воситачиси, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, Марказий депозитарий ва сотувчи депозитарийси) ҳамда баҳоловчи ташкилотлар ва бошқаларнинг иштирок этиш хизматини тўлаш бўйича сотувчининг трансакция харажатлари;

музокараларни олиб бориш, акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви шартномасини тузиш бўйича мутахассисларни жалб қилиш борасидаги трансакция харажатлари;

акцияларга бўлган мулк ҳуқуқларини нотариал тасдиқлаш бўйича трансакция харажатлари;

кадрларни қайта тайёрлаш бўйича трансакция харажатлари: сотувчи ва харидорлар тўғрисидаги ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш; биржа савдолаида, биржадан ташқари савдо тизимида, танловда ёки тўғридан-тўғри музокараларда иштирок этиш; музокараларни олиб бориш; шартномаларни тузиш бўйича трансакция харажатлари.

Хулоса қилиб айтганда, институционал назарияга кўра мулк предмет сифатида мулк институтлари ёрдамида шаклланади. Ҳар бир институт муайян

трансакция (институционал) харажатларни келтириб чиқаради. Ушбу харажатлар барча субъектлар, шу жумладан активларга бўлган мулк ҳуқуқларини беришда иштирок этувчи субъектлар билан институт томонидан “ундирилади”. Яқин пайтгача мулкни унинг асли эгаси ким эканлигидан қатъий назар институтларнинг “кўринмас қўллари” бошқарган. Шундай қилиб, шуни айтиш жоизки, мулк ҳуқуқларининг алмашинуви трансакция иштирокчилари (битимнинг иккала томони ҳам) ўз трансакция харажатларини бошқариши лозим. Бунинг учун улар мулк институтининг типологиясини, ҳар бир харажат турининг келиб чиқиш сабаблари ва уларни камайтириш усулларини аниқ билиши лозим.

5.4. Мулк ҳуқуқлари алмашинуви жараёнида трансакция харажатларини камайтириш ва оптималлаштириш йўналишлари

Трансакция харажатларини оптималлаштириш имкониятларига ва шундан келиб чиққан ҳолда давлат мулкни сотиш самарадорлигини оширишга қуйидагилар таъсир кўрсатади:

1) расмий институтлар (хусусийлаштириш, акцияларни жойлаштириш ва сотишга оид амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар);

2) норасмий институтлар (иш юзасидан шаклланаётган мулоқот қилиш меъёр ва амалиёти, “муомала қилиш одатлари”, давлат томонидан уюштирилмаган ва ноаниқ тавсифга эга бўлган одатлар);

3) энг сўнги ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ҳужжатлаштиришнинг ривожланиши ва улардан фойдаланиш;

4) замонавий бошқарув усуллари;

5) бутун институционал муҳит (ҳуқуқий нормаларнинг сифати, суд тизимининг самарадорлиги, иқтисодий муҳитнинг аниқлик даражаси, давлат бошқаруви ва ҳ.к.).

Шуни таъкидлаш керакки, у ёки бу омилнинг таъсир кўрсатиш тавсифи, уларнинг нисбати ва ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари (масалан, расмий ва норасмий институтлар) уларнинг трансакция харажатлар динамикасига бўлган таъсир турга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Расмий институтларга келадиган бўлсак, ҳозирги кунда давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликга ўзгартиришлар киритилмоқда (Ўзбекистон Республикаси “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири), биржа ва биржадан ташқари савдоларда, ким ошди савдоларида, танловларда ва тўғридан-тўғри музокараларда давлат акциялари ва улушларини, мол-мулкларини, объект ва активларини сотиш бўйича амалдаги тартиблар такомиллашмоқда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги “Давлат мулк объектларини хусусийлаштириш тартиби бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 279-сонли қарори).

Активларга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви амалга оширишда шаклланган институционал моделни оптималлаштириш давлат, ҳукумат ва бизнес нинг ўзаро алоқаларининг самарали механизмини яратиш ва трансакция харажатларни камайтириш йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, барча жараёнларни электрон ахборот-коммуникация муҳитига ўтказиш лозим. Айнан электрон тижорат технологияси бозор агентларининг ўзаро муносабатларидаги жараёнларнинг меҳнат сарфини пасайтиришга имкон беради.

Бу ерда институтларнинг самарадорлигини баҳолаш, яъни давлат мулкани сотиш жараёни сотувчи ва харидорнинг амалий фаолияти ва уларнинг у ёки бу трансакция харажатлар турининг миқдорига таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан амалдаги ва қайтадан қиритилаётган қоида ва нормаларни баҳолаш долзарб ҳисобланади. Қоидалар самарадорлигини баҳолаш куйидаги унсурларни ўз ичига олади [66]:

қоидани бажаришнинг фойдалилиги харажатлилиги, яъни унга риоя қилиш ёки риоя қилмаслик туфайли нисбий трансакция харажатлари юқорими, йўқми;

қоиданинг расмийлаштириш даражаси, яъни улар иқтисодий агентлар учун қай тарзда зид эмас ва тушунарли;

қоидага риоя қилиш мураккаблиги, яъни бунинг учун зарур бўлган ташкилий ресурслар кўпми, камми;

иқтисодий агентларнинг узоқ муддатли манфаатлар қоидаларига мувофиқлиги;

қоиданинг умумийлик даражаси ва уни ушлаб туриш самарадорлиги, яъни унга риоя қилмаслик туфайли расмий ва норасмий чоралар қанчалик аҳамиятга эга ва уларнинг мунтазамлик даражаси қанчалик юқори;

қоиданинг адолатлилиги, яъни улар моддий баҳолаш нуқтаи назаридан иқтисодий агентларнинг эҳтиёжларини қай даражада қондиради ва бошқалар.

Барча поғонадаги давлат мулкани сотувчилар ва уларни сотиш жараёнининг иштирокчиларига ҳамда кўрсатилган бандлар бўйича салоҳиятли харидорлар сифатида фаолият кўрсатувчи бизнес ҳамжамияти вакилларига таклиф этилган баҳолаш услуги давлат активларига оид қонунчиликни ва механизмларни янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида хулоса қилишга асос яратиб беради.

Қонунчиликда белгиланган ва бажарилиши шарт бўлган расмий қоидалардан фаркли уларок умумий ва очик, норасмий қоидалар (анъаналар, муносабатлар “мулоқот қилиш одатлари”) нисбатан яширин ва локал тавсифга эга, ҳаттоки барча манфаатдор бўлган шахслар улар мавжудлиги ҳақида хабардор бўлса ҳам. Ушбу қоидаларнинг моҳияти одатда муҳокама қилинмайди, айниқса айрим ҳолларда улар шаклланиб бораётган жараён тамойиллари ва пирвард мақсади нуқтаи назаридан салбий тус олганда ҳам.

Давлат мулкани сотишда очик ким ошди савдо иштирокчиларининг камайтирмасликка (нархни минимал даражагача камайтириш)га қаратилган нарх-наво юзасидан тил бириктириш амалиётини кузатиш мумкин. Масалан,

Россияда хусусийлаштириш жараёнида шундай ҳолатлар бўлганки, ким ошди савдо иштирокчи олдиндан маълум бўлган демпингга қўл урган ва ғолибга кейин минимал нарх белгилаган, аммо иқтисодий жиҳатдан асосланган нархини қўйган кейинги иштирокчи фойдасига олди-сотди шартномасини имзоланиши рад этиш эвазига воз кечиш пулларни олиш мақсадида ғолиб бўлган.

Бундай “норасмий” амалиёт ўзида сотувчининг коррупцион ҳатти-ҳаракатларини ёки давлат мулки сотувчиси ва уни сотиш иштирокчисининг ноинсофли (оппортунистик) ҳаракатларини ўзида мужассам этади. Улар иккала томонда ҳам қўшимча харажатларнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг, бизнес-ҳамжамиятнинг акцияга бўлган мулк ҳуқуқларининг алмашинуви жараёнларига ишончи йўқолиши, давлат активлари бозорининг инсофли иштирокчиларида қонунчилик даражасида яратилган механизмларнинг обрўсизланишига сабаб бўлади.

Норасмий қоидалар давлат мулкни сотиш жараёни доирасида агентларнинг ўзро алоқа қилиш харажатларини камайтиришга хизмат қилади. Салбий ҳолатларга қарама-қарши таъсир кўрсатиш воситаси сифатида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш, расмий қоидаларни бажариш устидан назоратни амалга оширувчи мустақил суд тизими ва амалдаги маъмурий жавобгарлик механизмлари мавжуд бўлган шароитда қоидаларни расмийлаштириш ва универсаллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Энг сўнги ахборот-коммуникация технологиялари, Интернетдан фойдаланиш ахборот тавсифидаги, божхона, молиявий ва тўлов-ҳисоб-китобга оид хизмат кўрсатиш учун асос бўла олади. Ахборот тармоқ ресурслари, электрон савдо майдончалари, электрон-рақамли имзолар, электрон ҳужжатлаштириш, электрон тўловлар каби инфратузилма унсурлари бозор агентларининг трансакция харажатларини бевосита камайтиришга хизмат қилади.

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг сотишга мўлжалланган давлат активлари қўйилган порталнинг ишга тушиши трансакция харажатларини, биринчи навбатда, ахборотни қидириш ва шартномани тузиш харажатларини камайтиришга, норасмий битимларнинг имкониятларини минимумга пасайтириш ва очиқлик, шаффофлик, тенглик, рақобат ва иқтисодий самарадорлик тамойилларининг ишлашини таъминлашга кўмаклашади.

Ҳаттоки давлат секторидаги электрон хизматларнинг қуйи даражада ривожланиши ҳам тегишли сайтларда давлат томонидан хизматлар тўғрисидаги тўлиқ маълумот кўрсатишни назарда тутди. Шундай қилиб, ишонч билан айтиш мумкинки, ахборот технологияларининг минимал даражада ривожланиши ахборотни қидириш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга кўмаклашади. Ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланганлиги туфайли истеъмолчининг давлат хизматларини олиш учун

ҳаражатлар ҳам камаяди: ҳеч бўлмаганда уни расмийлаштириш учун кам вақт сарфланади.

Масалан, электрон ҳукумат технологиялари фуқаролар ва давлат ҳамда ҳукумат органларининг ўзаро муносабатлар шаффофлигини оширади, авваломбор мониторинг амалини соддалаштириб, уни кам ҳаражатли бўлишига олиб келади. Масалан, Австралия Ахборот иқтисодиёти миллий хизмати «DMR Consulting» компанияга электрон ҳукумат дастурини амалга оширишдан фойдани баҳолаш бўйича топшириқ берган, электрон ҳукуматнинг 45 % фойдаланувчилари давлат хизматидан фойдаланиш пайтида ўз ҳаражатларининг камайишини миқдорий баҳолай олди, шулардан 3 % фойдаланувчилар ўз ҳаражатларининг \$100 ва ундан ортиқ; 4 % фойдаланувчилар - \$50-\$99 миқдорда камайганлигини; 7% эса \$49; 31% – \$25дан кам иқтисод қилганлигини таъкидлаган [50].

Амалиёт кўрсатишича, шартнома шартларини бажаришга мажбурлаш бўйича ҳаражатларга келадиган бўлсак, бу ерда аҳвол нисабат мураккаброқ. Дунёдаги биронта давлат ўз ахборот-коммуникацион технологияларини суд ижрочиларининг ўзаро муносабатларини электрон шаклига ўтказиш учун етарли бўлган даражагача ривожлантира олмаган. Бироқ тегишли маълумотлар базасига эга бўлган электрон ҳукумат дастурлари суд ижрочиларнинг фаолиятини сезиларли даражада енгиллаштириш ва уларнинг фаолиятидаги ҳаражатларни камайтиришга олиб келади.

Электрон ҳукумат самарадорлигини давлат хизматларини кўрсатишда трансакция ҳаражатларини камайтириш механизми сифатида истеъмол қолдиғи атамаси билан изоҳлаш мумкин. Давлат хизматида бўлган талаб нарх бўйича эластик эмас, чунки унинг истеъмоли унинг қийматида эмас, балки ундан фойдаланиш зарурлигига боғлиқ: агар субъектга қандайдир ҳужжат олиш зарур бўлса, у ушбу хизмат қанча турмасин, барибир уни олишга ҳаракат қилади. Шу боис давлат хизматида бўлган талабнинг эгри чизиғи деярли вертикал бўлади. Давлат хизматларининг таклифи мутлақ эгилувчан эмас, ва ўртача ҳаражатлар эгри чизиғига тўғри келади, чунки давлат субъектга назарий жиҳатдан энг минимал нархда хизмат кўрсатиши шарт.

Трансакция ҳаражатлари давлат хизмат кўрсатиши учун ҳаражатлар миқдорини оширади, аммо уларнинг юки тўлиқ ҳолда истеъмолчи зиммасига тушади ва мукамал шароитлардан фарқли ўлароқ истеъмол қолдиқнинг камайишида фойдаланади. Электрон ҳукумат технологияларини жорий этишда трансакция ҳаражатлари камаяди, бу эса истеъмол қолдиқнинг кўпайишига, бошқача қилиб айтганда, фойдаланилаётган хизмат фойдалилигининг унинг нархидан ошиши билан шартланган давлат хизматидан фойдаланишда истеъмолчининг ютишига хизмат қилади.

Электрон ҳукумат технологиялари нафақат субъектларга давлат хизматларни кўрсатишда, балки давлат ички ўзаро муносабатларида ҳам самарали ҳисобланади. Давлат ўз функцияларини бажариши учун ҳам моддий ресурслар, ҳам меҳнат ресурслари зарур бўлади. Давлат кўпинча шартномаларни тузиш орқали ушбу ресурсларни қўлга киритади.

Масалан, принципиал сифатида иштирок этувчи давлат учун ёллаш шартномаси ёки аутсорсинг шартномасини тузиш доимо ахборотнинг тўлиқ бўлмаслиги билан боғлиқ, натижада давлат олдида агентнинг моддий ҳатар муаммоси гавдаланади. Бундан ташқари, электрон ҳукумат технологиялари агентнинг шартномадан кейинги фаолиятини мониторинг қилиш харажатларини камайтиришга имкон беради. Моддий ҳатар шартномадан кейинги оппортунистик хатти-ҳаракат турини, яъни принципал агентнинг фаолиятини кузата олмайдиган ҳолатини ўзида намоён этади. Бу эса агентга ўз фаолият доирасида кам куч сарфлашга, бошқача қилиб айтганда, мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга имкон беради. Бундай бош тортиш ҳолатлари якуний маҳсулот сифати ва ҳажмига таъсир кўрсатади, бироқ ушбу таъсир агентнинг бевосита мажбуриятларни қасдан тўғридан-тўғри бажармаслик ҳолатидан кўра камроқ бўлади. Аммо агентни унинг бош тортишлиги туфайли ушлаб олиш жуда қийин.

Принципал ва агент ўртасидаги электрон ўзаро алоқа қилиш имкониятларини ва мониторинг қилиш харажатларини камайтирадиган улар фаолиятини назорат қилиш бўйича янги услубларини, масалан, ҳисобга олиш қайдларни амалга ошириш вақтини мажбурий ҳолда белгиловчи “электрон нотариат” тизимини назарда тутувчи электрон ҳукумат технологияси улардан муносиб тарзда фойдаланиш ҳолларида агентнинг шартномадан кейинги фаолиятини мониторинг қилиш харажатларини камайтиришга имкон беради. Ахборот-коммуникацион технологиялардан оқилона ва самарали фойдаланилиши принципиал сифатида иш юритувчи давлат ва агент сифатида фаолият кўрсатувчи давлат хизматчилари ўртасида иктисодий жиҳатдан манфаатли шартномаларни тузишга ва агентларни фойда бериш нуқтаи назардан янада юқори даражага кўтариш, принципалнинг харажаларини камайтириш ҳамда агентнинг оппортунистик хатти-ҳаракатларни тенглаштиришга имконият беради.

Бироқ электрон ҳукумат ҳар доим ҳам давлат хизматларини самарали кўрсата олмайди, мансабдор шахсларнинг фаолиятини кам харажатли мониторинг қила олмайди. Инфратузилмаси ривожланмаган ахборот-коммуникацион технологиялар кадрларнинг тайёргарлик даражаси паст шароитда кўп харажатли талаб этувчи жараёнга айланади ва давлатнинг катта миқдорда қайтариб бўлмайдиган йўқотишларига ҳамда субъектлар ҳам жаҳон ҳамжамияти олдида нуфузининг тушушига сабаб бўлиши мумкин.

Бутун институционал муҳит омилини тавсифлаб, трансакция харажатларининг, айниқса ex post харажатларнинг даражасига, ҳуқуқий институтларнинг сифати ва барқарорлиги, суд тизимининг ва давлат бошқарувининг самарадорлигига сезиларли таъсир ўтказишини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бунда шартномаларни тайёрлаш, тузиш ва бажариш, давлат мулки харидорларининг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича харажатлар камаяди, уларни амалга ошириш самарадорлиги ошади. Бу айниқса шаклланган шароитларни ҳисобга олган ҳолда муҳим ҳисобланади: республикада ҳозирги иктисодиётда асосий устиворлик хусусий

тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва давлат акция, улуш, мол-мулки, актив ва объектларини хусусий мулкга сотиш бўйича хусусийлаштириш дастурларининг мазмун жиҳатдан тўлдирилиб борилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг кейинги ривожланиш, инвестицион таъминлаш ва модернизациялаш стратегиясини амалга ошириб боришнинг бош дастагига айланиши лозим.

**6-БОБ. МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ АЛМАШИШИ ЖАРАЁНИДА
ИҚТИСОДИЙ АГЕНТЛАР ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ
КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

6.1. Мулк ҳуқуқини алмашиши жараёнида давлат, бизнес ва жамиятнинг трансакция харажатларини аниқлашнинг илмий-назарий асослари

Янги институтларни шакллантириш – кўп инвестициялар талаб қилувчи инновацион жараён ҳисобланади. Аммо бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида, айнан институтлар ўзгаришларининг инвестицион баҳоси, уларнинг инновацион хусусияти туфайли модернизация даврининг ички қонуниятини ва ушбу ўзгаришларнинг иқтисодий динамикасини белгилаб беради.

Бунда инвестициялар ва инновацион харажатлардан самарага эришиш анча кеч бошланади ва шу маънода ислохотлар баҳоси жорий эмас, балки олдинда турган, улардан қатор йилларга ортда қолаётган натижалар билан таққосланиши керак.

Модернизация даври иқтисодиётининг харажатлари биргаликда ўта кўламли ва аҳамиятли ҳодисани тавсифловчи турли қисмлардан таркиб топади. Ушбу харажатлар қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

режали иқтисодиёт даврида амал қилган кооперацион алоқаларнинг бузилиши ва янги кооперацион алоқани йўлга қўйиш механизмининг жорий этиш туфайли юзага келадиган трансакция харажатлари;

аввалги институционал инфратузилманинг бузилишидан кўрилган йўқотишлар ҳамда ушбу тугатилган инфратузилмадан ҳамон фойдаланишда истеъмол қилинаётган харажатлари;

бозор иқтисодиётига мос келадиган янги трансакцион технологияларни ишлаб чиқиш, ҳисобдан чиқариш, кўпайтириш харажатлари;

бир такрор ишлаб чиқариш жараёнида бошқаларида фойдаланиш учун олинган (моддий, кадрлар, ахборот) ресурсларидан фойдаланиш йўналишларини ўзлаштириш;

янги қонунлар, оддий ҳуқуқ нормалари, тадбиркорлик ахлоқ кодекслари ва бошқа трансакция технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш харажатлари.

Ўз навбатида, бир институционал тузилмани бузилиб йўқолиб кетиш харажатлари ва янгисини шакллантириш харажатлари биргаликда жамиятнинг трансформация даври учун сарф қилиниш учун шарт бўлган нархни ташкил қилади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бундай нархни аниқ ва тўлиқ ўлчаб бўлмайди [90]. Бироқ, ушбу харажатларнинг ҳатто тахминий баҳолари ҳам жараённинг кўламлари, аҳамияти ва ўзгарувчанлиги ҳақида тасаввур беради.

Қатор мамлакатларда узоқ вақт давомида кузатилаётган давлат ва хусусий сектор ўлчамларининг даврий равишда ўзгариб туришлари илмий муомалага «хусусийлаштириш цикли» тушунчасини киритди [37]. Хусусийлаштириш цикли ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторларини ўзаро боғлиқ равишда ривожлантириш механизмининг яхши йўлга қўйилганлиги туфайли шаклланди. Давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши ва рақобатлашиши иқтисодиётнинг мослашувчан

бўлишига, у томонидан давлат секторининг оптимал улушини узлуксиз кидириш жараёнига олиб келади.

Қатъий бюджет чекловлари амал қилганда давлат ўз активларини сотишини назарда тутаяди, чунки молиявий бозорлар қулай ва давлат мулкани сотиш катта миқдорда даромадлар келтиради. Лекин хусусий инвесторлар ҳам янада катта ҳажмда қўшимча акцияларни харид қилишдан эмас, балки ўз акцияларини сотишдан манфаатдор бўлишлари лозим. Шундай қилиб, мулк ҳуқуқларини айирбошлаш бўйича битимлар тузилиши мумкин эмас. Бозор етарли даражада баҳоланмаган ҳолларда ҳам ана шундай ҳолат юз беради. Мазкур ҳолатда давлат ва хусусий субъектлар харидорлар ролида иштирок этишади ва, шу тариқа, мулк ҳуқуқлари билан айирбошлаш юз бермайди. Давлат нима учун фонд бозорида хусусий инвесторларни мунтазам ютиб чиқиши кераклигини изоҳловчи ҳеч қандай яққол сабаб мавжуд эмас.

Умуман олганда барча юқоридаги фикрлар фақат давлатнинг хатти-ҳаракатини ва унинг хусусийлаштиришни ташаббускорлик ролини тадқиқ этишга қаратилган. Айни пайтда, иқтисодчилар Ж.-Ж.Роз ва Е.Пэррарднинг фикрига кўра, уларсиз давлат билан хусусий сектор ўртасида мулк ҳуқуқлари билан айирбошлаш юз бермайдиган хусусий инвесторларнинг хатти-ҳаракатини ҳисобга олиш даркор [91]. Хусусийлаштиришни, албатта, бозордаги алмашув сифатида қабул қилиш лозим, чунки бунда талаб ва таклиф кўйилади, битим нархи шаклланади.

Хусусий инвесторлар ва давлат ўртасида мулк ҳуқуқлари тақсимланишининг ўзгариб туришлари мулк ҳуқуқлари учун рақобатлашиш натижаси сифатида қабул қилинади, ушбу жараёндан хусусий инвесторлар ва давлат ўхшаш манфаатларни кўзлайди, бу ўз фирмаларининг молиявий оқимларини назорат қилишдир. Хусусий инвесторлар ҳам, давлат ҳам фирмаларнинг молиявий оқимларидан фойдаланиш учун уларни бошқаришни хоҳлайди: хусусий инвесторлар акциядорлик капиталининг қийматини ва/ёки менежерлар даромадларини ошириш учун; давлат эса ўз эҳтиёжини ошириш ва/ёки сиёсий таъсирни кучайтириш учун. Мулк ҳуқуқи учун рақобатда кўпроқ фирмани қадирлайдиган инвестор (давлат ёки хусусий мулкдор) назорат қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга интилади, бундан эса хусусийлаштириш келиб чиқади.

Ҳозирги босқичда мулкдорларнинг ваколатлари қонунлар (ва бошқа қонун ости ҳужжатлари) ёки шартномалар ҳамда ижтимоий анъаналар ва урф-одатлар кўринишида мустаҳкамланган норасмий нормалар шаклида мустаҳкамланадиган расмий қоидалар ёрдамида регламентланади. Принципиал жиҳатдан мулк институтини шакллантириш учун давлатнинг мавжудлиги зарурий белги ҳисобланмайди, лекин у мулк ҳуқуқларининг ҳимояланишини таъминлашда ўта муҳим роль ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусийлаштириш фақат, агар хусусий агентлар томонидан ушбу жараёнларга бўлган талаб ошса, иқтисодий тизимни давлат томонидан тартибга солишнинг амалий механизми ҳисобланади. Расмий жиҳатдан давлат томонидан йўл қўйиладиган суиистеъмолликларнинг

олдини олиш учун аксарият мамлакатларда мулк ҳуқуқларини бошқа шахсларга ўтказиш учун конституциявий чекловлар мавжуд, бироқ фақат ижтимоий эҳтиёжлар учун фойдаланиш имкониятини чеклаш ҳам, адолатли компенсация зарурлиги юки ҳам давлатнинг мансабдор шахслари томонидан йўл қўйиладиган суиистеъмолликлардан кафолатламайди. Шундай қилиб, давлатнинг мулкни бошқариш борасидаги фаолиятини баҳолаш, мулк ҳуқуқлари тизимининг ўзгаришига қараб битимда ихтиёрий равишда ёки мажбуран иштирок этаётган тарафлар трансакция харажатларининг нисбатини аниқлашни назарда тутаяди.

Хусусийлаштиришни амалга ошириш уларни ўтказиш оқибатларини ҳисобга олиш бўйича яхши тайёрланган дастурни талаб қилади. Харажатлар таҳлилини фойда олувчилар ва харажат қилувчилар сифатида иштирок этиши мумкин бўлган иқтисодий агентларни (ижтимоий манфаатлар ифодаловчиси сифатида давлат ва хусусий мулк манфаатлари эгаси сифатида бизнес) чеклаш орқали ўтказган маъқул (6.1-расм). Харажатлар - бу мулк ҳуқуқлари тизимини ўзгартиришнинг ташаббус қилиниши оқибатида у қиладиган чиқимлар (қўрадиган йўқотишлар).

Ўз навбатида, давлат деганда махсус механизмлар ёрдамида жамиятни бошқариш бўйича ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи ташкилотни тушуниш даркор. Бизнес фаолияти товарлар ишлаб чиқариш ва/ёки сотиш, хизматлар кўрсатишдан мунтазам фойда олишга йўналтирилган хўжалик юритувчи субъектларга қиёсланади.

Агар давлатнинг хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишдаги харажатлари қиёсланадиган бўлса ёки вазиятли хусусиятга эга бўлса, у ҳолда бизнес учун хусусийлаштириш яққол устуворликка эга, бу ҳол бозор муносабатларининг ривожланиш мантиғига жавоб беради.

Хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг янада бозорга йўналтирилганлиги кузатилади. Барқарор фаолият кўрсатувчи бозор шароитида хусусий мулк муносабатларининг жозибадорлиги юксак баҳоланади. Бироқ, беқарорлик ва иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш шароитида давлат ўзига хос бўлмаган функцияларнинг бир қисмини олишга мажбур бўлди, бу эса давлат тадбиркорлигининг пайдо бўлишига олиб келди.

Лекин давлат ва бизнеснинг нафақат бир-бирига бутунлай қарама-қарши мақсадлар билан, балки жамият томонидан ўз хатти-ҳаракатининг белгиланиши зарурлиги билан боғлиқ манфаатлари дуч келганида юзага келадиган зиддиятлар вазиятни жиддий тарзда мураккаблаштиради. Жамиятнинг хусусийлаштиришни амалга ошириш чоғидаги харажатларини таққослаш шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг танлови ижтимоий онгнинг иқтисодий тизимни умумлаштиришга ёки эркинлаштиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Хусусийлаштиришни амалга ошириш чоғидаги харажатлар таркибида трансакция харажатлари
--



6.1-расм. Хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёнида давлат, бизнес ва жамиятнинг трансакция харажатлари

Манба: муаллифлар таҳлили асосида тузилган

Шундай қилиб, трансакция харажатлари бозорга кириш ва бозордан чиқиш, ресурслардан фойдаланиш, мулк ҳуқуқларини бошқаларга ўтказиш, таснифлаш ва ҳимоялаш, ишбилармонлик муносабатларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни ўзида намоён этади [77,78]. Бундан келиб чиқадикки, трансакция харажатларининг таркиби қуйидаги қисмлардан иборат:

ресурслар ва мулк ҳуқуқларидан (корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, фаолиятни лицензиялаш, биноларни ижарага олиш (бериш), коммуникация тармоқларидан фойдаланиш, жиҳозларни кредит ва лизингга олиш (бериш) ҳуқуқидан) фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;

ресурслар ва мулк ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини (ишлаб чиқариш, сотиш, бошқаларга ўтказиш, истеъмол қилиш ҳуқуқини) қўлга киритиш;

ресурслар ва мулк ҳуқуқларини баҳолаш (ташкилий-ҳуқуқий шаклларни ўзгариши, бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик хизматлари, маркетинг хизматлари);

ресурслар ва мулк ҳуқуқларини ҳимоялаш (рақобатчиларни истисно этиш, юридик хизматлар, бизнесни қўриқлаш);

шерикларни излаш ва танлаб олиш (реклама, тақдимот, шериклар ҳақида ахборот тўплаш, уларнинг тўлов қобилиятини текшириш);

ишбилармонлик келишувларини тузиш ва уларни бузувчиларга қарши санкциялар қўллаш (келишувларни ўзаро мувофиқлаштириш ва уларга

тузатишлар киритиш, қўшимча имтиёзлар бериш, арбитражга мурожаат этиш, қарзларни ундириш).

Юқорида санаб ўтилган деярли барча трансакция харажатлари мутлақо қонуний тўловлар (масалан, давлат боғларини тўлаш) ва хуфёна тўловлар (солиқларни четлаб ўтиш имконини берувчи операциялар учун воситачилик ҳақлари) билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу оддий ҳуқуқларни ҳам, алоҳида имтиёзларни ҳам қўлга киритиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Улар қайтарилмайдиган қўшимча харажатлар бўлиши ҳам мумкин, шунингдек ишлаб чиқариш харажатларини ёки умумий харажатларни тежаши ҳам мумкин.

Бунда, биринчидан, трансакция харажатларининг бир қисми бевосита ўлчанмайди (масалан, кўп сонли ҳисобот шакллари тўлдириш учун вақт сарфлари).

Иккинчидан, кўплаб харажатлар бевосита пул тўловлари билан кузатилмайдиган хизматларнинг норасмий кўрсатилиши билан боғлиқ.

Учинчидан, трансакция харажатларини кўпинча «ишлаб чиқариш харажатларидан» ажратиб бўлмайди.

Тўртинчидан, трансакция харажатлари кўплаб ўта хилма-хил (қонуний ва хуфёна) қисмлардан иборат бўлиб, уларни қўшимча муаммоларни келтириб чиқаради. Кўпинча барча даражалардаги муносабатлар ўта индивидуаллаштирилганлиги боис пулдан ташқари шахсий танлов ва яхши ҳамкорлик алоқаларни ўрнатишни билиш ҳам муҳим роль ўйнайди.

6.2. Давлат активларини бошқа шахсларга ўтказиш жараёни шартномаларини тузишда трансакция харажатлари

Трансакция харажатларини хилини бир-бирига таққослашда мулк ҳуқуқларини бошқа шахсларга ўтказиш чоғида трансакция харажатларини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш иқтисодий агентларга уларни тартибга солиш ва пасайтириш усулларини топиш имконини беради. Масалан, мулк ҳуқуқларини бошқа шахсларга ўтказиш жараёнида шартномавий муносабатларга киришувчи ҳар қандай иқтисодий агент, ўз ички захираларидан, ўз ички салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ўз трансакцияларини ва, ўз навбатида, трансакция харажатларини оптималлаштириши мумкин. Мисол учун, инвестор давлат активларига инвестициялар киритишнинг муайян шаклини ёки механизмини танлашда ўз трансакция харажатларини оптималлаштириши мумкин.

Трансакцияни (шартномани) амалга ошириш жараёнида ахборот асимметрияси туфайли бир субъект муайян шароитда бошқа субъектга ўтказадиган (ўтказилаётган) мулк ҳуқуқларининг ва субъект оладиган (қабул қилинаётган) мулк ҳуқуқларига мос келмаслиги объектив шароити юзага келади. Шу муносабат билан ҳар бир трансакция пайдо бўлиш жиҳатдан ўзида ушбу трансакцияда иштирок этаётган барча субъектларга нисбатан оғишмасликни мужассам этади.

Шунингдек, трансакция харажатларининг яна бир ўзига хос хусусияти мавжуд – бир трансакция доирасида ўзаро ҳамкорликни амалга оширувчи субъектлар учун трансакция харажатларининг сифат ва миқдорий жиҳатдан ҳар хиллиги. Трансакцияни амалга оширишда иштирокчилар бир трансакция доирасида ҳар хил трансакция харажатларига дуч келади, бу ҳол трансакция харажатларини тартибга солишга нисбатан турли ёндашувларни келтириб чиқаради.

Трансакция харажатларини тартибга солиш йўллари қидиришда нафақат уларни қисмлар бўйича қисқартириш имкониятларидан (бу кўпроқ уларни микродаражада тартибга солишга мос келади), балки умумий субъектларнинг мулк ҳуқуқларини бошқа шахсларга ўтказишдаги ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш чегаралари, даражалари, режимлари ва қоидаларини белгилаб берувчи институтлар тизимидан келиб чиқиш керак. Бу ерда мавжуд институтлардан қайсилари самарасиз трансакция харажатларини келтириб чиқаришга реал кўмаклашаётганлигини, ушбу харажатларни қанақа усуллар билан ва қайси йўналишда қисқартириш лозимлигини, самарали трансакция харажатларига эришиш учун қанақа янги институтларни ташкил этиш ёки импорт қилиш ва мавжуд институционал муҳитга киритиш зарурлигини аниқлаб олиш даркор.

Мулк ҳуқуқлари назариясида ва улар билан турдош бўлган иқтисодий концепцияларда «трансакция» деб иқтисодий ўзаро ҳамкорлик ҳаракатига айтилади. Трансакция таҳлил қилишнинг базавий бирлиги сифатида эътироф этилади ва ихтиёрий бозор битими, тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилган биргаликдаги иқтисодий ҳаракат сифатида таърифланади. Трансакциялар оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Мураккаб ва масъулиятли келишувлар шартномалар билан расмийлаштирилади.

Қонунчиликдаги шартнома деганда икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги келишув тушунилади. Бу ерда шартномани кучга киритувчи келишув асосий сўз бўлиб хизмат қилади; тарафлар келишувга эришмагунга қадар ҳеч қанақа шартнома юзага келиши мумкин эмас. Чунки ҳеч ким бошқани унинг манфаатларига зид келадиган нарсани қила олмайди, шартнома юқорида кўрсатилган келишув таърифини ва унга эришиш жараёнини ўз ичига олади.

Давлат активларини сотиш чоғидаги музакаралар жараёнида кўроқ муҳокама қилинадиган масалалари олди-сотди шартномасининг асосий таркибий қисмлари билан намоён этилган.

1. Шартнома нарсаси. Шартнома нарсаси сифатида биргаликдаги ҳаракат тури (агар бу биргаликда амалга ошириладиган фаолият бўлса) ва шериклар ҳаракатларини ўзаро боғлайдиган усуллар таснифланади. Мазкур ҳолатда шартномада давлат активининг харидори томонидан мазкур актив унинг мулкига ўтадиган ҳаракат таснифи келтирилади. Бу активни сотиш жараёнида давлат томонидан кўрилган муайян харажатларни қоплаш шартлари, актив учун тўловни амалга ошириш шартлари ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, шартномада инвестор ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини бажарганидан кейин давлат активи унинг мулкига ўтадиган ҳаракатларнинг муайян таснифи ҳам келтирилади. Бугунги кунда давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида активларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларининг қабул қилиниши шarti билан сотиш механизми қўлланилмоқда. Давлат активи олди-сотди шартномасини тузишда инвестор шартнома шартларини келишади ва муайян ҳажмдаги инвестицияларни киритиш бўйича инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Ушбу мажбуриятлар шу тариқа сотиб олинган, давлат мулки негизда ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишини таъминлаши керак, бу кейинчалик маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, хизматлар кўрсатиш, иш ўринлари яратиш, шунингдек мамлакат бозорини тўлдириш ва маҳсулотни чет элга экспорт қилиш имконини беради.

2. Иштирокчилар томонидан ўз ҳаракатлари учун олинадиган қоплама миқдори. Келгусида олди-сотди шартномаси билан белгиланган шартланган ҳаракатларда қўлланиладиган қоидалар ва таомиллар. Бунда келгусида иштирокчилар, яъни давлат активларининг сотувчилари ва харидорлари муайян муносабатларга киришишлари назарда тутилади.

Низоларни бартараф этиш таомили. Унда низоли вазият юзага келиб, у тарафларнинг бевосита тўқнашувигача ривожланган ҳолларда тарафлар бир-бирига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги ёзилади. Хусусан, биз кўриб чиқаётган давлат мулкини инвестиция мажбуриятларининг қабул қилиниши шarti билан сотиш механизмида олди-сотди шартномаларида инвестор - активлар харидори томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатлари ёзилади.

Давлат активлари сотувчиси ва харидорининг кутилаётган хатти-ҳаракати. Олди-сотди шартномасида тарафлар бир-биридан кутаётган хатти-ҳаракат таърифланади. Шартноманинг ушбу қисми – ўта муҳим ҳисобланади, чунки тарафлар ўртасидаги ноаниқлик муҳитига шартнома ишончлилики киритади ва бунда прогноз қилиш мумкин бўлади. Давлат активларининг сотувчиси ва харидори учун музокаралар олиб бориш жараёнининг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, музокаралар тарафлар манфаатларининг уйғунлигини ва ушбу манфаатларни амалга ошириш усулининг қонун билан расмийлаштирилишини таъминлайди.

Олди-сотди шартномасининг иштирокчилари ҳозирги иқтисодий ҳаёт ва иқтисодий муносабатлар учун муҳим бўлган иккита белгини ажратишади.

Биринчи белги – шартнома (иқтисодий ўзаро ҳамкорлик)нинг барча иштирокчилари азалдан эркин ҳисобланади, яъни ҳеч ким уларни у ёки бу битимларда иштирок этишга мажбурламайди. Улар мазкур битимларда ихтиёрий равишда иштирок этадилар ёки бошқа сўз билан айтганда – давлат мулкининг сотувчиси ушбу активлар юкидан халос бўлишни, харидор эса, аксинча, уларни ўзи учун қулай шартларда сотиб олишни хоҳлайди. Бунда тарафлар трансакцияда фойдаланиладиган ресурслар борасидаги иқтисодий

хуқуқлар ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ҳамда улардан кутилаётган натижалар ҳақида маълум даражада хабардор бўлади.

Иккинчи белги – шартноманинг барча иштирокчилари ўз манфаатларини кўзлайди. Бунда Д.Норт [64] томонидан киритилган “кўпайтирувчи хатти-харакат” тушунчасини қўллаш ўринли. Бу ерда гап шу ҳақида бораяптики, агар шартнома иштирокчилари ўз манфаатларини кўзласа, улар бунга эришганда энг кўп фойда олиш учун бор кучини ишга солади. Фойдани кўпайтирувчи индивидлар ҳамма вақт битим шартларидан ўз манфаатларига жавоб берадиган доирада бўйин товлашга (яъни кичик ҳажмдаги ва паст сифатли хизматлар кўрсатишга ёки уни бажаришдан умуман бош тортишга) интилади.

Шу тариқа, ушбу ҳолда трансакция деб икки ёки ундан кўп тараф ўртасида қимматга эга нарсалар билан айирбошлашга айтилади [55]. Ўз навбатида, айирбошлаш – олди-сотди шартномасининг ҳар бир тарафига зарур бўлган давлат активини олиш усулларида бири ҳисобланади. Яъни бир тараф томонидан бошқа тарафга таклиф этиладиган қандайдир нарсага айирбошлаган ҳолда мўлжалдаги давлат активининг қўлга киритилиши ҳаракати мавжуд – бу кейинчалик бундан келиб чиқадиган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши.

Ф.Котлернинг фикрига кўра[54], айирбошлаш содир бўлиши учун бешта шартга амал қилиш даркор. Уларни давлат активининг хусусийлаштирилиши нуқтаи назаридан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1) айирбошлашнинг камида иккита тарафи мавжудлиги. Давлат мулкани хусусийлаштириш чоғида айирбошлашда баъзан учта тараф иштирок этади. Масалан, паст ликвидли, норентабел ва зарар келтираётган активларни сотишда. Бу жойлардаги бошқарув органлари (ҳокимликлар), Давлат рақобат қўмитаси бошқармаси ва харидор-инвестор.

2) ҳар бир тарафда бошқа тараф учун қийматга эга бўлган актив бўлиши керак. Давлат рақобат қўмитаси, ҳокимликларда сотилиши лозим бўлган давлат активлари қийматга эга. Давлат активларининг харидори – инвестор учун ўз пул маблағларини, ўз зиммасига олинган инвестиция мажбуриятларини бажаришга қўйиш орқали ўзига энг юқори фойдани таъминлашга интилиш жозибали ҳисобланади.

3) ҳар бир тараф ҳамкорлик қилишга ва товарни етказиб беришга тайёр. Ушбу ҳолатда, иккала тараф (сотувчи ва харидор) ҳам якуний мақсад – давлат мулкани сотиш ва ундан янги мулкдор томонидан самарали фойдаланилиши учун ўз олдига қўйилган барча вазифаларни ҳал этишга тайёр.

4) ҳар бир тараф айирбошлаш тўғрисидаги таклифни қабул қилиш ёки рад этишга ҳақли. Давлат рақобат қўмитаси ёки ҳокимликнинг давлат активининг инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда сотиб олиниши тўғрисидаги таклифини кўриб чиқишда дастлаб ушбу актив сотиладиган шартларнинг қулайлиги, хусусан, бажарилиши лозим бўлган инвестиция мажбуриятларининг суммаси кўриб чиқилади. Шунингдек, харидор-инвестор давлат активи сотувчисининг давлат активи бўлган

объектнинг келгусида фаолият соҳасини сақлаб қолиш борасидаги таклифини қабул қилмаслиги ва уни рад этиши мумкин.

5) ҳар бир тараф ҳамкорлик тўғрисидаги таклифни жоиз ёки фойдали деб ҳисоблайди. Агар ушбу шарт таъминланмаса, у ҳолда умуман тарафлар ҳамкорликка киришишидан ҳеч қандай манфаат бўлмайди.

Бироқ иш борасидаги ҳамкорлик фақат тарафлар айирбошланишнинг асосий масалалари бўйича келишувга эришганда, яъни улар айирбошлаш шартлари ҳақида музокаралар ўтказганидан кейин йўлга қўйилади. Трансакция харажатларини талаб этадиган ҳар қандай музокара жараёнининг асосий тавсифлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир ўз манфаатлари, мақсадлари ва истакларига эга бўлган камида иккита тарафнинг мавжудлиги. Давлат активи сотувчисининг манфаатлари хусусийлаштириш жараёни орқали активдан самарали фойдаланишни таъминлаш, ушбу актив бўйича инвестор томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятларини қабул қилиб олиш ва бундан кейин ундан янги мулкдорнинг фойдаланишидан иборат. Инвестиция мажбуриятлари бажарилиб, янги ишлаб чиқариш ишга туширилганида ва олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганидан кейин хусусий тадбиркорлик субъекти активдан бундан кейин ҳам фойдаланиши ёки энди ўз мулкига айланган қорхонани сотиши мумкин.

- тарафлар ўртасида фарқлар бўлиши мумкинлигига қарамай фаолиятнинг биргаликда олиб борилиши. Албатта, музокара ва шартнома жараёнларининг ушбу иккита таркибий қисмини четлаб ўтиб бўлмайди. Музокара жараёнини амалга оширишда, инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда давлат активи олди-сотди шартномасининг тарафларини муҳокама қилишда улар ўртасида турли хилдаги фарқлар бўлиши мумкин. Бу давлат активлари олди-сотди шартномаларида келишиладиган инвестиция мажбуриятларини амалга ошириш муддатларига тааллуқли бўлиши мумкин. Бу ерда давлат активлари сотувчисининг истаги ва улар харидорининг моддий ва бошқа имкониятлари мос келмаслиги мумкин.

Таъкидлаш лозимки, давлат активи сотувчиси билан имкониятли харидор ўртасидаги музокара жараёнининг ягона ва шу билан бирга ўз вазифаларига кўра турлича хусусияти бир неча босқичдан иборат. Бу музокараларга тайёргарлик кўриш, уларни олиб бориш, музокаралар натижаларини таҳлил қилиш; эришилган битимларни бажариш. Давлат активини инвестиция мажбуриятларининг қабул қилиниши шarti билан сотиш вариантларини муҳокама қилишда айирбошлаш ва музокара жараёнининг юқорида санаб ўтилган тавсифларидан келиб чиқиб, сотувчи билан инвестор-харидор ўртасидаги музокараларни тарафлар ўртасида айирбошланиш амалга оширишдаги зарур бўғин дейиш мумкин.

Айирбошланишнинг ҳақиқатдан ҳам бўлиш-бўлмаслиги иккала тараф унинг шартларига қанчалик рози бўлишига боғлиқ. Битим контрагентларнинг аҳволини яхшилаши ёки, ҳеч бўлмаганда, ёмонлаштирмаслиги лозим. Баъзан

айирбошлаш махсулот ва бошқа неъматларни яратиш жараёни сифатида қабул қилинади, чунки унда одатда иккала тараф ҳам ютади.

Инвестор-харидорни жалб қилишда давлат активига бўлган мулк ҳуқуқларини айирбошлашни бир марталик ҳаракат эмас, балки жараён сифатида қабул қилиш лозим. Айирбошлашда унинг шартлари ҳақида музокаралар олиб борувчи иккита тараф (давлат активи сотувчиси ва харидор) иштирок этади. Агар улар келишувга эришса, битим тузилади, трансакцияни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди, дейиш мумкин.

Трансакцияни товарнинг қийматини намоён этувчи камида учта ўлчамда кўриб чиқиш мумкин: битим шартлари, келишув вақти ва жойи. Одатда юридик тизим тарафларни айирбошлаш тўғрисида шартнома тузишга ундайди. Шартномавий ҳуқуқ мавжуд булмаган ҳолларда битим тузувчи тарафлар шубҳа ва ўзоро ишонмаслик ҳолатига тушиб қолади, бу иккала тараф учун ҳам йўқотишларга олиб келиши мумкин [62]. Давлат активига бўлган мулк ҳуқуқларини унинг сотувчисидан харидор-инвесторга ўтказиш жараёнида эса шартноманинг мавжуд эмаслиги кўриб чиқилмайди, чунки айирбошлаш махсулотининг ўзига хос жиҳати туфайли шартнома тузилиши мумкин эмас.

Музокаралар олиб бориш харажатлари мулк ҳуқуқларининг ресурслардан муқобил фойдаланиш имконини берувчи ҳуқуқларга қайта тақсимланиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, Ф.Котлер томонидан санаб ўтилган айирбошлаш шартларига қайтиб, шундай хулосага келиш мумкинки, агар иқтисодий ҳаракат сифатида музокара жараёнида ҳар бир тарафда бошқа тараф учун аҳамиятли бўлган нимадир бўлиши керак бўлса, у ҳолда (1) товарнинг истеъмол ва ишлаб чиқариш хусусиятлари, (2) товарга ҳамроҳлик қилувчи ҳуқуқлар ва чекловлар ана шундай аҳамиятга эга. Музокараларда аксарият ҳолатларда асосий баҳс-мунозара “фойдали ҳуқуқлар тўплами – фойдасиз ҳуқуқлар тўплами” йўналиши бўйича бориши эҳтимол тутилади.

Г.Беккернинг фикрига кўра [37], мулк ҳуқуқини ташкил этиши мумкин бўлган боғланишда қуйидаги бешта қисм иштирок этиши шарт. Уларни давлат активларига нисбатан кўриб чиқамиз: эгалик қилиш, яъни активлар устидан мутлақ назорат қилиш ҳуқуқи; фойдаланиш, яъни активдан шахсан фойдаланиш ҳуқуқи; бошқариш, яъни актив ким томонидан ва қандай қилиб фойдаланилишини ҳал қилиш ҳуқуқи; даромад олиш ҳуқуқи, яъни активдан бундан аввалги шахсан фойдаланишдан ёки бошқа шахсларга ундан (ижара ҳуқуқи асосида) фойдаланишга рухсат этишдан келиб чиқадиган неъматларга бўлган ҳуқуқ; объектни бошқа шахсларга ўтказиш, истеъмол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи унинг «капитал қиймати»га бўлган ҳуқуқ.

Айнан мулк ҳуқуқлари иқтисодий агентлар томонидан оқилона қарорлар қабул қилиниши учун асос бўлади. Улар айнан ким активни тасарруф этиш юзасидан қарорлар қабул қилиши мумкинлигини белгилаб беради; агентлар ўртасида активларни бошқа шахсларга ўтказиш йўналишини ва қарорлар қабул қилишнинг талаб этиладиган вақтини белгилайди. Активлар бўйича барча

ушбу шартлар аксарият ҳолатларда иқтисодий агентлар ўртасидаги музокара жараёнида муҳокама қилинади.

Музокаралар трансакцияга киришаётган тарафларнинг манфаатлари қисман мос келиши туфайли ўтказилади. Агар бундай мос келиш мавжуд бўлмаса, музокаралар бўлиши мумкин эмас, лекин агар манфаатлар тўлиқ мос келса, музокараларга асло ҳожат йўқ. Шундай қилиб, музокаралар ўтказиш учун келган, манфаатлари қисман мос келувчи иккита тарафнинг мақсади ўзаро фойдали битим тузиш учун қолган манфаатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Таъсир этиш харажатлари трансакция харажатларининг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Айнан улар маъмурий тўсиқлар юзага келишига сабаб бўлади, шунинг учун давлат томонидан тартибга солишнинг вазифаси маъмурий тўсиқларнинг таъсирини баҳолаш ва пасайтириш усулларини топишдан иборат бўлади. Жаҳон Банкнинг маълумотларига кўра, Европа Иттифоқида маъмурий тўсиқни бартараф этиш харажатларининг 25 фоизга камайтирилиши ЯИМнинг 1,7 фоизга ошишига олиб келди¹³.

Таъсир этиш харажатлари иқтисодий агентлар ва давлат самарали ўзаро ҳамкорлик қилиши учун улар томонидан зарур ахборотнинг олинishi харажатларини ўз ичига олади. Бунда таъсир этиш харажатлари доимий ва ўзгарувчан турларга бўлинади. Давлат томонидан тартибга солишнинг доимий трансакция харажатлари давлат томонидан назорат қилиш харажатларининг бир қисми ҳисобланиб, улар давлат бюджетининг бир қисмини ташкил қилади.

Давлат томонидан назорат қилиш учун ўзгарувчан трансакция харажатларини ахборотни қидириб топиш ва уни иқтисодий агентларга етказиш, олинган маълумотлар асосида қарор қабул қилиш, шартномалар тузиш ва уларни текшириш учун сарфланган вақтни ҳисоблаб чиқиб, ҳисобга олиш мумкин. Иқтисодий агентлар трансакция харажатлари етарлича хабардор бўлмаслик харажатлари, нуфузни ҳосил қилиш ёки йўқотиш харажатларини ўз ичига олади. Етарлича хабардор бўлмаслик харажатларининг миқдори мажбуриятлар бажарилгунга қадар ва улар бажарилганидан кейинги вазиятни ҳисобга олиш ёрдамида аниқланиши мумкин, лекин бундай услубнинг камчилиги унинг субъектив хусусиятга эгалigidан иборат.

Иқтисодий агентлар учун шартномаларни тузиш, текшириш, янгилаш харажатлари ва музокаралар олиб бориш харажатлари давлат томонидан назорат қилиш учун ўзгарувчан трансакция харажатларини ҳисоблаш каби ҳисоблаб чиқилади. Бозорни самарали назорат қилиш учун давлатга иқтисодий агентлар ҳаракатларига доир ахборот зарур бўлади. Ўз навбатида, барча нормалар ва қоидаларнинг бажарилиши (маъмурий тўсиқлар) иқтисодий агентлар харажатларини келтириб чиқаради (уларни фақат ўзи учун фойдали қарорларнинг қабул қилинишидан чеклайди). Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, давлат томонидан тартибга солишнинг тўлиқ бекор қилиниши вазиятнинг мураккаблашуви эҳтимолини оширади. Шунинг учун нормалар ва қоидаларни

¹³ Взаимосвязь трансакционных издержек и деловой среды организации // Евразийский международный научно-аналитический журнал «Проблемы современной экономики». 2008. №4 (28)

бажариш харажатларини ҳисобга олиш билан янада кенгроқ давлат томонидан тартибга солиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш иқтисодиётга умумий ижобий таъсирни ошириш воситаси сифатида маъмурий тўсиқларни камайтириш борасидаги ҳар қандай сиёсатни чекловчи шартлардан бири бўлиши керак. Қуйидагилар трансакция харажатларини давлат томонидан тартибга солишнинг эҳтимол тутилган натижалари бўлиши мумкин:

1. давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита таъсири иқтисодий агентлар ва давлат умумий харажатларининг камайишига олиб келади.

2. давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита таъсири самарали рақобат муҳитининг шаклланишини ва ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайди.

Давлат активи олди-сотди шартномаси бўйича инвестиция мажбуриятлари кўринишидаги ҳисса ҳисобланган инвесторнинг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича трансакция харажатларини ҳисобга олишга нисбатан айрим ёндашувлар мавжуд.

Инвесторнинг инвестиция киритиш мажбурияти лойиҳаси бўйича харажатларни тизимга солиш ва баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотлар анча мураккаб ҳисобланади. Бу нафақат маълумотларнинг катта ҳажми ва уларнинг эҳтимол тутилиш хусусияти билан, балки харажатларни таҳлил қилиш назарияси ва амалиётининг доимий равишда такомиллаштирилиши: янги ҳисобга олиш усуллариининг пайдо бўлиши, харажатлар тури ва таркибига аниқлик киритилиши билан ҳам боғлиқ.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида ўз трансакция харажатларига эга бўлиб, лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг таҳлилида ўз аксини топиши лозим бўлган учта босқични ажратиш мумкин:

1) инвестициялашдан олдинги босқич, унда имкониятли инвесторлар тўғрисидаги ахборотни қидириш; қўйилмалар имкониятлари ҳақидаги ахборотнинг ҳажми ва тўғрилиги ҳамда муқобил қўйилмалар қийматини баҳолаш; тегишли шартномаларни тайёрлаш; молиявий бозорлар ишини тартибга солувчи институтлар билан боғлиқ харажатлар юзага келади;

2) дастлабки инвестицияларни киритиш босқичи, унда трансакция харажатлари, масалан, маълумотларни тўплаш ва муайян лойиҳага киритилган инвестициялар ҳақидаги ахборотни баҳолаш, мулкни бўлиш ва инвестициялаш объектида назоратни амалга ошириш зарурати, муайян тармоқда инвестиция фаолиятини тартибга солувчи институтлар туфайли юзага келади;

3) лойиҳани амалга ошириш босқичи, унинг харажатлари тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи институтлар, лойиҳа доирасида амалга ошириладиган, масалан, лойиҳалар маҳсулотининг ўзига хослиги билан боғлиқ турли трансакциялар туфайли келиб чиқиши мумкин.

Ҳар бир муайян лойиҳа учун, албатта, ўз трансакция харажатлари «тўплами» мавжуд бўлиб, у лойиҳанинг «базавий» ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланади. Шу билан бирга барча лойиҳаларга хос бўлган трансакция хилидаги харажатлар ҳам мавжуд.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган алоҳида трансакция харажатлари турлари б.1-жадвалда келтирилган.

Трансакция харажатларини миқдорий ўлчаш масалалари бугунги кунда жиддий муаммо ҳисобланади. Айти пайтда трансакция харажатларини таҳлил қилмасдан туриб лойиҳанинг амалга оширилишини экспертизадан ўтказиш тўлиқ бўлмайди. Инновацион (инвестициявий) лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш доирасида ушбу вазифа қисман ҳал этилиши мумкин: биринчидан, шартномалар тузишнинг турли усулларида трансакция харажатларини таққослаш йўли билан; иккинчидан, бундай харажатларни тўғридан-тўғри миқдорий баҳолаш йўли билан; учинчидан, эҳтимолий хусусиятга эга бўлган харажатларнинг бир қисмини лойиҳалар таваккалчиликларига киритиш йўли билан [47].

6.1-жадвал

Инвестиция лойиҳалари трансакция харажатлари турлари

Инвестициялашдан олдинги босқич	Дастлабки инвестицияларни киритиш босқичи	Лойиҳани амалга ошириш босқичи
Имкониятли инвесторлар тўғрисидаги ахборотни кидириш харажатлари	Маълумотларни тўплаш ва муайян лойиҳага киритилган инвестициялар ҳақидаги ахборотни баҳолаш харажатлари	Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган ички трансакциялар харажатлари
Қўйилмалар имкониятлари ва уларнинг қиймати ҳақидаги ахборотни баҳолаш билан боғлиқ харажатлар	Мулкни бўлиш ва инвестициялаш объектида назоратни ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар	Товарлар ва хизматларни мажбурий сертификатлаш харажатлари
Инвестициялаш объекти сифатида ИТТКИни баҳолашга йўналтирилган харажатлар	Лойиҳа бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш харажатлари	Интеллектуал фаолият натижаси учун мулк ҳуқуқларини ўрнатиш харажатлари
Олинадиган ахборотнинг тўлиқсизлиги ва номукамаллиги билан боғлиқ йўқотишлар	Битимларни суғурталаш харажатлари	Интеллектуал мулкни химоялаш харажатлари
Музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш харажатлари	Фаолиятни лицензиялаш харажатлари	Келишувларни самарасиз химоялашдан йўқотишлар Қарорларни назорат қилувчи ташкилотлар билан келишиш

Манба: муаллифлар таҳлили асосида тузилган.

Албатта, яққол хусусиятга эга бўлган ва бухгалтерия ҳужжатларида акс эттириладиган айрим трансакция харажатлари лойиҳа бўйича харажатларнинг стандарт таҳлилига киритилади (хусусан, лицензиялар, суғурталаш, сертификатлаш, юридик таъминлаш харажатлари). Шу билан бирга трансакция харажатларининг асосий улуши экспертизадан ўтказиш учун қабул қилинган ёндашувлар доирасида ҳисобга олинмаслиги ва таҳлил доирасидан ташқарида қолиши мумкин.

Иқтисодиётдаги реал ҳолатни ҳисобга олган ҳолда харажатлар ушбу қисмининг миқдори жуда катта бўлиши мумкин. Бундай харажатлар жумласига, масалан, текширувчи органлар фаолияти, қарорларни назорат қилувчи ташкилотлар билан келишиш билан боғлиқ харажатлар, мулкни ва келишувларни ҳимоялаш ва ҳ.к. харажатларни киритиш мумкин. Лойиҳа бўйича харажатларни ҳисоблашда ушбу харажатларни ҳисобга олмаслик натижаларга жиддий тарзда путур етказиши мумкин.

Баҳолаш жараёнида реал харажатларнинг камайтирилишига йўл қўйилган лойиҳаларни амалга оширишда кўпинча уларни амалга ошириш учун зарур бўлган *молиявий* маблағларнинг етишмаслиги юзага келади, бу режалаштирилган ҳажмлардан фарқлар катта бўлган ҳолларда лойиҳани амалга ошириш учун жиддий хавф-хатар бўлиши мумкин. Лойиҳа бўйича харажатларни етарлича баҳоламаслик лойиҳанинг соф дисконтланган пул маблағлари оқими, лойиҳанинг ўз харажатларини қоплаш муддати каби самарадорлик кўрсаткичларини ноқонуний оширади.

Юқорида таъкидланганидек, эҳтимолий хусусиятга эга бўлган трансакция харажатларининг бир қисмини лойиҳавий таваккалчиликлар тоифасига киритиш йўли билан билвосита ҳисобга олиш лойиҳанинг самарадорлиги кўрсаткичларига тузитиш киритиш усуллари билан бирига айланиши мумкин. Мазкур ҳолатда лойиҳанинг якуний кўрсаткичлари, масалан, қўшимча коэффицентдан фойдаланган ҳолда ёки бундай қўшимча коэффицентни дисконт нормасига киритиш йўли билан қайта ҳисобланиши мумкин.

Эътироф этиш лозимки, ўлчанмайдиган харажатлар тоифасига кирувчи трансакция харажатларининг бир қисми барибир лойиҳа харажатларини таҳлил қилиш доирасидан ташқарида қолиши мумкин. Бироқ, айниқса трансакциялар қийматининг ошиши шароитида, шунингдек миллий иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда харажатларнинг ушбу турини инкор этиш ғайриқонуний бўлади.

Лойиҳаларни амалга оширишда анъанавий тарзда юқори даражадаги таваккалчиликларга дуч келинади, шунинг учун бундай лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш нафақат тўпланган тажриба доирасида тўғри бўлиши, балки назария ва амалиётнинг янги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда доимий равишда такомиллаштирилиши керак. Таваккалчилик даражаси юқори бўлган лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш методологик воситасини ишлаб чиқишда шуни ҳисобга олиш лозимки, ишга асос қилиб олинган тушунчалар талқини лойиҳани экспертизадан ўтказишнинг боришига ва мазмунига таъсир кўрсатади. Ўз навбатида экспертиза кўп жиҳатдан лойиҳанинг кейинги “тақдирини” белгилаб беради.

6.3. Иқтисодий агентларнинг эгоистик хатти-ҳаракатларидан ҳимояланишдаги трансакция харажатлари

«Эгоистик хатти-ҳаракат» тушунчасини биринчи бўлиб О.Уильямсон киритди: «Эгоизм деганда мен макр-ҳийла ишлатган ҳолда шахсий манфаатни

кўзлашни тушунаман. Бундай хатти-ҳаракат унинг ёлгон, ўғирлик ва товламачилик каби яққол шакллари ни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланиб қолмайди. Кўпинча эгоизм остида алдашнинг *ex ante* и *ex post* ҳолатларида намоён бўладиган энг нозик фаол ва пассив шакллари назарда тутилади» [71].

О.Уильямсон эгоистик хатти-ҳаракатнинг учта шаклини ажратиб (заиф, ярим кучли ва кучли), иқтисодий агент иккинчи агентга тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри ахборотни бериш йўли билан, яъни ахборотнинг ассиметриклигини қўллаган ҳолда олдига қўйилган мақсадга эришишини назарда тутган ҳолда эгоизмни кучли шаклга киритади. Ноаниқлик шароитида шахсий манфаатларни кўзлаш ярим кучли шакл ҳисобланади. «Итоат қилиш» заиф шакл ҳисобланиб, у индивидни жамият билан идентификациялаш ҳолатида ўрин тутиши мумкин.

О.Уильямсон томонидан таклиф этилган таснифдан ташқари, кўпинча эгоистик хатти-ҳаракатнинг иккита асосий шакли ажратилади: "маънавий таваккалчилик" ва "тамагирлик". "Маънавий таваккалчилик" шартномада бир тараф иккинчи тарафга ишонган, лекин унинг хатти-ҳаракати тўғрисида ҳақиқий ахборотни олиш эса катта харажатлар талаб қиладиган ёки бунинг умуман иложи бўлмаган ҳолларда юзага келади. Бундай хилдаги эгоистик хатти-ҳаракатнинг энг кенг тарқалган тури – агент шартномада ундан талаб қилинадиган муддатларни чўзган ҳолда давлат активи олди-сотди шартномаси бўйича инвестиция мажбуриятларини ижро этишда кам унум билан ишлайдиган "бўйин товлаш" ҳолати юзага келади.

Эгоистик хатти-ҳаракатнинг иккинчи шакли – "тамагирлик". Тамагирлик қилиш учун имкониятлар бир неча омиллар узоқ вақт мобайнида жипс кооперацияда ишлайдиган ва ҳар бири "жамоа"нинг қолган аъзолари учун алмаштириб бўлмайдиган аъзога айланадиган даражада бир-бири билан (тортишиш) ҳолатларида пайдо бўлади. Бу шуни англатадики, агар қандайдир ресурс эгаси "жамоа"ни тарк этишга қарор қилса, кооперациянинг қолган иштирокчилари бозорда унинг ўрнини босадиган бошқа омил топа олмайди ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишларга дуч келади. Шунинг учун (иштирокчиларнинг ушбу гуруҳига нисбатан) ноёб ресурслар эгаларида "жамоадан" чиқиш таҳдиди шаклида "товламачилик қилиш" учун имконият пайдо бўлади" [52].

Микродаражада (алоҳида ташкилот даражасида) эгоизм, фаолият самарадорлиги иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларининг пасайишига олиб: бу ходимлар томонидан ўзларининг бевосита мажбуриятларини бажариш жараёнида улар иш унумининг пасайиши, ташкилот маданиятини қабул қилмаслик, жамоада микромуҳитнинг ёмонлашуви, раҳбарият билан низолар ва ҳ.к. Бунда оқибатлар кўлами эгаллаб турган лавозимига қараб ўзгаради.

Макродаражада (давлат даражасида) эгоист хатти-ҳаракат қуйидаги шакллarga эга бўлади: коррупция, амалдорлар томонидан хизмат мавқеининг суиистеъмол қилиниши, лавозим жинойтлари. Ушбу ҳолатда етказиладиган зарарни юқоридаги ҳолат билан таққослаб бўлмайди, чунки оқибатлар нафақат алоҳида ташкилотнинг фаолиятига, балки жамият мавжуд бўлишининг алоҳида

жиҳатларига ва умуман ижтимоий-иқтисодий жараёнларга даҳлдор ҳолда бутун жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Бу ҳол жамият бошқа гуруҳларининг ёки бутун давлатнинг манфаатларига зид равишда аҳоли алоҳида гуруҳлари манфаатларини кўзлаб иш кўришда намоён бўлади ва мулк ҳуқуқларининг адолатсиз тарзда қайта тақсимланишига олиб келади, бу, ўз навбатида, ресурслар барча турларининг самарасиз тақсимланишини ва трансакция харажатларининг ўсишини келтириб чиқаради.

Эгоистик хатти-ҳаракатни бошқариш илмий жиҳатдан асосланган усуллар ва тамойилларга асосланиши керак бўлиб, улар ичида маъмурий ва ижтимоий-руҳий усуллар устунлик қилади. Ж.Лафта трансакция харажатларини камайтиришнинг қуйидаги стратегияларини таклиф қилади [57]: (1) бозор трансакциялари бўйича имкониятли шерикларни ўрганиш; (2) бозор трансакциялари бўйича имкониятли шериклар ҳақидаги ахборот манбаи сифатида реклама компанияси; (3) трансакция харажатларининг ҳуқуқий жиҳатлари.

Таклиф этилган стратегиялардан дастлабки иккитасининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, юқори даражадаги хабардорлик иқтисодий агентнинг келгусидаги ҳаракатларида ишончлиликини таъминлайди, бу эгоистик хатти-ҳаракат пайдо бўлишини чеклайди. Учинчи стратегиянинг моҳияти шартнома бўйича мажбуриятлар керакли тарзда бажарилишининг институционал асосларини таъминлашдан иборат. Ушбу стратегиялар оппортунистик хатти-ҳаракатни бошқариш стратегиясининг трансакция харажатларини камайтиришнинг энг истиқболли йўналишлари ҳақида хулосага келиш имконини беради. Шу ўринда, корхона учун трансакция харажатларини камайтиришнинг энг муҳим жиҳатлари эгоистик хатти-ҳаракатни бошқариш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳуқуқий усуллар шартномада юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун санкциялар кўринишидаги жазони назарда тутаяди. Амалиётда бу бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан суд даъволари шаклига эга бўлади. Бунда камчилик шундан иборатки, агар трансакция турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юза бераётган бўлса, фақат ташқи агентга нисбатан даъво қилиш мумкин. Мазкур ҳолатда эгоистик хатти-ҳаракат оқибатларини камайтириш учун шартномани тузишда иштирок этувчи тарафлар унинг мазмунини пухта ишлаб чиқиши, воқеалар ривожининг барча салбий вариантларини имкон қадар назарда тутиши лозим. Юқорида санаб ўтилган бошқарув усуллари пенялар ёки жарималар кўринишида қўлланиши мумкин. Эгоистик хатти-ҳаракат яширинча хусусиятга эга бўлган “бўйин товлаш” ёки “тамагирлик” ҳолатида янада мураккаб вазият юзага келади. Муаммо шундан иборатки, ҳар қандай индивид ўзи ишлаётган ташкилотнинг мақсадларига мос келмайдиган ўзининг шахсий мақсадлари ва манфаатларига эга бўлиши мумкин.

Бундан келиб чиқадики, иқтисодий агентлар ўзаро ҳамкорлигининг энг аввалидаёқ эгоистик хатти-ҳаракатнинг олдини олиш лозим. Масалан, ёллаш шартномасини тузишда ишнинг сифатини баҳолашда қўллаш мумкин бўлган

барча усулларни имкон қадар аниқ белгилаш ва шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда қўлланиши мумкин бўлган барча санкцияларга таъриф бериш зарур. Ушбу қоидани амалга ошириш учун иқтисодий агент бажариши лозим бўлган функцияни имкон қадар таснифлаш даркор.

Энг мураккаб вазият эгоистик хатти-ҳаракат ҳар бир иштирокчининг функциялари таснифланмаган гуруҳлар ичида пайдо бўлганида юзага келади. Бу шунга олиб келадик, ҳар бир иштирокчининг умумий натижага қўшган ҳиссасини баҳолаш ўта мушкул бўлиб, ўз навбатида эгоистик хатти-ҳаракатни аниқлаш ва унинг олдини олиш муаммога айланади. Ушбу муаммони ҳал этиш учун маънавий тамойиллар энг қўл келади.

Албатта, бундай тамойилларни шакллантириш – узоқ давом этадиган жараён, лекин унинг самарадорлиги ҳуқуқий усулларни қўллашга қараганда анча юқори. Аслида, маънавий тамойилларни тарбиялаш эгоистик хатти-ҳаракатнинг олдини олишга қаратилган, ҳуқуқий усулларни қўллаш эса эгоизмнинг юзага келиши оқибатида бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ.

Ташкилотда маънавий тамойилларни шакллантириш иқтисодий агентларни муайян мақсадларга эришиш жараёнига жалб этишни назарда тутади, улардан ҳар бирининг ташкилотни бошқаришда иштирок этиши – чет эл корпорацияларида кенг қўлланиладиган усулнинг моҳиятини ташкил қилади ва у акцияларнинг ходимлар ўртасида тарқатилишидан иборат. Бу ҳол ходимларда бутун ташкилотнинг ривожланиши улар фаолиятига боғлиқлигини ҳис этишни шакллантиради, бу улар даромадларининг акциялар бўйича табақаланишида ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, эгоистик хатти-ҳаракат трансакция харажатларининг индивиднинг юзага келган маънавий-ахлоқий нормалар тизимига зид келувчи фаолияти билан тавсифланувчи тури ҳисобланади. Бундай хатти-ҳаракат унинг ёлғон, ўғирлик ва товламачилик каби яққол шакллари ўз ичига олади. Эгоистик хатти-ҳаракат пайдо бўлишининг оқибатлари, бир томондан, ташкилот фаолияти самарадорлигининг пасайишига, иккинчи томондан, давлат даражасида ресурслардан самарасиз фойдаланилишига олиб келади.

Трансакция харажатлари даражасини пасайтиришнинг асоси эгоистик хатти-ҳаракатнинг олдини олиш ва унинг пайдо бўлиши оқибатларини камайтириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Эгоистик хатти-ҳаракатни бошқариш усуллари психология, юриспруденция ва иқтисодиёт соҳаларининг туташувида қўлланилади. Фақат иқтисодиёт соҳасида трансакция харажатларини пасайтириш йўллари кидириш истиқболсиз ҳисобланади.

Эгоистик хатти-ҳаракатлардан суғурталаш ва унинг иқтисодий агентлар фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсирини камайтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– турли иқтисодий агентлар ўртасида эгоистик хатти-ҳаракатлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатда воқеалар ривожининг салбий вариантларини назарда тутиш учун шартноманинг мазмунини пухта ишлаб чиқиш зарур;

– эгоистик хатти-ҳаракатлари ташкилот ичида юзага келган тақдирда ёллаш шартномасини тузишда ходимлар мажбуриятлари ва жавобгарлигини таснифлаш бўйича ёндашувлар самарали ҳисобланади;

– хатти-ҳаракат маданиятини шакллантириш орқали ўз мажбуриятларини керакли тарзда бажариш зарурлиги маънавий тамойилларини яратиш зарур.

6.4 Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнидаги трансформация харажатларининг таҳлили

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган ҳар бир мамлакатда хусусийлаштириш сиёсатининг миллий шарт-шароитлар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бироқ барча ҳолатларда давлат активларининг хусусий секторга ўтиши бозор иқтисодиёти томон ҳаракатланиш нуқтаи назаридан тизимни ҳосил қилувчи хусусиятга эга. Ўзбекистонда ушбу жараён тез бошланмади. Ундан аввал Ўзбекистонда методологик ва ҳуқуқий жиҳатдан бир қатор тайёргарлик чора-тадбирлари амалга оширилди [75]. Аммо, хусусийлаштириш дастурларининг ниҳоясига етказилиши билан иқтисодиётда мулкни ислоҳ қилиш ўз ниҳоясига етмайди. Балки фақатгина "бирламчи" хусусийлаштиришдан кейин мулк ҳуқуқларининг ҳақиқий самарали тизими шаклланиши, яъни мулкни самарали мулкдорга ўтиш жараёни бошланади.

Ўз ўзидан мулкни ҳар қандай хўжалик тизимининг асоси сифатида тушуниш (ҳатто энг мавҳум кўринишда ва унинг ҳар қандай талқин этилишларида ҳам) (1) бир хўжалик тизимидан иккинчисига ўтишни амалга оширишда мулк соҳаси билан боғлиқ ўзгаришларнинг тизимли хусусиятини ҳамда (2) иқтисодий ислоҳотларнинг тизимли хусусиятини белгилаб беради.

Умуман олганда, иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар соҳасидаги ривожланишни баҳолаш учун, одатда, хусусийлаштириш (катта ва кичик), қонунчилик (қонунлар, ҳуқуқий институтлар, уларнинг тўлиқлиги ва қўллаш самарадорлиги), молиявий тизимнинг (молиявий воситачиларнинг) аҳволи ва ҳукуматнинг роли кўриб чиқилади. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида мулк таркибидаги ўзгаришлар анъанавий тарзда институционал ўзгаришлар асосини ташкил қилади. Мулк муносабатларини ислоҳ қилишнинг қонунчилик асосларини ва тизимни ҳосил қилувчи давлат органларининг барпо этиш ва фаолият юритиши давлат бюджетидан катта сарф-харажатларни талаб қилади.

Ўзбекистонда ислоҳотлар бошланишиданок ижтимоий йўналтирилган бозор модели танланганлигини маълум қилинди ва уларни босқичма-босқич олиб бориш амалга оширилди. Стратегик танлов умумий ислоҳотлар жараёнида хусусийлаштиришнинг ўрнини, унинг мақсадини, усулларини ва бошқа ислоҳотлар билан ўзаро боғлиқлигини белгилаб берди. Иқтисодиётнинг бир қатор асосий тармоқларига қарашли корхоналарни хусусийлаштиришни Ўзбекистонда амалга оширилаётган институционал ўзгаришларнинг асосий

йўналишларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

6.2-жадвалда Ўзбекистон Республикасида давлат мулкни хусусийлаштириш босқичларининг амалга оширилиши жараёнида нодавлат корхоналарнинг ташкил этилиши динамикаси кўрсатилган. Хусусийлаштириш республиканинг ўтиш иқтисодиётида мулк муносабатларининг ўзгаришини таҳлил қилиш учун мантиқий бошланғич нуқта бўлди ва ҳозир ҳам ана шундай. Айнан хусусийлаштириш Ўзбекистонда корпоратив секторнинг пайдо бўлишига (корпоратив назорат ва бошқарув миллий моделининг ривожланишига) имконият яратганлиги ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига дастлабки турткини берганлиги ушбу методологик ёндашувнинг тўғри эканлигига яққол далил бўлади.

Трансформация харажатларини таҳлил қилишда хусусийлаштириш жараёнини кенг маънода, яъни нафақат активларни давлат секторидан хусусий секторга сотиш (ўтказиш)нинг техник тартиботлари сифатида, балки хусусий мулкнинг вужудга келиши ҳамда бозор муҳитини янада такомиллаштириш учун институционал асослар яратилишининг фундаментал жараёни сифатида ҳам кўриб чиқиш лозим.

6.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида давлат мулкни хусусийлаштириш босқичларининг амалга оширилиши жараёнида нодавлат корхоналарнинг ташкил этилиши динамикаси (бирлик)

Йиллар	Хусусийлаштирилган мулклар сони, жами	Хусусийлаштирилган мулк негизда ташкил этилган нодавлат корхоналар	шундан					
			ташкил этилди				Тўлиқ хусусий мулкка сотилган корхоналар сони	
			акциядорлик жамиятлари		масъулияти чекланган жамиятлар			
			сони	%	сони	%	сони	%
1992-1993	53902	28846	-	-	-	-	-	-
1994	9744	9744	2898	29,7	1954	20,1	4892	50,2
1995	8537	8537	1026	12,0	1475	17,3	6036	70,7
1996	1915	1915	1257	65,6	238	12,4	420	21,9
1997	1231	899	456	50,7	183	20,4	260	28,9
1998	451	266	110	41,4	53	19,9	103	38,7
1999	448	373	141	37,8	76	20,4	156	41,8
2000	374	372	152	40,9	117	31,5	103	27,7
2001	1449	1238	227	18,3	184	14,9	827	66,8
2002	1912	1800	223	12,4	325	18,1	1252	69,6
2003	1519	1452	75	5,2	269	18,5	1108	76,3
2004	1841	1228	28	2,3	162	13,2	1038	84,5
2005	980	980	3	0,3	75	7,7	902	92,0
2006	673	673	19	2,8	55	8,2	599	89,0
2007	631	631	0	0	38	6,0	593	94,0
2008	392	392	0	0	12	3,1	380	96,9

2009	135	135	0	0	0	0	135	100
2010	96	96	0	0	0	0	96	100
2011	101	101	0	0	0	0	101	100
2012	87	87	0	0	0	0	87	100
2013	175	175	0	0	0	0	175	100
2014	288	288	0	x	0	0	288	x
Жами	86881	60228	6615	X	52016	x	19551	x

Манба: ЎзР Давлат рақобат қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

Хусусийлаштириш дастурлари хусусийлаштириш ва корхоналарни қайта таркибланиш жараёнининг боришига ва натижаларига таъсир кўрсатган асосий институционал-ҳуқуқий нормаларни ислоҳ қилишни ҳам ўз ичига олди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини тартибга солувчи фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва хўжалик жамиятларининг фаолиятини (хусусан, уларнинг корпоратив тузилмасини тартибга) солувчи қонунлар қабул қилинди. Асосий (товарлар, меҳнат, капитал) бозорлар фаолиятини тартибга солувчи институтлар ташкил этилди, солиқ ислоҳоти амалга оширилиб, давлат корхоналарини бошқариш ҳам ислоҳ қилинди.

Юқорида биз ислоҳ қилиш (хусусийлаштириш)нинг катта ҳажмдаги трансформация харажатларини келтириб чиқарувчи учта босқичи ҳақида тўхталдик: 1) ресурснинг янги институтларни ташкил этиш учун инвестиция киритишнинг анъанавий соҳаларидан чалғитилиши; 2) ташкил қилишни издан чиқиши; 3) қайта тақсимлаш жараёнларини тезлашуви. Кейинги иккита жараённи амалда ҳисоблаб чиқишнинг иложи йўқлиги туфайли биз хусусийлаштиришнинг институционал шаклланиш босқичидаги трансформация харажатларини кўриб чиқиш мумкин.

Бевосита хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ трансформация харажатларини тўғридан-тўғри (ҳужжатларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва жойлаштириш, ходимларни қайта ўқитиш ва ҳ.к. харажатлар), ва билвосита (хусусийлаштириш жараёнини бошқариш аппаратини сақлаб туриш харажатлари) турларга бўлиш мумкин.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш даври мобайнида давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасида зарур норматив-ҳуқуқий база шаклланди ва доимо такомиллаштириб борилди. Давлат мулкани хусусийлаштириш ва бошқариш, қимматли қоғозлар бозори, биржа ва баҳолаш фаолияти соҳасидаги давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси 2012 йилнинг охирига келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги 322-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига (Давлат рақобат қўмитасига) айлантирилди. Мазкур қарорга мувофиқ қўмита Марказий аппарати ходимларининг умумий сони 118 нафарни ташкил қилади. Қўмитанинг ташкилий таркибига ҳудудий бошқармалар, Давлат активларини бошқариш маркази, «Тошкент»

Республика фонд биржаси, «Республика мулк маркази» ЁАЖ, Марказий депозитарий, Хусусийлаштириш, рақобатни ривожлантириш ва корпоратив бошқариш муаммолари тадқиқотлари маркази, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, «Бизнес-Daily Медиа» нашириёт уйи киради. Умуман олганда, 14 та ҳудудий бошқарма бўйича бошқарув ходимларининг сони 456 нафар кишини ташкил қилади.

Трансформация харажатларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг функциялари орқали кўриб чиқиб харажатларнинг қўйидаги турларини ажратиш мумкин:

давлат активларини сотиш бўйича тендерлар ўтказиш харажатлари;

хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларини чиқариш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, бошқа давлат активларини сотиш билан боғлиқ харажатлар;

хорижий ҳамда мамлакатимиз баҳолаш, илмий-тадқиқот, аудиторлик, молиявий, консалтинг ва бошқа компаниялари, мустақил экспертларнинг амалий тадқиқотларни бажариш, экспертизалар ўтказиш, норматив-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, давлат активларини сотиш олдидан тайёргарлик ишларини ўтказиш хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари;

юрidik шахсларнинг акцияларини (улушларини, пайларини), шунингдек, бошқа активларни давлат манфаатлари йўлида харид қилиш билан боғлиқ харажатлар;

давлат активларини бошқариш хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари.

Хусусийлаштириш битимини амалга ошириш жараёнида ўз трансформация харажатларига эга бўлган ва битимни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни таҳлил қилишда ўз аксини топадиган учта асосий босқични ажратиш мумкин (6.2-расм).

1. Шартнома олди босқичи, унда давлат мулкани хусусийлаштиришга тайёрлаш ва дастлабки музокараларни олиб бориш, битим тарафи ҳақидаги ахборотни излаш ва баҳолаш билан боғлиқ харажатлар юзага келади.

2. Шартнома босқичи, унда трансакция харажатлари шартнома ва уни таъминловчи шартномаларнинг тузилиши билан аниқланади.

3. Шартномадан кейинги босқич, унинг харажатлари шартнома ижросининг мониторингини юритиш зарурлиги ва унинг шартлари бузилган ҳолларда шартномани ижро этишга мажбурлаш туфайли юзага келади.

Хусусийлаштириш жараёнида ҳар бир муайян битим учун уни амалга ошириш «базавий» технологияси билан аниқланадиган ўз трансакция харажатлари “тўплами” мавжуд. Айни пайтда хусусийлаштириш битимларининг барча турларига хос бўлган трансакция харажатлари ҳам мавжуд. Бундай «умумий» харажатлар қўйида тақдим этилган моделда ҳисобга олинади.

Бундай ёндашув тадқиқотнинг ушбу босқичида моделни мураккаблаштирувчи кераксиз шартларни четлаб ўтиш имконини беради.

Ишлаб чиқилган услубий ёндашувга мувофиқ хусусийлаштириш битимини амалга оширишда қуйидаги босқичларнинг ҳар бирида юзага келадиган трансакция харажатларининг таркибини таҳлил қилиш таклиф этилади: шартнома олди босқичи, шартнома босқичи ва шартномадан кейинги босқич.



6.2-расм. Хусусийлаштириш трансформация харажатларининг таркиби*

*Муаллифлар томонидан тузилган

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш комиссияси ишининг умумий муддати у ташкил этилган вақтдан бошлаб икки ойдан ошмайди. Комиссия ишлаган вақт мобайнида иш ҳақи ва бошқа қўшимча тўловлар Комиссия аъзосининг асосий иш жойи бўйича сақланиб қолади.

Давлат активларининг қийматини баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган баҳолаш ташкилотлари томонидан ўтказилади. Объектларни баҳолаш чоғида баҳолаш ташкилотлари хизматларининг ҳақини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2010 йил 10 ноябрдаги 2152-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат активларини сотиш олдидан тайёрлаш бозорнинг эксперт, маслаҳат, маркетинг тадқиқотларини ўтказишни, хусусийлаштириш

жараёнларининг самарадорлигини ошириш мақсадида маркетинг ва молиявий маслаҳатчиларни жалб қилишни, шунингдек, хусусийлаштирилиши режалаштирилаётган давлат унитар корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва баҳолаш мақсадида аудиторлар ва маслаҳатчиларни жалб қилишни ўз ичига олади.

Якка тартибдаги лойиҳа бўйича хусусийлаштирилаётган корхонани сотиш олдидан тайёрлашни ўтказувчи мустақил маслаҳатчилар хизматларининг ҳақини тўлаш Давлат рақобат қўмитаси, корхона ва жалб этиладиган ихтисослашган ташкилот томонидан тузиладиган уч томонлама шартнома асосида корхонанинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Корхонанинг ўз маблағлари етишмаган тақдирда ушбу сумма Давлат рақобат қўмитаси томонидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар ҳисобидан тўланади ва кейинчалик улар корхона томонидан қопланади.

Давлат корхонасини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этиладиган хўжалик жамиятларини таъсис этиш харажатларининг ўзига хос хусусиятлари жумласига қимматли қоғозлар эгалари реестрларини (бундан буён матнда “реестрлар” деб юритилади) сақловчиларнинг реестрларга маълумотларни киритиш ва реестрлардан кўчирмалар бериш хизматларининг ҳақини тўлашни, депозитарийлар хизматларининг ҳақини тўлашни, мулкка бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш билан, шунингдек, давлатнинг акциядор сифатидаги ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларни киритиш мумкин.

Бирламчи эмиссия (акцияларни чиқариш) проспектарини рўйхатга олиш Давлат рақобат қўмитасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Агар эмиссия проспектида акцияларни махсус бланklar (нақд шакллар) кўринишида чиқариш назарда тутилган бўлса, уларни тайёрлаш ҳақини тўлаш Давлат рақобат қўмитаси томонидан хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, харажатлар таркибига мулк харидорлари томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш фаолиятининг амалга оширилиши, судларда давлатнинг мулкӣ ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш харажатлари, шунингдек, давлат мулкнинг хусусийлаштирилишини таъминлаш бўйича маслаҳат ва ахборот фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан делегацияларни қабул қилиш, давлат ихтиёридаги мулкни хусусийлаштириш масалалари юзасидан семинарлар, конференциялар, музокаралар, мажлисларни ташкил этиш ва ўтказиш, хусусийлаштирилиши лозим бўлган мулкни реклама қилиш (олдинда турган танловлар ва кимошди савдолари ҳамда битимлар натижалари тўғрисидаги эълонларни матбуотда босиб чиқариш, радио ва телевидение орқали тарқатиш; ахборот рисоалари, бюллетенлар, инвестициявий маълумотномалар, инвестициявий лойиҳалар каталоглари ва бошқа матбуот маҳсулотларини чиқариш) харажатлари ҳам кириши мумкин.

Хусусийлаштириш жараёнининг билвосита харажатлари жумласига хусусийлаштиришни бошқариш аппаратини сақлаб туриш, давлат мулкни сотишнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация тизимларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари киради.

Давлат мулкни бошқариш бўйича харажатлар моддалари алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва норматив ҳужжатларига мувофиқ жорий йилда давлатга тегишли акциялар пакетлари (улушлар) бўйича бюджетга тўланадиган дивидендлар бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчилар хизматларининг ҳақини тўлаш учун маблағларни шакллантириш манбалари ҳисобланади. Жорий йилда давлатга тегишли акциялар пакетлари бўйича тўланган ва бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ҳамда ишончли бошқарувчилар хизматларининг ҳақини ва мукофот пулларини тўлаш учун мўлжалланган дивидендлар етишмаган тақдирда уларни тўлаш учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағларнинг бир қисми ишлатилади.

Давлат рақобат қўмитаси томонидан ҳар йили давлат улушларини бошқариш бўйича хизматлар ҳақини ва мукофот пулларини тўлаш харажатлари сметасининг лойиҳаси шартномалар ва давлат улушларини ишончли бошқаришга босқичма-босқич топшириш графиги, шунингдек, бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг чораклик ҳисоботлари асосида йилнинг чораклари бўйича бўлинган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар (юридик шахслар)нинг ҳисобот чораги учун стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг давлатга тегишли улушларини бошқариш бўйича хизматлари қиймати ($K_{\text{хизм}}$) саккизта энг кам иш ҳақини ишончли бошқаришга топширилган давлат улушининг миқдорига қараб тегишли коэффициентга (K) кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{\text{хизм}} = 8 \text{ мин иш ҳақи} \cdot K \text{ (1 дан 19 гача)}$$

Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарнинг давлатга тегишли улушларини бошқариш бўйича хизматлар қиймати давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларга (жисмоний шахсларга) ишончли бошқаришга топширилган давлат улушларига ҳисобот даври учун ҳисобланган (50 минг сўмдан 2 млн. сўмгача) дивидендлардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш харажатлари Ўзбекистон Республикаси умумлаштирилган бюджетининг сотиб олинандиган давлат активларининг нархи тўланишини назарда тутувчи шартномалар бўйича тушган маблағлари ҳисобидан қопланади. 2011-2014 йилларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар таркиби 6.3-жадвалда келтирилган.

6.3-жадвал

Ўзбекистонда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар таркиби

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йил 2011 йилга нисбатан, %
Сотилган давлат активлари сони, бирлик	101	87	175	288	285
Тушган маблағлар миллий валютада (млрд. сўм)	65,98	27,39	44,15	88,0	199,3
Хорижий валютада (млн. АҚШ долл.)	67,88	2,5	1,4	1,7	121,4
Шу жумладан, бажарилган инвестиция мажбурияти:					
Миллий валютада (млрд. сўм)	43,74	16,42	53,9	64,58	119,8
Хорижий валютада (млн. АҚШ долл.)	67,83	2,5	30,6	33,2	108,5

Манба: Давлат рақобат қўмитаси расмий сайти маълумотлари

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан ҳар ойда қуйидаги улушларда тақсимланади (алоҳида тартибда тақсимланади хорижий валютадаги тушумлар бундан мустасно):

65 фоиз – республика бюджетига;

25 фоиз – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилояилар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини молиялаш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун;

5 фоиз – Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига, уларни фақат бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга мақсадли йўналтириш учун;

1 фоиз – Давлат мулки қўмитасининг Хусусийлаштириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборот билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш харажатлари учун;

2 фоиз – Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қошида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни реструктуризациялаш жамғармасини шакллантириш учун;

2 фоиз – Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳисобрақамларига тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун¹⁴.

¹⁴Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении порядка учета поступления, распределения средств от разгосударствления, приватизации государственного имущества и контроля за их использованием» от 22 августа 1998 г. № 362.

6.4-жадвалда Давлат рақобат қўмитасининг 2009-2013 йиллардаги хусусийлаштириш жараёни учун харажатлари келтирилган.

6.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг 2009-2013 йиллардаги харажатлари таркиби (млрд. сўмда)*

Ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби	Йиллар					2013 йил 2012 йилга нисбатан, %
	2009	2010	2011	2012	2013	
Давлат рақобат қўмитасининг Хусусийлаштириш, инвестиция ва бозор тузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш харажатлари	0,42	0,58	0,56	0,28	0,44	157,8
ЎЗР Давлат рақобат қўмитаси томонидан тасарруф этиш ва бошқариш функцияларининг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатлар	0,83	1,15	1,11	0,55	0,88	160,5

Манба* муаллифлар томонидан ЎЗР Давлат рақобат қўмитасининг расмий сайтидги пресс-релизлар маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Кўриб чиқиладиган бутун давр мобайнида хусусийлаштириш жараёнининг трансформация харажатлари 2010-2011 йилларда энг кўп бўлди. 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан энг кам маблағ сарфланди – хусусийлаштиришнинг тўғридан-тўғри харажатлари 280 млн. сўмни ва бошқариш аппаратини сақлаб туриш харажатлари билан боғлиқ билвосита харажатлар 555 млн. сўмни ташкил қилди 2013 йилда ушбу харажатлар 880млн сўмдан кўпроқ бўлган. Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш трансформация харажатларини таҳлил қилишни ниҳоясига етказиб шундай хулосага келиш мумкинки, билвосита харажатлар тўғридан-тўғри харажатлардан қарийиб 2 марта кўп (2013 й.). Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнидаги харажатларнинг асосий моддаси бу Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан ўзининг тасарруф этиш ва бошқариш функцияларининг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатлардир.

Шундай қилиб, хусусийлаштириш жараёни транзакция харажатларининг ўсишига, трансформация харажатларининг ҳажмига қарама-қарши таъсирга олиб келади. Бир томондан, давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатлар доимий равишда ортиб боради, иккинчи томондан улар мақбуллаштирилади. Мақбуллаштириш шу билан таъминланадики, трансформация харажатлари кўламлар бўйича тежалиши мумкин, яъни хусусийлаштириш жараёнининг давом этишига (фаоллашувига) қараб давлат объектларини сотиш бўйича ҳар бир битим учун солиштирма харажатлар пасаяди. Трансформация

харажатлари ҳисобланган қонунчилик-норматив ҳужжатларини ёки маъмурий тартиботларни ишлаб чиқиш қиймати улар қанча миқдордаги шахсларга нисбатан амал қилишига кам даражада боғлиқ. Бир марта ишлаб чиқилиб, қабул қилинган қонунлар, нормалар, йўриқномалар кам қўшимча харажатли трансакция секторининг барча иштирокчиларига чексиз равишда амал қилиши мумкин.

7-боб. ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ШАРТНОМАЛАР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

7.1. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий концепцияси

Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатларининг ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини ошириш заруриятининг қатъийлашуви турли тоифадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятининг кўплаб жиҳатларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва

маҳсулотнинг сотилиш нархларини тартибга солиш фойданинг ошишини таъминлашнинг анъанавий усуллари ҳисобланади. Бироқ, ушбу ҳар иккала йўлнинг кенг қўлланилишига ҳозирги бозор трансакция харажатлари тўсқинлик қилади. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида савдо трансакцияси харажатларни камайтириш, корхона бизнесининг рақобатбардошлигини оширишга салбий таъсир кўрсатувчи энг муҳим йўналишга айланмоқда. Трансакция харажатларини камайтириш омилларини ҳаракатга келтириш учун уларнинг юзага келиши табиатини, маркетинг муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини, маҳсулот харажатлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини ва рақобатнинг кескинлашуви шароитида уларнинг ўзгариш тенденцияларини тадқиқ этиш зарур.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мулк ҳуқуқи алмашинуви ҳамда бизнес – жараёнларда юзага келадиган трансакция харажатларини бошқаришга ўтиш корхона рақобатбардошлигини ва маҳсулот сотувлари ҳажмини оширишнинг кам ўрганилган йўналишларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳажми ва технологиясига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларидан фарқли равишда трансакция харажатлари бозор иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг йўлга қўйилиши ва улар ўзаро ҳамкорлиги трансакция жараёнида юзага келади. Мулк ҳуқуқи алмашинуви трансакциясини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатларини, бозорнинг функционал аҳамиятини, улар самарадорлигини ва ташқи муҳитнинг ўзгариши шароитида қийматни ҳисобга олган ҳолда трансакция харажатларини асосли тарзда қисқартириш масаласи ўта долзарб вазифага айланмоқда.

Ўзининг бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга интилувчи корхоналар учун трансакция харажатларини тартибга солиш методологияси ва воситаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан лойиҳа тадқиқоти натижалари доирасида корхоналарда трансакция харажатларини бошқаришнинг концептуал қоидалари асосланди.

Мазкур концепциянинг асосий мақсади – лойиҳа тадқиқотини умумлаштириш орқали корхонада трансакция харажатларини тартибга солиш ва бошқариш механизмларини таклиф этиш ва уларни жорий этиш учун тавсиялар беришдан иборат.

Трансакция харажатлари ҳамма корхона ва ташкилотларда учрайди ва уларнинг ҳар қандай иқтисодий фаоллигига таъсир қилган ҳолда кўплаб жараёнлар ҳамда ҳодисаларнинг моҳиятини ва кечиш шакллариини белгилаб беради. Иқтисодиёт субъекти қандай ролда иштирок этмасин (сотувчи, истеъмолчи, солиқ тўловчи ёки мулкдор) у ахборотни излаш, назорат қилиш, танлаш ва қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ ресурслар (маблағ, меҳнат куни ва б.) сарфидан қочиб қутилолмайди.

Турли муаллифларнинг баҳоларига кўра[58, 59], давлат ва нодавлат секторлари томонидан иқтисодиёт субъектларига кўрсатиладиган трансакция хизматларининг улуши доимий равишда ортиб бормоқда. Ўтган асрнинг охириги йиллари мобайнида ва XXI асрнинг дастлабки 15 йилида ушбу

Ўсишнинг бир қисми трансакция харажатларининг бозордан ташқари соҳадан бозор соҳасига кўчаётганлигини акс эттирмоқда. Айрим баҳоларга кўра, ҳозирги вақтда мазкур кўрсаткич АҚШда 60 фоизга етмоқда. Россияда эса трансакция секторининг улуши йиллар бўйича 50 фоиз даражасида ўзгариб турибди. Ҳозирги вақтда Россия иқтисодиётида трансакция харажатларининг таркибий қисми, чет мамлакатларда трансакция харажатлари даражасининг ўсиш суръатларини ортда қолдирган ҳолда, муттасил ортиб бормоқда. Биз ўтказган лойиҳа тадқиқоти натижалари шуни кўрсатдики, (2.3 га қаранг) трансакция харажатларининг мавжуд таснифлари қуйидаги бир қатор камчиликларга эга: иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича аниқ таркибнинг мавжуд эмаслиги, харажатларни ўлчаш белгиларининг тўлиқ эмаслиги, атамаларнинг чалқашганлиги ва ҳ.к. Бозор ҳолатининг тез ўзгариши ҳамда маркетинг муҳитининг тармоқ корхоналари фаолиятига таъсири, трансакция харажатларининг мавжуд таснифига аниқлик киритиш зарурлигини келтириб чиқарди. Қуйидаги 7.1-жадвалда трансакция харажатларининг ушбу концепцияда таклиф этилаётган кенгайтирилган таснифи келтирилган.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари ва соҳалари бўйича трансакция харажатлари таркиби таҳлили ушбу трансакция харажатлари турлари мавжудлигини ва уларнинг корхоналар фаолиятининг самарадорлигига таъсирини ҳамда трансакция харажатларини таҳлил қилишни талаб этувчи амалий муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Улар жумласига, биринчи галда, ташқи ва ички муҳитларда трансакция харажатларини ҳисобга олиш зарурлиги, уларни тартибга солиш ва корхонанинг иқтисодий натижаларига таъсирини баҳолаш имкониятини тадқиқ этиш киради.

Трансакция харажатларининг кенгайтирилган таснифи

7.1-жадвал

Таснифлаш белгилари	Харажат турлари								
1. Мақсадга йўналтирилганлик ва битимга келишиш вақтидаги муносабат	Битим тузилгунча бўлган харажатлар		Битим тузиш ва уни бажариш давридаги харажатлар		Битим – тузилгандан кейинги тавсифдаги харажатлар				
	Ахборот-ни кидириш харажатлари	Музокара олиб бориш харажатлари	Ўлчаш ва назорат қилиш харажатлари	Мулк ҳуқуқини тасвирлаш ва ҳимоя қилиш харажатлари	Оппортунистик (эгаистик) ҳулқ – атвор харажатлари			Сиёсий рух бериш харажатлари	
					Шартнома бажаришдан бўйин товлаш харажатлари	Агентлик харажатлари	Порахўрлик харажатлари	Жамоавий қарор қабул қилиш харажатлари	Таъсир ўтказиш харажатлари
2. Харажатлар муддати	Қисқа муддатли				Узоқ муддатли				
3. Трансакциялар тавсифи	Савдо битими трансакцияси			Бошқарув трансакцияси			Меъерлаштириш трансакцияси		
4. Юзага келиш соҳаси	Ички (бошқарув)			Ташқи					
				Бозор			Сиёсий		
5. Ишлаб чиқариш омилларига муносабати	Доимий				Ўзгарувчан				
6. Объектнинг ўзига хослиги	Умумий				Ўзига хос				
7. Юзага келиш шакли	Яққол				Яққол эмас				
8. Юзага келиш доимийлиги	Бир марталик				Такрорланувчи				
9. Ўзаро боғлиқлик даражаси	Муваққат (алохида)				Бир – бири билан узвий боғлиқ				

Манба: муаллифлар ишланмаси

Трансакция харажатлари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш бозор субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш замонавий шаклларининг, улар фаолиятини бошқаришнинг асосий ижобий ва салбий томонларини аниқлаш ҳамда тизимга солиш бизнес жараёнида трансакция харажатларини камайтириш имкониятларини аниқлаш имконини беради (7.2-жадвал).

7.2-жадвал

Корхона бизнес – жараёнида трансакция харажатларини камайтириш имкониятлари

Трансакция харажатлари турлари	Трансакция харажатларини камайтириш усуллари	Трансакция харажатларини камайтириш воситалари
Ахборотларни қидириш харажатлари	Ахборот оқимини қайта ишлаш ва мониторингини олиб бориш, маркетинг фаоллиги	Тадқиқот гуруҳлари, маркетинг агентлари
Музокара олиб бориш харажатлари	Кадрлар малакасини ошириш	Малака ошириш тузилмалари
Шартномалар тузиш харажатлари	Шарнома муносабатларини расмийлаштириш	Юридик бўлимлар, консалтинг ва аудиторлик фирмалари
Ўлчаш ва назорат қилиш харажатлари	Стандартлаш, хатарларни суғурталаш, хеджирлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	Суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, давлат органлари
Мулк ҳуқуқини тавсифлаш ва ҳимоя қилиш харажатлари	Қонунчилик базасини шакллантириш, мулк ҳуқуқини юридик ҳимоя қилиш, мулк ҳуқуқини аниқ белгилаш	Юридик хизматлар, судлар, давлат органлари, нотариал идоралар, мулк ҳуқуқини ҳимоялаш бирлашмалари
Оппортунистик хулқ-атвор ва сиёсий рух бериш харажатлари	Бизнесни юритиш қоидаларини шакллантириш йўли билан мажбуриятларни бажарилмаслигини бартараф қилиш	Ўзбекистон савдо – саноат палатаси, Давлат рақобат қўмитаси, юридик хизмат ташкилотлари

Манба: муаллифлар ишланмаси

Лойиҳа тадқиқоти доирасида кичик бизнес ва йирик саноат корхоналарида ўтказилган тадқиқотлар ва илмий манбаларни таҳлил қилиш жараёнида муаллифлар томонидан трансакция харажатларини қисқартириш зарурлигининг назарий жиҳатлари ва уларни амалиётга жорий этиш борасида бир қатор муаммолар, яъни: аниқ атамалар, трансакция харажатларининг умумий қабул қилинган таснифи, трансакция харажатларини ҳисобга олишнинг амалий усуллари, қийматни баҳолаш воситалари, трансакция харажатларини тартибга солиш механизмларининг мавжуд эмаслиги аниқланди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, амалиётда корхоналар ўзаро ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари ва маркетинг муҳитининг трансакция харажатларининг шаклланишига таъсири ҳисобга олинмайди, бу уларнинг

асоссиз тарзда ўсишини ва иқтисодий йўқотишларни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан корхоналар ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва уларнинг оқибатларини, шу жумладан трансакция харажатлари кўринишидаги оқибатларини ҳисобга олишга нисбатан янгича ёндашувни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Йирик корхона (“Қарши ёғ-эксирация АЖ”) фаолияти йўналишлари самарадорлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, трансакция харажатлари корхона бўлинмаларининг корхона ичидаги ва ташқи муҳитдаги ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш даражасини акс эттиради. Корхонанинг фермерлар билан шартнома фаолияти маркетинг соҳасидаги ушбу ўзаро ҳамкорликнинг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўзаро ҳамкорлик тизимидаги трансакция харажатлари ва маркетинг харажатлари (шу жумладан, фермерлар билан ҳамкорликни ривожлантириш харажатлари) бир бирига боғланади, бу корхона бюджетдаги трансакция харажатларининг маркетингга ва корхонанинг бозордаги ҳаракатлари самарадорлигига мос келиши зарур деган хулосага келиш имконини беради.

Ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлиги шароитида маркетинг муносабатлари тизими нуқтаи назаридан, бизнингча, биринчи навбатда, корхона фаолиятининг функцияларини қуйидаги иккита йўналиш бўйича трансакция харажатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарур: корхонада самарасиз трансакцияларни қисқартириш ва маблағларни корхонанинг энг истиқболли йўналишлари бўйича маркетинг фаоллигини молиялаш ҳажмини ошириш учун қайта тақсимлаш.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, трансакция харажатларининг мақсадга мувофиқлиги ва уларга таъсир этиш имконияти трансакция харажатларининг юзага келиши шартлари ва улар ҳажмини ўзгартириш турли вариантларида амалга ошириш билан белгиланади. Шунинг учун трансакция харажатларининг таркибида уларнинг учта гуруҳини ажратиш таклиф этилади: қисқартирилиши лозим бўлган (*min*), ўзгартирилмасдан қолдирилиши лозим бўлган (*const*), оптималлаштирилиши лозим бўлган (*opt*).

Чет эллик муаллифларнинг трансакция харажатлари муаммоларига доир ишларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида трансакция харажатларини ҳисобга олиш ва тартибга солиш зарурлиги борасида турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Ушбу вазифаларни ҳал этишнинг аниқ услублари ва алгоритмлари мавжуд эмаслиги трансакция харажатларининг моддий ва молиявий оқимларини бошқариш жараёнини мураккаблаштиради.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларида юзага келган тенденциялар ҳамда трансакция харажатлари ҳажмининг ортиши трансакция харажатларини бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб беради. Шуларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган концепция уйғунлаштириш тамоилларининг таъсирига қараб трансакция харажатларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва тартибга солиш учун қарорлар тўпламини


шакллантиришни кўзда тутди (7.1-расм). Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра трансакция харажатлари турлари бўйича мақсадли йўналишларни аниқлаш жараёни уларни тартибга солиш тизимини яратишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Сабаб-оқибат боғлиқликларини ҳисобга олган ҳолда таклиф этилаётган трансакция харажатларини бошқариш тамоиллари қуйидагиларни ҳисобга олади: уйғунлаштириш шароитида корхонанинг трансакция харажатлари турлари бўйича мақсадли йўналишлари, харажатларни ўлчашнинг кўплиги, трансакция харажатларини бошқариш имконияти, назорат қилиш ва ҳисобга олишни таъминлаш, ходимларни самарасиз трансакцияларни қисқартиришга йўналтириш. Ўтказилган тадқиқот натижалари ҳамда стратегик қарорлар қабул қилиш борасидаги чет эл тажрибасининг таҳлили ўзаро ҳамкорлик шароитида трансакция харажатларини тартибга солиш моделлари ва алгоритмларини яратишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқилган концепция доирасида мулк ҳуқуқи алмашинуви шароитида ўзаро ҳамкорлик трансакция харажатларини бошқариш моделларининг тизимидан фойдаланиш таклиф этилади. У бир қатор услубий воситалар ва моделлар, шу жумладан трансакция харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш асосида трансакция харажатларини ташхис қилиш услуби ҳамда уйғунлаштириш тамоилларидан келиб чиққан ҳолда трансакция харажатларини бошқариш модели ёрдамида амалга оширилиши мумкин (7.2-расм).

Иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этиш эҳтимоли бозор ва корхонанинг ҳолати билан аниқланадиган омиллар йиғиндисининг таъсирига қараб ўлчанади. Тадқиқот натижалари шунини кўрсатдики, уйғун ишлаб чиқаришни ташкил этишга ўтиш трансакция харажатларини камайтириш муаммосини ҳал этиш йўналишларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун уйғунликнинг олти та турини таъминлаш зарур: барқарорлик ва ўзгаришлар уйғунлиги тамоили, асосий ва таъминловчи функциялар ва тузилмалар уйғунлиги тамоили, сифат ва қиймат уйғунлиги тамоили, манфаатлар ва рағбатлантирувчи омиллар уйғунлиги тамоили, инсоний муносабатлар уйғунлиги тамоили, бошқарув бўғинлари уйғунлиги тамоили. Уйғунликнинг ҳар бир тамоили трансакция харажатларининг алоҳида тоифаларига турлича таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижалари кўрсатиб турганидек, уйғунлаштириш тамоилларига амал қилиш трансакция харажатларини камайтиришга хизмат қилади ва бу билан иқтисодиёт субъектлари ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини оширади.



7.1-Расм. Трансакция харажатларини бошқаришнинг концептуал қоидалари

Шундай қилиб, трансакция харажатларининг даражаси муносабатларни уйғунлаштириш тамоилларига мос келишнинг ўзига хос кўрсаткичига айланади. Тахмин қилиш мумкинки, трансакция харажатларининг ҳажми корхонада бошқарув жараёнларини ташкил этиш сифатига тескари пропорционал. Камайтиришни талаб этувчи асосиз юқори харажатларни келтириб чиқарувчи «самарасиз» трансакцияларни кичик гуруҳини аниқлаш учун уйғунлаштириш тамоилларининг трансакция харажатларининг ўзгаришига таъсирини акс эттирувчи матрицалар («трансакция харажатларининг турлари - уйғунлик турлари»)дан фойдаланиш таклиф этилади.

Трансакция харажатларини камайтириш вазифаларини ҳал этишда лойиҳа иштирокчилари томонидан трансакция харажатларининг тегишли ҳисобга олиш гуруҳига тегишлилигига қараб трансакция харажатларини тартибга солишнинг тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган бир ёки бир нечта локал моделларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Харажатларнинг биринчи хилини (сиёсий рух бериш ва оппортунистик хатти-ҳаракат трансакция харажатларини) аниқлаш вазифалари энг катта ноаниқлик билан тавсифланади. Бундай вазифаларни ечиш учун қуйидаги ёндашувни қўллаш мумкин.

Иқтисодиётдаги трансакция (ўтиш) жараёнлари ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар билан тавсифланиши туфайли трансакция харажатларини қисқартириш учун ресурсларни тақсимлаш бир қатор чекловларни ҳисобга олишга асосланиши керак. Масалан, давлат солиқни (t) тадбиркорнинг даромадидан кўпроқ қилиб тайинламаслиги керак, бу билан солиқ солиш даражаси ишлаб чиқариш ҳажмидан кам ёки, ҳеч бўлмаганда унга тенг бўлади. Шу билан бирга инновацион технологияли корхоналар даромади (n_g) эски технологияли корхоналар (n_b) даромадидан кўп ёхуд унга тенг бўлиши лозим, яъни:

$$P_g = y + v'X - c > P_b = U + v'X,$$

бу ерда y – “эски” ёки “инновацион” технологиядан фойдаланувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот; v – ижобий ташқи таъсир; c – инновацион технологияни харид қилиш ва ундан фойдаланиш нархи.

Ушбу ҳаракатларга жавобан ҳукумат ўз бюджетини субсидиялар (s) ва давлат хизматчиларининг иш ҳақи (w) солиқ (t)дан юқори бўлмаслигини таъминлаган ҳолда мувазанатлаштиришга мажбур, у ҳолда:

$$(s + w) < t$$

Табиийки, давлат ҳокимияти ишлаб чиқариш секторини назорат қилиш ва инновацион технологиядан фойдаланувчи корхоналар сонини ошириш учун зарур. Давлат хизматчиларини ўз ишини ҳалол бажаришга ундай олиши учун ҳукумат уларга ҳеч бўлмаганда инновацион технологиядан фойдаланувчи тадбиркорлар даромадига тенг иш ҳақини белгилаши мумкин, яъни $w > n_g$.

У ҳолда рентага йўналтирилган бозор шароитида сиёсий рух бериш


ва оппортунистик (эгоистик) хатти-ҳаракат трансакция харажатларининг даражасини тадбиркорлар билан институционал муҳит ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи тузатиш коэффициентини k ($0 < k < 1$) ёрдамида аниқлаш ва тартибга солиш мумкин. Тузатиш коэффициентини (k)нинг катталиги институционал муҳитнинг кучига боғлиқ бўлиб, унинг таъсирини n_g / n_b сифатида ҳисоблаб чиқилган % кўринишида билвосита ҳисобга олиш таклиф этилади.

Харажатларнинг иккинчи хилини (улар жумласига ахборотни излаш, музокаралар олиб бориш, шартномалар тузиш, мулк ҳуқуқини таснифлаш ва химоялаш харажатлари киради) қисқартириш учун тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган трансакция харажатларини камайтириш мезони бўйича шерикни излаш алгоритмидан фойдаланиш тавсия этилади. Трансакцияларни миқдорий қисқартириш услуги харажатларнинг учинчи хилига тааллуқли трансакция харажатлари (ўлчаш ва назорат қилиш харажатлари)нинг камайтилишига хизмат қилиши мумкин.

Иқтисодиёт субъектлари ўзаро ҳамкорлиги шароитида трансакция харажатларини бошқаришнинг таклиф этилаётган моделлари ва алгоритмлари кўп вариантли хусусиятга эга бўлиб, бу таъсир этиш матрицаси ёрдамида таъминланади.

Ишлаб чиқилган моделлар ва алгоритмлар тизимини амалга оширишда таклиф этилаётган бир қатор бошқарув ва ташкилий тартиботлар билан боғлиқ таваккалчиликлар ва меҳнат сарфларини ҳисобга олиш мумкин.

Трансакция харажатларини бизнес-жараёнлар бўйича кичик гуруҳларини аниқлаш учун таъсир этиш матрицасидан (7.2-расмга қаранг) фойдаланиш таклиф этилади. Корхонанинг операцион бизнес-жараёнлари қайта таркиблаш таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш бўлинмалари



7.2-расм. Уйғунлаштириш тамоиллари асосида ТАХ бошқариш модели.

ҳаракатларини ва трансакция харажатларини камайтириш усулларини мувофиқлаштириш шартларини аниқлаш имконини беради.

Иқтисодиёт тармоқлари саноат корхоналарининг мавжуд ташкилий тузилмаларини ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш асосида бизнес бўйича ҳамкор корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда «таъминот - ишлаб чиқариш - сотиш» тизимидаги ўзаро ҳамкорликларни ўзгартириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Қуйидагилар алоҳида таркибий бўлинмаларга ажратилди: мижозлар билан ишлаш бўлими (унга сотувлар бўлими, мижозларни ўқитиш бўлими, фойдаланувчиларни техник қўллаб-қувватлаш бўлими киритилди), маркетинг ва бошқалар.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, юқори трансакция харажатлари корхона фаолиятидан олинадиган иқтисодий фойданинг ўсишига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бунда корхона бизнес – жараёни муҳотида катта улушни харажатларнинг иккинчи хили (ахборотни излаш, музокаралар олиб бориш, шартномалар тузиш, мулк ҳуқуқини таснифлаш ва химоялаш харажатлари) ташкил қилади.


Таҳлил қилинаётган ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг дастлабки ҳолатини ташхис қилиш давомида саноат корхонаси томонидан реал бозор шароитларида вақт ва моддий харажатларни баҳолаш билан кузатиладиган ишлар мажмуи бажарилди. Трансакциялар ва трансакция харажатлари таркиби ҳамда кўрсаткичларини ўзгартириш юзасидан берилган тавсиялар жорий этилгунга қадар ва ундан кейин ишлаб чиқариш корхоналарида сотишни бошқариш трансакция харажатлари даражасини таққослаш натижалари уларни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Лойиҳа тадқиқоти натижалари кўрсатиб турганидек, таклиф этилган трансакция харажатларини бошқариш моделлари тизими ва ўзаро ҳамкорлик шароитида унинг услубий таъминоти (7.3-расм) бизнес-жараёнларни бажаришнинг сифатини ошириш, уни самарадорлигини таъминлаш, мижозларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамкорлик трансакция харажатларини камайтириш, фойдани кўпайтириш, корхонанинг рентабеллигини ошириш имконини беради.

Корхонанинг «Таъминот - ишлаб чиқариш - сотиш» тизимида трансакция харажатларини камайтириш мезони бўйича ҳамкорларни излаш алгоритмидан фойдаланиш бир қатор янги пудрат ишларини бажариш билан узоқ муддатли шартномалар тузиш ва синалган етказиб берувчилар билан шартномавий муносабатлар муддатини узайтиришга ҳамда лойиҳаларнинг сифати, амалга ошириш муддатлари ва қиймати бўйича орқада қоладиган ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлардан воз кечишга кўмаклашди.

Таклиф этилган усуллар ва моделлар асосида трансакция харажатларини тартибга солиш тизими унсурларини жорий этиш турли шаклдаги шартномаларни тузишда корхона ва ташкилот билан ҳамкорлар

ТАХ турлари



7.3- расм. Трансакция харажатларини бошқариш моделлари тизими ва уларни жорий этиш натижалари

Ўртасидаги функционал жавобгарлик доираларини қайта тақсимлашнинг самаралилигини баҳолаш имкониятини беради. Корхона ичидаги ахборот оқимларининг қайта ташкил этилиши ва бўлинмалар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши соф фойданинг ўсишига ва корхона маҳсулотига нисбатан мижозлар ишончлигининг ошишига олиб келади. Самарасиз ҳамкорликлар трансакциялар сонини қисқартириш мақсадида трансакция харажатларини камайтириш мезони бўйича ҳамкорларни танлаш модели ва трансакция харажатларини миқдорий ҳисобга олиш услубиятидан фойдаланган ҳолда корхона маркетинг харажатларини қайта кўриб чиқиб, ортиқча “фойдасиз” трансакцияларни тугатиш ва корхонанинг даромадлилигини оширишга эришиш мумкин.

Тадқиқот натижалари ва муаллифлар томонидан билдирилган юқоридаги таклифларнинг жорий этилиши ўзаро ҳамкорлик (трансакция) харажатларининг тахминан 15-20 фоизга қисқартирилишига олиб келиши мумкин. Бу корхона бизнес-жараёни самарадорлигининг ва рақобатбардошлигини ошишига хизмат қилди.

7.2 Шартнома институтининг моҳияти ва унинг институционал нормалари

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар натижасида иқтисодиётимизда чуқур таркибий ўзгаришлар юз берди. Хусусий мулкчилик устувор бўлган кўп укладли иқтисодиёт шаклланди ва у барқарор ривожланиш босқичига ўтди. Шу билан бир вақтда давлат иқтисодиётдаги ўз ”иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган”[30] чора тадбирларни¹⁵ изчил давом эттирмоқда. Давлат активларини хусусийлаштириш ана шу чора-тадбирларнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Буни амалга оширишда кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқоролар ҳамда хорижий инвесторлар иштирок этади. Ушбу иштирокчилар ўртасида шартнома муносабатлари юзага келади. Томонларнинг шартнома тузиш ва унинг шартларини бажариш бўйича жавобгарлигини ошириш энг аввало шартнома институти моҳиятини, турларини, институционал меъёрлари ва қоидаларини илмий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб ушбу ишда биз шартнома тушунчасининг моҳияти ва мазмунини ўрганиш учун турли манбаларда муаллифлар томонидан асослаб берилган ушбу атаманинг таърифларини умумлаштирдик (7.4-жадвал).

“Шартнома” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тадқиқ этишга америкалик олим Я. Макнейл катта ҳисса қўшган. Кейинчалик кўплаб ҳозирги институционал назария намоёндалари унинг ишларидан фойдаланиб ўзининг талқинидаги таърифини берган. Хусусан, у шартномани изоҳлаш

¹⁵ И.А.Каримов. Мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2016 йил 16 январ.

учун оддий таърифни келтиради: “Шартнома – бу ваъда ёки ваъдалар тўплами бўлиб, уларни бажармаслик ундириш ҳуқуқини беради ёки уларни бажариши айрим ҳолларда мажбурият сифатида эътироф этилади”¹⁶. Я. Макнейл ваъдаларни ўз ичига олган шартноманинг вужудга келишининг учта зарур шартларни ажратиб чиқади:

1. Меҳнат ва алмашувнинг ихтисослиги.
2. Танлов муаммоси ва муқобил вариантлар мавжудлиги.
3. Ўтган, ҳозирги ва келгуси замонни англаш.

Меҳнат ва алмашувнинг ихтисослиги ҳар бир алоҳида хирдорнинг ишлаб чиқариш функциялар тўпламининг ва эҳтиёжлар таркибига мос эмаслиги билан шартланади. Ихтисослашган фаолият алмашувини ташкил этиш ушбу муаммони уни турли шартномавий муносабатлар шаклларида интитутлаштириш йўли билан ҳал қилишга имкон беради. Ушбу алмашув муносабатлари биринчидан ҳар бир хўжалик субъектининг унинг вазифаларига, иккинчидан, алмашувдан кейин унга зарур неъмат ва хизматларни олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилган шароитда амалга оширилиши мумкин.

7.4-жадвал

Шартнома тушунчасининг мазмун-моҳиятини белгиловчи таърифлар

Шартнома таърифи	Манба
Шартнома – бу ваъда ёки ваъдалар тўплами бўлиб, уларни бажармаслик ундириш ҳуқуқини беради ёки уларни бажариши айрим ҳолларда мажбурият сифатида эътироф этилади.	Macneil I. E. The Many Futures of Contracts / I. E. Macneil // Southern California Law Review. – 1974. – Vol. 47. – № 3. – P. 691-693.
шартнома – алмашув шартлари учта омил (нарх, активларнинг хусусиятлари ва кафолатлари) билан аниқланадиган, товар ва хизматларнинг миқдори, сифати, шартноманинг давомийлиги белгиланган харидор ва етказиб берувчи ўртасидаги келишувдир.	Уильямсон О. Экономические институты капитализма. СПб: Лениздат. 1996.
Шартнома – нисбатан қисқа вақт ичида аниқ бир маҳсулот билан алмашув жараёни. Унинг асосий жиҳатлари оддийлиги, тўлаллиги ва аниқлилиги ҳисобланади.	Дуглас Норт. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. Пер. с англ. А.Н. Нестеренко. – М.: Фонд экономической книги «НАЧАЛА», 1997 - 190 с.
шартнома – бу шартлари иккала ва ундан ортиқ томонларга маълум бўлган, шунингдек улар томонидан эътироф этилган алмашувдир.	Институциональная экономика: Учеб. пособие / Под рук. акад. Д. С. Львова. — М.: ИНФРА-М, 2001. — 318 с.»).

¹⁶Macneil I. E. The Many Futures of Contracts / I. E. Macneil // Southern California Law Review. – 1974. – Vol. 47. – № 3. – P. 691-693

шартнома – белгиланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув.	Б.Б.Беркинов. Институционал иқтисодиёт / Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. –
Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади.	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 29 август 1996 й., 353-модда.
Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади.	Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 29 август, 3-модда.

*Жадвал муаллифлар томонидан илмий манбаларни ўрганиш натижалари асосида тузилган

Ушбу келтирилган таърифлар шартноманинг асосий тавсифларини ифодалаш учун имкон беради. Улар моҳиятини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик фаолиятида ҳар қандай алмашув билан содир этиладиган танловни эркинлик, яъни мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар вариантлари орасидан танлашга ҳеч қандай тўсиқлар йўқ бўлган шароитда амалга ошириш мумкин. Ҳар қандай шартномада ҳаттоки расмий ихтиёрий тузилган шартномада ҳам ўзаро босим ўтказиш (бу ерда шартнома иштирокчиларининг қарама-қарши манфаатлари назарда тутилади) ҳолати мавжуд. Босим ўтказиш ҳолати ресурсларнинг чегараланган шароитларида иқтисодий манфаатларнинг зиддиятлиги билан шартланган.

Шартнома қоидаларнинг муайян тўплами сифатида ҳам ифодаланади. Бу ҳолатда қоидалар деб “иқтисодий субъектлар ўртасида эришилган келишувга мувофиқ ҳолда алмашинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ихтисослашуви асосида вақт ва макондаги таркибланиш” тушунилади [77].

Иқтисодий таҳлил қилишда шартнома институтини кенг ҳолда фойдаланган машҳур олимлардан яна биттаси Оливер Уильямсон ҳисобланади. О. Уильямсон ўзининг ишларида шартнома институтини трансакция харажатлари билан боғлайди: “шартнома институти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммони трансакция харажатларни камайтириш нуқтаи назардан самарали тадқиқ этиш мумкин. Эҳтимол, ҳар қандай алмашув муносабатлари мазкур концепция доирасида амалга оширилади.”¹⁷

О. Уильямсон бошқариш шакллари нуқтаи назаридан шартномаларни учта гуруҳга бўлади: классик, неоклассик ва “муносабатли” шартномалар. Классик шартномалар (ёки шартномаларни бозор бошқаруви) бошқарув

¹⁷ Уильямсон О. И. Экономические институты капитализма: Фирмы, рынок, «отношенческая» контракция: пер. с англ. / О. И. Уильямсон. – СПб. : Лениздат, 1996. – 702 с.

таркиби махсус бўлмаган турдаги трансакция билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда олим дискрет шартнома ва бошқарув механизми сифатида бозорда хизмат қиладиган трансакциялар ўртасидаги узвий ўзаро боғлиқликни эътироф этади. Классик шартноманинг энг муҳим жиҳати алмашувни сақлаш дастаги сифатида ҳуқуқий меъёрлар, низоларни ҳал этиш учун - судлар, оппортунистик хатти-ҳаракатлардан суғурталаш учун – кўп сонли муқобил вариантлар кенг қўлланилади.

Неоклассик шартномада (ёки уч тарафлама бошқарув) томонлар ўзгариши бир-бири билан узоқ муддатли шартнома билан узвий боғланади. Унга кўра неклассик шартномалар муайян табиатга эга бўлган трансакцияни амалга оширишни таъминлаб беради: битимда доимий бўлмаган (тасодифий) ва юқори ихтисослашуви (ёки аксинча ихтисослашув даражаси паст бўлган) активлар ишга солинади. Неклассик шартноманинг асосий хусусиятларидан бири шартномаларнинг тўлиқ эмаслиги ва низоларни ҳал этиш вазифани воситачи сифатида иштирок этувчи учинчи шахс зиммасига юклаш ҳисобланади. Бу ерда иқтисодий субъектларнинг ҳудди классик шартномадаги каби эркинлик даражаси сақланиб туради. Шунингдек, тўсатдан пайдо бўлган ва кутилмаган ҳолатларга нисбатан эгилувчанлик ва мослашувчанликни таъминлайди.

Учинчи - муносабатли шартномани О.Уильямсон икки тарафлама ёки ягона бошқарув деб номлайди. Я.Макнейл концепциясига таянган ҳолда О.Уильямсон неоклассик ва муносабатли шартномаларни кўйидагича фарқлайди: “кутилмаган ҳолатларга самарали мослашиш учун таянч нуктаси дастлабки битим бўлган неоклассик ҳуқуқий тизимдан фарқли ўлароқ, “муносабатли” ёндошувда томонлар ўзаро муносабатларда тўпланган бутун тажриба ҳисобланади” [72].

Икки тарафлама бошқарувга келадиган бўлсак, бу ерда томонлар расмий жиҳатдан мустақил ҳисобланади, бироқ бир вақтнинг ўзида нархлар механизми кўп жиҳатдан етказиб бериш жадвали, сони ва ҳ.к. унсурларни ўзаро ўзгартириш механизми билан четга сурилади. Ягона бошқарув шакли ҳолатида – трансакциялар корхона ички шаклига ўтади, бошқарув тизими эса бир тарафлама бўлади.

О. Уильямсон ишларида “муносабатли” шартномаларга нисбатан ички ҳолатининг асосий тавсифи, яъни трансакция корхона ичида амалга оширилаётган шароитда олим икки тарафлама мослашувни назарда тутди¹⁸. Унинг фикрига кўра, бундай тизимда битта корхонанинг турли бўлинмалари ўртасидаги низоларни суд орқали ечишга йўл қўйилмайди – томонлар барча низоларни корхона ичида ҳал этишига тўғри келади. Шундай қилиб, хулосага келиш мумкинки, корхона амалиётда бозор бажара олмайдиган ишларни бажариши мумкин.

Иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга таянадиган турли туман шартномалар билан тартибга солинади.

¹⁸ Williamson O. E. Comparative Economic Organization : The Analysis of Discrete Structural Alternatives / O. E. Williamson // Administrative Science Quarterly. – 1991. – Vol. 36. – № 2. – P. 274.

Бу классик шартнома бўлиши мумкин. Шу билан бирга айрим ҳолатлар (трансакцияни амалга ошириш пайтида вужудга келадиган ҳолатлар) классик шартномалардан фарқли ўлароқ бошқа турдаги шартномалар тузилади. Улар “неоклассик” ёки “муносабатли” шартномаларда ўз ифодасини топиши мумкин. Бунда “бошқарув таркиби” тушунчасидан фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки у бир пайтнинг ўзида турли шартнома амалиётининг амал қилиш моҳиятини аниқлашга ёрдам беради.

Яна бир таникли иқтисодчи олим Дуглас Нортнинг шартнома институтига нисбатан қарашларини кўриб чиқамиз. Унинг фикрига кўра “Шартнома – нисбатан қисқа вақт ичида аниқ бир маҳсулот билан алмашув жараёни. Унинг асосий жиҳатлари оддийлиги, тўлаллиги ва аниқлиги ҳисобланади”¹⁹. Ушбу шартнома жуда қисқа вақт ичида муайян аниқ маҳсулот билан алмашишни назарда тутди. Аммо ҳозирги мураккаб иқтисодиётда шартнома кўп ўлчовли ва хусусиятлардаги маҳсулотни ҳисобга олади, алмашув жараёни эса узок вақтга чўзилади. Шартнома томонлари алмашинадиган маҳсулотнинг жисмоний тавсифидан бошлаб то мулкчилик ҳуқуқининг хусусиятларигача бўлган кўплаб ўлчов ва хусусиятлари бўлганлиги туфайли улар кўп шартлари билан ўзаро келишиб олиши лозим. Бундан ташқари, агар шартнома томонлари шартноманинг амал қилиш муддатида пайдо бўлиши мумкин бўлган олдиндан маълум бўлмаган вазияларни, низоларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган суд ёки учинчи шахсга ҳал этиш учун онгли равишда топшириш ҳолатлари шартномани тўлиқ эмас деб ҳисоблайди²⁰.

Яна бир таърифига кўра, “шартнома – бу шартлари иккала ва ундан ортиқ томонларга маълум бўлган, шунингдек улар томонидан эътироф этилган алмашинувдир [22]²¹.” Чунки, шартнома онгли равишда ишлаб чиқилади ва мақсадга мувофиқ тарзда тузилади. Бу дегани, шартноманинг ҳар бир томон биргаликдаги муносабатлар режасида ўз манфаатларини кўзлаш имкониятига эга. Агар бундай қоидалар ҳаддан ташқари юқори трансакция харажатларини келтириб чиқарса, ва уни бажариш назорати қаттиқ бўлмаса, ёки ундириш суммаси кичик бўлса, қоидани бажарилмаслик эҳтимоли юқори бўлади.

Республикамиз олимлари ҳам шартнома институтини тадқиқ этиб, унинг назарий жиҳатларини ёритиб берган. Хусусан [39]да шартномага қуйидагича таъриф берган: “шартнома – белгиланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув”²². Ушбу ишда таъкидланишича, шартноманинг икки тури, яъни сотиш ва ёллаш тўғрисидаги шартномалар мавжуд. Сотиш тўғрисидаги шартнома бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга ошириладиган

¹⁹ Дуглас Норт. Институти, институциональные изменения и функционирование экономики. Пер. с англ. А.Н. Нестеренко. – М.: Фонд экономической книги «НАЧАЛА», 1997 - 190 с.

²⁰ Goldberg, Victor. 1976. “Regulation and Administered Contracts”. *Bell Journal of Economics*, 7:426-428.

²¹ Институциональная экономика: Учеб. пособие / Под рук. акад.Д. С. Львова. — М.: ИНФРА-М, 2001. – 318 с.

²² Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. / Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 248 б.

вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув бўлса, ёллаш тўғрисидаги шартнома эса хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишувдир. Бунда хатарга қарши шахс хатарга бетараф бўлган шахсга ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини топширади.

Шартнома институтининг асосий назарий жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда шартнома институтининг расмий, яъни қонунчиликдаги шартнома талқинини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353-моддасида шартнома “икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув” [24]²³ деб эътироф этилган. Яна бир шартномани тартибга солувчи қонунчилигимизда, яъни Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонунининг 3-моддаси эса “тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув”²⁴ деб юритилади.

Агар шартнома институти бўйича назарий қарашларини ва қонунчилик асосларини умумлаштирадиган бўлсак, шартнома – бу хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатлар, муайян қоидалар тўпламидир. Бошқача қилиб айтганда, шартнома – бу оптимал даражада ўзаро хўжалик муносабатларини таъминлаш мақсадида иқтисодий субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар тўпламидир. Шунини таъкидлаш керакки, шартнома шартномавий муносабатларнинг белгиси ҳисобланади, ушбу муносабат фақатгина шартнома нотариус томонидан тасдиқлангандагина амалга оширилиши мумкин.

Шу боис шартномаларни бажариш жараёнида шартнома тузувчилар ўзаро муносабатлар жараёнида шаклланган норасмий меъёрлар қўлланилади. Бунда қонун ҳамда амалиёт тажрибалари ва бошқа институтларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, тузилган шартномани бажаришда иккита ўзаро боғлиқ бўлган сабаб тўсқинлик қилади:

- биринчидан, бу шартноманинг ҳамиша ҳам тўлиқ бўлмаслиги. У шартнома иштирокчиларнинг ваколатлари чекланган ҳамда улардаги маълумотлар етарли эмас ёки аниқ эмаслиги билан тавсифланилади. Шартноманинг тўлиқ эмаслиги томонлар мажбуриятлари норасмий, тўлиқ бўлмаган ҳолда белгиланишига олиб келади.

- иккинчидан, бу тўлиқ мониторинг қилиш имкониятлари чекланганлигидир. Бу ерда ҳам, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, асосий сабаб маълумотларнинг етишмаслиги ёки улардан унумсиз фойдаланишидан

²³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1996 йил 29 август.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 29 август.

иборат. Аммо бу ерда шартнома (расман қайд этилган ёхуд юзаки) шартларнинг ўзи расман ҳолда бузилиши назарда тутилади. Бу ерда гап шундаки, шартнома нафақат шартлари ёзилган оддий қоғоз эмас, балки уларни бажариш учун муайян ҳуқуқий норма ва механизмлар хизмат қилади.

Шундай қилиб, шартнома назариясига кўра шартномаларнинг бажарилмаслиги сабаблари- шартнома тўлиқ эмаслиги ва мониторингни олиб бориш учун ахборотлар чекланганлигидир. Шартноманинг тўлиқ эмаслиги шу билан изоҳланадики, ҳар бир томон шартномани тузганда барча жабҳаларни аниқ билаолмаслиги айрим ҳолатларни яширишга ёки ахлоқ-одобга кўра кўрсатмасликка ҳаракат қилиниши. Бу эса шартноманинг бажарилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Мониторингни олиб бориш чекланганлиги эса асосан ахборотларнинг етишмаслиги ва уларнинг ноаниқлиги билан боғлиқ. Шунинг учун мулк ҳуқуқи алмашинуви шартномасида ахборот тўлалигини таъминлаш, трансакция шартномалари шартларни бажариш устидан мониторингни олиб бориш механизмлари мазмун-моҳияти ва вазифаларини аниқ белгилаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

7.3 Мулк ҳуқуқи алмашинуви шартномалари мониторингини ташкил этиш ва юритишнинг илмий – услубий жиҳатлари

Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида барча соҳаларда хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш устувор вазифалар қаторига киради [30]. Ушбу вазифани ҳал қилишнинг самарали йўлларида бири – бу давлат активларини хусусий мулкка шартномалар асосида сотиш ҳисобланади. Мулкни сотиш жараёнда бир томондан давлат мулкни тасарруф этувчи ва уни бошқараётган давлат ташкилотлари, иккинчи томондан мулк ҳуқуқини ўзига олувчи нодавлат ташкилотлар, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролар иштирок этади. Иштирокчилар ўртасида мулк ҳуқуқини алмашиши шартларини ўзида акс эттирувчи шартномалар (трансакциялар) имзоланади. Бунинг учун томонлар маълум сарф-харажатлар қилади. Улар трансакция харажатлари ҳисобланади. Амалда бундай харажатлар миқдори мулк ҳуқуқи ўзгариши режалаштирилган иқтисодий субъектлари ҳамда трансакция шартномалари шартлари сонига боғлиқ ҳисобланади.

Шартномаларни расмийлаштириш, улар бажарилишини назорат қилиш давлат активларини бошқа шахсга сотишни таъминлаш мулк ҳуқуқи алмашинуви жараёнининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ана шу вазифани ўз вақтида ва белгиланган тартиб қоидалар доирасида амалга оширишнинг энг мақбул усулларида бири жараёни мониторинг қилиш саналади.

Шуни таъкиллаш керакки, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ҳолатининг мониторинги ҳар қандай ташкилотнинг (корхонадан тортиб то хўжалик мажмуалари ва иқтисодий жараёнларгача) бошқарув механизмининг энг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, “мониторинг” тушунчаси моҳиятини илмий нуқтаи назардан кўриб чиқиш катта қизиғиш уйғотади, чунки у ҳозиргача аниқ бир маъноли изоҳга эга эмас. Мониторингнинг объекти биринчи бўлиб табиий муҳит ҳисобланган. Кейинчалик мониторинг тушунчасини ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар муҳитида ҳам қўллана бошланган. Иқтисодий луғатда мониторинг²⁵ тушунчаси (лотинча сўздан monitor – “эслатадиган”, “назорат қиладиган” маънони билдиради) бошқарувнинг таркибий қисми сифатида иқтисодий объектлар устидан узлуксиз равишда кузатиш, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ҳисоланади.

Илмий-техник ва иқтисодий адабиётларда “мониторинг” тушунчасига турли таърифлар берилган. Хусусан, бир гуруҳ олимлар²⁶ мониторинг тушунчасини инглиз тилидан “monitoring” сўздан келиб чиққан деган фикрни билдиришган. Мониторинг исталган натижани ёки дастлабки тахминларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида у ёки бу жараёни доимий равишда ўрганиш; инсон фаолияти туфайли атроф муҳит ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва прогнозлаш вазифаларини ўз ичига олади.

Айрим ишларда²⁷ мониторингни “иқтисодиётни кузатиш ва таҳлил қилиш дастаги” сифатида, яъни иқтисодиётни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш билан боғлиқ унинг сифатли ўзгаришлари устидан ташкилий жиҳатдан тизимлаштирилган кўзатишларни олиб бориш сифатида кўриб чиқилади [5]. Ушбу келтирилган таъриф билан кўшилиш мумкин, чунки умумий ҳолда кўйидаги тизимда бирламчи буғин сифатида иштирок этади: мониторинг – таҳлил қилиш – қарор қабул қилиш (қарорни ўзгартириш) - иқтисодиётнинг лозим динамикасига эришиш. Мазкур таърифта мувофиқ мониторингнинг асосий вазифалари нафақат кузатиш, балки иқтисодий тизимга оид фанни ривожлантиришнинг зарур босқичи сифатида далилларни тўплашдан иборат.

А.Волкова “мониторинг корхонанинг муаммоли соҳаларга аралашинининг аниқлилигини ва тезкорлигини ошириш учун муаммоларни вужудга келтирадиган сабабларни қидиришни максимал даражада маҳаллийлаштириш дастаги сифатида инқирозни ўз вақтида диагностика қилиш учун хизмат қиладиган”²⁸, деб изоҳлайди. Т.Б.Бердникова²⁹ эса “мониторинг корхона ҳолати устида доимий, тизимлаштирилган, чуқур жорий кузатув олиб бориш” деб тушунади. Унинг фикрича мониторинг алгоритми кўйидагича: дастлабки таркиблаш; мониторинг мақсадларни аниқлаш; доимий кўрсаткич (индикатор)лар танлаш; ахборотларни йиғиш; таҳлилий материалларни дастлаб расмийлаштириш; ахборотларни иерархик жиҳатдан

²⁵ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - М.: ИНФРА-М, 1997.

²⁶ Зятков Ю.И., Лайнер А.Г., Санду И. С. Формирование системы экономического мониторинга хозяйствующих субъектов АПК» - состояние и проблемы. Научное издание: - М.: «Экспресспринт».- 2003.

²⁷ Ревайкин А., Быстрицкий С, Телушкина Е. Мониторинг - инструмент наблюдения и анализа экономики // Экономист, 1994, №2.

²⁸ Волков А. Организация распознавания кризисных процессов в менеджменте и создание предпосылок успешной разработки и реализации антикризисных мер // Менеджмент сегодня, 2003, №3.

²⁹ Бердникова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М, 2003.

тартибга солиш, ортиқча маълумотлардан тозалаш ва қайта ишлаш, маълумотларни график тарзда тасвирлаб бериш.

А.Б.Борисовнинг иқтисодий луғатида³⁰ “мониторинг” атамаси “бошқаришнинг таркибий қисми сифатида у ёки бу ҳодиса ва жараён ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва прогноз қилиш, унинг фаолиятини таҳлил қилиш” деб юритилади. Бу атама кузатиш, баҳолаш ва прогноз қилишни аниқлаштириш шароитларида «иқтисодий мониторинг» тушунчасини ихтисослаштириш учун асос бўлиши мумкин.

“Мониторинг” атамаси дастлаб 1972 йилда 5-16 июнда БМТнинг Стокгольм шаҳрида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бўлиб ўтган анжуманда қўлланилган. Ушбу тизим бўйича биринчи таклифлар 1972 йилда СКОПЕ (атроф муҳит муаммолари бўйича илмий қўмитанинг махсус комиссияси) экспертлари билан ишлаб чиқилган. Тизим тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари Стокгольм анжуманидаги тавсияларда ҳам қайд этилган. Илмий иттифоқлар Халқаро кенгашининг СКОПЕ биринчи бўлиб 1971 йилда атроф муҳитни тизимли глобал халқаро мониторингини тузиш заруратини асослаб берган. 1971 йилда “Атроф муҳитнинг глобал мониторинги” деб номланган махсус китоб чоп этилиб, унинг “Мониторинг - асосий мулоҳазалар” деб номланувчи бўлимда учта асосий фаолият турлари аниқланган: атроф муҳитнинг ҳолатинини мунтазам равишда кузатиш, мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш; бундай ўзгаришлар устидан назорат қилиш; атроф муҳитни бошқариш бўйича чора-тадбирлар.

Ушбу китобда “глобал мониторинг” ёки “мониторинг” деб аввалом бор юқорида келтирилган иккита ҳаракатлар тури (кузатиш ва назорат қилиш) тушунилади, белгиланадиган чора-тадбирлар хусусида гап бораётганда эса, мониторингнинг якуний вазифалари, яъни атроф муҳит билан онгли равишда бошқариш ҳисобланади.

Мониторинг олдиндан тайёрланган дастурга мувофиқ тарзда муайян мақсадлар сари атроф муҳитнинг битта ёки ундан кўп унсурларини вақт маконида такрор кузатувлар тизими сифатида ифодланилади. “Мониторинг” тушунчаси “назорат” тушунчасига қўшимча бўлиб, нафақат кузатув олиб бориш ва ахборотларни олиш, балки фаол ҳаракатлар унсурларини, бошқарув унсурларини ўз ичига олади. Демак, “назорат” тушунчаси “мониторинг” тушунчасига нисбатан кенг маънога эга.

Шундай қилиб, мониторинг тушунчасига турли таърифларини таҳлил қилиш асосида унинг тўлиқроқ мазмунини келтиришимиз мумкин. Яъни, мониторинг - тизимнинг тавсифлари, танланган тавсифларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашлар йиғиндисини мунтазам равишдаги кузатувлар ва ҳар бир тавсифнинг вақт маконида ўзгаришларини ҳисоблашга асосланган мураккаб, турли хил объектлар табиий, ижтимоий-иқтисодий, техникавий жараёнларнинг ҳолатини ўрганиш усулидир. Мониторинг орқали олинган маълумотлар асосида тизимнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга сифатли ўтиш муддатларининг ўзгаришини прогнозлаштириш мумкин.

³⁰ Борисов А.Б. Большой экономический словарь.–М.: Книжный мир, 2004.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ва хорижда барча тармоқ ва идораларда турли тамойиллар асосида табиий, иқтисодий ва бошқа фаолият кўрсатаётган кўплаб мониторинг тизим ва воситалари шаклланган. Бунда объектнинг ёки атроф муҳитнинг ўлчамлари бевосита тадқиқ этувчи объектида ўлчаниши, шу жумладан ахборот технология усуллар билан ўлчаш мумкин.

Айни дамда тармоқ мониторинги соҳаларида кўплаб замонавий ва самарали воситалар мавжуд. Аввалом бор бу қуйидагиларга тегишли:

- барча қўриқлаш турлари ва ёнғинга қарши хизматлар;
- радиация назорат;
- кимёвий таҳлил қилишнинг воситалари ва усуллари;
- хўжалик фаолияти ва молиясининг таҳлили;
- метеорологик ва экологик хизматлар;
- назорат ва қонунларни ижро этувчи хизматлар ва ҳ.к.

Ушбу тизимларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тажрибаси муҳим аҳамият касб этади ва мулк ҳуқуқи алмашинуви трансакция шартномаларини бошқаришда турли ахборот-таҳлилий мониторинг тизимини яратишда фойдаланилиши мумкин.

Бундай тоифага кирувчи мониторингнинг бош мақсади – мулк ҳуқуқи трансакция шартномаларини бошқаришнинг турли поғоналарида иқтисодий қарорларни қабул қилиш ва таҳлил қилиш учун ахборотларни йиғиш, ўрганиш, баҳолаш ва прогноз қилиш ҳисобланади. Шуни ҳисобга олганда, трансакция муносабатларида мониторинг ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш тизими сифатида қуйидаги икки хусусиятга эга: ахборот жараёнларининг мақсадли йўналтирилганлиги ва ахборотни қайта ишлашнинг ҳар бир босқичида олинган хулосаларнинг энг юқори даражада объективлиги.

Трансакцияларни бошқариш мониторингининг биринчи вазифаси мазкур жараённинг бошланғич ва жорий бирхиллаштириш (тенглаштириш) ҳисобланади. Демак, мониторинг бирхиллаштиришнинг негизи сифатида мулк ҳуқуқи алмашинуви жараёнларини тизимли таснифланишига асосланиши мумкин. Шу билан бирга, мулк ҳуқуқи алмашинуви жараёнларининг таркиби ва номинал тавсифлари, аввалом бор, иқтисодий ислохотлар даврида ўзгариб бораётганлиги туфайли мониторинг ушбу жараёнларнинг таркибини қайта кўриб чиқиш ва тўғрилаш мақсадида маълумотларни йиғиш имкониятини беради.

Мониторингнинг иккинчи вазифаси трансакция шартномалари бажарилиш ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. У миқдорий бўлиши мумкин, яъни сонли ўлчамлар ёки уларнинг интеграл ўлчамлар йиғиндисини билан ифодаланади, яъни меъзон (“меъёрда”, “яхшироқ”, “ёмонроқ” ва ҳ.к.)га яқинлашиш ёки узоқлашиш даражасини аниқлашга имкон беради.

Шундай баҳолаш усуллар мавжудки, улар йиғиндисини умумий меъзонлар талабларини ифодалайди:

- дастлабки ахборотларнинг объективлиги ва етарлилиги –очиқ-ойдин ва амалга ошириш эҳтимоли кам бўлган услубий талаблардан бири;
- баҳолашнинг таққослаш тавсифи – у шу билан ифодаланадики, ҳар бир баҳолаш факатгина меъёр сифатида олинган ҳолатни олдинги ҳолати,

ўхшаш шартнома ҳолати ва ҳ.к. билан солиштириш пайтида амалга оширилиши мумкин;

- баҳолашнинг кўп меъзонли тавсифи тўғри изоҳлашга, айниқса шартноманинг битта шахсий ёки интеграл кўрсаткич бўйича аниқ таққослашга объектив тарзда имконияти йўқлигида намоён бўлади;

- зарур ва етарли меъзонларнинг минимал сонини танлаш ягона белги бўйича, яъни ҳодиса ёки муаммонинг моҳиятига мувофиқлиги бўйича амалга оширилиши лозим³¹;

- шартнома маълумотларига қўшимча ахборот манбаларини жалб этиш (ҳозирги кунда уларни фақатгина махсус ташкил этилган сўровнома орқали тадқиқотлар натижасида олиш мумкин).

Таҳлил трансакция муносабатлари шароитида шартнома мониторингининг таркибий қисми бўлиб, рақобат шароитида мулк ҳуқуқларининг барқарорлигини таъминлайди.

Бозор иқтисодиётида мулк ҳуқуқлари алмашинуви шартномаларини таҳлилининг роли нафақат ошиб бормоқда, балки сифат жиҳатдан ҳам ўзгариб кетган. Бу аввалом бор, шу билан боғлиқки, иқтисодий шартномалар таҳлили бозор шароитида мулкчилик фаолиятини таҳлил қилишдан бутун иқтисодиётни баҳолашнинг асосий усулига айланади. Бошқача қилиб айтганда, шартнома таҳлили ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг шартномавий фаолиятини мажмуавий тарзда таҳлил қилиш дастагига айланган.

Мониторингнинг кейинги вазифаси шартнома ҳолатини диагностикаси ҳисобланиб, у шартномалар бажарилишини акс эттиради ва шартнома шартларини унда кўзда тутилган кўрсаткичлардан мумкин бўлган оғишларни башорат қилиш ва мулк ҳуқуқини нормал режимининг бузилишини олдини олиш учун зарур ҳисобланади.

Мониторингнинг тўртинчи вазифаси шартнома бажарилиши жараёнини қисқа муддатга прогнозлаш ҳисобланади. Прогнозлаштириш режалаштиришдан фарқли улароқ ўз олдида ишлаб чиқилган прогнозларни бевосита амалиётга татбиқ этиш вазифани қўймайди. Ушбу прогнозлар шартноманинг кутилажак ўзгаришларни башоратлаш ролини ўйнайди. Прогнозлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – юзага келган тенденциялар асосида бошқарув объектининг шартнома бажарилишининг вариантлилигини аниқлаб берувчи иқтисодий кўрсаткич ва ўлчамларни тузишда муқобиллиги ҳисобланади. Прогнозлаш тенденциялар ўзгаришининг эксперт баҳолаш ҳамда тўғридан-тўғри ўзгаришларни башоратлаш ҳисобига ўтган даврни келажакка экстраполяция қилиш асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ўзгаришлар кутилмаган ҳолда вужудга келиш мумкин.

Мониторингнинг бешинчи вазифаси трансакция шартномаларининг ҳақиқий бажарилиш натижалари тўғрисида маълумотларни олиш, ҳақиқий натижаларни шартнома кўрсаткичлари билан солиштиришга қаратилган барча

³¹ Меъзонларга ўлчамларнинг ортикча сони киритилиши кўп ҳолатларда аниқ танловни амалга оширишни кийинлаштиради, баъзида умуман имкон бермайди.

ҳаракатларни йиғиндиси сифатида назорат ҳамда солиштириш натижаларини таҳлилий баҳолаш ва қарорларни тайёрлаш ҳисобланади.


Ҳар қандай мулк ҳуқуқи алмашинуви (трансакция) шартномалари нафақат уни зарур харажатлар билан таъминлаб туриб, мулк ҳуқуқи алмашишини ташкил этиш билан, балки, шартноманинг жорий ҳолати устидан доимий равишда кузатиб туриш, шартнома натижаларига эришиш мақсадида бошқарув қарорларига тузатишларни киритиш билан боғлиқ. Булар ҳаммаси трансакция шартномаларининг ҳақиқий натижаларини олдиндан ҳисобланган ва режалаштирилган кўрсаткичлар билан вақт оралиқларига бўлиш ёрдами билан доимий равишда солиштиришни кўзда тутди. Ахборот таъминотининг вақт оралиғи қанчалик кам бўлса, трансакцияларни бошқаришни ахборот таъминоти ва шартномани жорий бошқарув тизими шунчалик осон ва самарали бўлади.

Вақт бирлигига нисбатан қўлланиладиган ва ўрнатиладиган энг муҳим шартнома кўрсаткичлари қаторига қуйидагилар киради: давлат активлари, шу жумладан акция пакетини реализация қилишдан тушган тушум; шартномани амалга оширишга кетган трансакция харажатлари; шартнома бўйича барча тушум; шартномалар нафлилиги; шартнома бўйича кредиторлик ёки дебиторлик қарздорлиги.

Юқорида келтирилган мониторинг вазифалари асосида биз шартномалар мониторинги ишлари ҳолатини назорат қилиш ва кузатиш, мулк ҳуқуқлари ўзгараётган объектларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш, баҳолаш, тадқиқ этиш ва прогнозлаш учун зарур материалларни тўплашнинг мажмуавий тизимни тушунишни таклиф этамиз. Трансакция шартномаларининг мониторинги – бу ахборотларни йиғиш, уни қайта ишлаш, таҳлил қилиш натижаларини бирлаштириш ва умумлаштиришдир.

Мониторинг бўйича юқорида келтирилган тушунчалардан унинг асосий қисмларини ажратиб олиш мумкин (7.5-расм).


Ушбу таклиф этилаётган мониторинг тизимини мулк эгаси (мулкдори) алмашган корхона муаммоларини ва хавфларини мониторингини олиб бориш учун ҳам қўллаш мумкин.



Манба: муаллифлар ишланмаси

7.5-расм. Мулк ҳуқуқлари алмашиши шартномалари мониторингининг таркибий қисмлари

Бундай мониторинг мулкдори ўзгарган корхонада инқирозли ҳолатларни ўз вақтида кузатиш ва огоҳлантириш имконини беради. Мониторинг жараёни 7.6-расмда кўрсатилган кетма-кетликда бажарилиши мумкин.



Манба: муаллифлар ишланмаси

7.6-расм. Мулкдори ўзгарган корхонада мониторинг олиб бориш чизмаси

Мулкдори ўзгарган корхона мониторинги жараёнида иккита асосий йўналиш бўлиниб чиқади. Уларнинг биттаси жорий жараёнларни мунтазам равишда кузатиб бориш (жорий мониторинг), бошқаси эса танглик ҳолатини кузатиш (инқироз мониторинги). Мазкур таркиблаш қайсидир маънода шартли ҳисобланади, аммо у муҳим аҳамият касб этади, чунки тезкор ва стратегик бошқарув воситаларини мақбуллаштириш, иқтисодий тангликни олдини олиш технологияларга ўз эътиборини қаратиш имкон беради.

Трансакция шартномаларининг жорий ҳақиқий ҳолати тўғрисида мавжуд бўлган маълумотлар давлат мулкини бошқарувчи ташкилотлар ва

корхона раҳбарларининг доимо эътиборида бўлиши лозим, чунки зарурият туғилганда, улар аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чораларни тез фурсат ичида ишлаб чиқиш ва таклиф этишга тайёр бўлиши лозим.

Шундай қилиб, мониторинг тушунчасига турли ёндошувлар мавжуд бўлиб, улар мониторингни қўллаш соҳасига қараб ўзгариб туради. Аммо мониторинг атамасига нисбатан ягона бирлаштирадиган нарса, бу унинг мақсади, яъни таҳлил қилинаётган субъект (объект)нинг ҳолатини яхшилаш учун ҳаракат қилиш ҳисобланади. Шу боис барча иқтисодиёт тармоқларида, шунингдек трансакциялар мониторингида ҳам қарорлар қабул қилишнинг самарадорлигини ошириш йўли сифатида намоён бўлаётган мониторингини юритиш муҳим чоралардан бири ҳисобланади ва уни ихтисослашув ва иш йўналишига қараб мослаштириш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

1. Глобаллашув ва рақобат муҳитининг кескинлашуви шароитида бизнес юритишнинг қонун-қоидалари, корхонани бошқаришнинг мақсад ва вазифалари, жамият ҳаётида олиб бориладиган иқтисодий муносабатлар тизими жадал суръатларда ўзгариб бормоқда. Ўтган даврда бизнес юритишнинг асосий мақсади ишлаб чиқариш харажатларини тежаш ва бу

орқали фойдани оширишдан иборат бўлган бўлса, эндиликда ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган турли муносабатларда юзага келувчи харажатларни тежаш ҳам бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолди. Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бундай сарф – харажатлари иқтисодиёт фанида “трансакция харажатлари” деб номланади.

2. Трансакция харажатлари деганда иқтисодиёт субъектлари ўзаро ҳамкорлигининг харажатлари тушунилади. Харажатларнинг ушбу тури бевосита иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган, лекин ушбу жараённинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминловчи ҳар қандай зарурий харажатларни ўз ичига олади.

3. Макродаражада ҳам, микродаражада ҳам иқтисодий ислоҳотлар ғамда янги институционал норма ва механизмларни яратиш билан боғлиқ трансформацион харажатлар мавжуд. Улар таркиби тадқиқотлар кўрсатишича, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш миқёсига ва трансакция муносабатларига боғлиқ.

Макродаражада – трансформацион харажатлар эски расмий қоидалар ҳамда институтларнинг тугатилиши ва янгиларини барпо этиш, мулк ҳуқуқи ислоҳотларини (хусусийлаштиришни) амалга ошириш ва тадбиркорликни рағбатлантиришнинг институционал тизимини яратиш жараёнида юзага келади.

Микродаражада – трансформацион харажатлар корхона фаолияти билан боғлиқ ислоҳот ишларини амалга ошириш ёки умуман янги корхона ташкил этиш жараёнидаги харажатлар ҳисобланади.

Трансакцион харажатлари савдо битимини амалга ошириш учун ахборотни излаш, музокаралар олиб бориш, товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш, шартнома тузиш ва уни амалга ошириш шунингдек, шарномани имзолаган иккинчи томоннинг ғайриқонуний (эгоистик) хатти-харакатларидан ҳимояланиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади.

4. Трансакция харажатлари трансформация харажатларидан фарқли ўлароқ тизимнинг фаолият кўрсатиш харажатлари тушунчаси орқали янада умумий ҳолда изоҳланади. Улар бевосита қийматни яратиш билан эмас, аммо мулк ҳуқуқлари мазкур қийматга ўтиш жараёнида иштирок этади. Тадқиқот жараёнида бу тур харажатларнинг пайдо бўлиши одатда ахборот ассиметрияси ва контрагентларининг мумкин бўлган оппортунистик хатти-харакатларини бартараф этиш уринишлари билан юзага келади. Улар давлат мулки институтининг фаолият кўрсатишида муҳим роль ўйнайди.

5. Ҳозир фаолият юритаётган корхоналарнинг аксариятида трансакция билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига қараганда олимлар таҳлилига кўра юқори. Хорижий экспертларининг фикрига кўра, фирманинг умумий чиқимларидан трансакция харажатларининг улуши улар анъанавий бозорда фаолият кўрсатганда 1,5 фоиздан 5 фоизни, янги сотиш бозорларига чиқишда эса 10-15 фоизни ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларда трансакция харажатларининг энг катта улуши хўжалик алоқалари субъектлари сонининг ўсиши, демак, улар

томонидан амалга ошириладиган трансакциялар сонининг ошиши билан боғлиқ.

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда эса трансакция харажатларининг юқори даражаси яна шу нарса билан боғлиқки, уларда ҳанузгача давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми пухта ишлаб чиқилмаган.

Ривожланаётган мамлакатларда муаммо шундан иборатки, давлатнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш харажатларининг асосий қисми иқтисодий агентнинг зиммасига тушади.

6. Ҳар қандай давлат бошқарув ташкилоти ёки хўжалик юритувчи субъект ўз имкониятларидан, ички салоҳиятидан фойдаланиш асосида ўз трансакцияларини ва трансакция харажатларини оптималлаштириши мумкин. Бунинг учун корхонанинг муайян ташкилий шаклини танлашда, бошқарув тизимини такомиллаштиришда, ресурслар таъминотчиларини ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш каналларини танлашда ўзининг трансакция харажатларини босқичма-босқич камайтириш стратегиясини қабул қилиш зарур.

7. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожланишдаги роли ва ўрни тобора мустаҳкамланмоқда ва шу билан бир вақтда улар миқёсининг кенгайиши (тармоқлар бўйича сони ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиб бориши), шунингдек уларга кўрсатилаётган хизматлар турлари ҳамда кўламлари ошиши (кредитлар бериш, экспортга маҳсулотлар сотиш ва шу кабилар), тадбиркорларнинг трансакция харажатларининг турлари ва ҳажмининг ўсиб боришига олиб келмоқда. Шуларни инобатга олиб мамлакатимизда тадбиркорликга кенг эркинликлар бериш ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича амалга оширилган ҳукумат чора-тадбирларининг қонунчилик асослари ва амалиётдаги тажрибалар илмий жиҳатдан умумлаштирилган ҳамда улар нафлилиги баҳоланди.

8. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик устувор ривожланиши бир неча йўналишларда фаол ҳаракатларга боғлиқ. Уларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- хусусий мулк ҳуқуқини амалда ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;
- шартномалар тузиш ва уларни муддатида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва трансакция харажатларини босқичма-босқич пасайтириш.

Шуларни ҳисобга олиб, тадқиқотда ушбу йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ва чора-тадбирлар асослаб берилган.

9. Тадбиркорларга давлат ва нодавлат тузилмалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун трансакция харажатлари миқдори энг кам меҳнат ҳақига боғлиқ равишда белгиланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиб бориши трансакция харажатининг ҳам тез ўсишига олиб келади. Шуни

ҳисобга олиб трансакция харажатларини энг кам меҳнат ҳақиға боғлигининг бошқа мезонлари ва усулларини ишлаб чиқиш лозим.

10. Бозор муҳити ҳақидаги турли ахборотларни қидириш билан боғлиқ трансакция харажатларини камайтириш учун тармоқлар бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб боришни кенгайтириш ва бозор тўғрисидаги маълумотларни кичик бизнес субъектларига чиқимларсиз беришни амалга ошириш механизмини жорий этиш.

11. Ўзбекистонда турли мулк шаклидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатларини таҳлили асосида, улар фаолияти билан боғлиқ трансакция харажатлари ва уларнинг турлари классификация қилинди.

12. Ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона харажатлари таркибида трансакция харажатларини камайтириш манбалари таҳлил қилинган ва улар ичидан сотиш билан боғлиқ бўлган трансакция харажатларини камайтириш, корхонанинг фойда даражасига таъсири миқдорий кўрсаткичлар билан боғланган.

13. “Қарши ёғ-экстракция заводи” АЖ пахта чигити ва мойли экинлар донидан ёғ ишлаб чиқариш ва ихтисослашган йирик саноат корхонаси ҳисобланади. Корхона ўртача 65 фоиз ўз қувватидан фойдаланган. Корхонада 500 киши ишлаб чиқариш билан банд ҳисобланади. Корхона куйидаги соҳалари бўйича трансакция харажатлари қилади:

- ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш ҳамда хомашё, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни сотиб олиш трансакция харажатлари;

- фермер хўжаликлари билан мойли экинлар донини сотиб олиш шартномалари (трансакциялар) тузиш ва уни бажариш жараёнидаги трансакция харажатлари;

- мойли экинлар донини сотиб олиш шартномалари бўйича дон етиштириб бермаган фермер хўжаликларидан аванс маблағини суд орқали қайтариб олиш билан боғлиқ трансакция харажатлари;

- корхона кузатув кенгаши қарорлари билан сарф қилинадиган трансакция харажатлари.

Ушбу соҳалар бўйича (эксперт баҳолашлар асосида) корхонанинг трансакция харажатлари 2013 йилда қариб 2,8 млрд. сўмни ташкил этади. Бу корхонанинг давр харажатларининг қариб 53 фоизини ташкил этади.

Шуларни ҳисобга олиб тадқиқотда ушбу харажатларни босқичма-босқич камайтириш, бунинг учун ушбу тадқиқотда асосланган шартномалар тузиш ва шартномани бажарилишини мониторинг қилиш усуллари билан кенг фойдаланиш таклиф этилади.

14. Тадқиқотда корхона трансакция харажатларини самарали назорат қилиш ва уларни оптимал нисбатларга олиб келишни таъминловчи трансакциялар (шартномалар) сонини камайтириш; корхона ишлашини барқарорлаштириш; ахборотлар оқими ва уни ҳажмини оптималлаштириш; бошқариш жараёнларини автоматлаштириш ва шу каби бошқа усуллари ва йўллари асослаб берилган.

15. Модернизация даврида трансакция харажатларини камайтириш давлат даражасида мулк шаклларини ўзгартириш ва объектларга бўлган мулк ҳуқуқини сифат жиҳатдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг асосий меъзонларидан бири ҳисобланади. Шунини ҳисобга олиб, тадқиқотда мулк ҳуқуқларини алмашилиши шароитида давлат, бизнес ва жамият аъзоларининг трансакция харажатларининг таркибий қисмлари гуруҳларга ажратилди.

16. Трансакция харажатларини оптималлаштириш ва шундан келиб чиққан ҳолда давлат мулкни сотиш самарадорлигини оширишга, биринчидан, хусусийлаштириш, акцияларни жойлаштириш ва сотишга оид амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (расмий институтлар); иккинчидан, иш юзасидан шаклланаётган мулоқот қилиш меъёр ва амалиёти, “муомала қилиш одатлари”, давлат томонидан уюштирилмаган ва ноаниқ тавсифга эга бўлган одатлар (норасмий институтлар); учинчидан, энг сўнги ахборот-коммуникацион технологиялар, электрон ҳужжатлаштиришнинг ривожланиши ва улардан фойдаланиш; тўртинчидан, замонавий бошқарув усуллари ва бешинчидан, ҳуқуқий нормаларнинг сифати, суд тизимининг самарадорлиги, иқтисодий муҳитнинг ноаниқлик даражаси. давлат бошқаруви ва х.к. (бутун институционал муҳит) таъсир кўрсатади.

17. Мулк ҳуқуқи алмашинуви жараёнида ахборот тармоқ ресурслари, электрон савдо майдончалари, электрон-рақамли имзолар, электрон ҳужжатлаштириш, электрон тўловлар ва шу каби бошқа инфратузилма унсурлари бозор агентларининг трансакция харажатларни бевосита камайтиришга хизмат қилади.

18. Давлат мулки объектларига бўлган мулк ҳуқуқларини бошқа шахсга беришда трансакция харажатларини тартибга солиш йўлларини кидиришда, тадқиқотлар кўрсатишича, нафақат уларнинг унсурлар бўйича имкониятларини қисқартириш, балки институционал муҳитни, яъни давлат объектларини сотиш чегарасини, даражасини, режимларини, қоидаларини ва механизмларини белгилаб берувчи институтлар тизимини таҳлил қилишдан келиб чиқиш лозим. Шунини инобатга олиб ислохотларнинг ҳозирги босқичида юзага келган, давлат активларини сотиш бўйича давлат ваколатли органи – Давлат рақобат кўмитаси трансакция харажатлари таркиби, улар самарадорлигини баҳолаш меъзонлари ва услубий асослари тақлиф этилди.

19. Давлат активларини бошқа шахсларга ўтказиш жараёни шартномаларини тузишнинг услубий жиҳатлари, унинг таркиби ҳамда ушбу жараёнда юзага келадиган трансакция харажатларини камайтириш йўллари ҳамда давлат активларини сотиш шартномаси бўйича инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ трансакция харажатларини таҳлил қилиш босқичлари асослаб берилди.

20. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида турли мақсадларда шартномалар имзолаган томонлар ўртасида ноқонуний (эгоистик) хатти-ҳаракатлар юзага келмоқда. Шу туфайли давогар томон ўз мулквий ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун катта ҳажмда трансакция харажатлари қилишга мажбур бўлмоқда. Шуларни инобатга олиб тадқиқотида, ушбу жараёнларни юзага

келиши сабабларининг илмий асослари, шунингдек уни олдини олиш йўллари ҳамда бошқариш усуллари бўйича таклифлар асосланган.

21. Мулк ҳуқуқини ислоҳ қилиш ва унинг самарали тизимини шакллантириш жараёнларининг трансформация ва трансакция харажатлари миқдорига таъсирини белгиловчи шартлар ва омиллар ўрганилган. Республикада хусусийлаштириш ва давлат мулкни бошқаришга сарфланаётган трансформация харажатлари таркибининг ўзгариш динамикаси баҳоланган ва уларни пасайтиришга қаратилган мулк ҳуқуқини ўзгартириш жараёнларини такомиллаштириш томонлари ва йўналишлари асослаб берилган.

22. Тадқиқотда трансакция харажатларини тартибга солиш имкониятларини аниқлаш учун уларнинг узоқ давом этиши, хусусияти ва фаолият соҳаси, шакли ва пайдо бўлишининг мунтазамлигини ҳисобга олувчи белгилар бўйича кенгайтирилган таснифи таклиф этилди. Мақсадли йўналишларига қараб трансакция харажатлари таркибида уларнинг камайтирилиши, ўзгаришсиз қолдирилиши ва имкон қадар мақбуллаштирилиши (оптималлаштирилиши) лозим бўлган турларини ажратиш таклиф этилади.

23. Бозор субъектлари ўзаро ҳамкорлигининг ўзгарувчанлиги шароитида қуйидаги тамоиллардан келиб чиқиб “таъминот - маҳсулот ишлаб чиқариш – сотиш” тизимида уйғунлаштиришга йўналтирилган трансакция харажатларини бошқариш концепциясига ўтиш, яъни мақсадли йўналишлар, ўлчашнинг кўплиги, трансакция харажатларини тартибга солиш, назорат қилиш ва ҳисобга олиш имкониятлари, ортиқча трансакция харажатларининг олдини олиш учун ходимларни мотивациялаш зарурлиги асосланди. Трансакция харажатларини таъсир этиш матрицасидан фойдаланилган ҳолда гуруҳлар бўйича асосли тарзда тақсимлаш таклиф этилади.

24. Бажарилган тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган концепциядан мулк ҳуқуқи ва бизнес-жараёнлар бўйича трансакция харажатларини камайтириш, корхона ичидаги “фойдасиз” ҳамкорлар сонини қисқартириш, маркетинг фаоллигини ошириш, корхона сотувлари ҳажмини ва фойдасини кўпайтириш учун шерикларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2010.-40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси.-Т.: "Адолат", 1999.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, №425-ХП. Қабул қилинган сана 19.11.1991, кучга кириш санаси 19.12.1991.

4. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 29 август.

5. Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 25 май.

6. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 11 декабрь.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Экспорт назорати тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил 26 август.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни №ЎРҚ-295 Қабул қилинган сана 13.09.2011, кучга кириш санаси 14.09.2011.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори. 2005 йил 15 июнь.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги “2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1048-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4354-сон Фармони. 2011 йил 24 август.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2012 йил 18 июль.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1604-сон Қарори. 2011 йил 25 август.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2011 йил 7 сентябрь.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда хусусий мулк улуши ва аҳамиятини ошириш чоралари тўғрисида” ги қарори № ПҚ-2340, 27.04.2015 й.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357-сон қарори, 2003 йил 20 август.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 28.11.2002 й. N 415.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон қарори).

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” ги 279-сон қарори, 10.06.2014 й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. - 269 б.

21. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: Ўзбекистон. 2005.

22. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. / Халқ сўзи. 2009 йил 9 февраль.

23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009.

24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маъруза. / Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

26. Каримов И.А. 2012 йил – Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маъруза. / Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

27. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи. 19 январь 2013 йил.

28. Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи. 18 январь 2014 йил.

29. Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь 2015 йил.

30. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.// Халқ сўзи, 18.01.2016.

V. Махсус адабиётлар

31. Алчиян А. , Демец Г. Производство, стоимость информации и экономическая организация // Вехи экономического мысли . Вып. 5. Теория отраслевых рынков. СПб: Экономическая школа, 2003.

32. Асташова Е.А. Организационно – экономические основы управление транзакционными издержками в АПК (на материалах Омской области) / Автореферет на соискание уч.ст. канд.эк.наук. – Новосибирск: Новосибирской государственной аграрный университет, 2006. – 20 б.

33. Baybulatova V. “Ample Prospects for Private Business”, Uzbekistan Today, press service Tashkent.

34. Барсукова С.Ю. Транзакционные издержки вхождения на рынок предприятий малого бизнеса // Проблемы прогнозирования.- 2000.- № 1.

35. Балацкий Е.В. Конкуренция и приватизационный цикл: взаимное влияние и механизм сопряжения / Е.В. Балацкий, Н.А. Екимова [Электронный ресурс]. — URL: <http://www.kapital-rus.ru/index.php/articles/article/175799>.

36. Батенин К.В. Об эффективности предприятий с различной формой собственности // ЭКО. – 2006. – № 2. – С. 22–30

37. Беккер Г.С. Экономический анализ и человеческое поведение. / VTHESIS, 1993, т. 1., №1, с. 24-40.
38. Бем-Баверк Е. Основы теории ценности хозяйственных благ. Л.: Прибой, 1992. -194с.
39. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: ўқув қўлланма / ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Тошкент, “Иқтисодиёт” 2-нашр, 2013. – 226 б.
40. Беркинов Б.Б. ва бошқалар. Институционал иқтисодиёт: амалиёт учун ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2011. – 238-б.
41. Борисов Е.Ф. Экономическая теория. М.: ЮРАЙТ, 2002.
42. Благова В., Каткало В.С., Славнова Д.С., Федотова Ю.В., Цытович Н.Н. – СПб.: Лениздат; CEV Press, 1996. – 702 с.
43. Булеев И.П., Шепеленко О.В. Трансакции и их роль в системе рыночных отношений //Наукові праці Донецького національного технічного університету. Серія: економічна. Випуск 31-1(117). Донецьк, ДонНТУ, 2007. – С.142-146.
44. Валижонов А.Р. Хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва ривожланишни тартибга солиш. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2012, 172 бет.
45. Волостнов Н.С. Трансакционные издержки в деятельности государственных предприятий: виды и средства минимизации / Н.С. Волостнов, З.М. Ларичева // Менеджмент в России и за рубежом. — 2005. — № 3. — С. 70-79.
46. Грачевой М.В. Риск-анализ инвестиционного проекта / Под ред. М.:ЮНИТИ–ДАНА, 2001.
47. Дементьев В.В. Институты и поведение: социальный подход//Научные труды Дон-НТУ. Серия: экономическая. Вып. 89-1. Донецк. –2005. – С. 5-19.
48. Дементьев В.В. Институты, поведение, власть // Постсоветский институционализм / Под ред. Р.М. Р.М. Нуреева, В.В. Дементьева. – Донецк: «Каштан», 2005. – С. 102-125.
49. Добрынина А.И., Тарасевич Л.С. Экономическая теория. М.: 2001.
50. Дианова Е.М. Электронное правительства как механизм воздействия на трансакционные издержки в государственном секторе / Информационное сообщество, 2002. вып. Ч, С. 34 – 41.
51. Камаев В.Д. Экономическая теория. Москва ЮНИТИ, 2002.
52. Капелюшников Р.И. Экономическая теория прав собственности. – М.: ИММО, 1998. – С. 320.
53. Кокорев В. Институциональные преобразования в современной России: анализ динамики трансакционных издержек // Вопросы экономики. - 1996.- № 12.
54. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. Экс пресс-курс. 2-е изд. /Пер. с англ.под ред. С.Г. Божук. –СПб.: Питер, 2006. -464 с.
55. Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: «Дело ЛТД», 1993. – 8-9 с.

56. Крикавский С.В. Инновационный потенциал логистического мышления// Украина та и региони на шляху до інноваційного суспільства/ концептуальні доповіді VII Міжнародної науково-практичної конференції. – Донецьк, 31 жовтня – 1 листопада 2006 р.: «Юго-Восток ЛТД», 2006, С. 55-74.
57. Лафта Дж. К. Эффективность менеджмента организации. – М.: Русская деловая литература, 1999. – 320 с.
58. Малахов С. Трансакционные издержки в российской экономике // Вопросы экономики - 1997.- № 7, стр. 25.
59. Менар К. Экономика организаций. – М.: Инфра-М, 1996.
60. Милгром П., Робертс Дж. Экономика, организация и менеджмент. СПб.: Экономическая школа, 1999. Т. 1.
61. Митрошенков О.А. Эффективные переговоры. Практическое пособие для деловых людей. – М., 2000.
62. Московский А. Институционализм: теория, основа принятия решений, метод критики // Вопросы экономики. – 2009. –№ 3. –С.110-125.
63. Набиходжаев А. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тиричилик тенденциялари ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида қўрилаётган чоралар” мавзусидаги маъруза-слайд маълумотлари. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, 20 декабрь 2012 й.
64. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики / Пер. с англ. М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997. –С. 180-197.
65. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебник / Под общ. ред. А. Олейника. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 71 с.
66. Радаев В.В. Новый институциональный подход и деформализация правил экономики: АПрепринт WP1/2001/1. //М.: ГУ – ВШЭ. – 2001, с. 39-49.
67. Сарайкин А.В. Трансакционный анализ деятельности машиностроительных корпораций: // Машиностроитель. - 2006.-№ 7. - С.2-6.
68. Современные очертания институциональной экономики / Р.М. Нижегородцев [и др.]; под ред. Р.М. Нижегородцева. Гомель: ЦИИР, 2009. 261 с.
69. Тарасенко О.В. Факторы, которые влияют на уровень трансакционных издержек//Наукові праці Донецького національного технічного університету. Серія: економічна. Випуск 31-1(117). Донецьк, ДонНТУ, 2007. – С 120-125.
70. Уильямсон. О. Экономические институты капитализма. Фирмы, рынки, «отношенческая контрактация» - СПб., 1996. - С. 71.
71. Уильямсон О.И. Экономические институты капитализма: Фирмы, рынки, «отношенческая контрактация». – СПб.: Лениздат, CEV Press, 1996. – 702 с.
72. Уильямсон О.И. Экономические институты капитализма: фирмы, рынки, «отношенческая контрактация». – СПб.: Лениздат, CEV Press, 1966, с. 640-641.

73. Филатова Н. Г. Институциональные аспекты экономической реализации форм собственности / Н.Г. Филатова // Современные модели исследования социально-экономических процессов: Теория и практика: Материалы международной научно-практической конференции / отв. ред. Л. А. Тягунова. – Саратов: Издательство «Научная книга», 2009. – С.330-336.
74. Фуруботи Э.Г., Рихтер Р. Институты и экономическая теория: Достижения новой институциональной экономической теории: пер. с англ. / под ред. В.С. Каткало; Н.П. Дроздовой. – СПб.: Питер, 2005. – С. 90–91.
75. Ходиев Б., Беркинов Б. Корпоратив бошқарув. –Т.: ТДИУ, 2011. – 29-32 с.
76. Цыренов А.Р., Сактоев В.Е., Цыренова Е.Д. Механизм государственного воздействия на формирование институциональной среды экономики региона. – Улан-Удэ: Изд-во ВСГТУ, 2004. - 232 с.
77. Шаститко А. Новая институциональная экономическая теория - М.: ТЕИС, 2002. - С. 36.
78. Шаститко А.Е. Экономическая теория институтов. – М.: ТЕИС, 1997.
79. Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси” (Маъруза матнлари). Тошкент, 2007.
80. Экономика. Университетский курс: Учебное пособие / П.С. Лемещенко, И.А. Лаврухина, Н.А. Мельникова, И.А. Руденков и др.; Под ред. П.С. Лемещенко, С.В. Лукина. - Мн.: Книжный Дом, 2007.
81. Эльстер Ю. Социальные нормы и экономическая теория. – М.: TESIS, 1993, Т.1, вып.3.
82. Эрроу К. Возможности и пределы рынка как механизм распределения ресурсов. - TESIS, Весна, 1993.
83. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот Хизмати. 1996-2003 InfoCentre OPRUz. Tashkent.
84. Barzel Y. Measurement costs and the organization of markets. – «Journal of Law and Economics», 1982, v. 25, N1.
85. Becker L.S. Property rights: philosophical foundations. – Cambridge, 1977.
86. Commons J.R. Institutional Economics (Институциональная экономика) // American Ekonomik Review. 1931. V. 21. P. 652.
87. Dalman C.J.? The problem of externality, Jorhaul of Law and Economics, 1979, p. 141-162/
88. Demsets H., Lehn K. The Structure of Corporate Ownership: Causes and Consequences // Journal of Political Economy, 1985.
89. Eggertsson T. Economic behavior and institutions. - N.Y.: Cambridge University Press, 1990. p.15.
90. Newby R. & Smith M. (2003) “A comparison of the impact of franchising on return and risk for two Australian industries” Blackwell Publishing Ltd.
91. North D. Institutional Change: A Framework of Analysis / D. Braybrooke (ed.) // Social Rules: Origin; Character; Logic; Change. Boulder, CO : Westview Press.1998. P. 189

92. “International franchising resource guide” Compiled by Nancy Womack IFA Director of International Affairs and Information Services.
93. Temirova M. “Soaring Activity in Financial Markets”, Uzbekistan Today? press service Tashkent.
94. Posner R. A. Economic analysis of law. -- Boston, 1972.
95. Rosa J.-J. When to privatize? When to nationalize? A competition for ownership approach / J.-J. Rosa, E. Pérard // Kyklos. – 2010. – Volume 63, Issue 1. – P. 110-132.
96. Rodric D. Understanding Economic Policy Reform // Journal of Economic Literature, v. XXXIV (March 1996), pp. 9-41.
97. Stigler G. The Economics of Information// The Journal of Political Economy. – 1961. –V.69. №3,- pp 213-225.
98. Williamson O. Transaction-cost Economics: The governance relations. Journal of Law and Economics. 1979, 22(2): 285.
99. Wallis J.J., North D.C. Measuring the Transaction Sector in the American Economic Growth. Ed. by Engerman S. Chicago, 1987.

VI. Илмий мақолалар

94. Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Дж. Трансакция харажатлари ва уларни оптималлаштириш йўллари. “Биржа эксперт” журнали. – Тошкент, №4, апрель 2012 йил.
95. Эргашходжаева Ш.Ж., Маматова Ф.Х. Тадбиркорлик фаолиятида трансакция харажатлари ва уларни камайтириш йўллари. “Биржа эксперт” журнали. – Тошкент, №9, сентябрь 2012 йил.
96. Маматова Ф.Х., Шарипов И.Б. Кичик бизнес соҳасида трансакция харажатларини оптималлаштириш. “Частная собственность” газетаси, №36. 2012 йил 7 сентябрь.
97. Неделькина Н.И. Трансакционные изделки договорных отношений. – Ташкент : «Частная собственность» еженедельная газета. №10. 6.03.2015 г.
98. Неделькина Н.И. Учёт трансакционных издержек при составление договоров по передачи прав собственности на активы. Республика илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2014 йил 8 ноябрь.
99. Эргашходжаева Ш.Дж., Маматова Ф.Х. Ўзбекистон иқтисодиётида кичик тадбиркорлик соҳасида трансакция харажатларини камайтириш йўналишлари. “Биржа-Expert” журнали. – Тошкент, №8, август.
100. Маматова Ф.Х. Иқтисодий ҳамкорлик харажатлари ва уларни камайтириш йўллари. “Образование и воспитание молодежи – фундамент благополучия и процветания жизни” материалы научно-практического конференции (X часть). – Т.: МГУ имени М.В.Ломоносова, 16-17 апреля 2013 года.
101. Эргашходжаева Ш. Дж. Ташматов Р.Х. Мулк ҳуқуқи алмашинуви трансакция шартномалари мониторингини ташкил этиш ва юриштилинг илмий-услубий жихатлари. “Биржа-эксперт” журнали. – Тошкент, 2016. - № 2.

102. Беркинов Б.Б. Ташматов Р.Х. Шартнома институтининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва институционал нормалари “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. – Тошкент, 2016. № 2.

103. Беркинов Б.Б. Маматова Ф.Х. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши ва уларнинг трансакция харажатларини камайтириш чоралари. “Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, “Fan va texnologiya” I-қисм. 249-255 бетлар.

104. Эргашходжаева Ш. Дж. Неделькина Н.И. Механизмы и формы осуществления трансакций обмена правами собственности на активы. “Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, “Fan va texnologiya” II -қисм. 34-38 бетлар.

105. Эргашходжаева Ш. Дж. Ташматов Р.Х. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида трансакция харажатларини муқобиллаштириш зарурияти. “Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, “Fan va texnologiya” II -қисм. 456-459 бетлар.

106. Алмуродов А. ва б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги ўрни. “Аёл-манавият гулшани” VIII-Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 1-қисм Жиззах, 2016 йил, 13-14 май, 72-75 бетлар.

107. Эргашходжаева Ш.Дж., Маматова Ф.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ташқи самара муаммоси. “Ўзбекистон жанубида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг муаммолари ва истикболлари” мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами. Қарши ш., ҚарМИ, 29-30.03.2013 й.

108. Беркинов Б.Б., Абдужабборов С.Б. Корхонада харажатларни камайтиришнинг муқобил йўллари. ТДИУ, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. №2,2014. 421 кв.

109. Ярмолик Е.А. Влияние реформирования прав собственности на величину трансформационных издержек. ТДИУ, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. <http://www/tdiu/uz/issues/scientific-journal.aspx>, 2014. № 2.

VII. Статистик манбалар

110. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг 2005-2011 йиллар бўйича тузилган иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлари.

111. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “2005-2010 йиллар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик тўпламлари.

112. Экономика Узбекистана: аналитический обзор за 2005, 2006, 2007, 2008, 2009, 2010, 2011, 2012, 2013, 2014, 2015 годы. – Ташкент: 2006, 2007, 2008, 2009, 2010, 2011, 2012, 2013, 2014, 2015, 2016.

113. Набиходжаев А. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожининг асосий тенденциялари ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида кўрилаётган чоралар” мавзусидаги маъруза-слайд маълумотлари. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, 20 декабрь 2012 й.

114. “Қарши ёғ-экстракция” ОАЖ устави, 2010 йил 13 ноябрь.

115. “Қарши ёғ-экстракция” ОАЖнинг 2013 йил якунида молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг истиқболга нисбатан бажарилиши ҳақида қисқача ҳисобот.

116. “Қарши ёғ-экстракция” ОАЖнинг 2012 йил учун молиявий ҳисоботи.

117. “Қарши ёғ-экстракция” ОАЖ Қишлоқ хўжалик бўлимининг 2012 йиллик ҳисоботи.

VIII. Интернет сайтлари

118. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.

119. <http://gki.uz/ru/about-committee/day-to-day-activity-/8607--i-2013> – ЎзР Давлат рақобат қўмитасининг расмий сайти.

120. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

121. <http://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси расмий сайти.

122. <http://2004.press-service.uz>

123. <http://www.cbu.uz/uzc/node/42573> - 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

124. www.wikipedia.org

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	3
1-БОБ. ТРАНСАКЦИЯЛАР ВА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ЁНДАШУВЛАР	6
1.1. Трансакциялар тушунчаси моҳияти ва унинг турлари.....	6
1.2. Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга Коуз – Уильямсон ёндашуви.....	14
1.3. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви.....	26
2-БОБ. Трансакция харажатларини ўзгариб туриши муаммоси ва уларни камайтиришнинг концептуал асослари	30
2.1 Ахборот етишмаслиги ва унинг очик эмаслиги – харажатлар кўпайишининг манбаи.....	30
2.2 Коуз теоремаси ва трансакция харажатларини таҳлил қилиш ва оптималлаштириш усуллари.....	35
2.3 Корхонада трансакция харажатларини камайтириш ва оптималлаштиришнинг муқобил йўналишлари.....	44
2.4 Йирик корхона фаолиятидаги трансакция харажатлари турлари.	52
3-БОБ. КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	61
3.1.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланиши тенденциялари.....	61
3.2.Кичик тадбиркорлик фаолияти трансакция харажатларини камайтириш йўллари.....	66
3.3.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши ва трансакция харажатлари таркибини такомиллаштириш йўналишлари.....	75
4-БОБ. АГРАР СОҲАДА ТРАНСАКЦИЯЛАР ВА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ТАСНИФИ	82
4.1. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларда трансакция харажатлари турлари.....	82
4.2. Қишлоқ хўжалигида трансакция харажатларининг таснифлари ва уларни бошқариш муаммолари.....	86
4.3 Фермер хўжаликларида трансакция харажатларини ўлчаш ва уларнинг умумий харажатлар таркибидаги ўрнини баҳолаш.....	91
5-БОБ. МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ АЛМАШИШИ ЖАРАЁНИДА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	104

5.1 Мулк ҳуқуқи алмашишида трансакция харажатлари.....	104
5.2. Давлат активларига бўлган мулк ҳуқуқлари алмашинуви бўйича трансакцияни амалга ошириш механизмлари ва шакллари.....	115
5.3. Акцияларга бўлган мулк ҳуқуқи трансакцияси иштирокчилари ва уларнинг трансакция харажатлари.....	126
5.4. Мулк ҳуқуқлари алмашинуви жараёнида трансакция харажатларини камайтириш ва оптималлаштириш йўналишлари.....	135
6-БОБ. МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ АЛМАШИШИ ЖАРАЁНИДА ИҚТИСОДИЙ АГЕНТЛАР ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	140
6.1. Мулк ҳуқуқини алмашиши жараёнида давлат, бизнес ва жамиятнинг трансакция харажатларини аниқлашнинг илмий-назарий асослари.....	140
6.2. Давлат активларини бошқа шахсларга ўтказиш жараёни шартномаларини тузишда трансакция харажатлари.....	145
6.3. Иқтисодий агентларнинг эгоистик хатти-ҳаракатларидан ҳимояланишдаги трансакция харажатлари.....	155
6.4 Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнидаги трансформация харажатларининг таҳлили.....	158
7-БОБ. ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ШАРТНОМАЛАР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	168
7.1. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий концепцияси.....	168
7.2 Шартнома институтининг моҳияти ва унинг институционал нормалари.....	180
7.3 Мулк ҳуқуқи алмашинуви шартномалари мониторингини ташкил этиш ва юритишнинг илмий – услубий жиҳатлари.....	186
ХУЛОСА.....	194
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	198
ГЛОССАРИЙ.....	209

ГЛОССАРИЙ

Бизнес – бу фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятнинг исталган тури бўлиб, бу фаолиятда ўз капитални қўшиш билан билвосита иштирок этишдир.

Жисмоний шахслар – давлат активини ёки объектни бутунлай тўлиқ мулкка ёхуд фойдаланиш (ижара) ҳуқуқларида қўлга киритишлари мумкин бўлган иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилган субъектлар.

Кичик бизнес – яқка тадбиркорлик, микрофирма ва кичик корхоналардан иборат учта тузилмани ўз ичига олувчи хўжалик субъектларининг амалдаги қонунчилик доирасида фойда олиш мақсадидаги иқтисодий фаолиятидир.

Коуз теоремаси: агар мулк ҳуқуқи аниқ тафсилланган бўлса, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларининг чегаралари аниқ белгиланган бўлса ва ижро этилса, у ҳолда томонлар ўртасидаги ушбу мулкдан фойдаланишдан етказилган зарарлар бўйича ихтилофли масалани учинчи томон (давлат)ни жалб этмаган ҳолда ҳал этиш мумкин, чунки мазкур ҳолатда трансакция харажатлари кам бўлади.

Коуз теоремаси (Ж. Стиглер томонидан ифодаланган): мукамал рақобат шароитида хусусий ва ижтимоий харажатлар тенг бўлади.

Коуз теоремаси (Т. Эгертссон томонидан ифодаланган): агар трансакция харажатлари катта бўлмаса, у ҳолда иқтисодиёт, ундаги мавжуд сиёсий ва бошқа институтлар тўпламидан қатъи назар, оптимал траектория бўйича ривожланади.

Мулкдор – моддий ва интеллектуал мулк объектларига эга, уларни тасарруф этиш ва улардан ўз хоҳишига қаратиб, шу жумладан даромад олиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга жисмоний шахсдир.

Мулкчилик ҳуқуқлари – бу муайян ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ва бунда юзага келадиган харажатлар ва фойдани тақсимлаш ҳуқуқи.

Мулкчилик муносабатларини амалга ошириш трансакцияси – бу давлат мулки объектга бўлган иқтисодий ва юридик ҳуқуқларни ўтказиш ва ундан фойдаланишдан келадиган даромадни олиш борасидаги муносабатлар ҳисобланади.

Муқобил вариантлар – бу иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги чекланган неъматлар борасидаги ўзаро ҳамкорликка воситачилик қилувчи қоидаларнинг тизимли ёпиқ (бўлинмас, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи) тўпламлари йиғиндиси ҳисобланади.

Оппортунистик хатти-ҳаракатлар – ўз эгаистик манфаатига эришиш учун алдаш, ёлғон, ўғирлик ва бошқа қабихликларни амалга ошириш.

Тадбиркорлик – бу бозорга янги ғоя, маҳсулот ва хизматлар билан кириб боровчи ишбилармон шахсларнинг ўз ва жалб килинган моддий-молиявий маблағларини таваккал қилиб, ундан самарали фойдаланган ҳолда ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор мустақил фаолиятидир.

Тадбиркорлик – кишилар (мулкчилик субъектлари)нинг моддий ва пул маблағларини (капитални) амалда хўжалик айланишига тушириб, даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир.

Тадбиркорлик – кийматга эга бўлган янги нарсани яратиш жараёни бўлиб, тадбиркор эса ўзининг бор кучи, вақтини шу жараёнга сарфловчи, бунда таваккалчиликни зиммасига олувчи кишидир.

Ташқи таъсирлар (экстерналийлар) – нархда ўз аксини топмаган қўшимча харажатлар ёки фойдалар. Ижобий ташқи таъсирлар бир иқтисодий субъект фаолияти бошқа субъектлар учун қўшимча фойдаларнинг пайдо бўлишига олиб келган ҳолларда юзага келади, бунда у ишлаб чиқарилаётган неъматнинг нархларида ўз аксини топмайди. Салбий ташқи таъсирлар бир иқтисодий субъект фаолияти бошқа субъектлар учун қўшимча харажатларни келтириб чиқарган ҳолларда юзага келади.

Трансакция – томонларнинг ўзаро ҳаракати туфайли юзага келадиган шартнома шаклига эга бўлган битим.

Трансакция – бу товарларни ўзаро алмашиш эмас, балки жамият томонидан яратилган мулкчилик ҳуқуқлари ва эркинликлардан ўзгалар фойдасига воз кечиш ва уларни ўзлаштириш ҳисобланади.

Трансакция – бу иқтисодий жараён ҳисобланади, ушбу жараёнда унда иштирок этувчи томонлар муайян иқтисодий мақомга (мулкдор, фойдаланувчи мақоми ва ҳ.к.) эга бўлишади ёки бошқалар ундан воз кечади.

Савдо битими трансакцияси – мулкий ҳуқуқ ва эркинликларни тасарруфидан чиқариш ва ўзлаштириш жараёнини амалга оширишга хизмат қилади ва унинг амал қилиши учун иқтисодий манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда икки томоннинг розилиги керак бўлади.

Бошқарув трансакцияси – бунда асосий тушунча одамлар орасида бўладиган бошқарув муносабатлари бўлиб, ушбу ҳолатда қарор қабул қилиш ҳуқуқи фақат бир томонда бўлади.

Мукаммаллаштириш трансакцияси – бунда томонлар ҳуқуқларининг номуносивблиги кузатилади, бироқ бошқарувчи томон ўрнида ҳуқуқлар таснифини амалга оширувчи жамоа бошқарув органи иштирок этади. Бундай трансакциялар орқали иқтисодий агентлар орасида бойлик қайта тақсимланади.

Трансакция харажатлари – ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, хусусан, ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш харажатлари, мунозараларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш харажатлари, шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳуқуқий ҳимоялаш харажатлари.

Трансакция харажатлари – мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ барча харажатлар.

Ахборотни излаб топиш харажатлари – имкониятли шерик ҳақидаги, бозордаги вазият ҳақидаги ахборотни излаб топиш харажатлари, шунингдек, қўлга киритиладиган тўлиқсиз ва номукамал ахборот билан боғлиқ йўқотишларни ўз ичига олади.

Музокаралар олиб бориш харажатлари – алмашув шартлари, битим шаклини танлаш ҳақида мулоқотлар олиб бориш харажатларини ўз ичига олади.

Миқдор ва сифатни ўлчаш харажатлари – битим предмети бўлган товар ва хизматлар миқдори ва сифатини ўлчаш учун зарур харажатлар.

Шартнома тузиш харажатлари – битимни юридик ёки норасмий тузиш харажатлари.

Мониторинг ва оппортунизмнинг олдини олиш харажатлари – битим шартларига риоя этилишини назорат қилиш ва ушбу шартларни бажаришдан бош тортишнинг олдини олиш харажатлари.

Тафсирлаш ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш харажатлари – судлар, ҳакамлар харажатлари; шартномани бажариш жараёнида бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун зарур бўлган вақт ва ресурслар сарфлари, шунингдек, мулкчилик ҳуқуқларининг яхши тафсирланмаган ва ишончсиз ҳимоядан кўрилган йўқотишлар.

Учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари – учинчи шахслар (давлат, уюшган жиноятчилик ва ҳ.к.)нинг битим натижасида олинадиган фойдали самара қисмига эътирозларидан ҳимоялаш харажатлари.

Трансформация харажатлари – иқтисодий тизимдаги эски институтларни тугатиш, янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан боғлиқ харажатлар.

Фьючерс битимлар – келгуси давр учун маълум товарни белгиланган миқдорда жорий нархларда сотиш ёки сотиб олиш шартларини ўзида акс эттирувчи шартнома тури.

Харажатлар – белгиланган давр мобайнида бирор бир мақсадга эришиш йўлида сарф этиладиган ресурслар (асосан, пул кўринишидаги) ҳажми.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хуфиёна иқтисодиёт – унда иқтисодий фаолият қонун доирасидан ташқарида амалга ошириладиган, яъни битимлар қонундан, хўжалик турмушининг ҳуқуқий меъёрлари ва расмана қоидаларидан фойдаланилмаган ҳолда амалга ошириладиган соҳа. Хуфиёна иқтисодиёт қуйидаги уч унсурдан таркиб топади:

Норасмий иқтисодиёт – иқтисодий фаолиятнинг ошкора турлари, унда харажатларни пасайтириш мақсадида товар ва хизматларнинг қайд этилмаган тарзда ишлаб чиқарилиши ўрин тутди (таъкидлаш лозимки, давлатдан яшириладиган барча фаолият турлари ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиниши мумкин эмас ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муқобил механизмлари қўлланилишини талаб этади).

Сохта иқтисодиёт – кўшиб ёзишлар, чайқовчилик битимлари, порахўрлик ва пулни олиш ҳамда бериш билан боғлиқ ҳар хил товламачилик ҳаракатлари иқтисодиёти.

Криминал иқтисодиёт – қонуннинг (биринчи навбатда – Жиноий ва Фуқаролик кодексларининг) тўғридан-тўғри бузилиши ва мулкчиликнинг қонуний ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Хуфиёна иқтисодиёт – у учун одатий хўжалик фаолиятини юритишда мавжуд қонунларга амал қилиш харажатлари (трансакция харажатлари) ўз мақсадларига эришишдан кўриладиган фойдадан юқори бўлган инсонлар учун паноҳ.

Шартнома – белгаланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлови натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув.

Сотилиш тўғрисидаги шартнома – бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга ошириладиган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

Ёллаш тўғрисидаги шартнома – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув. Бунда хатарга қарши шахс хатарга бетараф бўлган шахсга ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини топширади.